

**Э.А.Шамансурова, А.А.Тиллабаева,
Л.Б.Сайдова, Г.Г.Махкамова,
М.А.Хұжамбердиев**



ОИЛА ТИББИЁТИДА ҲАМШИРАЛИК ИШИ

**Э.А.Шамансурова, А.А.Тиллабаева,
Л.Б.Сайдова, Г.Г.Махкамова,
М.А.Хўжамбердиев**

ОИЛА ТИББИЁТИДА ҲАМШИРАЛИК ИШИ

**YOSHLAR NASHRIYOT UYI
ТОШКЕНТ – 2020**

Оила тиббиётида ҳамширалик иши / Э.А.Шамансурова, А.А.Тилла-баева, Л.Б.Саидова, Г.Г.Махкамова, М.А.Хўжамбердиев. - Тошкент: Yoshlar nashriyot uyi, 2020. - 304 b.

Ушбу дарслик билим соҳаси – 5510700 Олий ҳамширалик иши, таълим соҳаси – 510000-Соғлиқни сақлаш –тиббиёт олий ўкув юртларида таълим олувчи Олий ҳамширалик иши факультети 2-боскич талабалари учун мўлжалланган бўлиб, исботланган тиббиёт асосида катта ёшдаги беморлар ва болалар орасида учрайдиган турли касалликларни оила шароитида даволаш, профилактика қилиш ҳамда беморларни парвариш қилиш стандартлари ва усулларини ўз ичига олган.

Дарслик 311 бетдан иборат бўлиб, куйидаги бобларни ўз ичига олган: оила тиббиётида ҳамширалик иши фани, соғлиқни сақлаш тизимида санитар оқартирув ишларини ташкил қилиш ва олиб борища ҳамширалик ёндошуви, ўсмирларга тиббий – ижтимоий ва руҳий ёндошувда оила ҳамширасининг вазифалари, кекса ва қари ёшдаги беморларни парваришлаш тамойиллари, соғлом кекса ва қари инсонларнинг овқатланиш тамойиллари, ногиронликда ҳамширалик парвариши, соғлом турмуш тарзини асосий йўналишлари, хавф омиллари ва уларга қарши курашиш, оила тиббиёти ҳамширасининг оиласида аёллар билан ишлаш тартиби, уйда тиббий хизмат кўрсатиш ва парваришлашнинг принциплари, бирламчи тиббиёт тизимида патронаж хизмати ва бошқа мавзулар.

УЎК 616-083(075.8)

КБК 53.5ya73

© А.А.Тилла-баева, Л.Б.Саидова,
Г.Г.Махкамова, М.А.Хўжамбердиев

© YOSHLAR NASHRIYOT UYI,

2020

КИРИШ

Оила тиббиётида ҳамширалик иши фани ўзига хос академик йўналиш бўлиб, аҳолига бирламчи, узлуксиз ва ҳар томонлама тиббий ёрдамни амалга оширади. Оилавий тиббиёт ҳамширасининг асосий вазифаси аҳолига бирламчи тиббий – санитария ёрдами кўрсатишdir. Оилавий тиббиёт ҳамшираси ўз беморларини яхши билган ҳолда улардаги бошқа мутахассислар билмайдиган, аҳамият бермайдиган ўзгаришларни пайқаб оладилар. Шунинг учун ҳам бутун дунёда оила тиббиёти учун приоритет белгиланган. Оилавий тиббиёт – факат бемор тўғрисида қайгуриб қолмасдан, балки унинг бутун оиласи соглиги тўғрисида ҳам ғамхўрлик қиласидиган ягона соҳадир. Оилавий тиббиёт беморларга «туғулгундан то кексалик даврига қадар», шу жумладан оиланинг барча аъзоларига баравар тиббий, руҳий, ижтимоий ёрдам кўрсатади.

Оила тиббиётида ҳамширалик иши фанининг вазифаси – бакалавр ҳамшираларга оилавий тиббиётнинг аввалги типдаги тиббий ёрдам кўрсатиш вариантиларидан афзаллигини, асосий позицияларида кўрсатиб беришdir. Жумладан оила шифокори, оила тиббиёт ҳамшираси соглом турмуш тарзи стереотипларига йўналтирилган педагоглик ва шифокорлик санъатини ўзида мужассам қилиши, ўткир касалликларни даволашдан – сурункали касалликларнинг тўлиқ ремиссиясига эришишдан моддий ва маънавий манфаатдор бўлган, оила соглигининг ҳимоячилари эканликларини, ўзларига бириктирилган оила аъзоларининг янги касалликларини аниқлашда маслаҳатчиларга нисбатан яхши мутахассис бўлиб етишишда ёрдам беришdir.

Республикамиз Соглиқни сақлаш тизимига оилавий тиббиётнинг кириб келиши позитив ҳолат бўлиб ҳисобланади. Чунки оилавий ҳамшира элнинг, ҳалқнинг, маҳалланинг урф – одатларини яхши билади. Оила тиббиётида ҳамширалик иши фани бакалавр ҳамшираларга тиббий ёрдамнинг узлуксизлигини, ҳар томонлама ёндошувни, муаммоларнинг бир бутунлигини, тиббий ёрдамнинг юкори сифатли бўлишини ўргатади. Беморнинг касалхона ёки туғрукхонадан уйга жавоб берилгандан кейин тиббий ёрдам кўрсатиш жуда ҳам муҳим. Оила ҳамшираси, касалхона билан амбулатория ўртасидаги боғловчи ҳалка сифатида хизмат килади.

AXBOROT RESURS MARKAZI

№ 606/2

І БОБ. ОИЛА ТИББИЁТИДА ҲАМШИРАЛИК ИШИ ФАНИ

- 1.1. Оила тиббиётининг ривожланиши тарихи**
- 1.2. Оилавий тиббиётининг асосий тамошлари**
- 1.3. Олмаота декларацияси**
- 1.4. Ўзбекистонда бирламчи тиббий ёрдамни ривожлантириши ва ислоҳ қилишининг умумий тамошлари.**

1.1.Оила тиббиётининг ривожланиши тарихи

Оила тиббиёти тиббиёт амалиёти тарихида ўз илдизларига эга бўлиши билан бир қаторда бу соҳада жуда кўп анъаналар ва замонавий илмий ишланмалар ҳам мавжуд. АҚШда, 20-асрнинг ўрталарига қадар деярли барча шифокорлар умумий амалиёт билан шуғулланишган, яъни улар касалликнинг ўзига хос хусусиятларига, беморнинг жинсига қараб, чеклашларсиз барча касалликларни даволашган. Худди шундай ҳолат XIX аср ва XX аср бошларига қадар Россия ва Европа мамлакатларида ҳам кузатилган. Кейинчалик, тиббиёт илмининг ривожланиши, клиник амалиётда тўпланган муайян билим ва кўнкимлар ҳамширалар ва шифокорларнинг тиббиётининг маълум бир соҳасига ихтисослашига олиб келди. Тиббиёт ходимлари фақат аёлларнинг ёки фақат болаларнинг тиббий муаммолари билан шуғуллана бошладилар ва танлаган соҳаларига ўзларининг профессионал ташкилотларини тузба бошладилар. Аввалига, бу уюшмалар ижтимоий мақсадларда ва шифокорларни ҳимоялаш мақсадларида ташкил этилган бўлсада, кейинчалик мутлақо алоҳида тиббий йўналишларга ажralиб кетишиди. XX асрнинг ўрталарига келиб, бундай уюшмаларнинг сони 24 тага етди ва АҚШ ҳамшира ва враchlари умумий амалиётдан кетиб, мутахассис сертификатларини ола бошладилар. Бу тенденция ижтимоий ва ижтисодий омиллар билан мустаҳкамланиб бор-

ди: профессионал шифокорнинг иши жамоатчилик кўзига кўпроқ нуфузлироқ кўрина бошлади, улар ўз ишларига юқорироқ ҳақ тўлашни талаб қила бошладилар. 1950 йилга келиб, АҚШ тиббиёт муассасалари битирувчиларининг 1/3 қисмидан камроғи умумий амалиёт билан шуғулланишган ва бу кўрсаткич йил сайин камая борган. Ўтган асрнинг 60-йилларига бориб, анъанавий оила шифокорининг камайиб кетиши оқибатида миллат саломатлиги учун хавф юзага келиши мумкинлиги АҚШ ҳамжамиятини жиддий ташвишига сабаб бўлди. 60-йиллар Америка Кўшма Штатлари давлат фаолиятининг турли соҳаларида, жумладан тиббиётда ҳам жамоатчиликнинг фаоллиги, ижтимоий ҳаётнинг муваффақиятларига бой давр бўлган. Кўпчилик жамоатчилик фаоллари оила шифокорини фаолиятини қайта тиклаш ва уни имтиёзларини оширишга даъват қила бошладилар. 1966 йилда, оила тиббиёти соҳасида таълим муаммолари билан шуғулланувчи қўмита (унинг расиси номи билан Виларда қўмитаси номини олган) иккита нуфузли ташкилот билан ҳамкорликда оила тиббиёти соҳасида врачлар ва ҳамширалар тайёрлаш жараёнини сифатини оширишга қаратилган маърузасини чоп этди. Шунингдек, Виларда қўмитаси АҚШ тиббиёт олий таълим муассасаларида «оила амалиёти» деб номланган янги мутахассисликни жорий этишини таклиф қилган ва унинг концепцияси ҳамда ўкув дастурини ҳам ишлаб чиқкан эди.

1947-йилда оилавий врачлар ва маҳсус тиббиёт ҳамшираларини тайёрловчи Америка умумий амалиёт Академияси тузилган эди. 60-йилларнинг бошида Америка умумий амалиёт қўмитасини тузиш жараёни бошланди ва 1969 йилда ниҳоясига етказилиган. Шундай қилиб, Кўшма Штатларда ушбу тиббиёт ихтисослиги расмий тан олинди. Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан кейин токи 60-йилларгача Европа ва Шимолий Америка давлатларида замонавий оилавий тиббиёт қандай бўлиши керак?, унинг аввалги оила доктори ва ҳамшираси мактабидан қандай фарқи бўлади? деган мавзуларда баҳс-мунозаралар давом этиб келди. Америкалик шифокорлар Линн Кармайкл ва Гэйл Стивенс, шунингдек, Европа анъанаси вакили Айан Мак-Винни ташхисот ва даволашда индивидуал ёндашувни таъминловчи оила шифокори мутахассислиги концепциясини ишлаб чиқди. Бу концепцияга мувофиқ оилавий врач ва оилавий ҳамшира беморнинг ёши, жинси ва касаллик ту-

ридан қатый назар малакали ёрдам кўрсатиши билан бир каторда керак бўлганда тор мутахассисга кўрсатиши ҳам лозим экани айтиб ўтилган. Унинг вазифаси - bemorlarга va ularning oila aъzolariiga ҳаёти давомидаги касалликларини даволаш va соғлигини асраш учун чоралар кўришдир. Bu ёндашув даволаш жараёнида шифокор ва ҳамшираларнинг ролини тубдан ўзгартиради, оила aъzolarinining саломатлиги туғилгандан токи ўлимига қадар оиласвий шифокорнинг дикқат марказида бўлади. Кармайкл, Стивенс ва Мак-Винни томонидан илгари сурилган ғоялар тиббий ҳамжамият томонидан дарҳол тан олинмади, лекин шунга қарамай, улар охир-оқибат оила шифокорлари ва ҳамшираларини тайёрлайдиган маҳсус таълим марказлари ва улар учун ўқув дастурлари тузишга муваффақ бўлдилар.

Шундай қилиб, АҚШда оиласвий тиббиёт уч омил асосида ривожланди. Улардан биринчиси - умумий амалиёт шифокорларининг Америкадаги тиббиёт ташкилотларида иштироки эди, бу эса ушбу мутахассислик ва тиббий анъаналарни сақлаб қолиш имконини берди. Иккинчиси - тиббиёт жамоат ташкилотларининг фақат оиласвий шифокор ва ҳамшираларнинг иш тамойилларини сақлаб қолишгагина эмас, балки даволашнинг янги, самарали ва bemorlarга масъулият билан ёндашадиган усусларини ривожлантиришга ҳаракат қилишганидир. Учинчи омил - оила тиббиёти фалсафасини илмий ривожлантириш, bemor, оила ва жамият ҳаётида шифокор ва ҳамшираларнинг ролини ошириш, куннинг исталган вақтида кўпчилик bemorlar учун барча турдаги тиббий ёрдам кўрсатишини қулайлигини таъминлашга йўналтирилганлигидир. 1970-йилларнинг бошида бу омилларнинг барчаси умумлаштирилиб, битта концепцияга мужассамланди ва "оиласвий амалиёт" мутахассислигини ва uning мутахассислар тайёрловчи ўқув дастурини яратишга эришдилар. Ушбу дастур асосида оила шифокорлари ва ҳамширалари тайёрланди ҳамда мустакил қўмита томонидан тегишли гувоҳнома бериш жорий этилди. Кўпгина тиббиёт мактаблари оиласвий тиббиёт курслари ёки факультетларини очди, унда янги интизом ва тегишли тартиб қоидалар асосида илмий мактаблар шаклланниб борди. Клиникаларда клиник ординатура орқали оила шифокорларини ва ҳамшираларнинг янги авлодини тайёрлаш учун амалиёт дастурлари ишлаб чиқилди. Шу тариқа

умумий амалиёт шифокори ва умумий амалиёт ҳамширалари фаолияти тўлиқ йўлга қўйилди.

Ўзбекистонда оила тиббиёти умумий амалиёт тизими орқали шаклланди. Тарихий маълумотлар мамлакатимизда оила тиббиёти нинг ривожланиши энг қадимий ва мустаҳкам илдизларга эга эканлигини тасдиқлайди. Абу Бакр ар-Розий, Абу Али ибн Сино ва шу қатори кўплаб тиббиёт мутафаккирларининг фаолияти асосини оилавий тиббиёт тамойиллари ташкил этган. Қулдорлик жамиятининг бошларидаёқ кишилар шифокорликнинг маълум қўнималарини бажаришга қодир бўлишган. Турли хилдаги турмуш жароҳатларини даволаш, янги туғилган чақалоқнинг киндигини кесиши ва боғлаш, йирингли жароҳатларни очиш каби амалиётлар шулар жумласидандир. Шу билан бир қаторда беморларни парваришига, оиласда жароҳатланиш ва унинг асоратларини олдини олишга қаратилган санитар оқартув ишларини олиб боришга эътиборларини қаратишган.

Тиббиёт муассасалари жорий этилгунга қадар беморларнинг тақдирлари табибларнинг қўлида бўлган. Табибларнинг фаолияти касалликларни даволашга қаратилаган бўлсада, айрим ҳолатларда уларнинг муолажалари касалликнинг кечишига жиҳдий заарли таъсир кўрсатган пайтлари ҳам бўлган. Тошкентда биринчи тиббий муассаса 1868 йилда очилган. У 1870 йилда ҳарбий госпиталга айлантирган ва 415 койкага эга бўлган.

Собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш тизими Иттифоқнинг режали тизимининг бир қисми сифатида фаолият юритди. Унинг асосий йўналиши Н.А. Семашконинг “Барча фуқаролар учун бир хил адекват тиббий ёрдам кўрсатиш” тамоилии асосида бўлган ва профилактик йўналишда фаолият олиб борган. Ўзбекистонда тиббиётнинг жадал ривожланиши мустақиллик йилларига тўғри келди ва замонавий илмий тиббиёт жаҳон тажрибаларига асосланган ислоҳатлар орқали амалга оширилди.

Ўзбекистонда бирламчи тиббий санитария ёрдами хизмати бирламчи бўғин тиббиёт муассасалари томонидан (КОП, ОП, ҚВП) кўрсатилади. Бола туғруқхонадан чиқарилгандан кейин патронаж ҳамшираси томонидан кўрилади, шунингдек, онасиға болани парваришлиш бўйича маслаҳатлар берилади. Болани тарбиялаш масалалари бўйича оиласдаги мавжуд муаммоларга ижтимоий кўмак зарур бўлган ҳолатларда маҳаллий ҳокимият вакиллари (маҳалла)

билин биргаликда иш олиб боришидади. Туғруқхонадан чиқарилган кундан бошлаб токи ҳаётининг сўнгги кунларига қадар фуқаро-нинг саломатлиги умумий амалиёт шифокори ва умумий амалиёт ҳамширалари назоаратида бўлади.

Мамлакатимизда оиласий тиббиётнинг татбиқ этилиши 1998 йилдан бошланди. Шу йилдан бошлаб, барча тиббиёт олий таълим муассасалари “умумий амалиёт шифокорини” тайёрлай бошладилар. Шунингдек, тор мутахассислар 10 ойлик маҳсус тайёрлов курси асосида умумий амалиёт шифокорларига қайта тайёрландилар. Тиббиёт олий таълим муассасаларида олий ҳамширалик иши йўналишлари ташкил қилинди ва “оила тиббиётида ҳамширалик иши” фани ўқитила бошланди. Оила тиббиётининг ривожланишида Ф.З. Фузайлов, А.Г. Гадаев, Н.Ж. Шарипова, Ш.З. Касимов ва Н.А. Нармуҳамедоваларнинг хизматлари катта.

1.2.Оила тиббиётининг асосий тамойиллари

Оила тиббиёти Европа мамлакатларида кенг тарқалган бўлиб, фуқаролар соғлигини сақлаш тизимида марказий ўринни эгаллайди. Оила шифокори ва ҳамшираси ўз беморларини яхши билиши, уларнинг қизиқишилари ва муаммоларини англаши ва соғлигидаги кичик ўзгаришларга ҳам эътиборли бўлиши билан аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда муҳим роль ўйнайди. Оиласий тиббиётнинг ўзига хос хусусияти оиласининг бир бўлаги бўлган беморларнинг турли ёш тоифаларида терапевтик ва профилактик ёрдамни таъминлашдир. Тиббиётнинг бошқа бирор бир бўғини аҳолига бу қадар яқиндан эътибор кўрсатмайди. Оила тиббиётининг характерли хусусияти оиласидаги турли ёщдаги аҳолига тиббий профилактик ёрдамни кўрсатишдир.

Оила тиббиётининг асосини қўйидаги тўртта тамойил ташкил этади:

- барқарорлик;
- комплекс ёндашув;
- муаммоларни синтез қилиш;
- ходимларнинг профессионаллиги.

Юқоридаги тамойиллар асосида ишни ташкил этиш турли кўринишдаги муаммоларни поликлиникаларда тез ва самарали

ҳал қилиш имконини яратади. Оилавий шифокор ва ҳамширалар касалликларни ташхислашда, даволашда ва беморларни парвариш қилишда юқори даражадаги профессионалликни намоён этишлари керак.

Мазкур соҳанинг мутахассислари соғлом турмуш тарзи тамо-йилларини пухта билиши, улар аҳоли орасида тарғибот қилишда фаоллик кўрсатиши керакки, зеро оила тиббиётининг энг муҳим вазифаси - оила саломатлигини асрар, касалликларни олдини олишига қаратилган фаолият ҳисобланади. Шунингдек, турли сурункали касалликлар тақрорланишини олдини олиш, узоқ давом этувчи касалликлар билан курашишда беморларга кўмакчи бўлишлари зарур. Ушбу мутахассислар оиласидан муддати мутахассисларни тақдирда тегишли ёрдам ва маслаҳат беришади. Умумий амалиёт шифокори ва тиббиёт ҳамшираси касалликнинг айрим белгиларини эрта ташхислаш ва таҳлил қилишда юқори малакага эга бўлиши керак.

Оилавий шифокор ва ҳамшираларнинг фаолияти гигиена, овқатланиш муаммолари, психологияк ва педагогик билимларга асосланган. Ходимлар штатлари аҳолига сифатли тиббий санитария ёрдамини кўрсатувчи етакчи мутахассислардан иборат бўлиши лозим. Оила тиббиёти хизматини ташкил этиш аҳолига кўрсатилаётган тиббий санитария ёрдамини сифатини ошириш соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш, тиббий-профилактика ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш имконини беради. Оила шифокорлари ва ҳамшираларининг функционал вазифалари беморларнинг кўплаб муаммоларига ягона ечим топишга ҳаракат қилиш, бемор муаммоларининг аниқ сабабларини аниқлаш ва унинг ечимини ҳал қилишда тегишли ҳуқуқий меъёрлар, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни инобатга олган ҳолда ҳаракат қилиш лозим бўлган мураккаб жараёндир.

Умумий амалиёт ҳамшираси, биринчи навбатда, беморнинг нимага эҳтиёжманд эканлигини аниқлаш, беморнинг физиологик, ижтимоий ва маънавий муаммоларини ечишга қаратилган бўлиши лозим. Бемор билан олиб борадиган ишларида ҳамшира майдон максадларни кўйиб, беморнинг оиласи ва дўстлари билан яқин ҳамкорлик қилиши керак. Оилавий тиббий хизматнинг ўртacha тиббиёт ходимлари бемор ва унинг оиласи билан ишлашга анча

вақт сарфлайдилар. Улар бемор ва унинг атрофидагилариға ўз соғлигини мустаҳкамлаш, касалликни олдини олиш ва тегишли парваришининг муҳимлиги ҳақида фикрни шакллантиришлари керак. Ушбу тадбир тиббий ходимларнинг муваффақиятли натижаларини таъминлайди. Айни пайтда аҳолига амбулатор-поликлиника хизмати кўрсатишнинг янги тамойиллари жорий этилмоқда. Улардан бири оиласий тиббиётiga асосланган бирламчи ёрдамни босқич-ма-босқич ташкил этишдир. Ўрнатилган асосий соғлиқни сақлаш қонунлари тўплами оилани тиббий мутахассисни мустақил танлаш имконини беради ва умумий амалиёт шифокорининг юқори даражадаги профессионаллигини таъминлайди. Оиласий шифокор ва ҳамширалар турли ёшдаги гуруҳларнинг мавжудлигига қарамасдан оилалар томонидан тайинланган тиббий ва профилактика чораларининг тегишли турларини амалга оширишлари шарт. Тиббий ходимларнинг фаолияти кўпинча уйда амалга оширилади. Одатда даҳа тиббий ҳамшираси ва умумий амалиёт ҳамширасини бир хилда тасаввур қилишади. Бироқ, оила ҳамширасининг вазифалар доираси даҳа ҳамшираларига қараганда анча кенг қамровли. Улардан бири санитария ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш ҳисобланади. Хавфсиз иммунизацияни таъминлаш оила ҳамширасининг муҳим вазифалари доирасига киради. Оила саломатлиги борасидаги оила ҳамширасининг педагогик йўналишдаги фаолиятини бемор ва унинг оила аъзоларини тиббий билимларини оширишни ўз ичига олади. Умумий амалиёт ҳамшираси болаларга ғамхўрлик қилиши, шунингдек, оиласий шифокорининг тегишли тавсияларини амалга ошириш зарур. Умумий амалиёт ҳамшираси тез тиббий ёрдамни талаб қиласиган ҳолатлар - травматик жароҳатлар, турли генезли шок ҳолатлари, ўт-кир нафас ва юрак етишмовчилигига, фавқулодда ҳолатларда биринчи ёрдамни амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиши лозим. Айни пайтда, умумий амалиёт ҳамшираларини ўқитища ташкилотчилик кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юқоридаги принципларни амалга ошириш оиласий тиббиётнинг энг муҳим принципи – унинг мустақиллигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Ҳамширалик хизмати оила тиббиёти фаолиятининг таълим даражасига боғлиқ. Тиббиёт коллежида таълим олган ҳамшира факатгина врачнинг кўрсатмаларини бажа-

ради, мустақил фаолияти чегараланган бўлади. Олий тиббий мұассасада ўқиган оила ҳамширасида мустақил эркин фаолият олиб бориш кўнкимлари янада ривожланади, ҳамшираларнинг устидан назоратни йўлга қўя олади. Шу сабабли оила ҳамширасининг олий маълумотли бўлиши мақсадга мувофиқ. Оила тиббиёти фаолияти-нинг асосий йўналиши инсон омилига, унинг атрофидагилари, оиласи ва жамоатдаги муаммоларига йўналтирилган бўлиши лозим. Умумий амалиёт ҳамшираси оила тиббиёти соҳасида ишлаш учун юқори малакали бўлиши, тиббиётнинг барча соҳаларидан (эндо-кринология, гинекология, офтальмология, ва ҳ.к.) чуқур ва ҳар томонлама маълумотга эга бўлиши зарур. Турли ёшдаги ва турли тизим касалликларига ёрдам кўрсата олиши, ҳамширалик жараёни амалга ошириши талаб этилади. Оила ҳамшираси гуманитар фанлардан ҳам хабардор бўлиши, яхши педагог бўлиши лозим.

Айни пайтда, аста-секин бирламчи тиббий ёрдам хизмати оила тиббиёти тамойилида иш олиб бормоқда. Бу эса беморнинг соғлиги учун ҳамширалар масъулиятини янада оширади. Ҳамшира учун кўйиладиган муҳим талаблардан бири - ҳамширалик иши асослари тўғрисида чуқур билимга эга бўлишдир. Оила ҳамшираси турли йўналишдаги кўнкимларни нафакат бажариши, лозим бўлгандა таҳлил қила олиши ва натижаларни бемор ҳамда унинг оила аъзоларига етказиб бера олишда муомала маданиятини ҳам пухта ўзлаштирган бўлиши лозим. Бемор билан муомала қилиш маданияти – шахслараро мулоқот қилишнинг устивор кўнкимларига асосланган ҳолда олиб борилиши, bemor (унинг оила аъзолари билан ҳам) билан мулоқотда дўстона илиқ муҳитни яратиш орқали юзага келади. Муомаланинг сифатли бўлиши пициентларда рационал овқатланиш, заарарли одатларга қарши кураш, фаол ҳаракатли турмуш тарзини шакллантиришда ва психологияк ёрдам кўрсатиш самарасини оширади ва кўплаб ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Умумий амалиёт ҳамшираси давлат тиббий муассасалари ва хусусий соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳам ишлаш имкониятига эга. Оила ҳамширасининг функционал вазифалари кўйидагиларни ўз ичига олади:

- поликлиникаларда bemorлар қабули жараёнини ташкил этиш;
- тез тиббий ёрдам талаб қиладиган муолажаларни бажариш;
- касалликларнинг ташхисотида ёрдам бериш;

- оилавий врач тавсияларини бажариш;
- оила аъзоларига психологик ва ижтимоий муамммоларига ёрдам бериш.

Тажрибали ва билимли умумий амалиёт ҳамшираси ўз вазифаларини бажаришда ижрочи сифатида эмас, балки ҳар бир қадамини ўйлаб, мулоҳаза ва мушоҳада билан ёндашиши керак. Оилавий тиббиёт соҳасида фаолият юритувчи ҳамшира “Соғлиқни сақлаш менеджери” мутахассислиги бўйича ҳам билимларга эга бўлиши лозим. Бунда оила ҳамшираси тор соҳада фаолият олиб борувчи ҳамширалар (офтальмолог, хирург, гинеколог ва б.) билимларини синтез қилади. Оила ҳамшираси электрокардиографик текшириш ўтказиш, нафас тизими аъзолари касалликларини ташхислаш (пик-флюметрия) кўникмаларини мукаммал қўллай олиши лозим. Умумий амалиёт ҳамширасининг яна бир мухим вазифаларидан бири кўриш ва эшитиш органлари фаолиятини текшириш (кўриш ўткирлиги, кўз ичи босимини ўлчаш) кўникмаларини эгаллашдир. Шунингдек, ички аъзолар касалликларида лаборатор ва инструментал текшириш натижаларини таҳлил қила олиши ҳам лозим.

Бундан ташқари, оилавий ҳамшираси физиотерапевтик даволаш, гигиеник ва терапевтик массажни билиши, ҳаётга хавф соладиган ҳолатларда фавқулодда ёрдам кўрсатиш кўникмаларига эга бўлиши керак. Масалан, умумий амалиёт ҳамшираси ҳаво йўлларининг ўтказувчанилигини тислаш, сунъий нафас бериш ва билвосита юрак массажини амалга оширишни билиши, юрак фаолияти тўхтатгандада юракни маҳсус аппарат – дефибрилляторни қўллай билиши керак.

Оилавий ҳамшира тиббий статистика масалалари бўйича малакага эга бўлиши ва замонавий компьютер технологиялари ёрдамида ўз фаолиятини амалга ошириш учун муайян кўникмаларга эга бўлиши керак.

Оилавий ҳамширанинг асосий вазифалари - беморларнинг саломатлигини асраш ва касалликларнинг олдини олишга қаратилган бўлиши лозим. Шунинг учун оилани ягона тузилма деб ҳисоблаш ҳамда унинг миллий ва ижтимоий хусусиятларини, шунингдек, аъзолари ўргасидаги руҳий алоқаларни ҳисобга олиш керак. Оилавий ҳамширалар bemorlarning soғligiga salbij taysir kўrsata-digan omillar (chekiш, spirtli ichimliklarni ortikcha isteъmol

қилиш, гиёхвандлик, касбий таҳликалар) ни аниқлай олишлари керак. Ҳозирги кунда юрак-қон томир ва эндокрин тизимларининг касалликлари билан касалланган беморлар сони ортиб бормоқда, бу умумий амалиёт ҳамшираси томонидан ёдда тутилиши керак. Оила ҳамшираси фаолиятининг муҳим қирралари оила аъзоларининг саломатлигини ҳар томонлама текшириш, салбий ўзгаришлар юз берганда маслаҳат бериш, шунингдек, бажарилган ишни батафсил таҳлил қилишдир. Шундай қилиб, умумий амалиёт ҳамшираси оила саломатлиги ҳолатига даҳлдор бўлган барча турдаги ҳаракатларнинг дастлабки босқичини амалга оширади.

Оилавий тиббий хизмат мутахассислари уларга бириткирилган оиласаларда касалликларни даволаш ва олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширадилар. Умумий амалиёт ҳамширасининг салоҳияти ўз bemорларига нисбатан ўзига хос муносабатини ўз ичига олади, бу уларнинг шахсий хусусиятларини тан олишини назарда тутади, шунингдек ўзларининг оила ичидаги муаммоларига адекват ёндашишини ўз ичига олади. Оилада - беморнинг эҳтиёжларини аниқлаб олиш, оиладаги зиддиятларни бартараф қилиш бўйича ҳам фаолият олиб боради. Муайян даволаш мутахассисларига ётқизилган bemорларнинг даволаниш жараёнларидан тизимли равишда хабар олиши керак. Соғлиқни сақлаш тизими самарадорлигининг муҳим элементлари маълум бир худудда истиқомат қилувчи одамлар орасида касалланиш, ўлим ҳолатлари ва туғилишнинг ўсиши ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичларнинг яхшиланиши, аҳоли учун кўрсатилаётган тиббий ёрдамни барқарорлигини таъминлаш оилавий шифокор ва ҳамширанинг биргаликдаги мувофиқлашуви билан амалга оширилиши лозим.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида умумий амалиёт ҳамширалари учун тегишли таълим шаклларини очиц билан боғлиқ кўплаб ишлар олиб борилмоқда. Бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш тамойилларини ташкил этиш ва амалга оширишда оила ҳамшираси муҳим ўрин тутади. Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг икки тури бор: бирламчи тиббий хизмат ва ихтисослашган малакали тиббий ёрдам. Бирламчи хизматни барча турдаги амбулатор ва стационар даволаш ва профилактика муассасалари амалга оширадилар. Иккинчи турдаги тиббий хизматни тегишли илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказлар каби малакали мутахассислардан

ташкил топган тиббий муассасалар амалга оширадилар. Бирламчи тиббий ёрдам тизими кичик ҳудудларда яшайдиган одамларнинг соглиғига, соғлиқни сақлаш тизимининг муайян бошланғич тузилмаларига тизимли таъсир кўрсатади. Бирламчи ёрдам кўрсатиш амалиёти умумий амалиёт шифокори ва ҳамширанинг фаолиятига асосланади. Бирламчи тиббий ёрдам хизматининг муваффақиятли ишлаши учун қуйидаги асосий позицияларга риоя қилиниши керак. Биринчидан, ушбу муассаса ўзи хизмат қиласидиган одамларнинг ҳаётий ҳусусиятларига мос келиши ва керак бўлганда тегишли тиббий ва профилактика чораларини амалга ошириши керак. Иккинчидан, бирламчи тиббий ёрдам «Саломатлик» миллий лойиҳасининг муҳим компонентларидан биридир. Бошқа турдаги тиббий хизмат турлари бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун маслаҳат ва техник ёрдам кўрсатиш учунгина шакллантирилади. Бирламчи тиббий ёрдам хизмати кейинчалик таълим, транспорт ва бошқа эҳтиёжларни қондирадиган тузилмалар билан тўлиқ мулоқот қиласи. Бирламчи тиббий ёрдам тамойилларидан бири аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашда ёрдам берадиган бошқа хизмат идоралари билан яқин ҳамкорликни таъминлашни ташкил қилиш ва амалга оширишда фаол иштирок этишдир. Ушбу алоқалар ўзаро дўстона ва мувофиқлаштирилган ҳамкорликка асосланган бўлиши керак. Бирламчи тиббий ёрдам тизимининг фаолияти касалликларни олдини олиш, даволаш ва соғлигини тиклаш бўйича комплекс вазифаларни назарда тутади. Ушбу хизмат томонидан бажариладиган ишларнинг кўлами аҳоли эҳтиёжлари даражасига мос бўлиши керак, бу ахолига ёрдам кўрсатиш тизимида маълум бир мувозанатни таъминлайди. Касалликнинг дастлабки босқичида тиббиёт мутахассислари томонидан кўпроқ эътибор бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйругига кўра, аҳоли учун бирламчи тиббий ёрдам белгуллик ва қулайлик тамойиллари асосида амалга оширилади. Ушбу турдаги соғлиқни сақлаш тузилмаси беморларнинг асосий касалликлари, шикастланиши ва фавқулодда тиббий ҳолатларда терапевтик ва профилактик чораларни назарда тутади. Кейинчалик парваришилаш бўйича тадбирлар кенг тарқалган касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болалар саломатлигини ҳимоялашни бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни ўз ичига олади. Ушбу хизмат чора-тадбирларини амалга оширишда давлат

тиббий-профилактика муассасалари ва соғлиқни сақлашнинг сани-тар-эпидемиологик тузилмаси шуғулланади. Шунга қарамай, Ўзбекистонда ахолига биринчи навбатда ёрдам кўрсатадиган хусусий тиббий бўлинмалар шаклланмокда. Бирламчи тиббий ёрдам хизмати фаолиятини махсус ташкил этилган қонун лойиҳалари бўйича шаҳар ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган кенг кўламли тадбирларни ўз ичига олади. Бундай тизим бирламчи тиббий ёрдамни амалга оширишнинг режалаш босқичларидан келиб чиқади. Молиявий ресурсларни таъминлаш махаллий ҳокимият органларига берилади. Бу функция ишонч фонди ва юқорида кўрсатилган структуранинг маблағларини сарфлаш орқали ташкил этилади. Бу маблағ саломатликни ҳимоя қилиш ва аҳолининг касалликларини олдини олиш учун мўлжалланган.

Ўзбекистонда бирламчи тиббий ёрдам хизмати муайян принципларга асосланади. Улардан биринчиси янги - умумий амалиёт шифокори фаолият принципини яратиш. Иккинчи тамойил оила ҳамширасининг позициясининг муайян авторитетини ривожлантириш. Учинчи тамойил бирламчи тибиёт муассасаларида қариялар соғлигини сақлаш, ахолига бирламчи парваришлаш хизматини узлуксизлигини такомиллаштириш. Тўртинчи тамойил соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликларни олдини олишда беморларнинг ўзларини ташаббускорлигини оширишни ўз ичига олади. Бирламчи тиббий ёрдам хизматининг катта қисмини ахоли ўртасида юқумли касалликларнинг тарқалишини олдини олиш масалаларига тушади. БТСЁМ юқумли касалликларнинг этиологијаси, патогенези ва уларга қарши кураш муаммоларни ишлаб чиқиши билан шуғулланади. Юқумли касалликларнинг тарқалиш йўллари ва профилактика чоралари ушбу соҳадаги асосий йўналиш бўлиб қолади. Шу мақсадда бирламчи тиббий ёрдам структураси санитария-эпидемиология хизмати билан узлуксиз ҳамкорлик қиласи. Минтақадаги эпидемиологик вазиятни тизимли мониторингини олиб боради. Ҳозирги вақтда турли хил профилактик ёрдам турлари мавжуд. Бирламчи профилактиканинг асосий мақсади ахоли орасида касалликлар юзага келишини олдини олиш, хавф омилларини ўз вақтида коррекция қилишдан иборат. Бу, бир гурух шахслар ва умуман жамиятнинг биргаликдаги фаолияти орқали фуқароларнинг соғлигини ҳимоя қилиш чораларини ўз ичига олади. Ушбу уюш-


малар фаолияти тўғри овқатланиш, жисмоний тарбия ва ақдий мувозанат ҳолатини шакллантириш учун тегишли тавсиялар беради. Иккинчи турдаги профилактик чоралар касалликнинг оғирлиги ва давомийлигини камайтиришни назарда тутади. Бу турли диагностик воситалар ёрдамида ва унинг ҳаётига таҳдид солувчи касалликни эрта босқичларда аниқлаш ва ўз вақтида тўғри даволаш чоралари ни кўриш орқали амалга оширилади. Ушбу чора-тадбирлар кўплаб касалликларнинг муваффақиятли даволанишини ва узоқ муддатли саломатлик ҳолатини таъминлайди. Учинчи даражали профилактика касалликнинг асоратлари пайдо бўлишининг олдини олиш, агар пайдо бўлган бўлса уни режали равишда фаол даволаган ҳолда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашдан иборат.

Учламчи профилактика беморларда миокард инфаркти, ревматизм, сингари касалликларни асоратларини олдини олиш билан бирга уларнинг соғлигини тиклашни ҳам ўз ичига олади. Ушбу фаолиятнинг асосий йўналиши соғлом турмуш тарзи тарғиботи учун беморнинг мотивациясини ривожлантириш ва дори воситалари билан даволашни узлуксизлигини таъминлашдир.

Профилактик тадбирларни ўтказишда тизимли хизматни яхшироқ тушуниш учун ушбу мисолга мурожаат қилиш керак. Бемор сурункали бронхит билан оғриган. Асосий профилактика чоралари чекишни ташлаш ва совуққотишдан қочишни ўз ичига олади. Иккиласми чора-тадбирлар шифокор терапевтлар томонидан мунтазам ўпка аускультациясини ўтказиш ва натижаларини баҳолаш, йўтал ва балғамнинг хусусиятларини кузатишдан иборат. Учламчи профилактика ўтқир бронхитдан кейин келиб чиқдан пневмонияда bemornинг саломатлигини тиклаш учун комплекс даволаш чора-тадбирларини ўз ичига олади. Айни пайтда, соғлиқни сақлаш тизимида бирламчи тиббий хизмат фаолияти икки турда шакллантирилмоқда: «Юқори хавф мажмуаси» ушбу турдаги фаолиятни амалга ошириш учун бирламчи тиббий хизмат тизимида ишлайдиган умумий амалиёт шифокори ва тиббиёт ҳамшираси маҳсус ўқитилади. Ушбу мутахассисларнинг сони хизмат кўрсатиладиган даҳа аҳолисининг зичлигига ва зарур тиббий-профилактик чоралар ҳажмига қараб белгиланади. «Юқори хавф мажмуаси» эрта ўлим хавфи юқори бўлган bemorларни аниқлаш ва комплекс чораларни таъмирлаш мақсадида белгиланади. Бу гурухга сурункали касалликларга чалинган bemorларни

киритиш мумкин. Масалан, артериал гипертониянинг 10 йил давом этиши, юракнинг чап қоринчаси гипертрофиси шакланишига олиб келади. Бу, эса ўз навбатида касалликнинг миокард инфаркти, ўпка шиши ва шунга ўхшаш ҳаёт учун хавфли асоратларни ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳозирги кунда беморнинг ҳаёти хавф остида бўлган касалликлар: қандли диабет, юрак аритмиялари мавжуд bemорларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш ҳам бирламчи тиббий-санитар ёрдам хизматининг вазифаларига киради. Беморларнинг ҳаётига юқори хавфларнинг умумий миқдорини аниқлаш соглиқни сақлаш тизимидағи фаолиятга ижобий ўзгаришлар киритишни назарда тутади. Бу bemорнинг эҳтиёжларига ва тиббий ёрдамнинг турли шаклларини кўллашга индивидуал равишда ёндашувда намоён бўлади. Бу иш фуқароларнинг соғлигини муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда бирламчи тиббий хизмат мутахассислари ва bemорларнинг ўзларини қизиқтириши лозим. Юқори хавф мажмуаси билан ишлаш сурункали касалликлар, уларнинг асоратларини ривожланиш фоизини камайтириши билан бирга молиявий жиҳатдан ҳам bemорлар учун фойдали бўлади. Бу дастурни амалиётга татбиқ этишининг фойдали томонлари билан бир қаторда салбий томонлари ҳам мавжуд. Биринчидан, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини учун катта пул ажратишини талаб қиласди, иккинчидан, бирламчи бўғин мутахассислари барча сурункали касаллиги бор bemорларни “согломлаштириш”га қодир эмас.

Шакллантирилаётган бирламчи тиббий хизматнинг икинчи тури бу “аҳоли дастури” тизимиdir. “Аҳоли дастури” тизими сурункали касалликларнинг аҳоли орасида эрта даврлардаёқ аниқлаб олишга қаратилган. Қатор сурункали касалликлар жумладан, артериал гипертония, сурункали гломерулонефрит, қандли диабет, онкологик касалликлар, сурункали гастрит, сурункали гепатит, юрак ишемик касалликлари ва бронхила астманинг бошлангич даврларида латент кечиши врачларнинг вазифасини оғирлаштиради. Бу дастурнинг йўлга кўйилиши аҳолининг ўз саломатлигига нисбатан жавобгарлик хиссини оширишга йўналтирилади ва соглиқни сақлаш тизимиға сарфланайдиган давлат маблағларини камайтиришга олиб келади.



1.3. Олмаота декларацияси

ЖССТ таърифига кўра саломатлик – кишида касаллик ёки бирор жисмоний нуқсоннинг йўқлигигина эмас, балки тўлақонли жисмоний, руҳий ва ижтимоий жиҳатдан осойишталигидир, деб тарифланади.

1977 йилда соғлиқни сақлаш Ассамблеяси “2000 йилда саломатлик ҳамма учун” мақсадини кўйди. Бу мақсадга эришиш учун қатор махсус дастурлар ишлаб чиқди. Шундан келиб чиқсан ҳолда 1978 йилда “Олмаота декларация” си қабул қилинди. Декларацияга кўра бирламчи тиббий ёрдам бўгини хизмати давлат соғлиқни сақлаш тизими сиёсатининг устувор кўриниши бўлиши лозим. «Бирламчи тиббий санитария ёрдами соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим қисми бўлиб, илмий асосланган, ижтимоий жиҳатдан қулай услугуб ва технологияларни ўзида мужассамлаштирган ҳамда фуқаро ва оила учун самарали амалий ёрдамдан иборат бўлиши зарур”.

Бирламчи тиббий ёрдамни кучайтиришга қаратилган интилишлар ва барча сайд-ҳаракатларнинг жиддийлиги 1984 йилда тасдиқланган ЖССТнинг Европа минтақавий бюроси томонидан тасдиқланган Соғлиқни сақлаш ва уни мустаҳкамлаш асосида ҳамма учун саломатликка эришиш бўйича 38-вазифасида айтиб ўтилган. Шу муносабат билан сўнгти ўн йилликда кўплаб мамлакатларда соғлиқни сақлаш тизимининг тузилмаси ўзгарди. Мамлакатимизда «1998-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди (10.11.98 йилдаги УП-2107-сон). Ислоҳотнинг устувор йўналиши умумий амалиёт шифокори ва ҳамшираси тизимини жорий этиш орқали соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш эди.

1.4. Ўзбекистонда бирламчи тиббий ёрдамни ривожлантириш ва ислоҳ қилишининг умумий тамойиллари

Қабул қилинган Давлат дастури Миллий саломатлик моделини шакллантиришга босқичма-босқич ёндашувни белгилаб берди. Соғлиқни сақлаш тизимидағи ислоҳотларнинг асосий йўналишлари қўйидагилардир:

- шаҳар ва қишлоқ жойларда бирламчи тиббий ёрдам олиш учун тенг шароит яратиш учун соғлиқни сақлаш тизимининг янги тузилмаси, унинг инфратузилмасини ривожлантириш;
 - соғлом наслни туғилиш ва тарбиялаш учун шароитларни яратишга қаратилган оналик ва болалик масалаларига янги концептуал ва амалий ёндашув;
 - барча маъмурий-худудий даражаларда аҳоли учун шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг тубдан янги тизимини яратиш;
 - эски стереотиплардан воз кечиш, саноатнинг молиявий манбаларини сезиларли даражада кенгайтириш, шу билан бирга пуллик ва хусусий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш;
- Соғлиқни сақлаш тизимининг меъёрий базасини такомиллаштириш мақсадида 80 дан ортиқ норматив ҳужжатлар (шу жумладан, 6 та конун), 50 та ҳукумат қарорлари, 20 та норматив ва 120 дан ортиқ бошқа ҳужжатлари қабул қилинди. Бирламчи тиббий ёрдами, айниқса, қишлоқ жойларда мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мамлакатимизда тиббиётн ислоҳ қилиш Давлат дастурининг асосий йўналишига айланди. Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпини қишлоқ жойларида истиқомат қиласар экан, уларнинг соғлигини химоя қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимининг таркиби.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш

Дастурнинг амалга оширилиши соғлиқни сақлаш соҳасида бюджет харажатларининг самарадорлигини ошириш, давлат маблағлари ҳисобидан муайян тиббий хизмат кўрсатишни кафолатлайди, даволаш профилактика муассасалари (ДПМ) тармогини ривожлантиради. Ўзбекистон Республикаси Миллий Соғлиқни сақлаш модели тизимга босқичма-босқич ўтиш лозимлигини, унинг устувор йўналиши одамларнинг ўз саломатлиги учун маъсулиятини шакллантириш, профилактик тиббиёт ва соглом турмуш тарзини жорий этиш, жисмоний ва маънавий соғлом ва барқамол авлодни шакллантириши назарда тутган. Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашнинг миллий модели барча фуқароларга қулай ва хавфсиз тиббий хизматни таъминлаб беришдан иборат “Ўзбекистон Республикаси фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида” ги Конуни (Олий Мажлис, 29 август, 1996 й).

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг соғлигини сақлаш тўғрисида» ги Конуннинг устувор йўналиши - кўп босқичли тизмдан 2-босқичли тизимга ўтишни таъминлаш, бирламчи соғликни сақлаш тизимини ривожлантириш ҳисобланади.

Бирламчи тиббий ёрдамнинг қишлоқ модели

Қишлоқ аҳолисига давлат томонидан кўрсатиладиган бирламчи тиббий санитария ёрдами қишлоқ врачлик пунктларида амалга оширилади. ҚВП- тегишли ҳудудда яшовчи қишлоқ аҳолиси учун бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган соғликни сақлаш муассасасидир.

Қишлоқ врачлик пункти (ҚВП) – соғликни сақлаш тизимида аҳолига бирламчи тиббий ва тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатувчи асосий бўғин ҳисобланиб, қатор замонавий тиббий, шунингдек, клиник ва биокимёвий лаборатория асбоблари билан таъминланган тиббиёт муассасасидир. Республикаизда ҚВП ташкил этилиши тиббиёт тизимини ислоҳ қилинда мухим ўрин эгаллайди ва у қўйидаги мақсадларга йўналтирилган:

- касалликдан соғлиққа;
- даволашдан профилактикага;
- тор мутахассислардан умумий амалиёт шифокори (УАВ) қабулига;
- якка алоқалардан доимий тиббий хизматга.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадлардан ташқари, ҚВП қўйидаги фаолиятларни ўзида мужассамлаштириши лозим:

- ✓ Профилактика ишлари.
- ✓ Тиббиётнинг турли бўлимлари ва жамоат ташкилотлари билан узвий алоқа.
- ✓ Замонавий технологиялардан фойдаланиш.
- ✓ Муаммони ҳал этишда жамиятнинг фаол иштирок этиши.

Хизмат кўрсатилаётган аҳоли сонига кўра ҚВП қўйидаги типларга бўлинади:

I тип	1500 қишигача
II тип	1500- 3500 қиши
III тип	3500-6000 қиши
IV тип	6000-10 000 қиши

ҚВП давлат муассасаси шаклида ташкил этилиб мустақил юридик тузилма ҳисобланади ҳамда ўз баланси, банкда ҳисоб рақами ва хусусий мухри мавжуд. Мустақил юридик тузилма мақоми берилиши, бир томондан биринчи тиббий талабларига жавоб беради олиш, иккинчи томондан мазкур талаблар асосида харажатларни режалаштириш имконини яратади. Демак, мақсадга монанд равишда ҚВП бюджетидан ва нодавлат ҳамда айрим шахслар ажратган маблағлардан самарали фойдаланиш имкониятини яратади.

Асосий нормавий ҳужжатларга кўра ҚВП таркибидағи ҳар бир тузилма ўз мақсад ва фаолиятига эга:

Рўйхатхона:

- ✓ Беморларни рўйхатга олиш;
- ✓ Тиббий ҳужжатларни сақлаш;
- ✓ Ҳужжатларни тартибга келтириш;
- ✓ Мурожаат этган шахсни врач қабулига ёзиш;
- ✓ Уйга чақириш бўйича қўнғироқларни қабул қилиш.

Врач қабулигача бўлган хона:

✓ Хонада умумий амалиёт ҳамшираси ўтиради ва қуйидагиларни амалга оширади:

- ✓ Мазкур мурожаат сабабини сўраб-суриштириш;
- ✓ Илк қўрик–айрим ҳаётий кўрсаткичларни жумладан: антропометрия, динамометрия, тана ҳароратини ўлчаш, тана ҳарорати эгрилигини чизиш, томир уриши, артериал қон босими, нафас олиш ва юрак уриш сонини, ташқи нафас фаолиятини аниқлаш (пикфлуометрия) ва бошқалар;

✓ Зарурат бўлганда врач қабули олдидан айрим лаборатор–асбобий текширувлар буюриш;

- ✓ Илк шошилинич ва врачгача бўлган ёрдам кўрсатиш;
- ✓ Бемор соғлиғига зарарли таъсир кўрсатаётган омилларни баҳолаш;

✓ Кўрсатмалар бўлганда оилани режалаштириш, кўкрак билан эмизиш ва бошқа масалалар бўйича маслаҳат бериш;

✓ Соғлом турмуш тарзи олиб бориш бўйича bemor ва унинг яқинларига ахборот бериш;

✓ Кузатув мобайнида даволаш ишларининг самарадорлигини назорат қилиш.

УАВ хонаси:

✓ УАВ тоифа хизматлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда врач қабули.

Акушер ва күрик хонаси:

✓ Ҳомиладорлар ва бемор аёлларга акушерлик ёрдами күрсатиш;

✓ Аёлларни амбулатор қабул қилиш;

✓ Ҳомиладорлик ва тұғруқдан сүнг аёллар патронажини амалга ошириш;

✓ Шошилинч акушерлик ва гинекологик ёрдам күрсатиш;

✓ Гинекологик беморлар назорати;

✓ Врач буюрган муолажаларни бажариш;

✓ Бир ёшгача бўлган болалар саломатлиги назорати;

✓ Ҳомиладор ва гинекологик беморларга даволаш-профилактика ёрдами күрсатиш билан боғлиқ алоҳида лаборатор текширувларни амалга ошириш;

✓ Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, фарзанд күришни режалаштириш, кўкрак сути билан эмизиш, ҳомиладорлик ва кўкрак билан эмизиш вақтида рационал овқатланиш, болалардаги түгма нуқсонлар ва наслий касалликлар профилактикаси тўғрисида тиббий-тушунтириш ишлари олиб бориш.

Патронаж ҳамшираси ва эмлаш хонаси

✓ З ёшгача бўлган соғлом болалар патронажини ўтказиш;

✓ Боланинг тўлақонли овқатланиши ва кўкрак сути билан эмизилиши бўйича назорат олиб бориш;

✓ Болалар учун хос бўлган рапхит, гипотрофия, камқонлик ва бошқа касалликлар профилактикаси бўйича тадбирларни амалга ошириш;

✓ Эмлаш режасини тузиш ва унга тайёргарлик ишларини амалга ошириш;

✓ Бемор болаларга врачгача бўлган тиббий ёрдам күрсатиш;

✓ Болалар орасида аниқланган ҳар бир касаллик ҳолати тўғрисида қишлоқ врачлик пункти мудирига маълумот бериш;

✓ Диспансер кузатувидага бўлган bemор болалар назоратини амалга ошириш;

✓ Бемор болаларни умумий амалиёт шифокори кўригига тайёрлаш.

Лаборатория

- ✓ Куйидаги текширувларни ўтказиш:

Умумий – клиник текширишлар:

1. Умумий қон таҳлили;
2. Умумий сийдик таҳлили;
3. Нажас таҳлили;
4. Нажасни гижек тухумларига текшириш.

Биокимёвий текширишлар:

1. Қонда аланиламинотрансфераза фаоллигини текшириш;
2. Қонда глюкоза миқдорини аниклаш;
3. Қондаги мочевина миқдори;
4. Қонда билирубин миқдори.

Муолажа хонаси

- ✓ Инъекция билан боғлик муолажалар;
- ✓ Кичик жарроҳлик муолажалари (жароҳатларга бирламчи жарроҳлик ишлови бериш ва бошқалар);
- ✓ Шошилинч ёрдам кўрсатиш;
- ✓ Текширишга керак бўлган моддаларни олиш.

Стерилизация хонаси

- ✓ Тиббий асбоблар стерилизацияси;
- ✓ Аквадистилляция.

Функционал текшириш хонаси

- ✓ Электрокардиография;
- ✓ Баъзи ҳолларда ультратровуш текшириши.

Физиотерапия хонаси

- ✓ Физиотерапевтик муолажалар

ҚВП мудири ва молия ишлари менеджери хонаси

- ✓ ҚВП барча фаолиятига раҳбарлик ва унинг ишини ташкил этиш;
- ✓ ҚВП моддий-хўжалик фаолиятини бошқариш ва унинг заҳираларидан самарали фойдаланишни таъминлаш.

Катта ҳамшира ва дори-дармон сақлаш хонаси

- ✓ Ўрта ва кичик тиббий ходимлар ишини бошқариш;
- ✓ Дори воситаларини ҳисобга олиш ва сақлаш.

Қишлоқ оиласий поликлиникаси (КОП) мустақил юридик шахс бўлмаган, туман –шаҳар тиббиёт бирлашмасининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади. Поликлиника маҳаллий ҳудуд шароитидан келиб чиқиб, янги қурилиш ёки мавжуд қишлоқ врачлик пунктлари негизида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишилган ҳолда соғлиқни сақлашнинг юқори бошқарув органи - Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган ва унга 10 мингдан кам бўлмаган аҳоли бириктирилади. Поликлиника таркибida кундузги шифохона ва тез тиббий ёрдам шаҳобчаси ташкил қилинган. Поликлиникага бириктирилган аҳоли сони ва унинг таркиби тегишли тиббиёт бирлашмаси томонидан белгилаб берилади. Поликлиникага раҳбарликни мудир амалга оширади. Поликлиника соат 8.00 дан 20.00 гача фаолият кўрсатади. Поликлиника томонидан бириктирилган аҳолига таркибидаги тез тиббий ёрдам шаҳобчаси томонидан тез тиббий ёрдам узлуксиз кўрсатилади.

Поликлиника мақсади:

- бириктирилган аҳолига профилактика ва энг кўп учрайдиган касалликларни даволаш юзасидан бевосита мижоз ҳамда оила даржасида тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш;

- қишлоқ аҳолиси, шу жумладан бевосита уларнинг турар – жойларида профилактик кўрикларни олиб бориш орқали касалликларни эрта аниқлаш ва уларни сурункали шаклига ўтишига йўл кўймаслик тизимига ўтиш;

- профилактика даволаш тизимининг стандартлари ва ҳажмига мувофиқ лаборатор-клиник-биокимёвий ва инструментал (УТТ, ЭКГ ва бошқа) текширувларни олиб бориш;

- мурожаат қилган беморларга тиббий маслаҳат бериш, касалликларнинг оғир ва ноанъанавий кечиши, кам учрайдиган касалликлар учраш ҳолатларида кўрсатмага биноан стационар-диспансер муассасасига йўлланма бериш;

- даволаш-профилактика стандартларида белгиланган тартибда ва мавжуд асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда хизмат доира-

сидаги аҳолига шифохонагача бўлган шошилинч тиббий ёрдамни кўрсатиш;

- аҳоли орасида касалланиш, шикастланиш, ногиронликни олдини олиш, ўлимни камайтириш бўйича профилактик тадбирларни ташкиллаштириш ҳамда амалга ошириш;

- касалликларни аниқлаш, ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар, жумладан, сил, ўсма, тери-таносил, руҳий, наркологик ва юқумли касалликлар ҳамда ОИВ/ОИТС касаллигига қарши курашиш бўйича фертил ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар, шунингдек ўзгалар ёрдами ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз кексалар, ногиронлар, сурункали касалликка чалингган ва бошқа шахслар ўргасида патронаж ишларини мунтазам олиб боришни ташкил этиш ва бошқалар.

Оила тиббиётida ҳамширалик иши фанига кириш

Оилавий ҳамширалик амалиёти ҳамширалик жараёнини оиласда анча юқори жисмоний саломатликка эришиш мақсадида оила парваришни амалга оширишда қўллашга асосланган. Ҳамширалик иши амалиёти оилавий тиббиётда сифатли соғлиқни сақлашнинг белгиловчисидир, чунки соғлом индивидуал ва соғлом жамият оиланинг саломатлигига ҳисса қўшади, соғлом оила эса индивидуал ва жамиятнинг соғлом бўлишига таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, оилавий тиббиёт ва умумий соғлиқни сақлаш ҳамширалик ишидай кесишиш мавжуд, чунки умумий жамият соғлигини сақлаш ҳамширалари оиласлар воситасида жамият соғлигини сақлаш ва яхшилашга ҳаракат қилади. Оилавий тиббиётда ҳамширалик иши тарихан жамият соғлигини сақлаш ҳамширалик иши билан параллел равишда ривожланди ва шунинг учун бу йўналишлар жуда кўп умумийликка эга: шунга қармасдан ёдда тутиш керакки, жамият соғлигини сақлаш фаолиятининг объекти жамият бўлган бир пайтда, оилавий ҳамширалик иши, энг аввало, оиласда марказлашади.

Оилавий тиббиётда ҳамширалик ишининг муҳимлиги тахминан 1980 йилгача тан олинмади. Оилавий ҳамширалик ишини аниқлаш “оиласда марказлашган жамият соғлигини сақлаш”, оиласда марказлашган ҳамширалик ишидан “оилавий тиббиётда ҳамширалик иши” гача ривожланди.

ОИЛА ВА НИКОХ

Оила контекст сифатида

Оилани контекст сифатида кўриб чиқищда эътибор марказида индивидум (бемор) туради, оила эса унинг бирламчи гурухи сифатида қаралади. Индивидум аввалги, оила кейинги планда туради. Беморни парвариш қилишни бундай кўриб чиқищда оиласа кам эътибор қаратилган бўлиши ёки оила кенг жалб қилинган бўлиши мумкин.

Оила унинг аъзолари йигиндиси сифатида

Бу ҳолатда оила унинг алоҳида аъзоларининг йигиндиси сифатида қаралади. Оиланинг ҳамма аъзоларига парвариш таъминланади. Бу амалга оширилаёттанида оиласа оиласавий шифокорлик ёки ҳамширалик парвариши кўрсатиляпти деб ҳисобланади. Оилани кўриб чиқишининг бундай модели деганда бирламчи оиласавий соғлиқни саклаш ва жамият ҳамширалик иши томонидан тиббий ёрдам кўрсатилиши тушунилади. Соғлом оиласа оиласи парваришлаш сифати ва саломатликни химоя қилиш бўйича тадбирлар сифати тиббий ёрдам ва унинг ҳар бир аъзоси таъминланган парваришни йигиндиси сифатига қараганда юқорироқ бўлиши мумкин (синергизм).

Бундай ёндашув оиласи биринчи планга, уни ташкил қилувчи индивидумларни кейинги планга жойлаштиради. Оила ўзаро алоқалар тизими сифатида ҳам қаралади.

Бундай қараашда асосий эътибор оила ичидаги ўзаро муносабатга қаратилган бўлади. Касалликлар, оиласи ташкил қилувчи индивидумлар ва оиланинг ўзининг орасидаги алоқалар таҳлил қилинади ва даволаш режасига киритилади. Бундай тамойиллаштириш ва парварищда биз оиласавий ҳамширалик ишининг алоҳида хиссасини кўришимиз мумкин. Оиласи бундай кўриб чиқиши усулида оиласавий ҳамширалик ишига алоҳида ургу берилади, аслида маълум шароитларда бошқа усуллар ҳам кўлланилади. Баъзан бу икки ёки уч усул бир вактда ёки навбат билан маълум вакт давомида кўлланиши мумкин.

Маълумки, оила инсонларнинг энг қулай яшаш тарзи бўлганлиги учун оиласи мухим деб ҳисоблаймиз.

Кўпгина давлатларда bemorlarни va oilasini uyiда йўқлайдиган ҳамшиralarни tayёрлаш siҳat-salomatlikni яхшиланишига olib keladi. Bu ўз ўrnida oilasi ўрганиshni mukim omillariidan-

дир. Ҳозирги вақтда бундай янги турдаги оиласынан ҳамширларни ривожланиши тез суръатта ривожланмоқда.

Келажақда ҳамшира уйга күп ташриф буюрадиган бўлади. Шунинг учун унга оила тузилиши ва вазифаси ҳақида амалий билимлар керак бўлади. Ҳозирги вақтда бемор стационар, тугруқхона рўйхатидан чиққач тиббий ёрдам узвийлигига муҳтоҷ бўлади.

Оила ҳамширасига стационар ва амбулатория ўргасидаги боғловчи ришта вазифаси юкланди. У bemорни рўйхатдан чиққач уйида йўқлаб туради ва bemорга тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлайди.

Оила бу нима?

Анъанавий оила – инсонларнинг қонуний тарзда жислашган бирлашмасини билдиради. Масалан, қонуний турмуш қургандан кейин бола асраб олиш ва ҳ.к. Айрим мамлакатларда узоқ қариндошларни ҳам ўзида акс эттиради. 1980 йилларда кўпчилик томонидан оила сўзига янги ва кенг таъриф берилган. Охирги таърифлардан бири “оила - бу бир бири билан алоқада бўла туриб, тўлиқ баркамол ва ўзаро қониктирадиган ҳаёт кечирадиган гурух”дир.

Ким қандай таъриф беришидан қатъий назар ҳамшира оиласи нинг барча турини билиши керак. Оиланинг бир тури иккинчисидан яхши ва ёмон томонлари билан ажralиб туради. Оила билан ишлайдиган барча ходимлар анъанавий ва ноанъанавий оила турлари билан алоқа қилишга тайёр туришлари зарур. Оилани турларга ажратиб муомала қилишга йўл қўйилмайди ва ҳар бир оила ҳурмат қилиниши лозим.

Ҳамшира оила билан ишлашга киришишдан олдин оила аъзолари кимлардан иборатлилигини билиши лозим.

Кўп тарқалган оила турлари.

- ✓ **Нуклеар оила**, фақат ота – онадан ташкил топган.
- ✓ **Умумлаштирилган оила**, яъни нуклеар оила билан бирга узоқ ва яқин қариндошлардан ташкил топган.
- ✓ **Якка ота (она)**, ўз хоҳишига кўра болалар билан ёки умр йўлдошидан ажralган
- ✓ **Аралаш оила**, яъни оиласига якка ота ёки она ва янги турмушдан ортирилган бола киради.
- ✓ **Никоҳсиз жуфтлар**, яъни никоҳда бўлмаган шахслар (гетеро ёки гомосексуал), аммо биргаликда умумрўзғор юритувчилар, болалар ёки болаларсиз.

Оила вазифалари назарияси

Оилани кузатишида оила муаммоларини ечиш учун уни барча турларини билиш керак. Назарияда унинг барчага маълум 4 тури мавжуд. Бу назариялар бир-бирини тўлдириб туради. Уларнинг ҳар биттаси оила концепциясини яхши тушунишга ёрдам беради.

Оила - бу тизим. Оила ривожланаётган ва шаклланаётган тизмидир. Оила аъзоларининг ўртасида руҳий ва жисмоний чегара борлигига қарамасдан, биз оилани бузилмас, ягона тизим сифатида қабул қилишимиз керак.

Оила бу –жамият. Жамият оила тизимиға ўз ҳукмини ўтказади. Айрим ҳалқларда ота, она, бола ва бошқа аъзоларнинг роли қатъий белгиланган. Бошқа ҳалқларда эса бу ҳолатнинг тескариси.

Оила бу - алоқа. Оила аъзоларининг бир-бирига бўлган муносабатига боғлиқ ҳолда уларнинг оиласидаги вазифаси белгиланади. Оилани баҳолашдан олдин унинг аъзоларини ўзаро муносабатларига қатъий эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Уларнинг кучли ва потенциал муаммолари билан танишиб чиқиш керак.

Оила ривожланаётган организм. Бу фараз шуни билдирадики, оила ҳар бир ривожланиш босқичидан ўтиб, маълум ролни эгаллаб, маълум мақсадни олдига кўяди. Ҳар бир босқич ҳар хил муаммо ва эҳтиёжлари билан ажralиб туради. Оила тизимининг назарияси оилани тизим сифатида кўради ва унинг аъзоларини бир-бирига ва атроф-муҳит билан узлуксиз муносабатда бўлишини таъминлади.

Бу назариянинг асоси ўндан иборатки, агар оила аъзосининг бири ўзгаришга дуч келса, бошқа аъзолар ҳам ўзгаради. Бундан келиб чиқадики, оиланинг муаммолари унинг ҳар бир аъзосини эмас, балки уларнинг бир-бирига бўлган муносабатидан келиб чиқади. Боланинг ўсиш ва ривожланишдан орқада қолиши унга нисбатан қаттиқ муносабатда бўлинайётганидан далолат беради.

Оила тизими назариясига кўра муаммо нафақат ота-она ёки боладан, балки уларни ўртасидаги муносабат тури ва бошқа омиллардан келиб чиқади. Оила бир бутун сифатида назарда тутилади, уларнинг алоҳида аъзоларидан, кўшимчаларидан ажralиб туради. Бу тамойил шуни билдирадики, кичик йигимлардан кўра битта катта бутунлик муҳимроқдир ва ҳамшира оиласида ишлаганда уларнинг орасидаги муносабатларни назарда тутмаслик керак. Оила

назариясининг кейинги тамойили мослашувчанлик, оилани мослашувчан, кўникувчан бирлик сифатида кўради.

Оиладаги муаммо келтирувчи муносабатни ўзгартиришга эришилса, оиладаги ҳолат ҳам ўзгаради. Қайта алоқа оиланинг ичидаги бўладиган жараёнларга тааллуқли ва оилани кучли ва нозик томонларини аниқлашга ёрдам беради. Манфий қайта алоқа - ўзгаришларга йўл қўяди. Мусбат қайта алоқа - ўзгаришга йўл қўймайди. Агар оилада бирон-бир бузилишлар мавжуд бўлса, ўзгаришлар унинг хоҳлаган нуҳтасида содир бўлиши мумкин.

Оиланинг асосий жиҳатлари:

- ✓ Оиланинг тури;
- ✓ Оила шароитини қабул қилиш, яъни шу шароитнинг оилага таъсири ва оила уни бошқара олиши;
- ✓ Стресс ҳолатлар;
- ✓ Оила ривожланиш назарияси;

Умр давомида бўладиган умумоила жиҳатларга асосланадиган назария оила ҳаётини кўп сифат ва сон жиҳатидан бир-бirlаридан фарқ қиласидиган босқичларига бўлинади. Бу шуни билдирадики, оила аъзоларининг орасида юксак даражали боғлиқлик мавжуд. Бу боғлиқликдан келиб чиқсан ҳолда оила ҳар бир аъзога кўпайганда ёки камайганда ўзгаришларга дуч келади.

Оила ҳаёти даврий босқичлардан иборат, яъни бола пайдо бўлиши ва кетиши билан боғлиқ. Бола ривожланиши билан боғлиқ босқичлар ўтиш даврларига хос. Чунки улар, оила аъзоларининг бир-бirlарига бўлган муносабатига таъсир кўрсатади.

Дювалъ ва Миллер оила ҳаёти даврларини босқичларга бўлишиди, яъни:

1. Фарзандсиз жуфт
2. Катта фарзанди 30 ёшдан ошмаган фарзандли оилалар
3. Мактаб ёшигача бўлган фарзандли оилалар (каттаси 2-5-6 ёш)
4. Мактаб ёшидаги фарзандли оилалар (каттаси 6-13 ёш).
5. Етуклиқ ёшидаги фарзандли оилалар (каттаси 13-20 ёш)
6. Қисқарувчи оила (1-ва охирги бола кетиши даври)
7. Фарзандларидан алоҳида яшовчи ўрта ёшли ота-оналарнинг нафақага чиқишдан олдинги булган даври (қариётган оила аъзолари-нафақага чиқишдан вафот этгунча қадар).

Ҳар бир ривожланиш босқичида оила аъзоларининг белгиланган роллари ва мақсадлари бўлади.

Оиланинг роли

Кўпинча ҳар бир оила аъзосининг оиласида тутган бир ича мавқеи бўлади (эр, ишчи, бобо...). Оила аъзолари ўзларининг эгаллаган мавқеларидан келиб чиқсан ҳолда уни сухбат орқали ривожлантирадилар. Афсуски, бальзида инсон тайёр бўлмасдан туриб оиласида муҳим ўринга эга бўлади (ўсмир ёшли қизалоқ, она). Эр-отабошилик-ҳимоя -ижтимоий қўллаш мавқелари - ўғил болаларга хос. Хотин – она – тарбия - оила аъзоларини овқатлантириш - уй муҳитини яратиш - қиз болаларга хос мавқе. Бу роль боланинг ёшидан шугулланадиган ишларидан ташкил топади, буви-бува, ота-онанинг бурчи уларга ўз ролларини бажаришига кўмаклашиш, руҳий бошқариш, намуна бўлишдан иборат.

Оила мазмуни ва моҳияти

Оиланинг асосий мақсади - оила аъзоларининг эҳтиёжларини қондириш. Оиланинг муҳим саналган эҳтиёжлари:

- ✓ хавфсизлик ва яшаш - уй-жой, овқат, кийим-бош, болаларга етарли муносабат, оиласида ишнинг бўлиниши, жисмоний ҳимоя, қўллаб-куватлаш ва тиббий ёрдамдан иборат.
- ✓ Эмоционал ва жамоавий ривожланиш - стресс даврида эмоционал қўллаб-куватлаш; жамоавий назорат - нутқ маданиятини назорат қилиш ва ҳ.к.

Оила аъзоларининг саломатлиги йўлидаги вазифалари ва мажбуриятлари:

1. Уй-жой, егулик, ичимлик ва кийим-бош билан таъминлаш;
2. Оила аъзоларининг соғлигини ушлаб туриш учун уйда шароит яратиш;
3. Оила аъзоларининг саломатлик йўлида руҳий шароит яратиш;
4. Шахсий гигиенага шароит яратиш;
5. Оила аъзоларининг тиббий ҳолатини ва соғлигини қўллаб-куватлашга қаратилган тадбирлар (рационал овқатланиш, жисмоний ҳаракат)да қатнашиш;
6. Ривожланишдаги бузилишларни аниқлаш;
7. Соғликдаги ўзгаришларни аниқлаш;

8. Зарур ҳолларда тиббий ёрдам кўрсатиш;
9. Стоматологик ёрдам кўрсатиш;
10. Шошилинч ёрдам кўрсатиш;
11. Дориларнинг ўз вақтида қабул қилинишини назорат қилиш;
12. Касалликни даволашда қатнашиш;
13. Реабилитация вақтида қатнашиш;
14. Соғлиқни сақлаш тадбирларида қатнашиш.

№	Оила ҳаётиниг босқичлари	Муҳим ривожланиш асослари
1.	Оила қурилиши	Оила қуриш қариндош-уруг муносабатларини ўрнатиш, оиласи ривожлантириш
2.	Ёш фарзандли оила	Оиласи мустаҳкамлаш, ота-она, бола эҳтиёжларини қониқтиришга ёрдам
3.	Мактаб ёшгача фарзанди бўлган оила	Бола тарбияси ва жамоалаштириш, оиласида узлуксиз муносабатларни ташкил этиш
4.	Мактаб ёшидаги фарзанди бор оиласи	Болаларни бирлаштириш, мактабдаги эришилган ютуқларда кўллаб-куватлаш. Эҳтиёжларни қондирувчи эр-хотинлик муносабатларини сақлаш.
5.	Ўсмирлик давридаги фарзанди бор оила	Ўсмирда эркинлик ва жавобгарлик хиссини шакллантириш, ота-оналар ва болалар ўргасидаги очик сұхбатни кўллаш, узлуксиз эр-хотинлик муносабатларини кўллаш.
6.	Қискарувчи оила	Оиласи болаларнинг ёш оила сифатида кетиши. Оиласиң кўниши, қариётган ота-онага ёрдам.
7.	Ўрта ёшли оила	Эр-хотин муносабатларнинг мустаҳкамланиши, ота-она ва болалар муносабатини кўллаб-куватлаш, соглом муҳитни сақлаш.
8.	Қариётган оила	Нафақага чиққани билан кўнига олмаётганларга шароити яратиш, фойда камайишига кўниши, соглик билан боғлиқ муаммоларга ва умр йўлдоши вафотига кўниши.

Оиланинг тузилиши.

Яқин қариндошлар, уларнинг узоқ қариндошлари (исмлари, ёши ва қариндошлиқ даражаси), олдинги турмушидаги қариндошлари.

Яшаш шароитлари ва жойи

- Уй тури, хоналар ва яшовчилар сони;
- Ухлашга шароит (алоҳида ётоқхоналар);
- Қаватлар сони, зиналар тузилиши, лифт мавжудлиги;
- Санитария шароитлари;
- Ишлаш жойи, оила аъзолари малакаси; иш тури; иш шароити, ишдан қоникувчанлиги, зааралиги, фойда манбай ва ҳажми;
- Қасалликнинг шахснинг жисмоний ҳолатига таъсири;
- Ўқимишлилик даражаси;
- Маданий ва диний урф-одатлар;
- Диний қарашлар ва уларнинг амалда қўлланилиши;
- Маданий-этник фикр ва уларнинг амалда қўлланилиши;
- Уйдагиларнинг муомала тили, қайси тилда гаплашилади.

Соғлом оила мазмунни:

Оилада яхши сухбатлашиш ва оила аъзоларининг бир-бирини тинглаши, хурмат қилиши, эшитиши зарур:

- ✓ Оилада унинг ҳар бир аъзосига ишонилади ва хурмат қилинади, оила аъзолари вақтни бирга ўтказишади.
- ✓ Оила аъзолари муаммо бўлганда бир-бирига ёрдам беради.
- ✓ Оила унинг аъзоларининг шахсий ишларига хурмат билан қарайди.

Оила ўз ролини ижро этишига қараб баҳолашда оила нимани ҳис қилганини билиши керак. Бу босқичда оила кейинги масала-ларга асосланади:

- Оилани тегишли уй-жой ва тиббий ёрдам билан таъминлаш;
- Ихтимоий эҳтиёжларни қоплаш;
- Бурч ва вазифаларни тақсимлаш, фаол жамоавий ҳаётни давом эттириш;
- Эр-хотин, ота-она ва бола ўртасидаги муносабатларни, алоқаларни рағбатлантириш;
- Болаларда мактабда ўқиш учун қизиқиш уйғотиш.

Оила саломатлиги бузилишининг асосий омиллари

Оила саломатлигини бузилишига биологик, жамоавий, иктисолий омиллар сабаб бўлиши мумкин. Ҳар бир омилни тушуниш бу муаммони тўғри ҳал этишига олиб келади.

Шимолий Америка тиббий ҳамширалари ассоциацияси то- монидан маъқулланган ташхис намуналари.

- Гепатит, оила аъзоларидаги гепатит С пайдо бўлиши;
- Оила аъзоларининг уйда бўлмаслик муаммолари;
- Уйда ота-она ўрнига энага ўтириши;
- Тарбиядаги қаттиққўллик, иммунитет танқислиги билан боғ-
лиқ касалликлар.

Оила саломатлигига таъсир қилувчи хавф омиллари

Маълумки, инсон саломатлигига кўплаб омиллар таъсир қи-
лади. Бир хил вақт ва бир хил мухитдаги таъсирлар ҳар кимга
турлича таъсир кўрсатади. Касалликни келтириб чиқарадиган ва
носоғлом мухитни юзага келтирадиган омиллар ХАВФ ОМИЛ-
ЛАРИ дейилади. Хавф омилларини назорат қилиш касалликни
профилактика қилиш ва соглиқни сақлашда мухим ўрин эгал-
лайди. Хавф омиллари асосан 4 та тоифага ажратилади: наслий
омил, атроф-муҳит омили, турмуш тарзи ва ёшга боғлиқ омил.
Хавф омиллари категорияларга бўлинса-да, бир неча хавф оми-
лини биргалашиб бир вақтнинг ўзида юзага келиши, ўзи алоҳида
келган хавф омилга нисбатан соғлиқка кучлироқ зарар етказа-
ди. Масалан, оила анамнезида юрак-қон томир касаллиги ягона
хавф омили бўлса-да, унинг таъсири чекиш натижасида ошади.
Бундан ташқари ҳаёт тарзи ҳам таъсир кўрсатади. Хавф омилла-
рининг қўшилиб келиши аёлларга қараганда эркакларда кўпроқ
учрайди. Шундай қилиб, хавф омиллари таъсирининг, яъни оила
анамнези, чекиш, жинсий омилнинг бирга келиши бу уч омил-
нинг алоҳида келишига қараганда саломатликка кучли таъсир
қиласи.

Инсонда касалликни келтириб чиқарадиган юқоридаги кате-
горияга кирувчи специфик омилларни бор-йўқлигига қараб хавф
омиллари баҳоланади. Масалан, ўсма, йўл транспорт ҳодисаси,
баҳтсиз ҳодиса ва бошқалар. Хавф омилини баҳолаш учун бир неч-
та технологиялар ишлаб чиқилган, булар ўз ичига компьютер дас-
турлари ва бундан ташқари оддий усувларни ҳам олади. Умумий
ёндашув шундан иборатки, хавф омили мавжуд ҳолда унинг дара-
жаси аниқланади ва далилларга асосланиб ҳар бир омил ҳисобга
олиниб умумий баҳо берилади.

Оилавий ҳамширалик амалиётіда ҳамширалик жараёни

Күпчилик оила ҳамширалари бир вақтнинг ўзидагы бутун оила билан ва унинг алоҳида аъзолари билан ишлайдилар. Бу шуни билдирадики, оила ҳамшираси ҳамширалик жараёнини 2-даражада қўллайди – индивидуал ва оилавий. Бундай ҳолатда маълумотларни йиғиш кенг камровли ва анча мураккаб бўлади.

Жараён доимий равишда маълумот йиғиш ва унинг асосида ихтинослик мулоҳазасини юритиши билан характерланади.

Маълумотлар тиббий баҳолашнинг турли воситаларини қўллаган ҳолда йиғилади, улардан баъзилари оилавий генограмма ва экограмма (экокарта) бўлади.

Парваришлиш марказида ким (нима) бўлишига боғлиқ ҳолда ҳамширалик жараёни фарқланади. Агар оила ҳамшираси оилани контекст сифатида ёки фан сифатида қараса, унда оиланинг алоҳида аъзолари эътибор марказида бўлади ва ҳамширалик жараёни индивидумга йўналтирилади. Агар оила ҳамшираси оилани яхлит бир бутун сифатида баҳоласа, унда жараённинг ўзи ўзгармаслигига қарамасдан ҳамширалик парвариши марказида оила яхлит бир бутун бўлиб ҳисобланади.

Оилани баҳолаш

Моҳиятан оила ҳамшираси учун бемор – бу оила. Оила ривожланишини, унинг кучли ва заиф томонларини ўрганиш, шунингдек оила аъзоларининг жисмоний ва руҳий саломатлигига таъсир қиливчи оилавий муаммоларни аниқлаш учун оилани ҳар томонлама баҳолаш зарур. Бу баҳолашнинг натижаларига асосланган ҳолда ҳамшира ҳамширалик тадбирларини режалаштира олади. Ҳамширанинг муҳим роли муҳим ихтиослашган ёрдамни талаб қиласидаган ҳолатни англаш ҳисобланади. Бошқа сўзлар билан айтганда, оилани баҳолашни ўтказишнинг мақсади даволашда жорий эҳтиёжларга таъсир қиливчи омилларни излаш ҳисобланади. Баҳолашни ўтказишда қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:

- хавф омиллари – оиланинг тузилиши, одатлари, стресс;
- турмуш тарзи – ҳаётнинг умумий шароитлари, алкогол ва гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш;
- Руҳий-ижтимоий омиллар – зиддиятлар, мулоқот, болалар тарбияси;

- Атроф-муҳит омиллари – молиявий аҳвол, иш, атроф-муҳит ифлосланиши;
- Ривожланиш омиллари – оиланинг алоҳида аъзоларининг ривожланиш даражаси, оиланинг ривожланиш босқичлари;
- Биологик омиллар – туғилишдаги патологиялар, генетик омиллар.

Оиланинг тузилиши ва вазифасини баҳолашда анамнез йигиш катта рол ўйнайди. Чунки оила аъзолари орасидаги функционал муносабатларнинг сифати уларнинг руҳий ва жисмоний саломатлигига таъсир қилувчи асосий омил ҳисобланади, оилани баҳолашда анъанавий анамнез йигиш алоҳида ва анча батафсил ўрганилади. Оилани баҳолаш оила аъзолари ҳақида ва унинг алоҳида аъзоларининг ўзаро муносабатлари ҳақида маълумот йигишни ўзида мужассам этади. Кенг маънода оила сўзи оиланинг ушбу аъзоси кимни яқин инсон деб ҳисобласа, қариндошлар, дўстлар ва бошқа ижтимоий гурӯхларни, мактаб ёки тўгаракларни ўз ичига олади. Оилани баҳолаш оилани даволаш эмаслигига қарамасдан, у даволовчи аҳамиятга эга. Оила аъзоларини уларнинг ҳаёти ва хусусиятларини муҳокама қилишга жалб қилиш кўпинча самарали саналади ва улар ҳаётининг ривожланиши ва ўзаро муносабатларига ичкаридан назар солиш имконини беради.

Шу билан боғлиқ ҳолда, оилани чуқур баҳолаш вақт талаб қиласди, ҳамиширалик парваришини енгиллаштирадиган оиланинг ўзига хос хусусиятларини билиш имконини берадиган соҳаларни аниқлай олиш зарур.

Оилавий экограмма (экокарта) намунаси

Оилалар билан қисқа муддатли мулоқат даврида уларни чуқур баҳолаш ноўрин, шунинг учун турли мавзуларда 1-2 та савол бериш етарли бўлиб, бу қўшимча саволлар ёки қўшимча текширувlar ўтказиш заруратини аниқлашга имкон беради. Оилани тўлиқ баҳолашга кўрсатма бўлиб ирсий касалликлари бўлган беморлар ёки пайдо бўлиш эҳтимоли мавжуд ҳолатлар бўлиши мумкин: кучли стресс ҳолатини ўтказаётган болалар (сурункали касалликлар, ногиронлик, ота-оналарнинг ажрашиши ёки оила аъзоларидан бирининг вафот этиши), шошилинч уй парваришини талаб қилувчи, ривожланишдан ортда қолаётган болалар, такрорий жароҳатлар ва

шафқатсиз муносабатда бўлинаётганлигига шубҳа қилинаётганда, аҳлоқий ёки жисмоний муаммоларнинг пайдо бўлиши, оила функциясининг бузилганлигига тахминлар. Оиланинг юқорида эслатилган генограммаси ва экограммаси оилани шундай тўлиқ ва чуқур баҳолашнинг баъзи воситалари ҳисобланади.

Оила тузилишини баҳолаш

Оила тузилиши деганда шу уйда яшовчи инсонлар, шунингдек оиланинг ва унинг аъзоларининг умумий руҳий-биологик саломатлигига таъсир қилувчи ижтимоий, маданий, диний ва иқтисодий ўзига хосликлари тушунилади. Айнан шу маълумотлар ўта шахсий ва ошкор қилиб бўлмайдиган хусусиятга эга бўлганлиги боис, бу мавзуни муҳокама қилишни сиз ва оила ўргасида дўстона муносабатлар ўрнатилгунга қадар кечикириб туринг.

Оила тузилиши ҳақида маълумот йиғишининг кенг тарқалган усули оила аъзоларидан интервью олиш усулидир. Эътиборга молик асосий масалалар қўйидагилар ҳисобланади: оила таркиби (1), уйда ёки жамоада ўраб турувчи ҳолат (2), оила аъзоларининг маълумоти ва иш жойи (3), маданий ва диний анъаналари.

Оила таркиби:

- Яқин қариндошлари (уларнинг исмлари, ёши ва қариндошлик даражаси);
 - Узок қариндошлар;
 - Аввалги оиласи, ажралишлар, эр-хотинларнинг бирининг вафот этганлиги;

Турар-жой шароитлари ва яшаш шароитлари (атроф-мухит):

- Турар-жой тури, хоналар сони, истиқомат қилувчилар;
- Ухлаш учун шароит (алоҳида ётоказоналар ва бошқалар);
- Қаватлар сони, зиналарнинг жойлашиши, лифтнинг мавжудлиги;
- Санитар шароитлар;
- Хавфсизлик чоралари (ёнғинда чиқиш йўли, тутун детектори, деразалардаги панжаралар, автомобилда хавфсизлик камари)
- Атроф-мухитнинг зарарли омиллари (масалан, ўткир ҳидли бўёқ, ёмон санитар шароитлар, ифлосланган ҳаво, кўчада транспорт ҳаракатининг кўплиги);

- Даволаш муассасаси, мактаб, ўйин майдонларининг жойлашиши ва яқинлиги;
- Кўшнилар билан муносабатлар;
- Уйдаги ўзгаришлар ёки яқинда бўлиб ўтган кескин ўзгаришлар;
- Яқинда бўлиб ўтган стрессга оила аъзоларининг реакцияси/мослашиши;

Оила аъзоларининг маълумоти, иш жойи:

- Ишнинг характеристи;
- Иш тартиби;
- Ишдан қониқанлик;
- Заарли ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлиги;
- Даромад манбаи ва унинг ҳажми;
- Касалликнинг молиявий аҳволга таъсири;
- Таълим даражаси.

Маданий ва диний анъаналар:

- Диний эътиқоди ва диний эътиқоднинг амалиётда қўлланилиши;
- Маданий-этник маслаклар ва уларни амалиётда қўллаш;
- Оилада яшовчиларнинг мулоқот тили.

Оиланинг тиббий анамнези

Оиланинг тиббий анамнези энг аввало ота-оналарда ёки болада ирсий ёки оилавий касалликларни аниқлаш мақсадида қўлланилади. Одатда бундай анамнез нисбатан биринчи даражадаги қариндошлардан йигилади (ота-оналардан, туғишган ака-укалардан ва опа-сингиллардан, бува ва бувилардан, ота-оналарнинг туғишган ака-укалари ва опа-сингилларидан). Ҳар бир оила аъзоси ҳақидаги маълумот, ёш, оилавий аҳвол, оила аъзоларидан ҳаётларнинг саломатлиги ҳолати, вафот этганларнинг ўлим сабаби ва юрак касалликларининг, гипертония, саратон, қандли диабет, семириш, тутма нуксонлар, аллергия, астма, эпилепсия, сил, ўроқсимон ҳужайрали камқонлик, ақлий заифлик, депрессия ёки психоз каби руҳий бузилишларнинг, руҳий муаммоларнинг, захм ёки ревматизмнинг ҳар қандай белгиларини ўз ичига олади. Мавжуд бўлган ҳар бир касаллик симптомлари, кечиши, даволаш ва асоратлари ҳақида ёрдамчи саволлар бериб, санаб ўтилган касалликлар мавжудлиги аниқлигини тасдиқлаш керак.

Оилавий тиббий анамнезни йигишда эҳтимолий эндемик қасалликларни аниқлаш мақсадида оила аъзоларини турли регионларга ёки мамлакатдан ташқарига саёҳатларини ва тугилган жойларини инобатга олган ҳолда оиланинг географик жойлашиш ўрнини билиш жуда муҳим. Болалар ёмон санитар ҳолатли регионларда паразитар инфекцияларга ва трансмиссив қасалликларга айниқса, берилувчан бўлиб, илиқ ва нам иқлимли регионларда ёки ўрмонларда уларнинг ташувчилари москитлар (искабтопарлар) ёки каналлар ҳисобланади.

Соғлом оиланинг тавсифи

Оила доирасида унинг аъзоларининг индивидуал, оилавий ва ижтиомий эҳтиёжлари қондирилиши керак. Куйида соғлом, яхши ҳаёт кечираёган оиланинг тавсифи санаб ўтилган:

- Оила яхши мулоқот қилишга мойил ва унинг ҳамма аъзоларини тинглайди.
- Оила унинг ҳамма аъзоларини тан олади, ишонч ва хурмат билан қўллаб-қувватлайди.
- Оила аъзолари бўш вақтларини бирга ўтказадилар.
- Оилада масъулият ҳисси мавжуд.
- Оилада маълум анъаналарни ва маросимларни ўтказиша жисслик мавжуд.
- Оилада маълум умумий фалсафий ва диний маслаклар билан маънавий асос мавжуд.
- Оила унинг ҳар бир аъзосининг шахсий ҳаёти ва алоҳида бўлиш ҳукуқига хурмат билан муносабатда бўлади.
- Оила бошқалардан, шунингдек муаммолар пайдо бўлганида ёрдам қидириш ва олиш учун ўзининг чегараларини очади.

“Соғлом” ва “носоғлом”, “яхши” ва “ёмон”, “функционал” ва “дисфункционал”, “муаммоли” ва “муаммосиз” оилалар атамалар ҳисобланади. “Аҳил оила” ва “ноаҳил оила” атамаларини нисбатан кўпроқ таърифлаш мумкин, чунки яхши ва ёмон оилалар келишиш ва келишмаслик соҳаларига эга бўлишлари мумкин. Айтилганидек, аҳил оила – бу унинг аъзолари бошқа аъзолари ёки дўстлари томонидан берилган маслаҳатларни қабул қила оладиган ва фойдаланадиган оиладир.

“Дисфункционал” атамаси сўнгги йилларда Ғарбда кенг кўл-

ланилмоқда. “Дисфункционал” атамаси оила фаолият юритмаяпты ёки ўзининг бурчини тегишли тарзда бажарилмаслигини билдиради. Баъзиларнинг ҳисоблашларича, “дисфункционал” деган атама қўлланилмаслиги керак, чунки у оиласда ҳамма нарса ёмон эканлигини билдиради. Оилалар фақат яхши ёки фақат ёмон бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун оила ҳамшираси оилани баҳолашда ўзининг ташхисини оила даврасидаги ўзига хос хулқ ва унинг кучли томонлари жиҳатидан асослайди, чунки бу ҳамширалик аралашувининг тизимлашган ва конструктив асосини таъминлайди.

Лигман (1974) классик жиҳатдан муҳим бирлик сифатида бирламчи тиббий ёрдам нуқтаси бўлган саломатликнинг шаклланиши ва оила аъзоларида касалликларнинг ривожланишида оиланинг аҳамиятини кўрсатди. Унинг таъкидлашича, соғлом турмуш тарзи ва оила ўргасидаги ўзаро алоқа “шунчалик кучлики, бу алоқанинг ҳар бир томони бошқаларга сезиларли даражада таъсир қилиши мумкин”. Пратт (1976) саломатлик шаклланиши ва касалликларнинг ривожланишида оиланинг ролини ўрганиб адабиётни оила саломатлигини унинг аъзолари соғлом турмуш тарзини шалқлантиришдаги роли тушунчаси билан тўлдирди. Унинг тахмин қилишича, “серҳаракат (ёки фаол) оила” саломатликда ўзининг эҳтиёжларини нисбатан унумли равишда қондирувчи оиланинг идеал тури ҳисобланади. Серҳаракат оила шу билан характерланадики, у эркин, ўзгаришларни яхши қабул қиласи, бошқа гуруҳлар ва ташкилотлар билан фаол ўзаро алоқада бўлади, ўзаро муносабатларда уддабуронлик намоён этади, тенг ҳукуклилик тарафдори ва оила аъзолари орасида юқори даражада ажralиб туриш билан фарқланади.

Оила саломатлиги ҳавфи тушунчаси

Одамлар ўзларининг хулқларини турлича асослаган ҳолда соғлом турмуш тарзини олиб боради. Шундай асослардан бири саломатликни мустаҳкамлаш – “умумий саломатликни яхшилаш ва индивидумларнинг, оилаларнинг уюшмаси ёки жамиятнинг саломатлигини мустаҳкамлаш” (Пендер, 1987) ҳисобланади. Бошқа асос саломатликни ҳимоя қилиш ҳисобланади – “кераксиз стресслардан фаол ҳимоялашни ўз ичига олган индивидумлар, оилалар ва уюшмалар организмнинг функцияси бузилиши ёки ўзига хос касалликларини камайтиришга йўналтирилган хулқ-автор”.

Кўпинча айнан битта хулқ-атворни – саломатликни мустаҳкамлаш ва саломатликни ҳимоя қилиш сифатида турлича изоҳлаш мумкин. Саломатликнинг хавфи тушунчаси саломатликни ҳимоя қилувчи хулқ-атвор тушунчаси билан уйғуллашади.

Оила саломатлигининг хавфи нималигини тушуниш учун бир қанча ўзаро боғлиқ тушунчаларни кўриб чиқиш зарур: оила саломатлиги, хавф омиллари, хавф омилларини баҳолаш, хавф омилларини камайтириш, ҳаётий воқеалар ва оиласвий кризис. “Саломатлик” кенг тушунча бўлишига қарамасдан, турлича белгиланиши мумкин, одатда у ҳар бир инсон томонидан ўзининг маданияти контекстида ва қадриятлари тизимида белгиланади.

Оила саломатлиги

Оила назариячилари “соглом оиласлар” атамасини кўлладилар, лекин одатда бу тушунчага таъриф бермайдилар. Турли оила назарияларидан келиб чиқиб, уларнинг ҳар бири доирасида бу тушунчага таъриф бериш мумкин. Масалан, ривожланиш назариясига нисбатан оила саломатлиги “ривожланишни амалга ошириш учун қобилият ва имкониятларга эга бўлиш” сифатида белгиланиши мумкин. Шунинг учун ривожланишнинг бир босқичидан бошқасига ўтиш босқичи оила саломатлигининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Ньюман моделига мос ҳолда (1989) оила саломатлиги таърифи ўзаро таъсири қилувчи бешта омил билан тавсифланувчи тизимнинг мўътадиллигига асосланиши керак: жисмоний, руҳий, ижтимоий-маданий, ривожланиш омиллари ва маънавий омиллар. Омилларнинг бу комплекси атроф-мухит стресс омиллари билан оиласнинг самарали ўзаро таъсири қила олиш қобилияти билан боғлиқ учта муҳим кўрсаткичлар нуқтаи назаридан баҳоланади. Шундай қилиб, оила тизимининг мўътадиллигини баҳолаш З тамойилнинг мавжудлигини баҳолаш билан амалга ошади. Бу З тамойил ўз ичига куйидагиларни олади: ролларни амалга ошириш, вазифаларни бажариш, қарор қабул қилиш механизми, заҳираларни жойлаштириш жараёнлари ва оила алоқалари турларини ўз ичига олган оиласнинг ўзгаришларга мослашувчи ҳимоявий хусусияти (1); оила томонидан амалга ошириладиган мулоқот тури, яқин муносабатлар, ўзгаришлар ва йўқотишларда оиласга ёрдам берадиган аҳилликни ўз ичига олган оиласнинг нормал ҳимоявий хусусияти (2);

ўзаро муносабатлар, қадриятлар, маслаклар ва ўзаро боғлиқлик каби бардошлилик хусусияти (фундаментал хусусиятлар).

Оила саломатлигини баҳолаш яна оила саломатлигининг 4 та модели ёрдамида ҳам амалга оширилиши мумкин: клиник модел, ролларни бажариш модели, мослашибиши модели ва оила ривожланишининг истиқболлари модели. Масалан, кўйида келтирилганлар аниқ оилавий ҳолатда ушбу модельларни қўлланишини намойиш этади:

Хромцовлар оиласи ота- Н. Хромцовни, она- Е.Хромцова, 12 ёшли Саша ва б ёшли Таняни ўз ичига олади. Яқинда Сашага инсулинга боғлиқ диабет ташхиси қўйилди, эндокринологик клиникада текширув ва даволаниш тартиби белгиланганидан кейин оила даволанишини ўз тураг жойида давом эттириши учун юборилди, бу ерда оила ҳамширасининг роли оилада янги ташхисга мослашибища ёрдам беришдан иборат бўлади.

Клиник модел бўйича оилани баҳолашда асосий эътибор Сашанинг саломатлик хавфини реалистик идрок этишга ва ота-оналарни асоратлар симптомларини қандай аниқлай олиш ва уларни пайдо бўлганида нима қилиш кераклигига қаратилган бўлиши керак. Ҳамшира оилани баҳолаб, оилавий саломатлик тарихи, оилавий касалликлар ва оилавий саломатлик тарихини тўлдириши керак, ота-оналари қандли диабетни қандай тушуниб, қабул қилишини аниқлаши керак, ушбу сурункали касаллик билан оғриган бемор парваришга нисбатан уларни ташвишлантираётган оиладаги тиббий хизмат манбаларини белгилаш ва тушунтириши керак.

Ролини бажариш модели бўйича оилани баҳолаб, бу ривожланиш вазифаларини бажаришда ўзининг имкониятларини ҳис қилишни аниқлаш керак. Катта фарзанднинг ёшидан келиб чиқсан ҳолда бу оила ривожланиш босқичида бўлади, яъни “мактаб ёшидаги фарзанди бор оила” ҳисобланади. Бу босқичда оилани ривожлантириш вазифалари ўз ичига қўйидагиларни олади:

- Оилани мос тураг-жой ва тиббий ёрдам билан таъминлаш;
- Оиланинг моддий эҳтиёжларини қондириш ва она (хотин) ишлаётганда болалар парвариши режасини ишлаб чиқиш;
- Уйга қарашиб бўйича вазифаларни тақсимлаш ва назорат қилиш;
- Фаол жамиятдаги ҳаётни давом эттириш;

- Эр ва хотин, ота-оналар ва болалар, болаларнинг бир-бири билан мулоқотини рағбатлантириш;
- Ота-оналардан биттаси ёки иккаласи бўлган оилаларда ёки иккинчи марта никоҳдаги оилаларда болаларни тарбиялаш ва ота-оналий кўнімаларига ўргатиш;
- Болаларнинг мактабдаги машгулотларига ва билим ҳамда кўнімаларни ўзлаштиришларига қизиқишлирини билдириш;
- Оиланинг алоҳида аъзоларининг ўсишлари ва ютуқларини тан олиш ҳамда оиласада мустаҳкам қадриятлар ва аҳлоқни яратиш.

Мослашиш модели бўйича баҳолаш Сашага ташхис кўйилиши билан бўлган ўзгаришлар ва бунинг натижасида пайдо бўлган янги эҳтиёжларни оила билан биргаликда аниқлашга йўналтирилади. Ҳамшира оила аъзолари билан сурункали касаллиги бўлган болани парваришилашда уларнинг мослашишига ёрдам бериб, боланинг касаллиги билан боғлик ҳолда оила талаблари миқдорининг ортишини эплай олиш учун ўзининг ҳаётини ўзгартириб ишлайди. Оиланинг қобилиятига таянган ҳолда ҳамшира оила аъзоларига улар билган билим ва кўнімаларни оила тизимида бўлган ўзгаришларда қандай қўллаш ва мослаштиришни ўргатади. Яна қўллаб-кувватловчи гуруҳлар, қандли диабетли болалар учун ёзги лагерлар (Гарб мамлакатларида) каби мос ижтимоий хизматларни ҳам топиш мумкин.

Жамиятда оиланинг ўрни

Оилани ривожланиш истиқболлари нуқтаи назаридан баҳолашда ҳамшира оиланинг мақсади ва унга эришишнинг йўлларини қайта баҳолашда ёрдам бериш мумкин. Оила аъзосида сурункали касалликнинг ташхисланиши болаларнинг билим олиши, уларнинг жамият ҳаётидаги иштироки, оиланинг ҳурсандчилиги ва ўзаро таъсир тури каби оиланинг мақсадлари ва қадриятларини қайта кўриб чиқиши талаб қиласди. Ўтказилган баҳолашга асосан ҳамшира оиласа унинг кучли томонларини ва ташқаридағи қўллаб-кувватлаш манбаларини талаб қилувчи томонларини аниқлашда ёрдам бериши мумкин.

Саломатлик хавф омиллари

Саломатликка кўплаб омиллар таъсир қиласди. Бир хил шароитлар турли одамларга турлича таъсир қиласди. Касалликнинг пайдо бўлиши ёки бошқа носоғлом ҳолатнинг юзага келиши омиллари хавф омиллари деб аталади. Саломатликни ҳимоя қилиш ва касалликларнинг олдини олишда асосий ролни хавф омилларини назорат қилиш ўйнайди. Хавф омилларини тўртта асосий тоифани ажратган ҳолда таснифланади: ирсий омил, атроф-муҳит омили, турмуш тарзи омиллари ва ёш омили. Хавф омиллари саломатликка алоҳида-алоҳида таъсир қилиши мумкинлигига қарамасдан, жамланганда уларнинг таъсири синергизмга эга; уларнинг биргалиқдаги таъсири алоҳида омиллар таъсири йигинидисига қараганда кучлироқ. Масалан, оилавий анамнезда юрак-қон томир касалликларининг мавжудлиги ягона хавф омили ҳисобланади, унинг таъсири чекишда, турмуш тарзи омилларида ортади. Хавфнинг бундай биргалиқда келиши аёлларга қараганда эркакларда тез-тез учрайди (маълум ёшгача). Шундай қилиб, оилавий анамнез, чекиши ва эркак жинси – бу омилларнинг биргалиқдаги таъсири, ҳар учала хавф омилларининг шунчаки алоҳида потенциал хавфидан кучлироқдир.

Хавф омилларини баҳолаш касаллик пайдо бўлишининг юқори эҳтимоли билан боғлиқ ва санаб ўтилган тоифаларга кирувчи ўзига хос омилларни инсонда мавжудлигини аниқлашдан иборат бўлади, масалан, саратон, бахтсиз ҳодиса, ёки йўл-транспорт ҳодисаси каби. Компьютер дастурларини ва оддий усусларни ўз ичига олган хавф омилларини баҳолашнинг бир қатор технологиялари ишлаб чиқилган. Умумий ёндашув шундай иборатки, аниқлаш учун хавф омили мавжудми ва агар мавжуд бўлса қай даражада. Кейин далилларга асосланган ҳолда, ҳар бир омил чамалаб кўрилади ва умумий якуний балл чиқарилади.

Хавф омилларининг камайиши хавф омиллари сонининг камайиши ёки хавф омиллари қиймати хоҳланмаган таъсир эҳтимолининг камайишига олиб келади, деган тахминга асосланади. Хавф омилларини камайтиришга ҳар бир аниқ хавф омилига хос турлича ёндашувлар воситасида эришиш мумкин.

Ҳаётий ҳодисалар касалликлар ва ногиронликлар хавфини ошириши мумкин. Бу ҳодисаларни норматив ва ишнормативга

ажратиш мумкин. Норматив ҳодисаларга ривожланишнинг маълум босқичида ёки бутун ҳаёт давомида кутилган ҳодисалар киритилади. Норматив ҳодисаларга мисол сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: боланинг ўқиши учун бошқа шаҳарга бориши, нафақага чиқиш, меҳнат фаолиятининг бошланиши. Но норматив ҳодисалар, аксинча, кутилмаган ва олдиндан айтиб бўлмайдиганлар ҳисобланади (масалан, ишини йўқотиш). Кейинчалик ҳаёт ҳодисалари ва шундай ҳодисаларнинг йигилиши маълум ҳолатларда оиласий тангликларни келтириб чиқариши мумкин.

Оиласий танглик оила ҳодисаларни ҳал эта олмаслик ҳолатида бўлганида, унинг оила сифатида фаолият юритишининг бузилишида ёки издан чиқишида юзага келади. Оиласий танглик бошланиши ҳақида ҳолатнинг талаби оилада мавжуд заҳиралардан ортиб кетганди гапирилади. Оила тангликни ёки тангликка олиб келувчи ҳодисаларни бошидан кечираётганда, у ўзининг заҳираларини ушбу ҳолат илгари сурган талабларни енгиб ўтиш учун мослаб ташкиллаштиради. Стресс билан курашишда фойдаланиладиган оила заҳиралари ва оила стратегиялари фарқланади. Оила заҳиралари – бу оила тасарруфида бўлган заҳиралардир (молия, туар-жой, транспорт, ташқаридан кўллаб-куватлаш ва б.). Оила стратегияси – эса бу “муаммони ҳал қилиш, стресс ҳолатини енгиб ўтиш ёки мослашиш учун оила томонидан қўлланадиган фаол жараён ва ҳаракатлардир” (Барр ва б., 1994) Шундай қилиб, агар оилада асосий боқувчи касал бўлиб қолса, оила заҳираси ота-оналар томонидан молиявий ёрдам ёки уларнинг маънавий қўллаб-куватлаши бўлиши мумкин. Стратегиялар қариндошлардан пул қарз олиш ёки қариндошлар билан ҳозирги вақтда оила бошидан кечираётган муаммолар ҳақида сұхбатлашишдан иборат бўлиши мумкин.

Оила саломатлигининг асосий хавф омиллари

Оила саломатлиги хавф омилларининг бир неча гурухи мавжуд: биологик, ижтимоий, иқтисодий, турмуш тарзи билан боғлиқ хавф омиллари, тангликка олиб келувчи ҳаёт ҳодисалари. Кўп ҳолларда битта хавф омилиниң ўзи оила саломатлиги учун хавф солиш учун етарли эмас: кўпинча хавф омилиниң икки ёки уч тоифасининг биргаликда келиши учрайди. Масалан, оила анамнезида юрак-қон томир касалликларининг мавжуд бўлиши мумкин, ле-

кин кўпинча бу мавжуд хавф омили носоғлом турмуш тарзи билан биргаликда кузатилади. Ҳар бир хавф омили тоифасини тушуниш оиласа мавжуд бўлган хавф омилларини баҳолашни анча тўлик ўтказиш ва уларни камайтириш бўйича тадбирларни режалаштириш учун зарур.

Хавфнинг биологик омиллари

Оила касалликларнинг ривожланишида ҳам, даволашда ёки патологик ҳолатларда ҳам муҳим роль ўйнайди. Бир қатор касалликлар оиласи ҳусусиятга эга, буни ирсийлик ёки турғун турмуш тарзи билан изоҳлаш мумкин. Бу търифланган омиллар маълум ҳолатлар ривожлашининг биологик хавф омилларига йиғилади. Юрак-қон томир касалликларининг мавжудлигини, масалан оиласларнинг кўп авлодларида кузатиш мумкин. Айтишадики, бундай оиласларда юрак-қон томир касалликлари пайдо бўлиш хавфи мавжуд. Оиласа юрак-қон томир касалликлари пайдо бўладими-йўқми ва қай даражадалигига кўпинча оиласнинг турмуш таъсир кўрсатади. Кейинги тадқиқот натижалари парҳез, жисмоний машқлар ва стрессларни енгиди ўта олиш юрак-қон томир касалликлари пайдо бўлишининг олдини олиш ёки кечиктиришида ижобий самара берувчи восита эканлигини исботламокда. Гипертонияга мойиллик парҳез, ош тузининг чегараланиши, нормат тана оғирлигини сақлаш, жисмоний машқларни доимий бажариш ва стресс билан курашишнинг самарадор усуллари, масалан медитация ёрдамида назорат қилиниши мумкин. Қандли диабет – бошقا касаллик, унга мойиллик наслдан-наслга ўтади ва уни даволашда оила катта роль ўйнайди. Семизлик оиласи ҳусусиятга эга бўлиб, бир қатор касалликларнинг пайдо бўлиш хавфини оширади, буларнинг орасида юракнинг тож томир касаллиги, гипертония, диабет, ракнинг баъзи шакллари ва ўт қопи касалликлари.

Оиласларда кузатиладиган биологик хавф омилининг бошقا шакли маълум касалликларга бериувчанликдир. Агар оила умуман соғлом бўлса, бундай оиласларнинг аъзолари баъзи юқумли касалликлар билан заарланиши эҳтимоли камроқ. Ҳимоянинг бундай шаклига соғломлаштириш чораларини бажариш воситасида эришиш мумкин, масалан иммунизация билан, тўлақонли озиқланиш ва дам олиш билан эришиш мумкин.

Хавфнинг ижтимоий омиллари

Оила саломатлиги учун хавфнинг ижтимоий омилларининг аҳамияти янада кўпроқ тан олинмоқда. Жиноятлар кўп бўладиган, кўнгилочар марказлари ёки тиббий ёрдам масканлари бўлмаган туманда ёки юқори кимёвий таъсиrlар ёки қандайдир заҳарловчи моддалар таъсири мавжуд туманларда яшаш оилаларнинг саломатлиги учун хавфни оширади. Ижтимоий хавф омилларининг аниқланган ижтимоий омилларидан бири камситиш, таҳқирлаш билан биргаликдаги руҳий босим ўз-ўзидан стресс ҳисобланади, бошқа стресс омиллари билан биргаликда уларнинг таъсирини кучайтиради. Кўллаб-куватлаш манбалари ва стресс омиллари билан курашиш механизмлари бўлмаса, саломатлик бузилиши мумкин.

Хавфнинг иқтисодий омили

Аниқланганки, аҳолининг қашшоқ қатламида касалликларнинг пайдо бўлиш хавфи юқори. Хавфнинг иқтисодий омили оиланинг молиявий манбалари ва бу манбаларга талабларнинг мутаносиблиги билан белгиланади. Оила учун етарли молиявий манбаларга эга бўлиш саломатликка алоқадор бўлган зарур истеъмол товарларини сотиб олиш имкониятини билдиради. Буларга мос туарар-жой, кийим, озиқ-овқатлар, таълим ва тиббий хизматлар киради. Оила тасарруфида бўлган пул суммасининг миқдори харажатлар ҳажмига нисбатан, шунингдек ижтимоий омилларни ҳисобга олган ҳолда қаралади. Оила яшаш учун зарур бўлган энг кам миқдордан юкорироқ даромадга эга бўлиши мумкин. Лекин оила аъзоларидан бирининг оғир касаллиги билан боғлиқ ҳолда у ўзининг моддий эҳтиёжларини қондира олмайдиган ҳолатда бўлиши мумкин.

Турмуш тарзи билан боғлиқ хавф омиллари

Турмуш тарзи ва шаклланган одатлар аввалгидек касалланиш ва ўлим сабабларига катта таъсири кўрсатаяпти. Соғлиққа тегишли бўлган шахсий одатлар, хўсусиятлар ва заарарли одатлар турмуш тарзи хавфининг индивидуал ва оилавий омилини ташкил қиласи.

Оила – бу ичида турмуш тарзи характери шаклланадиган ва ривожланадиган, соғлом қадриятлар, соғлом одатлар ва хавф омилларининг идрок этилишини ўз ичига олган бирликдир. Оила озиқ-овқатларни танлаш, уларни тайёрлаш, ухлаш тартиби шакл-

ланиши, оилавий тадбирларни режалаштириш, соғлом ахлоқнинг умумий қоидалари ва гигиеник меъёрлари бажарилишини ишлаб чиқиш ва назорат қилиш учун масъулдир. Оила аъзоларидан кимдир касал бўлганида, оила тиббий ёрдамга қачон мурожаат қилиш кераклигини ҳал қиласди ва буюрилган даволашни бажаради. АҚШ да ўлим сабабларининг етакчи 10 та сабабининг 5 тасини ташкил қилувчи элементи парҳез эканлиги аниқланган. Шу билан боғлиқ ҳолда саломатлик, инсон заҳиралари ва мамлакат қишлоқ хўжалиги департаментининг умумий қўлланмаси турли-туман озиқланышдан сақланиш, соғлом тана вазнини сақлаш, озиқ-овқатда ёғ ва холестерин таркибини чегаралаш, озиқланиш рационига кўп миқдордаги сабзавотлар, мевалар ва донли маҳсулотларни киритиш, туз ва натрийни истеъмол қилишни чеклаш, алкогол истеъмол қилгандага жуда кам миқдорда истеъмол қилиш тавсия қилинади.

Доимий жисмоний фаолликнинг саломатликка кўплаб яхши таъсири аниқланган. Доимий жисмоний машқлар касалликларни олдини олиш, ва саломатликни кўллаб-кувватлаш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича самарали чора ҳисобланади. Доимий жисмоний фаолликнинг унумли самаралари орасида мушак кучи, чидамлилик ва эгилувчанликнинг ортиши, тана вазни меъёрлашуви, йўгон ичак саратони, инсульт ва умуртқа шикастланишларини олдини олиш ҳам юракнинг тож томир касалликлари, гипертония, диабет, остоепороз ва депрессияларнинг олдини олишини кўрсатиш мумкин. Оила жисмоний фаоллик тартибини белгилайди. Оилага мўътадил жисмоний юкламани доимий бажариш учун жисмоний фаоллик турини танлашда ёрдам бериш мумкин.

Чекиши ўлимнинг олдини олиш сабабларидан бири эканлиги аниқланган. У ракнинг баъзи шакллари, юракнинг тож томир касалликлари, туғилишда тана вазнининг камлиги, муддатига етмай туғилиш, тўсатдан ўлим синдроми ва ўпканинг сурункали обструктив касалликлари пайдо бўлишига имкон яратади. Бундан ташқари пассив чекиши чекмайдиганлар, шунингдек болалар касалликлари билан алоқадор деб ҳисоблайдилар. Алкоголизм катта ижтимоий ва саломатлик муаммоларини ўзида намоён этади. Ўз жонига қасд қилиш, қотиллик, ЙТҲ оқибатидаги ўлимларнинг 50 % спиртли ичимликлар истеъмоли ўрин эгаллади. Гиёхвандлик ВИЧнинг юқиши, ҳомила ривожланиши аномалиялари, жигар

касалликлари, исталмаган ҳомиладорлик, зўравонлик ва қотиллик-нинг хавф омили ҳисобланади. Адабиёт манбалари оила аъзолари-нинг яқинлиги, оиласий тадбирларда биргалиқдаги иштироки ва аҳлоқ, болаларда гиёҳвандлик ривожланиш хавфининг сусайиши каби оиласий омилларнинг таъсирини белгилайди.

Хавф омиллари ҳисобланган ҳаётий ҳодиса

Бир босқичдан ёки ҳолатдан бошқасига ўтиш пайтида оила юқори хавфга дуч келади. Ўтиш оиласига янги шартларни қўяди. Бунда оила кўпинча турмуш тарзини, кун тартибини ва мулоқот турини ўзгартириш, янги қарорлар қабул қилиши, оиласидаги ролларни қайта тақсимлаш янги кўникмаларга эга бўлиши, шунингдек янги заҳиралардан қандай фойдаланишга ўрганиши керак бўлади. Ўтиш даври талаблари яхлит бир бутун сифатида оиласинг, шунингдек уларнинг алоҳида аъзоларига таъсири кўрсатади ва ҳаётий ҳодиса билан асосланган хавф омиллари сифатида қаралиши мумкин. Ўтиш ҳодисаларига оиласинг тайёрланганлигига ушбу ҳодисанинг табиати таъсири кўрсатади. Агар ҳодиса норматив ёки кутилган бўлса, унда оиласада қўллаб-кувватлашнинг зарур манбаларини намоён этиш, режа ишлаб чиқиш, янги кўникмаларга ўрганиш ёки қандайдир бошқа тарзда ҳодиса ва унинг оқибатларига тайёрланиш имконияти бор. Бундай турдаги режалаштирилган тайёргарлик оиласинг стресс билан курашиб самарадорлигини ошириш, стрессли камайтириш ёки унинг салбий оқибатларини камайтириши мумкин. Агар ҳодисалар норматив бўлмаса ёки олдиндан назарда тутилмаган бўлса, оиласада бундай ҳодисаларга тайёрланиш учун етарли вакт бўлмаса ёки у умуман бўлмаса, унда ҳодисаларнинг оқибати кучли стресс, танглик ёки ҳатто оила фолият кўрсатишининг бузилиши бўлиши мумкин.

Оиласада пайдо бўлиши мумкин бўлган бир қатор норматив ҳодисалар аниқланган. Оила ривожланиши назариясининг доирасида бу ҳодисалар турли муҳим ўтиш даврлари сифатида маълум босқичларда ифодаланган. Ривожланиш модели норматив ҳодисаларни аниқлаш ва оиласада ушбу ҳодисалар натижасида пайдо бўладиган талабларни муваффақиятли қондириш учун тайёрлашда фойдалидир. Ҳар бир босқич учун тегишли бўлган ривожланиш вазифаларини оила учун зарур бўлган кўникмаларнинг турлари

белгилайди. Оилаларда пайдо бўладиган норматив ҳодисалар одатда оиласа бирор аъзонинг кўшилиши ёки бирор оила аъзосининг йўқотилиши билан боғлиқ; туғилиш ёки бола боқиб олиш, қари ота-оналарнинг вафоти, боланинг ўқиши учун уйдан бошқа шаҳарга ўқиши ёки ишлаш учун кетиши, болаларнинг бирининг уйланниши ёки турмушга чиқиши. Бу ҳодисаларнинг ҳар бири саломатлик масалалари билан боғлиқ. Масалан, бола боқиб олиш оиласа боланинг ривожланиши ва ўсиши, ота-оналарнинг роли, эмлашлар, боланинг касаллигини парваришлаш, боланинг озиқланиши ва хавфсизлиги масалалари ҳақида билимларни эгаллашни талаб қиласди.

Норматив бўлмаган ҳодисалар оила олдига бошқа характердаги масалаларни қўяди. Кутимаган ҳодисаларнинг табиати ижобий ва салбий бўлиши мумкин. Хизматда лавозим кўтарилиши ёки катта микдордаги пулни мерос сифатида олиш кутимаган ҳодиса бўлиши мумкин, лекин улар одатда ижобий ҳисобланади. Кўпинча норматив бўлмаган ҳодисалар ёқимсиз бўлади, бу ҳодисалар оғир касаллик, ажрашиш, бола ўлими, оиланинг асосий даромадидан ажралиш. Бу ҳодисалар норматив ёки нонорматив бўлишидан қатъий назар у оила учун стресс манбаи бўлиб хизмат қиласди.

Ҳамширалик ташхислари

Оилани баҳолашни ўтказишдан мақсад оилавий муаммоларни ва оила саломатлиги хавф омилларини аниқлаш ҳисобланади. Кўплаб оила муаммолари ва хавф омиллари ҳамширалик ваколати доирасида тоцилади ва оила ҳамшираси ташхиси билан шакллантирилиши мумкин. Бошқа оила муаммолари ва хавф омиллари бошқа соҳа мутахассисликлари ваколатига кириши мумкин, масалан шифокорлик амалиёти, хукуқшунослик, таълим, бўш вақт ёки ижтимоий таъминот.

Эътибор марказида оила бўлган ҳамширалик парвариши

Эътибор марказида оила бўлган ҳамширалик парвариши оиланинг унинг ҳар бир аъзосининг ҳаётдаги доимий юксаклигига қарайдиган фалсафа ҳисобланади. Беморнинг ота-оналари у ёки бу даражада, айниқса, ўз оила аъзосининг давомий меҳнатта лаёқатсизлигида парвариши жараёнига тортилади, тиббиёт ходимлари эса ҳамшираларни ўз ичига олган ҳолда парваришни амалга оширишда ёрдамчи ҳисобланадилар ва улар билағ шериклик муносабатида.

батларида бўлишлари керак. Ҳамкорлик ишонч ва самарали шерикчилик шаклланишининг муҳим элементи ҳисобланади. Ўзаро ҳамкорлик муносабатлари тегишли мулоқот, диалогни кўллаб-куватлаш, фаол тинглаш, тушуниш ва фаркларни қабул қилиш билан характерланади.

Беморнинг оиласлари тиббиёт ходимлари томонидан кўпинча “яхши” ёки “қийин” деб каралади. Ҳамширалар “яхши” оиласлар билан доимий мулоқот шакллантиради, улар тиббиёт ходимларини назорат ва ҳуқуқка эга сифатида тушунадилар ва бундай бўйсунишни қабул қиласдилар. “Қийин” оиласлар билан иш умуман бошқача бўлади, булар bemorni парваришилаш жараёнида етарли даражада иштирок этмасликлари ёки ҳаддан ташқари иштироклари билан характерланади. Диксон (1993) ҳамширалар билан оила аъзоларининг ўзаро муносабатларга тортилишининг тўртта турига таъриф берди. Бемор парваришида пассив ота-оналар касалхонага ётқизилган оила аъзоси парвариши ва тиббиёт ходимлари билан мулоқотда чекланган иштирокни танлайдилар. Бундай ота-оналар ҳамширалар билан ўзаро муносабатларни шакллантиришнинг ташаббускорлари бўлмайдилар, уларни қарор қабул қилиш жараёнига жалб қилиш қийин. Парвариш реципиентлари - уларнинг ҳамшираларга ишониш даражаси ўта юкори, шу пайтнинг ўзида маълумотларга эҳтиёж жуда паст. Парвариши назорат қилувчи ота-оналар тиббиёт ходимларининг ишини кузатади, ҳамшираларга ёрдам сўраб мурожаат қиласдилар ва батафсил маълумотни талаб қиласдилар. Ва ниҳоят, парвариш менеджерлари парваришига нисбатан қарорларни назорат қиласди ва ҳамшираларга бевосита ёрдам кўрсатиш ва маслаҳат беришлари учун мурожаат қиласди. Улар кўпинча ўзларининг сурункали bemor қариндошлари парвариши жараёнга фаол тортилган бўлади.

Ҳамширалар тиббиёт ходимлари билан оиласларнинг турли ўзаро таъсиrlарига хурмат билан муносабатда бўлишлари ва оиласлар билан уларнинг услублари асосида ишлаш бўйича стратегияни ишлаб чиқишига ҳаракат қилишлари керак.

Маданий таъсиrlар

Эътиқод, қадриятлар ва маданий урф-одатлар bemornинг белгиланган парвариши режасига қандай қарашига таъсиrlар кўрсатади.

Шунинг учун бемор яшаётган маданиятни тушуниш мухим. Маданий тавсифлар атрофдагиларни кузатиш пайтида пайдо бўлади. Маданиятнинг баъзи кўрсаткичлари кийим, соч турмаги услуби, тил, ўзига қараш усуллари, маъқул тиббий парвариш усуллари, оила тузилиши, ота-оналик мажбуриятларини бажариш усуллари, диний маросимлар ва нимагадир муносабати ҳисобланади.

Шуни ёдда сақлаш керакки, бемор амал қиласидан субъектив маданиятнинг намоён бўлишига хос хусусиятлар у оид бўлган этник гурух маданиятидан фарқ қилиши мумкин. Клиникада тиббий хизмат анъаналари, ҳамшира (ва беморлар ўргасида мавжуд маданиятдаги фарқни ҳалқ қилишнинг бир қанча усуллари мавжуд:

- Аккомодация – беморнинг ва улар оиласаларининг секин-аста маданий

мослашиши мақсадида маданиятдаги фарқни ҳисобга олган ҳолда беморларга хизмат кўрсатишда мос ўзгаришларни киритиши;

- Сақлаш – даволаш режасида анъанавий ва ноанъанавий тибиёт амалиётига жой ажратиш;

• Ўзгариши – аккомодация ёки сақлашни бажариш учун стандарт даволашни етарли даражада ўзгартириш имконияти бўлмаган ҳолатда беморнинг маданий қарашларини ўзгартириши.

Оила аъзолари ва турли мутахассисликка эга тибиёт ходимларининг учрашувлари муаммони биргаликда ҳал қилиш учун замин яратади. Айниқса,, бирламчи парвариш ҳамширалари ёки клиника ҳамширалари билан индивидуал мухокамалар бемор ва унинг оиласи афзал деб билган ва ҳамма ўзига хосликларни ҳисобга олган ҳолда босқичли ва мослашувчан ҳамширалик парвариши режасини ишлаб чиқишига ёрдам беради, бу зиддиятлар пайдо бўлиш эҳтимолининг олдини олади ёки у катта муаммога айланишидан олдин ҳал қиласи. Ҳамширалик парваришининг эътибор марказида оила туради, унинг вазифаси оила яхлитлигини қўллаб-куватлаш, оила аъзоларига ўзларига етакчилик ролини олиш имконини бериш, маданий ўзига хосликларни ҳисобга олган ҳолда тегишли парваришини таъминлаш ва стресс пайтида оиласа ёрдам кўрсатиш ҳисобланади.

Ўзгаришларга кўникмалар

Ҳар бир инсон ўзининг соғлиги ва фаровонлиги учун масъудир. Фаровонликка эришиш маълум ҳаётий нуқтаи назарни ва

хулқни, яъни турғун турмуш тарзини ўзгартыришни назарда тутувчи узлуксиз жараённи ўзида акс эттиради. Халқ ўзгаришлари мөделини, ўзгариш жараёнлари ва ўзгаришга таъсир құлувчи омилларни билиш ҳамшираларга индивидуал ёндашувдан фойдаланиб, беморларни ўзгариш күнікмаларига ўргатиш имконини беради.

Инсон хулқи ўзгариши модели (Прочаска ва ДиКлементе модели)

Ўзгариш босқичлари

Прочаска ва ДиКлементе ўзгаришларни амалға оширишда инсонлар босиб ўтадиган босқичлар кетма-кетлигини таърифладылар. Ҳар бир босқичда инсон ўйлайды ва ушбу хулқ ўзгаришига ҳар хил ёндашишга ҳамда олдинга боришда ташқаридан ҳар хил таъсирлар ва жараёнлар мавжуд бўлишига олиб келади. Шахснинг ўзгариши модели кўпинча шаклан айлана кўринишида тасвирланади. Барқарор ўзгаришлар турмуш тарзи сифатида. Ўйлаб кўришдан олдин келадиган босқич ёки қизиқишининг йўқлиги босқичи. Бу айлана ичидаги бўлмаган инсон ўзини ўзгартыришга қизиқмайди. Бу босқич ўйлаб кўришдан ёки қизиқишининг йўқлиги босқичидир. Инсон ўзгаришни мақсад қилиб қўймайди, чунки ўзининг хулқининг ушбу кўринишида муаммони кўрмайди. Баъзан одамлар ушбу хулқнинг натижасида муаммонинг юзага келиш хавфи пайдо бўлишини билмайдилар. Баъзан улар хавфни тўлиқ англайдилар, лекин бошқа ҳолатлар сабабли хулқнинг бу тури уларни шунчалик қониқтирадики, улар ўзгаришни хоҳламайдилар.

Ушбу хулқ билан боғлиқ муаммонинг пайдо бўлиш хавфини англашдаги ёрдам инсонга қизиқишининг йўқлиги босқичидан ўйлаб кўриш босқичига ўтишидан ёрдам бериши мумкин. Бу босқичда инсон худди икки қисмга ажralгандек йўналади – у ўзгариш зарурлигини билади, лекин ҳали ҳам хулқнинг ушбу кўринишини аста-секин ўйлаб кўриб, бу босқичда йиллаб қолиши мумкин.

Ўзгариш ҳақида қарор қабул қилганлар, кейинги – тайёрланыш босқичига ўтадилар. Тайёргарлик босқичида инсон ҳаракатга ўтишни режалаштиради. У ўзининг хулқини ўзгартира бошлайди. У бошқаларга ўзининг ўзгариш ҳақидаги ниятини гапириб бериши ва буни у қандай қилмоқчи экани ҳақидаги аниқ режаларини айтиши мумкин.

Бажариш босқичида инсон ўзгаришни ўзи амалга оширади ва бунга анча миқдорда күч ва энергия сарфлайди. Инсон кўпинча айнан шу даврда мутахассислар ёрдамидан фойдаланади ёки ўзаро ёрдам гурухларига боради. Бундан кейин ўзгарган хулқ сақлашиб қоладиган ва вақтингчалик ўзгаришлар мустаҳкамланадиган ва аста-секин турмуш тарзининг қисмига айланадиган сақлаш босқичи келади. Агар мустаҳкамлаш амалга ошмаса, инсон барбод бўлиши босқичига ўтади, у орқали яна қизиқишининг йўқлиги ёки ўйлаб кўриш босқичига қайтади. Ким ўзгаришларни муваффақиятли амалга оширса, қатъий тартибда ҳамма босқичларни сақлаш босқичигача ўтади, бу ерда ўзгаришларни шунчалик мустаҳкам сақланиб қоладики, инсон айланадан чиқиши мумкин. Ўзгариш барқарор турмуш тарзига айланади. Баъзи одамлар бир босқичдан бошқасига жуда тез ўтади ёки босқичларни сакраб ўтади. Агар ўйлаб кўриш ёки тайёрланиш босқичлари жуда тез ўтилган бўлса, барбод бўлишининг катта хавфи мавжуд бўлади, чунки ўзгаришга қарор қилиш ва ўзгариш режаси етарли даражада тайёрланмаган.

Ўзгаришнинг бу модели трансназарий. Бу муаммони у ўзига ўзи қандай тушунтириш, мутахассиснинг ёрдамидан фойдаланяптими ва агар фойдаланаётган бўлса, мутахассис қайси назария ёки техникани кўллашидан қатъий назар инсон ўтаётган босқичларни таърифлайди дегани демак.

Ўзгаришлар жараёни

Одамлар ўзларининг хулқини ўзгартириши учун, ўзларида қуидагиларни ҳам ўзгартиралилар:

- ўзи ҳақидаги тассавурни;
- ушбу хулқнинг уларга таъсири ҳақидаги тассавурларни;
- ушбу хулққа муносабатни;
- турмуш тарзини;
- тафаккур тарзини;
- ўз ҳаётининг кўплаб бошқа жиҳатларини.

Хулқ ўзгариши шахс ўзгаришининг кўзга кўпроқ ташланадиган қисмидир ва кўпинча ўзига кўп эътиборни тортади. Шундай бўлса-да, одамларга кам сезиладиган ўзгаришларни амалга оширишда ёрдам бериб, биз уларга ўзгаришнинг бир босқичидан кейинги анча ижобий босқичига ўтишида ёрдам беришимиз мумкин.

Ўзгариш босқичлари бўйича олдинга боришда одамлар фойдаланадиган тўқизта асосий жараён мавжуд. Ўзгаришнинг турли босқичларида турли жараёнлар қўлланилади ва улар ўз ичига куйидагиларни олади:

- тушунишнинг ортиши;
- жамиятнинг ижобий таъсири;
- ҳиссий қайғуришнинг чақирилиши;
- ўзини шахс сифатида қайта баҳолаш;
- мажбурият олиш;
- қарши ҳаракат;
- атрофни назорат қилиш;
- мукофотлар, рағбатлантирилишлар;
- ўзаро яхши муносабатлар.

Ўзгариш зарурлигини тушунишнинг ортиши ўзи ҳақида ёки ўзининг муаммоларининг табиати ҳақида билимларининг ортиши билан пайдо бўлади. Бу билимларга турли йўллар билан эришилади: саломатлик масалалари бўйича адабиётларни ўкиш, кундалик тутиш йўли билан ўзининг хулқини англаш, бошқа одамларнинг берган баҳолари бўйича тушунишнинг ортиши жараёнидан қизиқишининг йўқлиги ва ўйлаб кўриш босқичларида фойдаланилади.

Жамиятнинг ижобий таъсири – бу жамиятдаги стереотиплар ва турғун меъёрлар билан асосланган ташки кучдир. Бу меъёр ўзгаришнинг улар турган босқичи билан боғлиқ ҳолда одамлар томонидан турлича қабул қилинади. Масалан, жамоат транспортида (автобуслар, поездларда чекиш таъқиқланган бўлса, ўзгаришларга қизиқиш бўлмаган инсон бу таъқиқни унинг хуқукларининг чекла ниши деб қабул қиласди, унинг нуқтаи назарида ишдан кейин, асан у ўзида чарчоқ ҳис қилганида чекиш жуда муҳим. Ўзгаришни саклаш босқичида бу таъқиқни унинг ушбу одатга боғлиқлигини мустаҳкамлаши мумкин. Шунга қарамай, ўзгаришни саклаш босқичида бўлса, бу таъқиқни қўллаб-кувватлаш сифатида баҳолайди, чунки у юқори хавф ҳолатида берилиб кетишни йўқотяпти.

Ҳиссий қайғуришнинг чақирилиши – бу жараён ҳодиса билан чақириладиган, ушбу муаммо билан боғлиқ кучли ҳиссий қайғуриш – “катарсис” қарашлари билан жуда ўхшаш. У кимнингдир ҳаётидаги фожиа оқибатида пайдо бўлиши мумкин (одамлар кўпин-

ча қариндошининг касал бўлиши ёки ўлими қизиқишнинг йўқлиги босқичидан ўйлаб кўриш босқичига ўтганлигини маълум қила-дилар). Фильм ва театр постановкалари ҳам ҳиссий қайгуришни қўзғотиши мумкин. Бу жараён кўпинча ўйлаб кўриш ва тайёрла-ниш борсиқчларида фойдалидир.

Ўзини шахс сифатида қайта баҳолаш - бу жараён инсоннинг ўзи ҳақидаги тассаввурларини таҳдил қилиш натижасида пайдо бўлади, қайси қадрият унинг учун муҳим, ўз олдига қандай мақ-садларни кўяди ва қай тарзда “муаммоли” хулқ бу мақсадлар билан мослашади ёки уларга зид келади. Бу жараёндан фойдаланиш ушбу хулқнинг ҳамма ижобий ва салбий томонларини, ушбу хулқ ўзгаришининг ижобий ва салбий томонларини чамалаб кўришни ўз ичига олади. Бу жараён кўпинча ўйлаб кўриш ва тайёрланиш босқичларида кўлланилади.

Мажбурият олиш – тайёрланиш, бажариш ва ўзгаришларни сақлаш босқичида муҳим. У ўзгаришишни амалга оширишда ўзининг танлови учун ўзига масъулият юклаш ва мувофиқ равишда маълум харакатларни бажариши билан боғлиқ. Агар инсоннинг шахсий мажбурияти ошкор қилинса, бу ўзгаришни қўллаб-кув-ватлашга ижтимоий босимни пайдо қилади. Ўзига ва ўзаро ёрдам гуруҳларида шу сабабли ўзининг мажбуриятини овоз чиқариб айт-тиш рағбатлантирилади.

Қарши таъсир – бу ўзгараётган хулқнинг анча соғлом ва хавф-сизларига алмашишдир. Бу кўпинча ниманидир тўхтатишни на-зарда тутувчи хулқ ўзгаришига киради (масалан, чекиши, спиртли ичимликларни ичишни, ҳаддан ташқари тўйиб овқат ейиши-ни), кайфиятни кўтарувчи фаолият (музиқа тинглаш, жисмоний машқлар, релаксация) бошқа усул билан ҳиссий эҳтиёжларни қондиришининг воситаларга қарши таъсир усуllibаридан бири бўлиши мумкин. Хавфли мавзуда фикрлашдан ёки муаммонинг тортиш кучидан чалғитувчи ҳар қандай фаолият қарши таъсирнинг бошқа усули ҳисобланади. Бажариш ва сақлаш босқичида бўлган одамлар кўпинча қарши таъсирдан фойдаланадилар.

Атроф назорати – бу ҳам бажариш ва ўзгаришларни сақлаш босқичида – ўзини тутишда нотўғри бўлишга нисбатан тўғри бўлган ва нафсга берилишларнинг эҳтимолини камайтиришда атроф ҳолатини назорат қилиш учун муҳимдир. Масалан, ўзининг озиқла-

нишини ўзгартирмоқчи ёки алкоголь истеъмолини камайтиришни хоҳловчи овқат микдорини камайтириш ва уйида спиртли ичимликларни сақламаслиги керак. Мукофотлар, рағбатлантиришлар – ҳаракатлар даврида ўзгаришларни амалга оширишда ўзини рағбатлантиришнинг ҳар хил турлари мавжуд. Инсон ўзини мақташи ёки дўстлари, ҳамкаслари ёки қариндошларидан мақтov эшитиши мумкин. Баъзи инсонлар чекиш ёки ичишни ташлаганлари сабабли иқтисод қилган пулларига ўзлари учун совға сотиб оладилар. Мукофотлар бажариш босқичида, айниқса, муҳим, чунки ўзгаришнинг муҳим афзалликлари фақат маълум вақтдан кейин аниқ бўлади. Баъзан одамлар дастлаб ўзини яхши эмас ёмон хис қиладилар, масалан энди чекишини ва ичишни ташлаганларида, ёки машқлар микдорини оширганларида. Фақат бир неча ҳафта ёки ой ўтганидан кейин хулқ ўзгаришлари ўз-ўзидан мукофотларни олиб келади.

Атрофдаги одамлар билан ўзаро яхши муносабат – ҳар қандай инсон ўзаро яхши муносабатларнинг манбаси бўлиши мумкин: тиббиёт ходими, ўзаро ёрдам гуруҳининг иштироқчиси, оила аъзоси, дўст, диний хизматчи, ҳамкасб. Ўзаро яхши муносабатлар – бу муҳим жараён. Ўзгаришни хоҳловчилар бажариш ва ўзгаришларни сақлаш босқичида одатда шундай далдани кутадилар. Тиббиёт ходимлари ҳам одатда қизиқишининг йўқлиги, ўйлаб кўриш ва ўзгаришларга тайёргарлик босқичида бўлган одамлар билан ўзаро яхши муносабатларни ўрнатадилар ва ғамхўрлик қиладилар. Турли босқичларда ёрдамнинг ҳар хил турларидан фойдаланиш керак, уларни бемор ўзи қўллаётган жараёнлар билан мослаштириш керак (масалан, кимдир эшигади ва ўзини шахс сифатида қайта баҳолаш жараёнида саволлар беради, ёки кимдандир рағбатлантириш манбаси сифатида фойдаланади).

Хулоса

Ҳар бир ўзгариш жараёни энг аввало ўзгариш – битта белгиланган босқичида фойдалидир. Кўпинча ўзгаришларни амалга ошираётганлар томонидан жараёнлар куйидаги тарзда фойдаланилади:

Ўзгаришни хоҳламаслик

Иши саломатликни мустаҳкамлашга йўналтирилган тиббиёт ходимларида салбий ҳиссиётларнинг пайдо бўлишиниг асосий сабаби, кўпинча bemорларнинг ўзгаришни хоҳламасликларидир. Бу

хоҳламаслик муаммосини енгиб ўтиш учун эса одамларнинг нима сабабдан баъзан хулқнинг маълум турларига боғланиб қолгандилари ва ушбу беморнинг тайёрланиши ва бажариш босқичига ўтишига таъсир қилиш учун нима қилиш кераклигини тушунишга ҳаракат килиб кўриш керак.

Биз нима учун ўзгаришни хоҳламаймиз?

1. Ушбу хулқ натижасида биз кандайдир устунликка эга бўла-
миз, шу сабабли биз учун буни қилишни давом эттириш МУҲИМ.
2. Биз учун хулқ шахсан бизда ёмон акс этишига ишонмаймиз,
шу сабабли ўзгариш ёки ўзтармаслик биз учун МУҲИМ ЭМАС.
3. Ўзгариш деярли мумкин эмасдай, бизда буни амалга оши-
ришимизга ИШОНЧ етарли эмас.

Носоғлом хулқ кўпинча бошқа планда устунликка эга. Инсонлар онгли мавжудот сифатида ўзининг ҳаёти ва қулагилги ҳақида қайғурадилар. Чекиш, ичиш, ширин ва ёсли овқатнинг ютилиши стрессни заифлаштириб, лаззатланишни олиб келиб, шахсий ва ишдаги мулоқотни яхшилаб ҳаётимизда ижобий вазифани ҳам ба-
жариши мумкин. Бу шунчаки эрмак бўлиши мумкин. Ўзгаришларга қарор қилиш учун биз бу хулқ билан боғлик хавф ёки зарар экан-
лигини, бу хулқ олиб келадиган афзалликларни қиёслашимиз ке-
рак. Кўпинча афзаллик тезкор хусусиятга, хавф эса узоқ муддатли ҳисобланади. Шунинг учун хулқнинг ушбу турида қолишни давом эттириш ўзгаришга қараганда яхшироқ бўлиб кўриниши мумкин, бу балансни бошқа томонга оғдириш керак ва шунда инсон ҳара-
катга тайёр бўлади.

Одамларни бу хулқ айнан шахсан улар учун муаммо туғдира-
ётганига ишонтириш учун осон эмас. Ушбу хулқ саломатлик учун хавфни оширади деган билим билан у айнан шу инсон учун зарар келтиради деган ишонч орасида фарқ бор. Инсон ёки унинг яқинлари ҳаётида саломатлиги билан боғлик муаммо пайдо бўлмагунича, назарий хавф шахсий таҳдид сифатида қаралмайди. Баъзан эса амалий жиҳатдан ўзгариб бўлмайдигандай туюлади.

Агар хулқ тезкор, устунлик аҳамиятига эга бўлса, ёки инсон кундалик ҳаётининг ажралмас қисми бўлса, деярли ўзгариб бўл-
майдигандай туюлади. Хулқ ўзгариши бошқа кўплаб нарсалар-

нинг ўзгаришини англатади. Бу қандайдир янги кўникмаларни эгаллашни билдиради. Масалан, ичиш ва чекиш ёрдамида тинчланишга ўрганган одамга, агар у ичиш ва чекишни ташлашга қарор қилган бўлса, дастлаб тинчланишининг бошқа йўлларини топиш кийин бўлиши мумкин. Агар инсон кўп марта ҳаракат қилган бўлса, лекин бунинг уддасидан чиқа олмаган бўлса (масалан, инсон доимий равишда озиш учун парҳезда бўлади, лекин муваффақиятсиз), унда ўзгара олиш қобилиятига ишончи йўқолади ва бу жиҳатдан ўзининг ожизлигини сезади. Баъзан атроф-муҳит хулқ ўзгаришига етарли ёрдам бермайди (масалан, кўпчиликнинг имконияти етадиган даражадаги нархларда спорт секцияларининг, тегишли маҳсулотларнинг йўқлиги). Шундай қилиб, тайёрланиш ва ҳаракатга ўтиш учун инсон ушбу ўзгариш муҳимлигини ва ўзида буни муваффақиятли бажаришга ишонч борлигини текшириши керак.

Таъкидлаш керакки, маслаҳатларни кабул қиласлик ва ўзгаришни хоҳламаслик ўзгаришни ўйлаб кўриш жараёнининг меъёрий ҳисми ҳисобланади. Тиббиёт ходими таъсир қилишининг турли усуслари ёрдамида қаршиликни камайтириш ёки енгиши мумкин.

Қаршилик кўпинча адоват ва мажбурлашга жавоб сифатида пайдо бўлади. У очик ёки яширин бўлиши мумкин. У инсонга унда ўзгаришларни хоҳлашнинг реал сабаблари мавжудлиги ҳақида ўйлашга имконият бермайди. Директив усул ёки конфронтация усули қизиқишининг йўқлиги ва ўйлаб кўриш босқичидагиларда кўпинча қарама-қаршиликни келтириб чиқаради. Бу усул бу босқичларда фойдасиз ва тиббиёт ходими ҳамда мижоз ўртасидаги баҳсга сабаб бўлиши мумкин. Ҳамдардлик нисбатан ижобий ёндашув ҳисобланади. Шунга эришиш керакки, тиббиёт ходими ва мижоз ўзларининг кучларини бирлаштирунлар ва муаммоли хулқقا қарши бирга ишласинлар.

Ўзгаришга тайёрланаётган ёки уни бажараётган одамлар кўпинча айтадиларки, қатъий маслаҳат улар қабул қилган қарорни хал қилинишини қучайтиради. Инсон турган босқич қанчалик эрта бўлса, у шунчалик кўпроқ қарама-қаршиликни ҳис қиласади.

Ўзаро яхши муносабатларни яратиш

Инсон хулқини ўзгартиришда муҳим омиллардан бири бу масала ҳақиқатдан ҳам уни ташвишлантирадиган, ёрдам бериш ке-

раклигини тушунадиган ва ўзини шунга масъул деб билган ким биландир ўзаро яхши муносабатларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Бу муносабатлар қизиқишнинг йўқлигидан ўйлаб кўришга ва саклаш босқичига ўтища алоҳида қимматга эга. Ўзаро яхши муносабатлар инсон ва “ёрдамчи-мутахассис” (тиббиёт ходим), дўст, турмуш ўртоғи ёки оила аъзоси ўргасида бўлиши мумкин. Ёрдамчи-мутахассисда бемор билан мулоқот қилиш вақти чегараланган, лекин унинг ёрдамчи сифатидаги роли аниқ белгиланган.

Мижоз билан ўзаро яхши муносабатлар яратишнинг битта муҳим йўли мавжуд – бу инсон ўзи ва ўзининг муаммолари ҳақида гипираётганида диққат билан ва фаол тинглаши зарур. Фаол тинглаш ўз ичига иккита функцияни олади – биринчидан, бу инсонлар ва уларнинг муаммоларини аниқ тушуниш имкониятини беради, бу эса ёрдам бериш мажбурияти ва ҳақиқатдан ғамхўрлик қилишга олиб келади, иккинчидан фаол тинглаш мижозга ёрдамчи томонидан ёрдам бериш мажбурияти ва ғамхўрликни тушунишни намоён қилиш имконини беради. Инсонни тинглаш – ўз-ўзидан унга маълумотларни етказиш каби даволаш қимматига эга. Куйида фаол тинглаш ва ўзаро яхши муносабатларни яратишда фойдали ва зарарли бўлган хулқ турларининг рўйхати келтирилган.

Тинглашда хулқнинг фойдали турлари:

- бошни қимиirlатиб тасдиқлаш;
- жилмайиш;
- ҳиссиётларни юзда ифодалаш;
- имо-ишиоарлар қилиш (кўл ва бошқа);
- эркин ҳолат;
- суҳбатдош томонга эгилиш;
- жимликдан кўрқмаслик (паузалардан);
- суҳбатдошининг ҳаракатларини акс эттириш;
- суҳбатдошининг тана ҳаракатларини аниқлаш;
- аниқ овоз;
- “шундай”, “давом этинг” сўзларини айтиб туриш;
- асосий сўзларни такрорлаш;
- очик саволлар;
- текшириш/аниқлаш;
- суҳбатдош нутқининг асосий ҳолатларини такрорлаш;

- ҳулоса ясаш;
- жамлаш;
- тизимлаштириш;
- жисмоний түсиқларнинг йўқлиги.

Тинглашда хулқининг зарарли турлари:

- ҳавотирлик;
- суҳбатдошга қарамаслик;
- кўли, кийими, ва бошқаларни асабий тортиш (қимирлатиш);
- жисмоний түсиқлар;
- соатга караш;
- зерикаётган, бесабр, душманларга кўринищ;
- тинглашда “тинглаш” ва “тингламай қолиш”;
- суҳбатнинг директив кўриниши;
- ман-манллик;
- суҳбатдошининг фикрини қадрламаслик;
- ўта тез ҳулосалар;
- таъна қилиш;
- жуда кўп гапириш;
- жимликни (пауза) жуда тез тўлдиришга ҳаракат қилиш;
- суҳбатдошининг гапини бўлиш;
- жуда кўп савол бериш;
- гапириб бериш;
- маслаҳат бериш.

Фаол тинглашни сақлаб туриш қийин. Тинглаш жараёнидаги мавжуд түсиқлар ўз ичига куйидагиларни олади:

Тинглашда “tinglash” ва “tinglamay қолиш”. Кўпчилигимиз инсон гапиришига қараганда тўрут марта тез ўйлаймиз. Шундай қилиб, тингловчидаги тингланган ҳар бир дақиқани шунчаки ўйлаш учун дақиқанинг тўртдан уч қисми бор. Биз баъзан бу вақтдан эшитишининг ўрнига бошқа нарса ҳақида фикрлаш учун фойдаланамиз.

“Очиқ қўзлар – ётиқ ақл”. Биз баъзан ёки суҳбат мавзуси ёки гапирувчи зерикарли ва гапирилаётган ҳамма нарсалар маънисиз деган ўта тез қарорга келамиз. Биз кўпинча кейин у нимани айтишини биламан деган шошилинч ҳулосолага келамиз. Шундай қилиб, тинглашни давом эттиришга сабаб йўқ, чунки агар эшитадиган бўлсак ҳам ҳеч қандай янги гап эшитмаймиз.

“Лоқайд” тинглаши. Баъзан биз инсонга диққат билан қараймиз, эҳтимол диққат билан тинглагандек бўламиз, аслида фикран биз жуда узоқда бўламиз ёки бошқа нима ҳақидадир ўйлаётган бўламиз. Биз ўзимизнинг ёқимли ўйларимиз дунёсига кетамиз: бизда юзимизнинг лоқайд ёки орзу қилувчи ифодаси намоён бўлади.

“Мен учун бу жуда қийин”. Қачонки, биз учун ўта мураккаб ва чалкаш ғоялар ҳақида гапириб беришса, биз учун шунчаки “йўқ бўлиб қолиш” хавфи мавжуд бўлади.

“Эшитмаганинка олиш”. Бизнинг ғояларимиз, тушунчалаrimiz ва тассаввурларимизни ўзгартиришга ҳаракат қилишлари бизга ёқмайди. Кимдир бизнинг нуктаи назаримиз ва фикрларимиз билан курашмоқчи бўлса, биз буни яхши кўрмаймиз. Шундай экан, сўзловчи биз ишонган ва амал қиласидиган нарсаларга қарама-қарши фикр билдиrsa, биз англамаган ҳолда эшитишни тўхташишимиз ёки ҳатто ҳимояланиш ва қарши туриш заруратини хисқилишимиз мумкин.

Асосий эътиборни суҳбат предметига эмас, балки сўзловчига йўналтириши. Баъзан биз сўзлаётган инсонга эмас муаммога эътибор марказини йўналтирамиз. Бу ҳолатда биз учун нима ҳақида гапирилаётганига қараганда, ҳолатнинг деталлари ва далиллари муҳимроқ бўлиб қолади.

Далилларни эслаб қолиш. Кўпинча биз одамларни эшитганимизда, кейинчалик уларни уйда гапириб бериш учун эслаб қолишга ҳаракат қиласиди. Бундай ҳолатларда инсон янги далилларнинг манбаларига айланаб қолади, лекин биз эътиборимизни уни ўзгартиришга етарлича йўналтирмаймиз.

Қалам билан эшиштиши. Гапирилаётган нарсаларни ҳаммасини қофозга ёзиб олишга уриниш, инсон ёзишга қараганда тезроқ гапиришни ҳисобга олганда, биз маълумотларнинг маълум қисми-ни йўқотамиз ва биз ҳамма нарсани ёза олмаймиз. Бу ҳолатда кўз орқали алоқа ҳам қийинлашади.

Фаол тинглаши – бу маълум қўнималар йифиндиси бўлиб, у тибибиёт ходимига яхши, ижобий ўзаро муносабатни яратишга имкон яратади. Ўзаро ижобий муносабатлар қизиқишининг йўқлиги босқичидан ўйлаб кўриш ва ўзгаришларни сақлаб қолиш босқичига муҳим омил ҳисобланади.

Ўзгаришларни амалга ошириш учун кўниумалар. Ўзгаришни ўйлаб кўришда инсон унинг ҳамма афзалликлари ва камчиликларини чамалаб кўради. Булар хулқ ўзгариши натижасида инсон олишни умид қилган афзалликлар ва хулқнинг тахмин қилинган мавжуд ҳамма етишмовчиликлари билан асосланади.

Кўпинча инсон ҳозирги хулқни сақлаб қолиш хоҳиши ва шунингдек уни ўзгартириш хоҳиши ўртасида қийналиб қолади. Бу иккиланиш инсон ички зиддиятининг манбаси ҳисобланади. Тиббиёт ходими (оила аъзоси ёки дўсти) билан ўзгариш мақсадини муҳокама қилишга кўпинча зиддият аниқ бўлиб қолади. Кўпинча маслаҳат берувчидаги зиддиятнинг бир томонига ўтиш зарур бўлиб қолади, яъни ҳозирга хулқнинг камчиликларига ва уни ўзгартиришнинг афзалликларига ургу бериш. Бу шунга олиб келиши мумкинки, мижоз ушбу зиддиятда қарама-қарши позицияни эгаллайди ва бу зиддият мижознинг ички зиддияти бўлмай қолади, балки мижоз ва тиббиёт ходими ёки ўзгаришда ёрдамни амалга ошираётган бошқа инсон (ёрдамчи) ўртасидаги кўринадиган зиддиятга айланади.

Афсуски, бундай диалогнинг оқибати шундай ҳолатга айланishi мумкинки, мижоз ёрдамчига ўзгариш нима учун ёмон ғоя эканлигини ҳамма сабабларини, ҳозирги хулқ ҳақиқатан ҳам муаммо эканлигини тушунтириб беради. Бу инсоннинг ушбу хулқ турига берилишини орттириш мумкин. Агар зиддият кучайса ёки қарама-қаршилик пайдо бўлса, инсон ўзгаришга катта қаршилик кўрсатади. “Мотивлашган” сухбат ўтказиш (Миллер ва Ролник 1991) мижоз томонидан ушбу зиддиятни англашни ошириш, бу зиддиятни иложи борича аниқроқ таҳлил қилиш ва ҳал қилиш, уни яхшироқ ҳал қилиш мақсадида ишлаб чиқилган ёндашувдир. Қуйида мотивлашган сухбат ўтказишнинг баъзи тамойиллари таърифланган бўлиб, улар ўзгаришни хоҳламаётган мижозлар билан қисқа маслаҳатлар ўтказишда фойдали бўлиши мумкин.

Қаршилик кўрсатишдан йироқлашиш. Агар мижозлар қизиқишининг йўқлиги ва ўйлаб кўриш босқичида қаршилик кўрсатишга мойил бўлсалар ва агар қарама-қарши ёндашувлар унинг қаршилик кўрсатишни кучайтираса, бошқа стратегияни кўллаш зарур. Миллер ва Ролник шундай стратегияни таърифлаб, ҳарбий санъат билан ўхшатишдан фойдаланадилар, ҳужумга қарши туриш ёки қамал қилиш ўрнига, ҳарбийлар “қарама-қаршиликдан

кетишга” қарор қиласылар ва шундай қилиб, талофат келтиришдан йироклашадылар.

Бу бизнинг ҳолатимизга куйидаги тарзда мос келади. Агар тибиёт ходими ўзгариш ҳақидағы масаланы күтартганида, мижоз қаршилик күрсата бошласа, қарши далилларни келтириш ўрнига, тибиёт ходими қаршиликни қабул қиласы ва тан олади, эшитиш ва ҳамдардлик күнікмаларидан фойдаланади. Агар қарама-қаршилик қабул қилинса, мижоз учун кейинчалик бунга эътиборини қаратиш зарурати қолмайды ва ушбу масаланиң бошқа жиҳатларини муҳокама қилиш учун йўл очик қолади.

Балки, мижознинг ўзи ва тибиёт ходими инкор этишни тўлиқ тушунишлари учун мижоздан пайдо бўлган қарама-қаршиликни озгина таҳлил қилиб беришини сўраш ҳам фойдали бўлиши мумкин. Бу тибиёт ходими мижозни ўзгаришга ундаётган пайтдаги ҳолатда пародоксал бўлиб кўриниши мумкин, лекин бу ўзининг қаршилик кўрсатишига ва ўзгаришдаги тўсиқларга максимал даражада объектив қарашида, ушбу қаршиликларнинг муҳимлигини тушунмайдиган тибиёт ходими олдида ўзининг далилларини химоя қилиш зарурати йўқлигини кўришда имконият яратади.

Қаршилик кўрсатишини яна бошқа ҳарбий ўхшашликдан фойдаланиб “айланиб ўтиш” мумкин. Агар мижоз норозилик билдируса ва бир қатор саволлар кўйса, тибиёт ходими баҳсни бошқа мавзуга ўтказиши ёки масалага бошқа томондан ёндашиши мумкин. Максад шундан иборатки, самарасиз баҳсга берилмасдан конструктив, биргаликдаги муҳокамани давом эттириш керак. Бу пайтда мижоз гапиришда давом этади ва мавзу бўйича ўзининг ҳиссиётлари ва фикрларини таҳлил қилишда давом этади, бу йўлаб кўриш жараёнига имкон яратади.

Асосланишлар ҳақидағы фикрларни олишига ҳаракат қилинг.
Қачонки биз шахсий тасдиқлар, фикрларни овоз чиқарган ҳолда эшилсак, бизнинг уларга мойиллигимиз тенденцияси ортиб боради. Шундай қилиб, агар биз ўзгаришни рагбатлантирмоқчи бўлсак, маслаҳатни шундай ўтказиш фойдалики, мижозни ўзгариши учун улар кўраётган сабабларни овоз чиқариб айтишга ундаш керак. Шундай асосланишларнинг намуналари куйидагилар бўлиши мумкин:

- “Мени ўзим чекишим билан болаларимга ёмон намуна бўлаётганим ташвишлантиради”;

- “Агар мен жисмонан анча фаол бўлсам, бу менга ишдаги стрессларни енгиб ўтишимда ёрдам беради”;
- “Менинг отам юрак хуружидан вафот этган. Менда ҳам шундай бўлишини хоҳламайман. Мен биламанки, мен ўз турмуш тарзимни ўзгартирсам, ушбу муаммонинг пайдо бўлиш хавфини камайтираман”;
- “Менга ортиқча вазнга эга бўлғанлигим ёқмайди – мен ўзимни унчалик жозибадор деб билмайман ва тезда чарчаб қоламан”.

Асословчи фикрларни қўйидаги турдаги саволларни бериб олии мумкин:

- “Сиз чекиши сизга нима учун ёқишини гапириб бердингиз. Чекиши масаласида сизни ташвишлантирадиган нимадир борми?”
- “Сиз қачондир ўзингизнинг турмуш тарзингизда қандайдир ўзгариши бўлиши ҳақида ўйлаганмисиз?”
- “Сизнинг нуқтаи назарингизда, ўзгариш натижасида қандайдир афзалликлар пайдо бўлиши мумкинми?”

Мижознинг қаршилик кўрсатишига шундай муносабат билдириш керакки, бу кейинги баҳслашишга сабаб бўлмасин.

Қарор қилиш баланси ва ўзини шахс сифатида қайта баҳолаш

Ўйлаб кўриш ва тайёрланиш босқичларида ўзини шахс сифатида қайта баҳолаш фойдали ҳисобланади. Инсонга унинг янги жорий ҳолатини баҳолашда ёрдам бериш мумкин, бу ушбу муаммо ёки хавфни хулқ оқибатларини мұхокама қилиш, шунингдек инсонни агар ушбу хулқни давом эттиrsa ёки уни тўхтатса қандай келажак кутаётгани ҳақида ўйлашини ўз ичига олади. Қарор қилиш баланси шундай қайта баҳолашни ўтказиш учун яхши асос ҳисобланади. Биринчи марта балансни Дженис ва Манн (1977) батафсил мұхокама қилдилар, у яна асосланган сұхбат ўтказишнинг асосий элементи ҳисобланади (Миллер ва Родник, 1991). Қисқа маслаҳатни ўтказишида балансни ҳам ишлатиш мумкин, уни ёки маслаҳат жараёнида ёки мижоз учун “уй вазифаси” сифатида ишлатиш мумкин.

Агар жорий хулқга ургу берилса (масалан, чекиши, ичиш, жорий озиқланиш, жисмоний фаолликнинг паст даражаси), мижоз

аввал бу пайтда ҳолатнинг афзаллиги ва камчиликларини ўйлаб кўриши мумкин. Кейин у хулқини ўзгартиргандай тасаввур қилиши ва ўзгаришнинг афзалликлари ва камчиликларини ўйлаб кўришиш мумкин.

Мижоз ўйлаб кўриши учун таклиф қилинган жавобнинг тўртга тоифаси мавжуд:

1. Ўзи учун оқибатлари (масалан, агар чекишини давом эттирсам, бу менинг саломатлигимни заифлаштириди, агар мен ичишни ташласам, кечки пайтлари дам олишим қийинлашади);

2. Бошқалар учун оқибатлари (масалан, агар мен кўп ичишни давом эттирасам, оилавий байрамларни ўtkазиш маъносига молиявий жихатдан бизга кийин бўлади; агар мен чекишини ташласам, менинг оилами “пассив чекиш” га тортилмайди);

3. Мен ўз ҳақимда нимани ўйлайман ва ҳис қиласман (масалан, агар мен жисмоний фаол ва нисбатан хушқомат бўлсан, мен ўзим ҳақимда яхшироқ ўйлай бошлайман; агар мен чекишини давом эттирасам, ўзимни гуноҳкор ҳис қиласман, чунки фарзандларимга ёмон ибрат бўляпман);

4. Мен ҳақимда бошқалар қандай ўйлайдилар (масалан, агар мен ичишни ташласам, менинг дўстларим мен билан мулоқот қилишни хоҳламайди, агар мен озсан, менинг оилам мен билан фаҳранади).

Индивидуал маслаҳатни ўтказища ўзаро яхши муносабатларни яратиш учун бошланишида муаммонинг ёки хавфли хулқининг ўзига торгадиган ёки ижобий жихатларини тушунишингизни кўрсатиш фойдали. Ташибишланишни ифодалаш учун фаол тинглаш кўникмаларини қўллаш мумкин. Ҳатто мижоз ўзининг ҳозирги хулқининг афзаллиги ёки ўзгаришнинг камчиликлари ҳақида гапираётган бўлса ҳам, бу фикрлар билан сиз келиша олмасангиз ҳам, ёки уларни бемаъни деб ҳисобласангиз ҳам, ёдингизда тутинг, кейинчалик у билан ишлашни давом этириш учун бу ҳақида мижоз қандай ўйлаётганини тушунишингиз зарур. Аниқроқ тушуниш учун савол беринг, баҳслашманг. Баҳслашиш одатда қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради.

Қарор қилиш баланси асосида ўтказиладиган маслаҳат қуйидаги саволлардан фойдаланган ҳолда ўтказилиши мумкин:

- Қандай яхши жиҳатларни топгансиз (“чекиш, ичиш, ҳозирги овқатланиш одатларингизда)??”

- Сизга, айниқса, ёққан нимадир борми“(чекиши ва бошқа одаттарда)?”
- “Агар сиз ўзгаришни ўйлаб күрган бўлсангиз, сиз учун нима қийинроқ туюлди?”
- “Ўзгариш натижасида юзага келиши мумкин бўлган қандайдир афзалликларни кўряпсизми?”

- “Шундай қилиб, сизнинг айтганларингиздан қуидагилар келиб чиқяпти (хулоса қилиш). Ҳозир сиз шу ҳақида ўйлајпсиз?”

Ўзгариш ҳақида ўйлаб кўришни энди бошлаётган мижоз билан баъзан жорий хулқнинг афзаллиги ва камчиликларини кўриб чиқишининг ўзи яхшироқ. Ким ўзгаришни амалга оширишга тайёрланаётган бўлса, эҳтимол, фақат ўзгаришларнинг афзалликлари ва камчиликларига эътиборни қаратишни баҳолайдилар.

Тиббиёт ходими ўта эҳтиёткор бўлиши керак ва ўзининг қадриятлари ва тахминларини қарор қилиш балансига сарфлаши керак эмас, бир одам учун муҳим бўлган нарса, бошқалар учун муҳим бўлмаслиги мумкин.

Қарор қилиш баланси турли сабаблар натижасида ўзгариши мумкин, масалан:

- Атроф-мухитдаги ўзгаришлар (масалан, иш жойида энди чекиши мумкин эмас, спиртли ичимликлар нархи ошди, янги спорт секцияси очилди).

- Янги маълумот (ушбу хулқ натижасида пайдо бўлган шахсий жисмоний зарарнинг гувоҳлиги).

- Мижоздаги муҳимликларнинг ўзгариши (масалан, оиласда фарзанд пайдо бўлди).

- Янги кўнікмаларнинг эгалланиши (маслан, мижоз унга ёқадиган спорт турини топди ва ишдан кейин бошқача дам ола бошлади).

Шундай қилиб, тиббиёт ходимининг роли ўз ичига қуидагиларни олиши мумкин:

- Ҳозирги пайтда қарор қабул қилиш қандай кўринишда эканлиги ҳақида.

Мижоз аниқ тассавурга эга бўлишида ёрдам бериш:

- Мижозда қарор қилиш билан боғлиқ маълумотларга эга ёки эга бўла олиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилиш керак, у бунинг бутун аҳамиятини тушунади, айниқса, бу ўзгаришнинг афзалликларини ошираси;

- Мижоз енгіб ўтишни хоҳлаган ўзгариш йўлидаги ҳар қандай тўсиқларни (масалан, билимларнинг етишмаслиги) аниқлашда шундай қилиб ўзгаришнинг камчиликлари миқдорини камайтириб ёрдам бериш;

- Атроф-мухитда тегишли ўзгаришларни тарғиб қилиш, шунингдек энг муҳими тингловчи бўлиш ва таъна қилмасдан, жараённи вактидан илгари хуласалашни тезлаштирумасдан ўзининг ҳолатида мижоз билан қайта баҳолашни акс эттириш.

Ишнинг ушбу соҳасини кўллашда қарама-қаршилиқдан узоклаша олиш ва ўзини асослашнинг тасдигини олиш билимлари марказий ҳисобланади. Маслаҳатда ушбу балансни кўллашга муқобил сифатида мижоздан маслаҳатлар орасида “уй вазифаси” сифатида юкорида келтирилган шаклни тўлдиришни илтимос қилиш мумкин. Бу мижозга ушбу хулқнинг унинг учун аҳамияти қандай эканлигини, шунингдек, ўзгаришнинг истиқболлари ҳақида ўйлаб кўришга вақт беради.

Қарор қилиш баланси – ўта субъектив нарса. Унинг қиммати ҳамма нотўғри тушунчаларни, муносабатларни ва мижозларнинг қадриятлари тизимини акс эттиради. Бошқа сўзлар билан айтганда, беморнинг асослашларини тушунишга имкон яратади.

Ишончни мустаҳкамлаш

Ҳаракатта муваффақиятли ўтиш учун инсонда буни қила олишига қобилияти етиши ҳақида ишонч мустаҳкам бўлсин. Қарор қилиш балансини тўлдирища мижоз учун ўзининг хулқини ўзгартириш муҳимлиги аниқланиши мумкин. У ўзгаришларнинг бир қанча афзалликларини кўради. У буни қилишни хоҳлайди. Шунга қарамасдан, буни қила олишига ишончи йўқ ва бу уни тўхтатиб туради. Хулқнинг маълум турини ўзгартириш қобилиятига ишончнинг етишмаслиги бир нечта омиллар асосида пайдо бўлиши мумкин:

- Баъзи одамларда фақат уларнинг ҳаётининг бошқа жиҳатларини ўзгартириш бўйича кўп бўлмаган ижобий тажрибалари ва умуман олганда ўзларига умумий паст ишонч бор. Яқинда бўлган жароҳат ёки ўзига ишончнинг ривожланишига ёрдам бермайдиган шароитлардаги тарбия шундай умумий ўзини паст баҳолашнинг асосида ётиши мумкин.

• Баъзиларга хулкнинг муҳокама қилинган турини ўзгартиришнинг доимий равишда имкони бўлмайди. Аслида кўпчилик мувваффақиятсиз уринишларда тиббиёт ходимидангина ҳаракат ва ёрдамни қидирадилар, лекин ўzlари нимадир қилишга тайёр эмаслар.

• Қарор қилиш балансини ўйлаб кўришда баъзилар ўзгаришнинг кўп афзалликларини кўрсалар ҳам, лекин камчиликлар ҳам бор. Агар улар буларни қандай ҳал қилишни билмасалар, уларнинг ўзгаришга ишончи йўқолади.

• Аниқ режасисиз ўзгаришнинг қандай амалга ошишини аниқ тасаввур қилиш қийин ва шундай қилиб ишонч ҳосил қилиш мумкин бўлган аниқ ҳеч нарса бўлмайди.

Одатда, ишонч тахмин қилинган ёки қўрқитаётган тўсиқларни қандай енгиб ўтишнинг амалий стратегиясини аниқлаш орқали яхшироқ мустаҳкамланади. Ўзгаришнинг баъзи жараёнлари аниқ шунга бағишланган.

Карши ҳаракат қилиши. Юқори хавф ҳолатларида ўзини қандай тутиш кераклигига муқобил йўлларни белгилаш қисқа муддатли даврда чекиши, ичиш ва бошқа кучли хоҳишлиарга қарама-қарши йўлдир. Мисоллар ўз ичига қуйидагиларни олиши мумкин: душ ёки ванна қабул қилиш, ишдан қайтгандан кейин ичиш ёки сигарет чекиши ўрнига мусиқа тинглаш, хафа бўлганда ёки зерикканида ёғли овқатни ейиш ўрнига дўстига қўнғироқ қилиш. Қарши ҳаракат қилиш ўз ичига юқори хавф ҳолатларида қандай қилиб бошқача ўйлаш йўлларини белгилашни киритиши мумкин. Баъзи одамларда таслим бўлиш типидаги фикрлаш одатлари бор:

- “Бу менда унчалик яхши чиқмайди”.
- “Мен ҳаммасини яна тўғри қилолмаяпман” .
- “Фақат бир мартаси зарар қилмайди”.

Инсон ўзини шундай таслим бўлиш фикрини билиб қолса, уларни қуйидаги турдаги ижобий фикрлар билан алмаштириши мумкин:

- “Мен буни илгари ҳам қилганман, ҳозир ҳам қиласман”;
- “Бу тортиш кучи яна 5 дақиқа кутсан ўтиб кетади”;
- “Мен бусиз бу сафар ҳам ўта оласман”.

Ёки уларни ўзи эришишни хоҳлаган, уларда ўзини соғлом ҳолатда кўра олган кўрув образларига алмаштириш керак. Бунинг

учун машқ қилиш керак, лекин вақти келиб янги фикрлар одатий бўлиб қолади.

Узоқ муддатли режада ҳаракат қилиш ўз ичига шундай эҳтиёжларни аниқлашни оладики, улар қисман носоғлом хулқ ва ушбу эҳтиёжларни амалга оширишнинг бошқа йўлларини излаш орқали амалга ошади. Одатда носоғлом хулқ бизга ижтимоий ва ҳиссий эҳтиёжларимизни амалга оширишда ёрдам беради. Янги дўстлар, янги қизиқиши ёки билим олиш курси ушбу эҳтиёжларни амалга оширишнинг муқобил усули бўлиши мумкин. Янги билимлар, масалан релаксация ҳам фойдали бўлиши мумкин. Самарадор қарши ҳаракат бизнинг эҳтиёжларимизга жиддий муносабатда ва ўзимиз ҳакимизда қайғурганимизда пайдо бўлади.

Атрофни назорат қилиши. Яқин атрофдагиларнинг бу ўзгаришини душманларча кутиб олишидан кўркув сабабли ишончнинг етишмаслиги пайдо бўлиши мумкин. Овқатнинг маълум турлари, спиртли ичимликлар, сигаретдан соғлом муқобилига, спорт секциялари ва соғлом овқатга ўтишда дўстлар ва ҳамкасларнинг қўллаб-куватламаслиги ўзгаришни бажариб бўлмайдигандек қилиб кўяди.

Бу хавфга жиддий ёндашиш керак. Ирода кучининг ўзи етарли деб ўйламанг; амалий режалар зарур. Ўзида ишончни мустаҳкамлашга ҳаракат қилаётганлар учун фойдали саволлар:

- Ҳозирги пайтда сиз энг яхши йўл билан ўзингизни эҳтиёт қила олган ҳолатлар борми? Бу қандай ҳолатлар? Сиз улардан қандай қилиб саклана олдингиз? Бошқалар учун ўзингизни нима учун сиз аввалгидек тутмаётганингизнинг сабабларини айта оласизми ва сиз ўзингиз учун қандай муқобилларини топасиз?

- Хулқнинг ушбу турининг пайдо бўлишига қандай кайфият сабаб ҳисобланади. Юқори хавф ҳолатини чақирадиган қандайдир алоҳида ҳиссиётлар ёки фикрлар борми? Ушбу кайфиятларнинг таъсирини йўқотишга сиз қандай тайёрланасиз ёки машқларни бажарасиз?

- Ўзгаришга эришишни енгиллаштириш учун ушбу ўзгаришни қўллаб-куватловчи атроф-муҳитни яратиш учун ўзгартирилиши зарур бўлган сизнинг ҳаётингизнинг қандайдир бошқа жиҳатлари борми? (масалан, қайсиdir бошқа жойда тушлик қилиш, спорт ёки қандайдир бошқа секцияга бориш учун иш вақтини ўзгартириш).

Ўзгаришга аввалги уринишлардаги сабоқлардан фойдаланиши. Мижозга қарши ҳаракат қилиш ва атрофни назорат қилишни қўллашда ёрдам берган ҳолда унинг аввалги тажрибаларидан амалий фойдаланишга ҳаракат қилинг. Қуйидаги саволлар фойдали бўлиши мумкин:

- “Илгари ушбу хулқни ўзгартиришга ҳаракат қилганингизда, нимадир фойдали бўлгандаи бўлдими?”, “Агар шундай бўлган бўлса, буни бу сафар ҳам режамизга киритсак бўлмайдими?”
- “Ўзгаришга охирги уринишда сиз тўқнаш келган муаммолардан ниманидир олиб ташлаш мумкинми?”

Ҳақиқий мақсадларни аниқлаш. Айни пайтда эришилган мақсадлар ўйлаб кўрилганда қисман ишонч пайдо бўлади. Умумий мақсадлар жуда юксак ва вақти бўйича жуда узоқ бўлса, бу жуда кам ютуқларга олиб келиши мумкин. Олти ёшли боладан университет маълумотини олиш ҳақида ўйлаш сўралмайди, аслида баъзилар бу ҳақида ўйлаши мумкин. Улар учун ҳарфларни, кейин сўзларни, кейин грамматикани ўрганиш бўйича вазифалар белгиланади ва шундай давом этади. Ҳар бир босқич мақсадларига эришилганда улар рағбатлантирилади, кичик қадамлар уларни катта мақсадларга эришиш учун етаклайди. Ўзига ишончи паст бўлган инсонга ўзи учун эришиш осон амалга ошадигандай кўринадиган кичик мақсадларни белгилашни маслаҳат бериш керак (бир вақтнинг ўзида мижоз учун арзийдиган етарли даражада катталарини ҳам). Агар бу мақсадлар аниқ бўлса улар қачон бу мақсадларга эришиш мумкин ва бу ютуқлар учун ўзларини мукофотлашни белгилайдилар. Бу ўз навбатида ишонч манбасини яратади, унинг асосида кейинги мақсадни белгилаш мумкин.

Аниқ режсанинг мавжудлиги. Мос мақсадлар белгиланганда, бу мақсадларга эришишнинг аниқ режсанинг мавжудлиги билан ишончни мустаҳкамлаш мумкин. “Мен жуда қаттиқ ҳаракат қиласман”, - бу яхши баёнот ва ният, лекин у бу яхши ниятларни қандай ҳаракат қилишга мажбурлашнинг ҳеч қандай амалий қоидасини бермайди.

Яхши режа қарши ҳаракат қилиш ва атрофни назорат қилишни ўз ичига олади. Шунингдек у ўзгаришни бажариш мажбуриятини оширадиган вақт шкаласини ҳам киритиш керак, яъни “шанба куни қандайдир таомни кўпроқ сотиб оламан” ёки “пайшанба куни ишдан

кейин бассейннинг иш вақти ҳақида сўрайман ва кейинги душанбагача жуда бўлмаса бир марта унга боришин режалаштираман". Бунда режанинг белгиланиши режа бажариляптими ва агар шундай бўлса – мақсадларга эришилдими ёки йўқлигини мижоз ҳам, тиббиёт ходими ҳам текшира олишини кафолатлади.

Кўллаб-қувватлашини ташкилаштириши. Яхши муносабатлар бу ерда ҳаётий муҳим ҳисобланади. Бу яхши муносабатларни тиббиёт ходими яратиши шарт эмас. Норасмий ва оиласвий алоқалар ёрдам беришнинг энг катта қувватига эга. Одамлар ўзларининг шифокорларига қараганда кўпроқ вақтларини одатда уйда ёки ишда ўтказадилар. Оила ва дўстлар инсоннинг ўзига қараганда аввалроқ муаммони кўрадилар ва баъзан оила аъзолари мижоздан аввалроқ шифокорга мурожаат қиласдилар ҳамда ўзининг яқинига қандай ёрдам бериши мумкинлиги ҳақида сўрайдилар. Бошқа томондан ўзгаришни кўллаб-қувватловчи ҳамкор ёки ҳамкасб ҳолатни фавқулодда ёмонлаштириб қўйиши мумкин. Бир одамнинг ўзгариши у билан ёнма-ён бўлганларга таъсир ўтказади ва бу таъсир ҳар доим ҳам ёқимли бўлмайди.

Ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилаётганларга Прочаска ва унинг ҳамкаслари куйидаги маслаҳатларни берадилар:

- Инсонни ҳаракатларга жуда тез мажбурламанг. Унга дастлабки босқичларни ўтиш учун вақт беринг.
- Сиз инсонни муддатидан аввалги ҳаракатларга мажбурламаётган бўлсангиз ҳам, ҳаракатларни тўхтатманг – бу масала сизни ташвишлантираётганини кўрсатинг.
- Ҳолатни солиштирманг, яъни сиз бу масалани кўтарманг. Ушбу хулқнинг заарли оқибатларини минимумга келтирманг, шунингдек, ушбу хулқ учун оқловчи сабабларни ўйлаб топиб, инсоннинг ушбу хулқ турини давом эттириши осонроқ бўлишини учун ҳаракат қиласдиринг.
- Инсон ўзгаришни ўйлаб кўраётганида ҳолатлардан қатъий назар илиқлик ва ҳамдардлик билдиринг.
- Инсон ўзгаришни бажара бошлаганида, йўлдан оздиришлардан йироқлашиш учун унга атрофни назорат қилишда ёрдам беринг.
- Уларга вазифани қачон яхши бажараётганлари ва қанча хатотга йўл қўяётганлари ҳақида гапиринг.

- Инсонни ўзгаришни сақлаб қолиш босқичида күллаб-кувватлаш давом этиринг.

Баъзилар ҳисоблайдиларки, ўзига ёрдам бериш гурухлари ўта фойдали, бу ҳолатда улар иккита вазифани бажарадилар: күллаб-кувватлаш ва бошқаларга ёрдам бериш имконияти, бу ўзгаришга тарафдорликни кучайтириши мумкин. Ўзига ёрдам гурухлари аноним ичқиликбозларнинг Ҳалқаро клуби расман ташкил топган бўлиши ёки норасмий бўлиши мумкин, масалан спорт клубига бориши учун учрашадиган ҳамкаслар гуруҳи.

Ўзгариш барбод бўлишининг олдини олиш ва айланага бўйича тақороран ҳаракат қилиши. Ўзгаришни сақлаб қолиш – бу ўзгаришнинг энг фаол ва ишchan давридир. Барбод бўлишдан эҳтиёт бўлиш, янги соглом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, ёрдам берувчи янги стратегиялар ўрганилади. Фақат 20% одамлар биринчи уринишида давомий муаммоли хулқларини муваффақиятли ва бутун умрга ўзгартира оладилар (Прочаска, 1994). Кўп одамлар уни яна қайтадан ўзгартиришга ҳаракат қилишдан олдин жуда бўлмаса бир марта муаммоли хулқа қайтадилар.

Алан Марлатнинг ўзгариш барбод бўлишига доир нисбатан бағасилендирни спиртли ичимликларни истеъмол қилиш бўйича ўзларининг хулқларини ўзгартирган одамлар ҳақида ҳикоя қиласиди. Бу ишни бошқа тадқиқотчилар ўргандилар ва давом эттирилар (Аддикция, 91-том, илова, декабрь 1996, қар), бу иш клиник тадқиқотлар учун фойдали схемани тақдим қиласиди.

Барбод бўлиш (муваффақиятсизлик) нимани чақиради?

Барбод бўлиш – бу одатда қандай қилиб:

- Руҳий дистрессни енгигб ўтишдир (яъни қачон сенга ёмон бўлса, ўзингни яхши ҳис қилиш);
- Яхши руҳий ҳолатни кучайтириш (яъни сенга қачон яхши бўлса ўзингни янада яхшироқ ҳис қилиш);
- Йўлдан оздирishлар ва кўндиришларга берилиш мумкин;
- Ижтимоий босимга берилиш мумкин.

Муваффақиятсизликдан қандай кутулиши мумкин?

Инсонда бу ҳолатларни қандай енгигб ўтиш билимлари ва у буни қила олишига ишонч ҳиссиёти бўлиши керак. Ҳар сафар инсонда кейинги сафар бу стратегияни муваффақиятли кўллай олиш

эҳтимоли ортади. Инсон ўзини сақлаб қолиш босқичида юзма-юз келадиган юқори хавф ҳолатларига тайёрлаши мумкин.

Кейинги бир неча ҳафтани олдиндан таҳлил қилган ҳолда инсон ўзининг фикри бўйича муаммоли хулққа қайтишни хоҳлаб қолиш ҳолатлари рўйхатини тузиши мумкин. Кейинг унга қарши ҳаракат қилиш, атрофни назорат қилиш ва ўзаро яхши муносабатлардан фойдаланиб, ушбу ҳолатларни енгиб ўтиш учун тегишли стратегияни ишлаб чиқишида ёрдам бериши мумкин:

- Ижтимоий босимни енгиб ўтиш учун ўзида ишонч кўникмаларини;
- Салбий руҳий ҳолатдан чиқиш учун ҳаяжонланиш ёки газабни енгиб ўтиш усувларини;
- Бошқа руҳий дистрессларни енгиб ўтиш учун қўллаб-куватларни олиш йўлларини;
- Кучли ҳоҳиш ёки тортувчи кучдан халос бўлишда ўзига ёрдам бериш учун кайфиятни ўзгартириш стратегияларини;
- Йўлдан оздириш ортганда ҳолатлардан чиқиш мақсадида кундалик ҳаётда ўзгариши.

Ортга қайтиш ва муваффақиятсизлик

Кўпинча инсон янги турмуш тарзи қоидаларига кескин амал қилиш йўлига ўтади (чекмаслик, соғлом озиқланиш, жадал жисмоний машқлар ва бошқалар), кейин эса бир куни бу йўлдан қайтади. Уларнинг уринишлари зое кетди, тўла муваффақиятсизлик аниқ деб ишонган. Кўпчилик ўзгаришларни шу ернинг ўзидаёқ инкор қиласидилар. Улар ўзларини айбдор хис қиласидилар ва ўзларини айблайдилар. Уларда бу одатдан қутулишдаги ўзларининг стратегияларига ишонч йўқолади ва бу инсонлар учун соғлом турмуш тарзига қайтиш қийинлашади. Ҳар бир муваффақиятсизлик ортга қайтишдан бошланади, лекин ҳар бир ортга қайтиш, албатта, муваффақиятсизликка айланмайди. Инсонни ўзининг ортга қайтишларини енгишга ва лозим бўлганда иложи борича тез қайтишга ўргатиш мумкин. Бу ҳақиқатдан ҳам мумкин – битта сигарет чекиб яна чекувчи бўлиб қолмаслик мумкин.

“Айланга бўйича тақрор ҳаракат қилиши” да инсонларга ёрдам.

Ортга қайтиш ва муваффақиятсизликлар бизни кўп нарсага ўргатади, биз ўзимизнинг одатларимиз ва ўзгаришга уринишла-

римиз ҳақида кўпроқ билишимиз мумкин. Шунга қарамасдан, тан олишимиз керакки, бизнинг биринчи реакциямиз кўнгли совиши, газаб бўлиши мумкин ёки биз хафа бўлишимиз мумкин. Бу ҳиссиётларни тан олиш, ортга қайтишимизнинг ёки тўлиқ муваффақиятсизликнинг сабабларини аниқлаш, қандай ҳолатлар “юқори хавф” ҳолатлари эканлигини аниқлаш ва қандай ёрдамчи стратегияларни ишлаб чиқиш зарурлигини аниқлашда ёрдам беради.

Аниқлаш фойдали:

- Инсон қарши ҳаракат қилишнинг яхши техник усуслари нинг етарли микдорига эга бўладими? Шундай усусларни кўпроқ ишлаб чиқиш керакми?
- Етарли даражада қўллаб-кувватлацдими? Мавжуд ўзаро яхши муносабатларни кучайтириш керакми ёки қўшимча қўллаб-кувватлашни ташкиллаштириш керакми?
- Бу тажриба ушбу муаммо бўйича мутахассис ёрдами зарурлигини кўрсатдими?
- Инсон ҳақиқатдан ўзгаришларга тайёр ва тарафдор эдими ёки уриниш муддатидан илгари бўлдими? Яна қайтадан жуда тез ўзгаришга уриниш керакми ёки ўйлаб кўриш ва тайёрланиш учун вақт зарурми?

Муваффақиятли уринишлардан инсон юқори хавф ҳолатларида ортга қайтишдан қандай сақланиш мумкинлиги дарсини олади. Бу қандай ёрдамчи стратегиялар мавжуд ва кўнилмаларни қандай ривожлантиришни кўрсатиши мумкин. Бу ўз навбатида ишончни мустаҳкамлайди.

Муваффақиятсизлик – бу нормал ҳолат, амалий стратегиялардан уни йўқотиш ва заарасизлантиришда фойдаланиш мумкин. Муваффақиятсизлик ижобий тажриба бўлиши ва нимагадир ўргатиш мумкин. Тиббиёт ходими мижозга салбий ҳиссиётларни енгишда ва муаммони амалий жиҳатдан ҳал қилишда ёрдам бериши мумкин.

Кисқа маслаҳатлар бўйича текширувлар натижаларининг шарҳи

Софлом турмуш тарзининг ривожланиши саломатлик масала-сида ютуқларга эришишга олиб келади. Софлом турмуш тарзини мустаҳкамлашнинг кўплаб стратегиялари мавжуд. Шундай стратегиялардан бири тиббиёт ходимларининг беморга индивидуал асосда бериладиган қисқа маслаҳат ва маслаҳати назарда тути-

лади. Ўзгаришнинг тайёргарлик даражасига асосланган қисқа маслаҳатнинг таъсир самарадорлиги бўйича текширув натижаларини шарҳлашда берилиши керак бўлган З та савол мавжуд:

• Қисқа маслаҳат хулқ ўзгаришига олиб келадими?

• Ўзгаришлар модели чекиш, спиртли ичимликлар ичиш, озиқланиш, жисмоний фаоллик каби турларида кўлланиши мумкиниш?

• Шунчаки оддий маслаҳатга қараганда ўзгариш босқичларига асосланган таъсирлар шундай яхши ёки яхшироқ таъсир қиладими?

Қисқа маслаҳат хулқ ўзгаришига олиб келадими?

Қисқа маслаҳатлар бўйича текширувларнинг кўпчилиги чекиш ва ичиш масалалари бўйича ўtkазилган. 1979 йил Рассел томонидан аниқландики, умумий амалиёт шифокорининг қисқа маслаҳати шунга олиб келдики, 5% чекувчилар ўзларининг заарли одатларини ташладилар ва кейинги йил кузатувларигача чекмайдиганлар сафида қолдилар. Агар бунга никотинни ўрнини олувчи даволаш қўшилса ва кейинги қўллаб-қувватлаш таклиф қилинса, мувафақиятнинг даражаси икки марта ортади. (Фоулдз, 1993). Кўплаб текширувларда кўрсатилдики, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш бўйича қисқа маслаҳат кузатувнинг охирги йилларида уни истеъмол қилишнинг 25-35% га қисқаришга олиб келади (Андерсон, 1993). Бирламчи тиббий – санитар ёрдам муассасаларида озиқланиш бўйича маълумотлар самарадорлигини шарҳлаш шуни кўрсатдики, ёф истеъмол қилиш 1-4% га ва қонда холестерин миқдори 2-3 % га қисқариши мумкин (Рой, 1997).

Ўзгаришлар моделини хулқнинг чекиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиши, озиқланиш ва жисмоний фаоллик каби турларида қўллаш мумкиниш?

Дастлаб модель чекиш бўйича текширувлар асосида ишлаб чиқилган эди, шу пайтдан бошлаб модельни саломатликка таъсир кўрсатувчи хулқнинг кенг турлари доирасига қўллаш мумкинлиги аниқланди, уларга қуйидагилар киради: чекиши ташлаш, жисмоний машқларни кўпайтириш, тана вазнини назорат қилиш, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, таркибида ёф кўп бўлган маҳсулотлар парҳези, кокайн истеъмол қилиш, презервативлардан фойдаланиш, хавфсиз жинсий алоқа, родон ва қуёш нурларининг организмга таъсири ва маммографик текширувлардан ўтиш (Про-

часка ва Маркус, 1994). Хулқда янги одатлар олиб келадиган, инсон улар орқали ўтадиган модель ва босқичларни аниқ таърифлайди (масалан, соғлом озиқланиш, жисмоний фаоллик) ёки аввалгиларини тўхтатади (масалан, чекиш, спиртли ичимликларни кўп истеъмол қилиш, ёғли овқатларни кўп истеъмол қилиш).

Шунчаки оддий маслаҳатга қараганда ўзгариши босқичларига асосланган таъсирлар шундай яхши ёки яхшироқ таъсир қиласидими?

Прочаска ва Ди Клементе (1993) ҳозирги пайтда чекувчи мижозлар билан ишлашда қўлланиладиган одатдаги стандарт дастурлар билан ўзгариш босқичларига асосланган қисқа маслаҳатларни қиёсладилар. Натижалар кўрсатдики, мижоз ҳозирда бўлган ўзгаришлар босқичига мос келадиган таъсирлардан фойдаланилса, жараён кучайиши мумкин. Стренернинг (1994) чекиш бўйича ва Кемпбеллнинг (1994) озиқланиш бўйича тадқиқотлари ҳам ўзгариш босқичига асосланган қисқа маслаҳатлар стандарт таъсирларга қараганда анча самарадор эканлигини тасдиқлади.

Кейинроқ хулқ ўзгариши модели СТГнинг тўртта жиҳатига (чекиш, алкоголизм, озиқланиш, жисмоний фаоллик) қўлланган ҳолда кўриб чиқиласди.

И БОБ. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА САНИТАР ОҚАРТИРУВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ОЛИБ БОРИШДА ҲАМШИРАЛИК ЁНДАШУВИ

- 2.1. Санитар оқартыруви түшүнчаси.*
- 2.2. Санитар оқартув мақсадлари.*
- 2.3. Санитар оқартуvinинг күриншилари ва унинг соғлиққа таъсири.*
- 2.4. Санитар оқартуvinинг етти ўлчови.*
- 2.5. Санитар оқартырувига бўлган ёндашув.*
- 2.6. Санитар оқартуvinинг этик воситалари ва аниқ тадқиқот.*

Санитар оқартырув түшүнчаси

Саломатликни мустаҳкамлаш ва санитар оқартырув концепцияси ҳали охиригача аниқланмаган. Бизнинг соғлиқни тушунышимиз чуқурлашиши баробарида саломатликни мустаҳкамлаш ва санитар оқартув концепцияси ҳам ривожланиб боради. Инсонлар мустаҳкам соғлиққа эришиш учун саломатликни мустаҳкамлаш ва санитар оқартув концепцияси динамик равишда атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва саломатлик ҳолатида силжишларнинг оқибатида пайдо бўладиган ва саломатликка хавф солувчи барча омилларни ҳисобга олган ҳолда ривожланиши ва ўзлаштириши зарур.

“Саломатликни мустаҳкамлаш” концепциясига оид тарихий далил Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг бирламчи тиббий санитар ёрдам бўйича ҳалқаро анжуман ҳужжатларида илк бор пайдо бўлган.

Жаҳонда жамоат соғлигини сақлаш соҳасида янги ҳаракатни яратишга интилиш кучайганлиги муносабати билан 1986 йил Оттавада Саломатликни мустаҳкамлашга бағишлиган биринчи анжумани ўтказилган эди. Ушбу ҳаракат биринчи тиббий санитар ёрдам бўйича декларациясидан бошланган бўлиб, 1985 йилда бо-

силиб чиқилган ЖССТ нинг «Саломатлик ҳамма учун» мақсадига эришиш йўлида давом эттирилди. Дунёдаги барча халқларнинг саломатликка эришиш бўйича ҳаракати “Янги жамоат саломатлигини сақлаш”да намоён бўлди. У саломатликни мустаҳкамлаш биринчи Ҳалқаро анжумандада қабул қилинган ҳужжатда таърифланади.

Тўлиқ жисмоний, ақлий ва ижтимоий фаровонликка эришиш учун алоҳида бир киши ёки одамлар гуруҳи ўз интилишлари ни аниқлаши ва амалга ошириши, ўз эҳтиёжларини қондириши, атроф-муҳитни ўзгартириши, барча қейинчиликларни енгишга қодир бўлиши лозим. Демак, саломатлик кундалик ҳаёт манбаи сифатида намоён бўлади. Шундай қилиб, саломатликни мустаҳкамлаш соғлиқни сақлаш сектори фаолияти соҳаси чегарасидан чиқиб, нафақат соғлом турмуш тарзи тушунчасини, балки инсон фаровонлиги ҳолатини ҳам ўз ичига қамраб олади.

“Саломатликни мустаҳкамлаш ва санитар оқартируви” атамалари мазмуни кенг муҳокама қилинади, бунга турткни сифатида санитар оқартируви кўшимча равишда жамоат соғлиқни сақлаш сиёсатини ишлаб чиқиши, атроф-муҳит фаровонлигини ижтимоий шароитларини яхшилаш, жамоатнинг чукур тушунилишидир. Маслан, биз инсонларни соғлом парҳез тутишларига риоя қилишига ишонтиришимиз учун аҳолини имконият даражасидаги нархларда бозорни зарур миқдордаги саломатлик учун фойдали бўлган озиқ маҳсулотлари билан таъминлашимиз зарур. Энг тезлаштирилган таълим ҳам агар дўконларда етарли миқдорда имконият даражасидаги озуқа маҳсулотлари бўлмаса, омадсизликка юз тутади.

Санитар оқартирув тушунчаси

Маърифат конценциясига бутун бир томлар бағишинган. Аммо бизнинг вазифамиз санитар оқартирув соҳасида соғлиқни сақлаш ходимининг касбий фаолияти нуқтаи назаридан ушбу тушунча нималигини аниқлашдан иборат.

Санитар оқатиравнинг вазифалари камдан кам ҳолатда фақат билим, хулқ ва ҳис билан чегараланади. Одатда, улар комплексда ҳаракат қилишади. Масалан, санитар оқартируви ходими онага болани қандай овқатлантириш ҳақида маслаҳат берганда, унинг олдида болага қайси маҳсулотлар фойдалироқ, қайси маҳсулот маълум чегарада берилишини онага тушунтириш; шакар болага куч-куват болишишда зарур эканлигига ишонтириш, соғлом фарзанднинг, се-

вимли озуқаси, унга зарар еткәзиши ҳақидаги онанинг таҳликасини йўқотиш ва ниҳоят, бола овқатланганда инжиқланса нима қилиш кераклигига онани ўргатиш каби вазифалар туриши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шундай қилиб, санитар оқартирув ходимини болани овқатлантиришни тўғри ташкиллаштиришга, бола ва онанинг билим ва ҳиссиятлари, муносабатлари қизиқтиради. Соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш саломатликка нисбатан онгли муносабатни тарбиялашдан иборатдир. Билимнинг баъзи бир масалалари ҳам ушбу категория остига тушади, чунки бу ерда инсонларга соғлиқни сақлашни энг оддий тушунчалар билан тушунтириш керак.

Билиш вазифалари: ушбу категорияга барча билиш вазифалари киради. Уларнинг мақсади соғлиқ йўналишлари ҳақида инсонларга улар билган, аммо уларнинг бу муаммолар ҳақида реал билим ва тушунчалари кам бўлган йўналишлари ҳақида билим ва маълумот беришдир.

Хабардорлик вазифалари: уларга ҳиссий масалалар киради, уларнинг мақсади саломатлик муаммоларига ёки тўлиқ саломатликка инсоннинг ҳис ва муносабатларини аниқлаш. Бошқа сўз билан айтганда, ҳақиқатдан муҳим бўлган масалаларига ҳам ҳислар муносабати ва фикрлар ўзгариши керак.

Қарор қабул қилиш билан боғлиқ масалалар: буларга келажакда саломатликка ёки унинг бирор бошқа аспектига нисбатан келажакда қандай қадам қўйишга нисбатан қарор қабул қилишга ёрдам берувчи масалалар киради. Масаланинг ечими маълумотни билишга ва бу билан соғлиқ, ҳис ва назарни тушунишга асосланади. Ҳулқ-атвор ўзгаришининг вазифалари ўз ичига ҳаракат вазифаларини жамлайди, мақсад қабул қилинган қарорларни бажаришда ва саломатликнинг маълум бир муаммосини ҳал қилишда аниқ қадамлар қўйишдан иборат.

Ижтимоий ўзгариш масалалари комплекс характерга эга бўлиб, саломатликка йўналтирилган имконият даражасидаги воситалар ёрдамида атроф-муҳитни жисмоний ва ижтимоий ўзгартиришларга йўналтирилган. Уларда энг соғлом ҳулқ-атвор типларини одамлар ўзлари танлашади. Атроф-муҳитни ўзгартириш ҳақидаги қарорлар сиёсий режаларни аниқлаштирувчи кишилар ва ҳокимият аъзолари томонидан қабул қилинади. Ушбу ўзгартиришларни ҳаётга татбиқ этиш учун бу инсонларга бир қатор масалаларни ечишга тўғри ке-

лади. Балки улар ёрдамида жамоатни күллаб-куватлашга эришиш учун ахоли билан ишлашни йўлга қўйиш мумкин бўлади. Жадвалда ичкиликбозлилка қарши курашда ва жисмоний машқлар тарғиботида санитар оқартируви ушбу масалаларни ҳал қилишда яққол намоён қилувчи мисоллар келтирилган.

Санитар оқартув мақсадлари

Мақсад	Ичкиликка карши маорифлик	Жисмоний тарбия тарғиботи
Саломатликка асорат қолдиришини тушуниш	Менга кўп ичиш заарлигини биламан.	Машқлар фойдалигини эшитган эдим
Билимлар	Менга ичкилик қандай таъсир қилишини биламан.	Мен машқлар саломатлик ва ҳаракатларимни яхшилаши, мушак ва юракни мустаҳкамлашини биламан
Ўзини сезиш	Мен кўп ичищимни биламан, бу мени ҳавотирга солади.	Мен бу иллатни ўтказиб юборганимни сезаман. Тез кучдан коляпман, ўзимни яхши хис қилишини хоҳлар эдим.
Муносабатларни ўзгариши	Ичишни тўхтатиш керак деб хисоблайман	Илгари машқлар фақат спортчи ёки фалажларга керак деб ўйлар эдим. Энди кўп машқлардан сўнг ўзимни яхши хис қилипман
Қарорлар қабул килиш	Мен ўзимга 3 бокал пиво олиш билан чегараланаман	Мен согломлаштириш гимнастикаси синфиға ёзиламан.
Бихевиорал ўзгариши	Мен аввалгидан камроқ ича бошладим	Мен согломлаштириш гимнастикаси синфиға бориб жисмоний жиҳатдан фаол бўлдим. Мен автобусда ва метрода юрганда пиёда юришни зинадан кўтарилишни афзал биламан.

Ижтимоий ўзгариш	Барларда алкогизсиз ичимликларни кенгрөк танлаши имконияти. Вояга етмаган болаларнинг ичкилиқ истеъмол қилишини назорат қилиш.	Имконият даражасидаги спорт комплексларни танлаш учун кенг имкониятлар яратиш, ишга борища пиёда ёки автобусда юриш, ишлаб чиқариш жойларida фойдаланиш мумкин бўлган душ хоналарининг бўлиши, катталар учун дам олиш кунлари ва кечқуринги мактаб, спорт заллари ва бассейнлар бўлиши.
------------------	--	---

Соғлиқ ва маърифат жуда кенг тушунчалардир. Уларни турли кишилар кўз олдингизда турлича гавдалантиришади. Шунинг учун хозиргача бирор бир аниқ таъриф йўқлигига ҳайрон колмаса ҳам бўлади. Аммо ҳар бир тиббий ходим санитария оқартирув миқёси йўналиши ва чегараларини ўрганиши, унинг касбий амалиётида бу нарса нима маънони билдирилишини аниқлаш керак. Маълумки, санитар оқартуви уни соғлиқни сақлашда фаол қўллаш учун гигиеник таълим ва аҳоли тарбиясига йўналтирилган.

Биринчи санитар оқартуви: соғлом одамларга йўналтирилган бўлиб, аввало, соғлиқдаги бузилишларни олдини олишга қаратилган. Ушбу категорияга гигиена, контрацепсия, овқатланиш ва шахсий муносабатларга багишланган ва болалар, ёшлилар орасида ўтказиладиган санитар оқартувининг вазифаларига нафақат касалликларни олдини олишда ёрдам, балки соғлиқ ҳолатини демакки, мутаносиб яшаш сифатини яхшилашдан иборатdir.

Иккинчи санитар оқартуви: мижозларнинг ўз касалликлари ҳақида билимга эга бўлишлари ва бу ҳолатларда талаб этиладиган зарурий ҳулқ-атворни билишлари зарур. Яхши соғлиқ ҳолатини тиклаш мижоздан, bemордан унинг ҳулқ-атворини ўзгартеришини ёки терапевтик кун тартибига риоя қилиш ёки ўзига ғамхўр бўлишга ўрганиши талаб қилиш мумкин.

Албатта, доимий ногиронликда бўлган инсонлар ҳам мавжуд. Айнан улар учун санитар оқартув мўлжалланган. У мижоз, bemор ва унинг қариндошларини соғлом турмушучун мавжудимкониятларини

нақадар самарали ишлатишни, кераксиз қийинчиликлар, асоратлардан ҳоли бўлишни ўргатишига қаратилгандир. Реабилитация дастурлари учламчи санитар маорифнинг катта ҳажмини ўз ичига олади.

Санитар оқартувининг қўринишлари ва унинг соғлиқса таъсири

Санитар оқартуви	Овқатланиш	Йўл транспорт ҳодисалари
Бирламчи	Етарли микдордаги озиқ моддалар билан тўлақонли ва кувватли, адекват ва мувозанатланган овқатланиш бўйича ўқитиш	ЙТХ профилактикаси, бунга йўл ва машиналар хавфсизлиги, хавфсизлик масаласи бўйича инсонларни ўқитиш
Иккиламчи	Инсонлар ўртасида тизимли равишда катта ёнда диабет бошланиши ва бошқа қайтариб бўладиган муаммоларда ўзини қандай тутиши кераклигини ўргатиш.	Ногиронликка сабаб бўлган баҳтсиз ҳодисалардан сўнг соғлом турмуш тарзига максимал ўргатиш учун реабилитация машқлари.

Санитар оқартувининг етти ўлчови:

1. Инсон саломатлиги ва бунга мувофиқ равишда санитар оқартув бутунлай инсонга боғлиқ ва шунинг учун ўзига жисмоний, ҳиссий, ижтимоий, эмоционал, руҳий ва жамоат аспектларини ўзида жамлайди.

2. Санитар оқартув - бу одамларга уларнинг ҳаёти давомида барча даражада ўзгариш ва мослашишга ёрдам беришнинг ҳаётий жараёни.

3. Санитар оқартуви соғлиқ ва касалликнинг барча босқичларида, бутунлай соғломдан тортиб сурункали беморлар ва ногиронларгача қўлланилади ҳамда ўз мақсади сифатида инсонда мавжуд соғлом турмуш тарзини янада кувватлантиради.

4. Санитар оқартуви мъълум бир одам, оила, гурӯҳ ва бутун жамиятга йўналтирилган.

5. Санитар оқартувининг вазифаси инсонларга ўз-ўзига ёрдам беришни, барча учун янада соғлом шароитлар яратишини ва ҳамма учун имкон даражада соғлиқни мустаҳкамлашга йўналтирилган қарорлар қабул қилинишидан иборат.

6. Санитар оқартуви ўз ичига услублар танловидан кенг фойдаланиш билан бирга расмий ва норасмий үқитиши услубини олади.

7. Санитар оқартуви олдида маълумотни тақдим этишга бўлган муносабат, хулқ ва ижтимоий шароитни ўз ичига олган кўп қиррали масала турибди.

Санитар оқартувига бўлган ёндашув

Ёндашув	Мақсад	Санитар оқартирув соҳасидаги фаолият	Мисоллар (касалликларга қарши кураш)
Тиббий	Касаллик ёки ногиронлиқдан огохлантириш	Касалликни олдини олиш ёки соглиқни яхшилашда тиббий аралашувга ёрдам	Мақсад чекиш билан боғлиқ ўпка, юрак касалликлари ва бошқа саломатлик бузилишла-рини олдини олишга интилиш, инсонларда кашандалик билан боғлиқ бузилишларни аниқлаш ва даволаш.
Бихевориал ўзгаришларга қаратилган	Инсоннинг касалликларни олдини олишга қаратилган ҳаракати.	Янада соғлом турмуш тарзига ўтиш учун қаратилган хулқ атворнинг ўзгариши.	Мақсад хулқ атворнинг ўзгариши, кашандаларни чекмайдиган қилиш.
Мижозга қаратилган	Унинг ўз шартига кўра мижозлар билан ишлashi.	Мижознинг ўзи аниқлаган соғлигидаги муам-молар, уларни ечиш билан боғлиқ ҳаракатлари.	Чекиш муаммоси мижознинг ўзи муаммо сифатида баҳоласа, муаммо ҳисоблананади. Мижозларнинг ўzlари бу ҳақда нима исташлари, қандай қадам кўйишларини билишади.

Ижтимоий ўзгаришларга йўналтирилган	Соғлом турмуш тарзини танлашга имконият яратувчи моддий ва ижтимоий атроф- мухит	Моддий ва ижтимоий атроф-мухитни ўзгаришишга қаратилган сиёсий ижтимоий тадбирлар	Мақсад кашандалик- ни ижтимоий жиҳат- дан кўллаб-кувват- ланадиган қилиш одамларда чекишни давом эттириш тан- ловини танлашни осонлаштиради. Ҳа- ракат барча жамоат жойларида кашан- даникка карши ку- рашини сиёсати, си- гареталарни сотиш, айникиса, болаларга ва касал хоналарга сотишни чеклаш, чекмаслик тартиби, ижтимоий меъёр. Тамаки маҳсулот- лари рекламасини камайтириш ва кар- ши тарғибот олиб бориш. Спортта хо- мийлик қилиш.
---	---	---	---

Тиббий ёндашув - ушбу ёндашувнинг мақсади тиббий аниқланган юқумли, юрак касалликлари ва саратон сингари касалликлардан нари кетишга уриниш. Мазкур ёндашув касалликнинг олдини олиш ва соғлиқни яхшилаш учун тиббий аралашувни назарда тулади. Бунда, одатда ишонтириш ва авторитар таъсир услуби ишлатилади. Масалан, оналарни ўз болаларини эмлаш ва вакцинация ўтказишга ишонтириш, оиласи режалаштиришда клиникалар хизматидан фойдаланиш учун ўрта ёшли эркакларда юқори қон босимини олдини олиш учун уларни кўрикдан ўтишга тарғиб қилиш.

Бихэвиорал ўзгаришларга йўналтирилган ёндашув. Ушбу ёндашувдан мақсад одамлар муносабати ва хулқида ўзгариш ясаш, уларни соғлом турмуш тарзини олиб боришга ишонтириш. Бунга кашандалик ноижтимоийлиги ҳақидаги фикрни тарқатиш, одамларни чекишни ташлашга, спиртли ичимликларни ақлий меъёрда истемол қилиш ҳақида маърифий тадбирлар, жисмоний машқлар

тарифиботини, оғиз бўшлиги гигиенаси ва тўғри мувозанатланган овқатланишга риоя қилиш.

Маърифий ёндашув. Ушбу ёндашувнинг мақсади билимларни тақдим этиш ва соғлиқни сақлаш масалаларини тушунишни таъминлашдан иборат. Саломатлик масалалари бўйича маълумот максимал нейтрал кўринишда тақдим этилади, одамларга эса соғлом хулқ-авторлари ҳақида ўз қарорларини қабул қилиш учун қадриятлар ва муносабатларни аниқлашда ёрдам берилади. Уларга ушбу қарорларни қабул қилишда ҳам ёрдам кўрсатилиши лозим.

Мижозга қаратилган ёндашув. Мазкур ёндашув мижозлар билан ишлашга қаратилган бўлиб, улар ўзлари нимани билиши хоҳлашларини аниқлашган, ўз қизиқиш ва фикрларини ҳисобга олган ҳолда танлашлари ва мувофиқ қарор қабул қилишлари учун мўлжалланган. Ушбу ёндашувнинг санитар оқартувидан фарқи шундаки, муаммолар санитар маорифи томонидан эмас, балки мижоз томонидан амалга оширилади.

Ижтимоий ўзгартиришларга қаратилган ёндашув: мазкур ёндашунинг мақсади энг соғлом турмуш тарзини танлашни асослашлаш учун атроф-мухитни ўзгартириш. Бошқа сўз билан айтганда, соғлом турмуш тарзини танлаш ҳамманинг имконият даражасида бўлишига йўналтирилган.

Этик позиция анча шахсий бўлиб, ҳар бир тиббий санитар ходим томонидан мустақил аниқланиши лозим. Куйидаги саволлар санитар маорифи ходимига уларнинг баъзиларини тушунишда ёрдам бериш ва этик масалаларга нисбатан аниқ хуросаларга келишга кўмаклашади:

1. Ўз мижозларингизни ўзингизга teng кўриб муносабатда бўласизми?

2. Ўз мижозларингизни эҳтиёж ва хоҳишларини ҳисобга оласизми?

3. Мижозларингиз сиз билан бир хил хукуқка эга деб ўйлайсизми?

4. Ўз мижозларингизга одатда хурматда бўласизми?

5. Ўзингизнинг ва мижозларингизнинг ҳиссиётларини тушунаман деб ўйлайсизми?

6. Уларнинг қизиқишлари нимада эканлигини биласизми?

7. Сиз ўз ҳисларингиз ва билимларингизни ҳаракатда трансформация қилишга қодир ва тайёрмисиз?

8. Одамларни эшитиб, сұхбатлашиб зарур ҳаракатларни амалға ошира оласизми?

9. Бошқа одамларга ёқиши мақсадида қабул қилинган қарорларға қарши ўзингиз самимий ишонған далилларни келтириб ўз қарорларингизни асослашға қобилятингиз етадими?

Санитар оқартувининг этик воситалари ва аниқ тадқиқот

Үрта мактаб ўзининг қаттық интизоми, академик анъаналари ва имтиҳонлари билан машұр. Мактабда бүлгап соғлиқни сақлаш ходими ушбу мактабнинг икки ўкувчиси яқында ҳомиладор бүлганилигидан ҳавотирда. Мактабда эса жинсий тарбия бүйіча машғулоттар олиб борилмайды, чунки юқори синф ўкувчилари бунга қарши ўз эътиrozларини билдиради, ота-оналар қарши бўлишади.

Бошланғич мактаб вазифаси. Академик билим бериш, санитар маорифи бўлса ота-оналарнинг муаммоси. Шу билан бирга юқори синф ўкувчини ҳам ҳомиладорлик ҳолати ташвишга солади ва у тиббий санитар ходим босими остида истамайгина жинсий тарбия дастурини амалға ошириш имкониятини муҳокама қилиш учун нотанишлар ассоциациясига таклиф қилишга рози бўлади. Ушбу тумандаги кўпгина оиласалар билан таниш бўлгап соғлиқни сақлаш ходими кўпчилик ота-оналар болаларининг мактабда жинсий тарбия дарсларини олишга ҳурсандлик билан рози бўлишади деб ҳисоблайди. Лекин у яна шуни биладики, фаол ота-оналарнинг камчилик қисми йиғилишда ўзларини етакчи билиб дастур хохловчиларига нисбатан, эътиroz билдиришади, негаки уларнинг фикрича бу мактабнинг академик обрўсига путур етказади ва болаларни жинсий экспрементларни келтириб чиқаради деб ҳисоблашади. Бу ҳолатнинг этик аспектларини аниқлашда катта ўқитувчи ва соғлиқни сақлаш ходими сизнингча нима юл тутиши зарур?

МАШК

Санитар оқартувининг расмий ходимлари тиббий ҳамшира санитар оқартуви ва соғлиқни мустаҳкамлашда яна кимлар иштрок этишини билиши керак. Бу сизга ишингиз бошқалар ҳаракатини

тўлдиришга ёрдам беради. Сиз яна шунга иқрор бўласизки, бу маълумотингизни мижозларингиз билан ўртоқлашиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Бу сизга ўз эҳтиёжларингизни қондиришнинг бир қадар имкониятларини беради. Ўз фикрларингизни ёзиб қўйинг ва улар ҳақда дўстларингиз ва ҳамкасларингиз билан ўртоқлашинг, балки сизнинг рўйхатингизга уларнинг бирор қўшимчаси бўлади, балки сиз уларни миллий, регионал, маҳаллий ташкилотларда бўлишини мақсадга мувофиқ деб ўйларсиз (баъзи миллий ташкилотлар регионал ёки маҳаллий бўлимларга эга бўладилар).

III БОБ. ЎСМИРЛАРГА ТИББИЙ – ИЖТИМОИЙ ВА РУХИЙ ЁНДАШУВДА ОИЛА ҲАМШИРАСИННИНГ ВАЗИФАЛАРИ

3.1. Ўсмирлик гурухлари.

3.2. Ўсмирларнинг озиқланиши

3.3. Уй шароитида бемор ўсмири болаларни парвариш қилиш

Ўсмирлик ёши – бу шундай даврки, бунда инсон на бола ва на катта одам сифатида баҳоланади. Бу даврда инсон организми жисмоний ва руҳий зўриқишини бошидан кечиради, бундан ташқари ўсмирнинг дунёқараси ҳам ўзгаради.

3.1. Ўсмирлик гурухлари.

ЖССТ томонидан тасдиқланган ўсмирлик гурухлари мавжуд. ЖССТ бўйича ўсмирлик ёши 10 дан 19 ёшгача деб белгиланган. “Ёшлар” гуруҳини 15 дан 24 ёшгача бўлғанлар ташкил этади. Ана шу 2 гурухдаги инсонлар “ёш инсонлар” гурухига бирлаштирилади ва бу ёш 10 дан 24 ёшни ташкил этади. ЖССТ ўсмирлик даврини ҳаётнинг алоҳида фазаси деб ҳисобламайди, балки бу даврда иккиласи жинсий стилиш, шахсиятни англаш, ўз руҳий портретини яратиш ва моддий, иқтисодий ва ижтимоий мустақилликка эришиш даври деб ҳисоблайди.

Ўсмирлар бир турдаги гуруҳ эмас, уларнинг эҳтиёжлари жинсига, ривожланиш босқичига, яшаш шароити ва иқтисодий ижтимоий аафзалликлари билан ўзгариб туради.

3.2. Ўсмирларнинг озиқланиши

Ўсмирлик даврида бола организми тез ўсади ва ҳар хил физиологик тизимлар ўз ишини қайта тиклай бошлайди. Чақалокларни, мактабгача бўлган, кичик мактаб ёшидаги болаларни овқатланиши-

ни ота-оналар назорат қила оладилар. Лекин ўсмирларни озикла-нишини назорат остига олиш айрим қийинчиліктер туғдиради, чунки улар бүш вактларини мустақил бошқара олишади, катталар назоратисиз овқатланишади ва асосан йўл-йўлакай овқатланиши хуш кўришади. Шунинг учун ўсмирлар орасида ошқозон-ичак касалликлари масалан, гастрит ва колит, моддалар алмашинуви касалликлари масалан семириш кабилар кўп учрайди. Ўсмирлар орасида учрайдиган касалликлар ичида 1- ўринни таянч – харакати аъзолари касалликлари, 2- ўринни ошқозон – ичак тракти касалликлари, 3-ўринни моддалар алмашинуви касалликлари эгаллайди.

Ўсмирлик даври – бу тез ўсиш, организм тизимларини қайта тикланиши ва жинсий етилиш давридир. Кўпинча аъзо ва тизимлар бир вақтда етилмайди. Шунинг ҳисобига ўсмирларда иштаҳани кучайиши кузатилади. Бу вақтда уларга эҳтиёжларига қараб овқатланишга рухсат бермаслик ва албатта, уларнинг овқатланиш рационини назорат остига олиш жудаем мухим.

Ўсмирларда қувват алмашинуви катталарникига қараганда анча фарқ қиласи. Агар тинч ҳолатдаги катта ёшли одамга 1 соат мобайнида ўртача 1 ккал / 1 кг оғирлигига керак булса, 12 ёшли болага худди шу ҳолатига 1.8 ккал керак бўлади. Жисмоний фаоллик учун ўсмир бола 600 ккал сарфлайди. Суяк – мушак тизимини тез ўсиши суткасига 60-100 ккал қувватни талаб этади. Умумий олганда кунига ўсмир 2400-2500 ккал қувват сарфлайди. Организм эҳтиёжини қондириш учун ўсмир кунига 300 ккал қувватга эга маҳсулот истеъмол қилиши, агар спорт билан шуғулланса, 3100-3500 ккал қувватли маҳсулот ейиши керак. Катталарнинг вазифаси – ўсмирлар истемол қилаётган маҳсулотнинг энергетик қийматини билиши, айниқса, уларга оғир юкламалар юклатилганда талабдан юқори қувватга эга маҳсулотларни беришлари керак.

Маҳсулотларнинг нафақат энергетик қиймати балки, уларнинг таркиби ҳам жуда мухим саналади. Оқсил, ёғ ва углеводнинг ўзаро нисбати 1:1:4 ни ташкил қилиши лозим. Ўсмирларда ўсиш жараёни тезлашгани учун уларда асосан оқсилга бўлган эҳтиёж кучаяди. Ўртача эҳтиёж суткасига 100 г. ни ташкил қиласи. Асосан ҳайвон оқсиллари масалан, гўшт, парранда, балиқ маҳсулотларидан фойдаланишлари мақсаддага мувофиқ саналади. Вегетарианлик парҳези ўсмирлар учун хавфли саналади, бу темир танқислиги камқонли-

гини келтириб чиқаради. Темир танқислиги камқонлиги ўсмирлар орасида күп тарқалған бўлиб, асосан қизларда күп учрайди. Ўсмир организмидаги темир микроэлементи даражасини текшириб туриш, айниқса, эътиборга моликдир, чунки организмни ҳимоя кучи, ақл ва инфекцияга қарши курашувчанлик айнан шу темир микроэлементига боғлиқдир. Темир миқдорини сақлаб туришга мол, бузоқ гўшти ва жигар анчагина ёрдам беради. Колбаса ва сосискалар яхши пиширилган гўшт ўрнини боса олмайди. Аммо лекин уларни ҳам гўшт истеъмол қилинмаган пайтларда қабул қиласа бўлади.

Ўсмир кунига 100 г ёғ қабул қилиши керак. Ёғлар организмга юқори даражада кувват берувчи модда ҳисобланади. Ёғ кислоталари эса ҳужайра тикланишида муҳим рол ўйнайди. Ёғ кислоталари асосан ўсимлик ёғларида күп учрайди ва у ўсмир рационида 1/5 миқдорда бўлиши керак. Ёғни етарлича истеъмол қилиш терига ҳам яхши таъсир кўрсатади бу эса жинсий етуклик даврида муҳим ҳисобланади. Оқсил ва ёғларнинг ўзаро нисбатини қузатиб бориш керак.

Углеводлар ҳам организмга кувват берувчи асосий манба ҳисобланади. Ўсмир учун 400 г углевод 1 суткалик эҳтиёжни қондиради. Агар организмга етарлигидан кўп миқдорда углевод кирса, бу оптика вазнга олиб келади.

Ўсмир суюкларининг яхши ўсиши учун кальций, фосфор каби минерал моддаларни овқат билан бирга қабул қилиши лозим. Кальций билан фосфорни энг самараали нисбати бу 1:1,7 ҳисобланади. Бу тахминан 1500 мг кальций, 2500 мг фосфор/суткасига. Кальций етишмовчилиги остеохондроз, остеопороз, сколиоз, умуртқа поғонасининг қийшайиши каби таянч ҳаракат аъзолари касалликларига олиб келади. Бундан ташқари кальций етишмовчилиги оқибатида тишларнинг кариеси ҳам келиб чиқади. Кальцийнинг асосий манбайи бу – сут, сут-қатиқ маҳсулотлари, асосан творог ҳисобланади. Ўсмирлар ҳар куни калорияли сут ичишлари керак.

Ўсмирларда витаминларга бўлган эҳтиёж ҳам жуда каттадир. Агар боланинг рационида янги узилган мевалар, сабзавотлар бўлса, унда бола витаминларни табиий усуслда қабул қиласи. Ҳамма га маълумки, баҳор ойларида мева ва сабзавотлар таркибида витаминлар камайиб кетади. Бу ҳолатда улар витаминларни сунъий усуслда таблетка ҳолида қабул қилишлари лозим. Витамин пре-

паратларини ўзбилармонлик билан эмас, балки шифокор билан маслаҳатлашган ҳолда қабул қилган маъқул.

Кўпинча ўсмирлар ўта семизлик ёки ўта озғинлиқдан шикоят қилидилар. Агар шу пайтда моддалар алмашинувидаги тегишли ўзгаришларга эътибор берилмаса, анча жиддий касалликларга олиб келиши мумкин. Масалан, атеросклероз, артериал гипертензия, метаболик синдром. Шу каби ўзгаришлари бор ўсмирлар учун маҳсус озиқланиш тайинлаш керак. Агар вазн ортиши билан боғлиқ муаммолар бўлса, парҳез қилишга рухсат этилади, лекин парҳез режаси мутахассис томонидан чукур ишлаб чиқилган бўлиши керак. Бу ҳолатда ўсмирга керакли бўлган маҳсулотларни бемалол истеъмол қилиши ва аксинча, унга зарар етказадиган маҳсулотларни чеклаши кераклигини ҳам уқтириш лозим. Бундан ташқари жисмоний юклама кам бўлса, уни кўпайтириш керак. Бунинг учун ўсмир бола ўзининг жисмоний ва руҳий ҳолатидан келиб чиқдан ҳолда бирон-бир спорт тури билан шуғулланиши керак ҳисобланади.

Ўсмирлар ўзларини катталарга тақлид қилишлари табиий ҳол ҳисобланади, шунинг учун улар ўз рационларини мустақил ўзгартириб юборишади. Ўсмирлар ўта ишонувчан бўлганликлари сабабли, улар асосан рекламаларда тарғиб этилаётган маҳсулотларни истеъмол қилишни хоҳлашади. Масалан, шириналлар, лимонадлар, сақичлар, фастфуд ва ҳаттоқи пивони ҳам татиб кўришади. Уларни бу нарсаларни қабул қилишларидан қайтариш жуда қийин. Бундай ҳолатда ота-оналар ўз болаларига осойишталик ва аниқ килиб бундай маҳсулотларни инсон организмига зарарли таъсирини, келажакда улар келтириб чиқарадиган асоратларни тушунтиришлари жуда муҳим.

Ўсмирлар тўғри, балансланган ва тўла қонли овқатланишлари керак. Бу ёшда уларда кўпинча ўта чарчаш оқибатида келиб чиқадиган овқат ҳазмининг бузилиши, ўқиши давридаги стресслар, нотўғри режим, чекишини бошлаш, алкоголни татиб кўриш, ичакни моторика ва эвакуатор функциясини бузилишлари учраб туради. Бундай ўзгаришлар оқибатида сурункали гастрит, 12 бармоқ ичак яра касаллиги ва энтероколит каби касалликлар келиб чиқади. Азиз ота-оналар ва тиббиёт ходимлари, бундай касалликларнинг олдини олиш учун ўсмирнинг рациони ва кун тартибини ўзгартиринг ва уни назорат остига олинг.

Тўғри овқатланишнинг энг муҳим кўрсаткичи бу овқатнинг қувватлилиги ҳисобланади. 14 дан 17 ёшгача бўлган қиз болалар кунига 2500-2800 ккал қабул қилишлари керак. 14 дан 18 ёшгача бўлган ўғил болалар кунига 3000-3200 ккал қабул қилишлари керак. Кейинги кўрсаткич озиқ моддаларнинг микдори, яъни оқсили, ёғ, углеводларга тегишидир. 14 дан 17 ёшгача бўлган ўсмир йигитлар кунига 106 г оқсили, 64 г ҳайвон оқсили, 106 г. ёғлар, 422 г углеводлар қабул қилишлари керак. 14 дан 17 ёшгача бўлган қиз болалар эса 93 г умумий оқсили, бундан 56 г ҳайвон оқсили, 93 г ёғлар, бундан 20 г ҳайвон ёғи, 367 г углеводлар қабул қилишлари керак. Кейинги кўрсаткич витаминлар микдори. 14 дан 17 ёшгача бўлган ўсмир болалар учун: А витамини - 1,5 мг, В 1 витамини - 1.9 мг, В 2 витамини - 2.5 мг, В 6 витамини - 2.2 мг, РР витамини - 21 мг, С витамини - 80 мг. 14 дан 17 ёшгача бўлган қиз болалар: А витамини- 1,5 мг, В 1 витамини - 1.7 мг, В 6 витамини - 1.9 мг, РР витамини - 18 мг, С витамини - 70 мг. 14 дан 17 ёшгача бўлган ўсмирларнинг 1 кунлик қабул қилиши керак бўлган маҳсулотлари рўйхати.

- Сут-500-600 мл.
- Творог-50 г.
- Гўшт-220 г.
- Балиқ-60-70 г.
- Қора нон - қизлар-100г, ўғил болалар -150 г.
- Картошка-250-300 г.
- Сабзавотлар-350 г.
- Мевалар-150-500 г.
- Ёрмалар ва макарон маҳсулотлари-60 г.

Ўсмир болага семизлик керакми?

Ўсмир боланинг вазни катта бўлгани сари бир текисда ортиб бориши асосан унинг яхши ривожланаётганини билдиради. Бироқ боланинг семизлиги ҳам меъёрдан ортиб кетмаслиги лозим. Ўсмирнинг вазнига вазн кўшилмаслиги қанчалик салбий бўлса, ортиқча вазнининг кўшилиши ҳам шунчалик заарли. Семизлик катталарга заарли бўлгани каби болаларга ҳам зиёндир. Сабаби, ортиқча вазн юракка оғирлик туширади. Семизликда доим ортиқча вазн олиб юриш билан бирга ёғ тўқималарини қон, кислород,

озиқ моддалар билан ҳам таъминлаш лозим бўлади ҳамда организмда ёғнинг ортиб кетиши тўқималарда сувнинг туриб қолишига сабаб бўлади. Натижада эса юрак суюқликни кўпроқ ҳайдашига тўғри келади.

Унумтманг!

Харакатсизлик билан вазнни камайтириб бўлмайди. Болани олдин қилмаган ишларини қилишга ва ўзининг дангасалик одатларини ташлашга ўргатиш шарт. Юриш, очиқ ҳавода сайд қилиш, жисмоний тарбия, уйдаги жисмоний меҳнат семириб кетаётган болани бўш вақтини тўлдириши лозим.

Сабаблар

Ўсмир болаларнинг семириб кетишига куйидагилар сабаб бўлади:

- Ўта тўйиб овқатланиш;
- Оқ нон, ёғли гўшт, ҳамирли таомлар, қуюқ қаймоқ, турли ширинликларни меъёридан кўп истеъмол қилиш;
- Харакатсизлик;
- Болалар учун мўлжалланган маҳсус машқларни бажармаслик.

Корин бўшлиғидаги ортиқча ёғ диафрагмаларнинг қисқаришига тўқсиналиқ қиласди, кўкрак қафаси ҳам нафас олаётганида қонни “сўролмай” қолади. Оқибатда юрак кўшимча меҳнат қилишга мажбур бўлади. У қон айланишда пайлардан ажралиб қолгандек бўлади. Ёғсимон моддалар томирларнинг қайишқоқлигини сусайтириб, юрак деворларига йиғилиб қолади. Бу эса ўз-ўзидан юрак фаолиятини қийинлаштиради.

Оқибатда:

- Ўсмирлардаги семизлик куйидаги асоратларга олиб келади;
- Ясси товонлик;
- Умуртқа поғонасининг қийшайиши;
- Артериал қон босимининг ошиши;
- Ички секреция безлари фаолиятининг бузилиши;
- Организмда моддалар алмашинувининг бузилиши;
- Асаб тизимида бир қатор ўзгаришларнинг юзага келиши;
- Жинсий ривожланишнинг кечикиши;
- Организмда шамоллаш ва юқумли касалликларга бўлган курашувчанликнинг камайиши (иммунитетнинг пасайиши);
- Кандли диабетга чалиниш хавфини оширади;

- Қоматнинг бесёнақай бўлиб қолиши (сон ва елкалар юмалоқлашади, қорин, тос ва кўкрак атрофида ёғ қатламини ўсиши);
- Бола ўтиргандა қорин атрофида ёғ ажинларинг пайдо бўлиши.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, бундай болалар лапашанг, бўш, бесёнақай бўлиб ўсади. Уларнинг организмида дангасалик ривожланиб, иштиёқсиз бўлиб вояга етадилар. Катта бўлганда эса қон босими касаллигига, мия томирларининг атеросклерози, қандли диабет касаллиги, тез қариш, ишга яроқсиз бўлиб қолишга бошқаларга нисбатан кўпроқ дуч келадилар. Семизлик доим ўзида кутилмаган хавфларни сақлайди. Рухшуносларнинг кузатувига кўра, семизлик бола психологиясида ўзгаришларни юзага келтириб, ҳаракатли ва оммавий ўйинларга нисбатан бефарқ бўлишига олиб келаркан. Семиз болаларни кўчага сайдрга чиқариш, бирор жисмоний меҳнат билан банд қилиш ўта қийин бўлиб, улар асосан ўтириб қилинадиган машгулотлар билан банд бўлишади. Масалан, расмларни кўриш, расм чизиши, телевизор кўриш ва х.к.

Даволаши учун:

Ўсмирларни семизлик касалидан фориг қилиш ва семириб кетишининг олдини олиш учун “кам-камдан, тез-тез” деган қоидага амал қилган ҳолда овқатлантириш лозим. Бунда болани тўйдириб юбориш ҳам, оч қолдириш ҳам нотўгри. Бундай болаларни суткасига 6-7 марта овқатлантирган маъқул. Бунинг натижасида боладаги иштаҳа бироз сўнади. Ораси узоқ вақт билан овқатланиш кишининг кўп истеъмол қилиб қўйишига ва организмда ортиқча калориянинг юзага келишига сабаб бўлади. Овқатни шошмасдан ейиш иштаҳанинг бироз бўғилишига ва маълум вақтдан сўнг овқатдан тўйганлик ҳиссини сезишга олиб келади.

3.3. Уй шароитида бемор ўсмир болаларни парвариш қилиш

Бемор бола ёки ўсмирини парвариш қилиш билан оиласнинг бошқа аъзоларини парваришлаш ўргасида ўзаро боғлиқлик мавжуд. Енгил даражада касалланган бола уй шароитида оила шифо-корини даво кўрсатмалари бўйича тез соғайиб кетиши мумкин.

Ўткир ёки сурункали касаллик билан касалланган мактаб ёшидаги болалар стационар шароитда алоҳида парваришни талаб этади. Жисмоний ҳаракати чекланган болалар ёки сурункали касал-

лик билан оғриған болаларга касаллук асоратларига күникишига ёрдам бериш зарур, уларга ўзига мос ҳаёт тарзини ишлаб чиқишига күмаклашиб, мустақил инсон сифатида шаклланишига ёрдам бериш керак.

Овқат ва ичимлик

Болани овқатта бўлган эҳтиёжи болани ўсиш тезлигига қараб ўзгаради. Бола узоқ вақт мобайнида касалланса, овқатта бўлган эҳтиёжи нисбатан камаяди ёки батамом йўқолади. Ўсмир бола организми тез ўсгани сари овқат маҳсулотга бўлган эҳтиёжи ортиб боради. Ўсмирларни эмоционал ҳолати чидамсиз, ҳаёт тарзи фаол бўлиб, улар асосан янги турдаги маҳсулотларни татиб кўришни ислашади.

Ўсмирларда озиқ маҳсулотларига нисбатан фикрларини кенг бўлишига, овқат маҳсулотини сифатига, уни таркибини нималардан ташкил топганини билишларига ёрдамлашиш ота-оналар ва тиббиёт ходимларини асосий вазифаси ҳисобланади. Бу овқатта бўлган соғлом муносабатни шаклланишига олиб келади ва ошқозон ичак тракти ва қандли диабет билан касалланган болаларга парҳез сақлашни аҳамиятини ёритиб беради. Чунки ошқозон ичак тракти ва қандли диабет билан касалланган болаларга доимий равища парҳез столига амал қилиш буюрилади. Баъзи бир ёшлар “вегетарианлик” гурухларига аъзо бўлиб, гўшт маҳсулотларини истеъмол қилишдан бош тортишади. Бундай ҳолатда ёшларга гўшт маҳсулотларини инсон организмига бўлган бекиёс таъсири ва ўсаётган ёш организмига ижобий таъсирини ўргатиш лозим. Агарда бу тушунтиришларни ҳеч қандай натижаси бўлмаса, бундай ҳолатда бола рационини ўсимлик оқсилига бой маҳсулотлар билан бойитиш зарур. Масалан, соя оқсили. Агар бола касалланиб қолса, иложи борича ҳеч қандай чекловлар бўлмаса, бола ёқтирган овқатни тайёрлаб берган мъйкул. Бундан ташқари бола ичаётган ичимлик миқдори ва турини ҳам касалликка хос равища танлаш зарур.

Ҳазм чиқиндиларини организмдан чиқариш ва қусиши

Ўсмир бола улғайиши билан ташқи кўринишига нисбатан эътиборли бўлиб қолади. Шунинг учун болани ҳа деганда ҳожатхона ва ювиниш хонасига киришларини ман этиш ёки қаршилик кўрсатиш керак эмас. Ака-сингилларни навбатма-навбат бир-бирини

хурмат қилған ҳолда шу хоналарга кириб чиқишиларини ўргатиш лозим. Кусиши билан кечадиган касалликларда сийдик қопи ва ичаклар ишини назорат қилиш сусаяди. Мактаб ёшидаги болалар бу ҳолатдан уялишади ва ўзларини ёш бола бўлиб қолгандек сезишишади. Агар ака-сингиллар бир хонада жойлашган бўлса, бола хасталанганда вақтингчалик алоҳида хонада парваришилаш мақсадга мувофиқ. Агар бола бир неча маротаба қайт қилса ва бунга яна бошқа симптомлар қўшилса, масалан қоринда оғриқ, ич кетиши зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш керак. Кусиши ёки ич кетиши натижасида организм йўқотган суюқлик сувсизланишига олиб келиши мумкин. Доимий равишда қайтарилиб турадиган қайд қилиш стресс ёки безовталик асорати бўлиши мумкин. Агар шифокор қусишини келтириб чиқарувчи жиддий сабаб топа олмаса, демак, унинг сабаби стресс бўлиши мумкин деб тахмин қилса бўлади. Боланинг руҳий ҳолатига руҳий таъсир қилиб стресс чақирадиган жиддий бир ўзгариш содир бўлганини эслаб кўриш керак. Болани қўллаб-қувватлаш ва болага нисбатан эътиборли бўлиш шунга ўхшаш муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Дам олиш ва уйқу

Бемор бола учун давомли уйқу ва дам олиш жуда фойдали. Сурункали касаллиқдан эндиғина тузалаётган ва ўткир жарроҳлик амалиёти ўтказилган болаларда уйқуга бўлган эҳтиёж кучаяди. Турли ёшдаги болалар уйқу учун турлича вақт сарфлашади. Агар болалар бир хонада турсалар, бу уйқу муаммо тугдиради, чунки катта ёшдаги болалар кичик ёшдаги болаларга нисбатан кечроқ ухлашга ётадилар. Кўпгина оиласларда турли жинсдаги болалар бир хонада дам олишади. Бу асосан бола жинсий етилиш даврига-ча мумкин деб ҳисобланади. Бу ёшда ўсмиirlар асосан ёлғиз қолиш учун, шахсий буюмларини сақлаш ва дўстлари билан бемалол сухбатлашиш учун алоҳида хонани талаб қилишади. Бу муаммони ечиш мумкин; бунинг учун кроватларни хонанинг 2 та қарамакарши бурчагига жойлаштириш керак.

Болалик даврида кечаси қўрқув, ҳавотирли тушлар ва расмана уйқусизлик бўлиши кузатилади. Бу белгилар кўпинча касалликка қўшилиб келади ва шифохонада ҳам давом этади. Болаларни қўрқинчли тушлар ҳавотирга солади ва бола кечаси ухлашдан чў-

чиб қолади. Бундай пайтда болани тинчлантириб бу фақатгина туш эканлигига ишонтириш керак. Бола ухлашидан олдин уни ёнида бўлишингизни ва уни қўрқинчли туш билан бирга қолдирмаслигингизни эслатиб қўйишингиз керак. Кўпчилик болалар ухлашга ётишда қийналадилар, ҳаттоқи ухлаш олдидан иссиқ ёки мазали ичимлик берилса ҳам. Касаллик бу ҳолатни ҳам қийинлаштиради, лекин бу ўткинчи ҳолат ҳисобланади. Агар бола кундузи ухлаб кечаси ухлашга қийналса, болага кундузи шуғулланиши учун бирон бир машғулот топиш керак. Ана шунда бола кун бўйи машғулот билан шуғулланиб, кечасига чарчаб яхши ухлайди. Касалликдан сўнг кўп ухлашга ўрганиб қолган болаларга тинч ҳолатни таъминлаш зарур, чунки уйқу йўқотилган организм функциясини тиклашга ёрдам беради.

10 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар кечки сайрга чиқишни хуш кўришиади. Ана шундай ҳолатда кечки сайр учун аниқ бир вақтни ажратиш ва ўз вақтида ўрнига ётишга ундаш керак.

IV БОБ. КЕКСА ВА ҚАРИ ЁШДАГИ БЕМОРЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

- 4.1. Геронтология ва гериатрия фани ҳақида тушунча**
- 4.2. Инсон ҳаётида қариш жараёнининг кечиши**
- 4.3. Геронтологик bemорларни клиник текширишни ўзига хос хусусиятлари**
- 4.4. Кекса ва қари ёшдаги bemорлар реабилитацияси**
- 4.5. Соғлом кекса ва қари инсонларнинг овқатланиш тамойиллари**

Соғлиқни сақлаш тизимининг долзарб муаммоларидан бири бўлган «Геронтология» инсоннинг қариш жараёнини ўрганадиган фан бўлиб, юононча «герос» - қари ва «логос» - билим деган маънени англатади.

«Геронтология»нинг асосий мақсади инсоннинг фаол ва тўлақонли ҳаётини узайтириш йўлларини излаб топишdir. Кекса ёшдаги bemорларга хизмат қилиш аксарият тиббиёт ходимларининг кундалик вазифаси, чунки тиббий хизматга муҳтоҷ барча bemорларнинг 25-30 % кекса ёшдаги bemорлардир. Жаҳондаги барча мамлакатларда демографик кўрсаткичлар қариялар ҳисобига ошиб бормоқда. Бу эса «Геронтология» ва «Гериатрия» соҳасидаги билимлар доирасини кенгайтиришни тақозо этади.

«Геронтология» фани куйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- 1. Қариш биологияси.**
- 2. Гериатрия.**
- 3. Герогигиена.**
- 4. Геронтопсихология.**
- 5. Геродермия.**
- 6. Геродиетика.**
- 7. Героэкология.**

Кексалик умринг қонуний тарзда юз берадиган якунловчи давридир. Бироқ муддатидан олдин қариш ҳодисаси ҳам ҳаётда бор ҳақиқатдир. Шу сабабдан С. П. Боткин ва И. И. Мечниковлар физиологик ва барвакт қариш мавжудлиги ҳақидаги тушунчаларни ёқлаб чиққанда ҳақ әдилар.

Барвакт қариш бошдан кечирилган касалликлар ёки ташқи муҳитнинг заарли омиллари таъсирида ёш билан боғлиқ ўзгаришларнинг бир мунча эрта ривожланиши билан ҳарактерланади. Физиологик қариш ақлий ва жисмоний соғломлукни, маълум даражадаги иш қобилиятини, дангасаликни, теварак-атрофдаги ҳодисаларга қизиқишни сақлаб қолиш билан белгиланади. Ташқи муҳит таъсири ва организмнинг ички омиллари қариш жараёнининг тезлашувига, организмнинг эрта қаришига олиб келади, бу жараён организмнинг ўзиш ва ривожланиши тўхтаганидан кейин бошланади.

«Геронтология» тиббий биология билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у молекула ва хужайралардан тортиб бутун организмининг қариш сабабларини ўрганади.

Қариш - қариллик, яъни ёш улгая бориши билан организмда пайдо бўладиган ўзгаришларнинг қонуний тарзда рўй бериш жараёнидир. Умуман олганда, бугунги кунда қариллик муаммоларини ҳар томонлама ўрганадиган турли фан соҳалари пайдо бўлди ва улар жадал ривожланмоқда. Хусусан, дунё аҳолиси сонининг қариялар ҳисобига ошиши «Гериатрия» фанининг ривожланишини янада тезлаштиради. «Гериатрия» кекса, ёши улуг кишиларда касалликнинг кечиши хусусиятларини ўрганадиган фан бўлиб, соғлиқни сақлаш тизими амалиётига тобора чуқурроқ кириб бормоқда.

«Герогигиена» эса кексайган ва катта ёшдаги кишилар гигиенасини ўрганмоқда.

«Геронтопсихология» – кексалар руҳий ҳолати ва феъл-атворини;

«Геродиетика» – кексайган кишилар овқатланиши ва унинг хусусиятларини;

«Геродермия» – кексайган кишилар тери қоплами хусусиятларини ўрганувчи бўлим.

«Герозэкология» – қариш жараёнига экологик омилларнинг таъсир этишини ўрганувчи фан.

Бугунги кунда жаҳонда генетик олимларнинг чуқур изланишлари натижасида, қариш жараёнига таъсир этувчи генлар борлиги

тахмин қилинмоқда. Агар бу тахмин тасдиқланса, «Геронтология» фанида кескин ўзгаришлар юз бериси ва инсоннинг ҳозирдан ҳам узокроқ умр кўришига эришилади. Генетиканинг ривожланиши жуда кўп гериатрик касалликларнинг камайишига сабаб бўлади.

ГЕРОНТОЛОГИЯДА ҲАМШИРАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳамширалик иши бўйича юксак малакали мутахассислар мавжудлиги одамлар соғломлиги ва жамият жадал ривожланишининг муҳим омилларидан биридир. Республикаизда жаҳон андозаларига мос, давр талабига тўла жавоб бера оладиган шундай мутахассислар тайёрлаш учун изланишлар олиб борилмоқда. Шунинг учун «Геронтология»да ҳамширалик ишига: «Геронтологияда ҳамширалик жараёни», «Геронтологияда коммуникация», «ҳамширалик фаолияти фалсафаси» каби янги тушунчалар киритилди.

Замон ҳамширалик ишини «фан» сифатида ривожлантиришни тақозо этмоқда. Бугунги ҳамшира касаллик белгиларига асосланиб беморга «ҳамшира ташхиси» қўя олиши лозим. Кекса ва қари беморларнинг дардини эшита, тушуна олиш, улар билан инсоний мулоқотга кириша билиш, бемор олдида жавобгарликни тўла хис этиб, унинг соғлигини ижобий томонга ўзгартириш шу куннинг талабидир.

Ҳамширалик ишини фан ва саноат даражасига кўтарган американлик назариётчилардан бири В.Хендерсон тиббиёт ҳамширалирининг ноёб вазифаси- инсон, соғлом одам ёки беморга ўзининг соғлигини тиклаши, мустакамлаши, умрини осойишта яшаб ўтишга кўмак бера оладиган даражада малака ва билимга эга бўлишдан иборат деб ҳисоблайди. Демак, геронтологияда ҳамширалик ишининг мақсади қуидагилардан иборат:

1. Кекса ва қари ёшдаги кишиларнинг асосий эҳтиёжларини тушунмоқ.
2. Ёши ўтган ва қари кишиларнинг соғлом бўлишига, соғлиги ни сақлашга ва тиклашга эришиш.
3. Кекса ва қари ёшдаги кишиларнинг ўзига-ўзи қарай олишига эришиш.
4. Вақти соати келган ёки оғир, тузалмас касаллик билан оғриган инсоннинг (кексанинг) умрини осойишта яшаб ўтишига имконият яратиш.

5. Қариялар учун соғлом турмуш тарзини юзага келтириш ва ривожлантириш зарур.

Геронтологияда ҳамширалик жараёни – ҳамшира тафаккуринг ва ҳаракатининг алоҳида бир тури. Чунки кекса ёки қари кишиларга қараш, уларни даволаш ҳамширалардан алоҳида мастьулият, муомала-маданияти, илмни талаб этади. Геронтологияда ёши ўтган, кексайган шахснинг муаммосини ҳал этишда ҳамшира режали равишда иш олиб бориши зарур. Ҳамширалик жараёни - динамик, ўсиб борувчи ва ўзгарувчан ҳаракатли жараёндир.

Кекса, қари киши ёки беморларнинг дарди кўп. Демак, уларнинг парваришига бўлган муносабати ҳам шунга мос кўп қиррали бўлиши лозим. Бошқача айтганда, қарияларни парваришлаш режаси вазиятга қараб муттасил ўзгариб туради. Бу жараён уларнинг эҳтиёжларида мужассамланган. Демак, парвариш режаси бундай беморларнинг асосий эҳтиёжларига асосланиб тузилади. Ҳамширалик жараёни аниқ бир мақсадга йўналтирилган, мослашувчан жараён. Ҳамширанинг иши шифохоналарда, оиласаларда, қариялар уйларида, поликлиникаларда олиб борилади. Ҳамшира бу жараёнда ўз мутахассислиги бўйича билими, истеъоди, тажрибаси ва мантиқий фикрлаш қобилиятини беморнинг соғлигини тиклаш, уни парвариш қилишга, муаммоларини ҳал этишга сарфлаши зарур. Геронтологияда ҳамширалик жараёни 5 та босичдан иборат:

1-босқич. Маълумот тўплаш, таҳлил қилиш ва уларни баҳолаш. Бу шахс муаммоларини аниқлаш ва парваришини режалаштириш учун бажарилади. Ушбу босқичда беморнинг ҳолатини кузатиш – ўзидан, яқинларидан, танишларидан, тиббий картасидан маълумот тўплашдан иборат. Бу босқичда тўпланган маълумот бўйича ҳеч қандай хулоса қилинмайди. Лекин беморнинг муаммосини билиш учун ундаги касалликнинг объектив ва субъектив белгилари билан бир қаторда беморнинг асосий эҳтиёжи аниқланади. Демак, бемор билан мулоқотда унинг асосий эҳтиёжларини билиш учун биз ҳар томонлама мутахассислик коммуникациясидан фойдаланишимиз лозим. Геронтологияда коммуникация - кекса ёки қари бемор билан ҳамшира ўртасидаги мулоқот бўлиб, бу беморнинг шахсиятига тегмайдиган тарзда унинг руҳий кечинмаларини билиш, агар соғлиғига салбий таъсир этса уларни бартараф этиш ёки енгиллаштириш усувларини аниқлаб, бемор атрофида психоэмоционал

осойишталик яратиб, парвариши олиб боришидир. Ҳамшира кекса ёки қари бемор билан мулокотда мутахассислик коммуникацияси тамойиллари қоидасига амал қилиши керак.

Бунда:

1. Мулокотда аниқ ва равшан мурожаат этиш.
2. Фаол равища эшлиши - беморнинг дардини тинглай билиш.
3. Савол бериш техникасидан фойдаланиш.
4. Кекса ва қари беморни сұхбатта - дардлашишга чорловчи, тинч, осойиша мухитни яратиши.

Кекса беморнинг руҳияти, эмоционал ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда, мулокот күпроқ уларни қизиқтирувчи йўналишда олиб борилади. Бунинг учун алоҳида фаол равища эшлиши қоидаларини кўллаш зарур.

1. Ташки қиёфаси билан (бош қимирлатиш, тасдиқлаш).
2. Фикрни давом эттирувчи сўзларни ишлатиш. Мисол учун: - Кейин нима бўлди? -Сиз учун маъкулми?
3. Авайлаш, ғамхўрликни хис қилдириш.
4. Сўзлашганда юз ва тана ҳаракатларига зътибор бериш.

5. Ёши ўтган ва қари кишилар ташвиш-муаммосини ҳал этиш учун унинг моҳияти негизини қайта-қайта аниқлаш ва билиб олишга эришиш. Бунинг учун вербал (сўз орқали), новербал (ҳаракат орқали) мулокот туридан фойдаланиш зарур. Инсон ёши ўтганда, кексайганда катта ҳаётий тажрибага эга бўлади. Бундай одамлар ҳамширининг мулокотидан ўзига нисбатан муносабатни ва ҳамшира ҳакидаги маълумотни ҳам билиб олиш қобилиятига эга бўлади. Мулокотда маълумотнинг 30% гапда ифодаланади. Бунда 7% сўздан, 13% оҳангидан, 10% мазмунидан билиб олинади. 70% ни эса ташки кўриниш: кўл, юз, тана ҳаракати билан, ҳатто ҳид орқали билиб олиш мумкин. Коммуникацияда савол бериш усулидан тўлиқ фойдаланиш зарур. Саволлар уч хил йўналишда берилади.

1. **Ёпиқ саволлар** - изоҳ талаб қилмайдиган саволлар. Мисол: Сиз бугун яхши ухладингизми? - Ҳа ёки йўқ.

2. **Очиқ саволлар** - изоҳ талаб қиладиган саволлар. Мисол: - Нега бугун яхши ухлай олмадингиз?

3. **Йўналтирувчи савол** - фикрни давом эттиришга ундовчи савол. Мисол: - Балки ҳаво таъсир қилгандир?

Демак, савол бериш қоидаси беморнинг муаммосини чуқур

аниқлаш учун ёрдамчи восита ҳисобланади. Ҳамширалик жараёйнининг барча босқичларида ҳамшира коммуникация тамойиллари га амал қилиши керак.

2-босқич. Ҳамширалик ташхиси. Яъни касаллик этиологияси ва клиник белгиларга асосланиб, беморнинг асосий муаммоси аниқланади ва белгилаб олинади.

«Ҳамшира ташхиси» – ҳамширалик жараёйнининг асосидир. Ҳамшира ташхисини кўйишдан мақсад, беморнинг аҳволига ва касалликнинг кечишига тўлиқ баҳо беришдир. Бемор билан коммуникацияда бўлиш bemорда касаллик оқибатида пайдо бўлган муаммоларни аниқлаш, шу асосида bemорни қузатув қундалигини олиб бориш, bemорни согломлаштиришни ташкил қилишдир. Ҳамшира ташхиси кўйишда назарий билимларни эгаллаш билан биргаликда мукаммал амалий кўнікмаларга ҳам эга бўлиши керак. Бемор муаммосини аниқлашда МАСЛОУ эҳтиёжлар поғонасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

МАСЛОУ поғонасида кекса ёки қари кишининг ўз касалига ёки ҳолатига муносабати, касалликни енгишига ишончи, умуман физиологик жараёйлар кечишига қандай муносабатда бўлиши ва бунга нима таъсир кўрсатиши, ташқи мухитнинг таъсиридан ўзини ҳимоя қила олиш, олмаслиги, ёрдамга муҳтож, муҳтож эмаслиги, ўзини жамият, яқинлари билан ҳамнафас ҳис этиши ёки ёлғизланиб қолганлиги каби ҳолатлар аниқланди.

МАСЛОУ поғонасига асосланадиган бўлсак инсон поғонанинг энг пастки қаторидаги эҳтиёжларини қондиргандагина юкори поғонадаги этиёжларга интилиши мумкин. Эҳтиёжлар ва талаб поғонаси пастдан юкорига қараб қўйидаги тарзда жойлашади:

1. Ҳаётий заруратдан келиб чиқсан ҳолда эҳтиёжларни қондириси.
 2. Хавфсизликка ишонч, барқарорлик, эркинликни ҳис қилиш (пул, сугурта, оила, дўстлар).
 3. Одамлар билан мuloқотга бўлган эҳтиёжини қондириси (ёлғизлик - катта муаммо).
 4. Ўзини-ўзи ҳурмат қилиш (эҳтиёж қондирilmаса одам ўзини кучсиз, ишончсиз сезади).
 5. Яратишга, яшнатишга, ривожлантиришга эҳтиёж (санъат, спорт, ижод) сезиши зарур.
- 3-босқич. Muаммони ҳал қилиш йўлларини режалаштириш.

Режалаштириш имкони борича бемор билан биргалиқда олиб борилади. Ҳамшира bemor ҳолатини енгиллаштириш, касаллик асортларининг олдини олиш, яъни bemornинг соғлиги муаммоларини ҳал қилиш режасини тузади ва буни ҳамширанинг кузатиш картасига белгилаб боради.

4-босқич. Режалаштирилган вазифани бажариш ва уни хужжатлаштириш. Бу bemorни парваришилаш ва маълумотларни навбатчи ҳамширага топшириш учун парваришилаш жараёнини қайд этиб боришдир.

5-босқич. Якуний натижани, хulosани баҳолаш ёки парвариши режаси асосида олиб борилган ишлардан ижобий натижа олинган ёки олинмаганлигини баҳолаш, агар керак бўлса, ҳамширалик ташхисини ўзгартириб янги ташхис асосида бошқа режа тузиш ва муолажани шу асосда олиб боришдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги замон талабига жавоб бера оладиган етук ҳамшира геронтология фанига таянган ҳолда, кекса ва қари ёшдаги кишиларга нафақат касаллик пайтида, балки физиологик қариш жараёнинга мослашиш, тўлақонли ҳаёт фаолиятини давом эттиришда ёрдамчи мутахассис бўлиши шарт.

ИНСОН ҲАЁТИДА ҚАРИШ ЖАРАЁНИНИНГ КЕЧИШИ

Қарилик - ёш улғая бориши билан организмда рўй берадиган қонуний ўзгаришларнинг якуний босқичидир. Қариш биологик парчаланувчи жараён бўлиб, бунда организмнинг мослашиш қобилияти чеклана бориб, турли патологик ўзгаришлар ривожланади ва ўлим муқаррарлиги тезлашади. Кўп ҳужайрали мураккаб организмлар умри давомида нафақат анатомик, балки функционал жиатдан ам маълум бир ўзгаришларни бошидан кечиради. Бу ўзгаришлар ёши ўтган сари уларнинг ташки кўриниши ёки уларнинг «habitus»ида ҳам намоён бўлади. Қарилиқда юз териси қурук, буришган, серажин, илвиллаган, рангсиз тус олади, юпалашганлиги натижасида тери остидаги томирлар бўргиб кўриниб туради.

Бош қисмида соч толалари оқарган, сийраклашган, кўзлари нурсиз, оғиз бўшлиғида тишлар етишмайди, умуртқа погонаси буқчайган, харакатлари сустлашган, қийинлашган мана шулар қариликка хос бўлган айрим белгилардир. Кўриш ва эшитиш қари-

ликда пасаяди. қари одамнинг эти тез - тез жунжикади. Бўйи ва вазни ҳам камаяди. Эркак киши 50-85 ёшлар ўртасида камидан 3 см.га, аёллар эса 4 см.га пасаяди. Меъёрда эркакларда тана вазни 40 ёшда, аёлларда эса 50 ёшда максимал ҳолатида бўлади. Ёши улғайган одам организмининг барча физиологик тизимида аста-секин ўзгаришлар ривожланади ва уларнинг пасайган имкониятларга мослашуви юз беради. Организмда чукур анатомик ва функционал ўзгаришлар қарилик инволюцион жараёни тушунчасини англатади ва бу жараён узоқ вақт давом этади. Анатомик ўзгаришлар қарилик атрофияси кўринишида, скелерозга мойиллик ҳолатида характеристерланади. Бу ҳолат моддалар алмашинувининг бошқача бўлиб олишига, шунингдек, жинсий безлар функциясининг сусайишига ҳамда эндокрин мувозанатининг бузилишига, яъни янгиланиш ва емирилиш мувозанатининг бузилишига олиб келади. Қариликда рўй берадиган анорексия - иштаҳанинг пасайиб кетиши ҳолати бунга ёрқин мисолдир. Бу ҳолат тўқималарнинг яшаш учун зарур бўлган энергия манбайи, озуқа моддаларига бўлган талабининг пасайиб кетиши кўринишида намоён бўлади.

Қарилик атрофияси деганда ҳужайраларда юз берадиган регрессив ўзгаришлар йиғиндиси, яъни ҳужайралар ҳажмининг, сонининг камайиши ва улар протоплазмасида физиковий ва морфологик ўзгаришлар рўй бериши, терининг юпқалашуви, суюк ва тоғай тўқималарининг мўртлашуви, тери ости ёғ қатламининг йўқолиши тушунилади. Аёлларда «менсис» тугаганидан кейин, яъни «климакс» бошланганидан кейин тухумдонлар ва бачадон кичраяди. Инволюцион жараёнида бош мия вазни ҳам камаяди. Нерв тўқималарида пигментли – ёғли дегенерация ва трофик ўзгаришлар рўй беради.

ГЕРОНТОЛОГИК БЕМОРЛАРНИ КЛИНИК ТЕКШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ёши қайтган ва қари одамлар текширилганда, улар организмида патологиянинг тури-туманлиги кузатилади: атеросклероз, энцефалопатиялар, гипертония, сурункали ўпка касалликлари, остеохондроз, онкологик касалликлар ва бошқалар. Шунинг учун тиббиёт ходимларидан катта ёшдаги одамларни текширишда, да-

волашда, парваришилашда алоҳида кўникмаларни билиш талаб қилинади. Касалликларнинг турли-туман кўринишларини ўрганиш ва ташхисни аниқлаш беморларни текширишнинг ҳар-ҳил методлари: сўраб-суриштириш ва кўздан кечириш, тана хароратини ўлчашдан тортиб, лаборатория текширишлари, функционал текширишлар ўтказиш йўллари билан аниқланади.

Геронтологик bemорларни текшириш субъектив ва объектив текширишдан ташкил топади. Субъектив текшириш, яъни сўраб-сурушириш қари bemорнинг касаллик муносабати билан сезадиган ҳис-туйғулари мазкур касаллик тарихи, ҳаёт йўли, бошидан кечирган касалликлари, оиласи, турмуши тўғрисидаги маълумотлар, ирсият тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Bеморларни сўраб-суриштириш, анамnez тўплаш, уларнинг хотираларига таълукли бўлиб, куйидаги тартибда олиб борилади:

1. Орган ва системалар бўйича сўраб-суриштириш.

2. Тиббий анамnez (бошдан кечирган касалликлари, операциялари).

3. Оилавий ҳаёт анамnezи.

4. Ижтимоий анамnez.

5. Овқатланиш тартиби.

6. Ўтказилган даволаш турлари ва унинг натижалари.

7. Рухий ва жинсий ҳаёт анамnezи.

Гериатрик bemордан анамnez тўплаш тиббиёт ходимидан усталикни талаб қилади, чунки бундай bemорларда эшлиши, кўришнинг пасайиши, ўз аҳволидан норозилиги, инжиқлиги ва эзмалиги анамnez тўплаш вақтини узайтириб юборади. Гериатрик bemорни сўраб сурушириш пайтида bemорларга bemалол эшлиши аппаратидан фойдаланишларини таклиф килиш керак. Бунда bemорнинг қулоғига бақириб гапириш, жеркиш ярамайди. Аксинча, секинрок, равон гапириш ва ҳамшира юзида ғамхўрлик ва унга қизиқиш аломатлари акс этиши керак, шундагина bemор билан ҳамшира ўртасида бир-бирларига ишонч уйгонади.

Агар bemор касалхонага қариндошлари билан келган бўлса, унда ҳамшира аввал улар билан алоҳида субатлашиб олиши керак. Bеморнинг шикоятлари турли-туман бўлади. Bеморлар касалликнинг асосий белгиларига унча эътибор бермай, қарилик сабабли деб тушунтиришга уринадилар. Сийдик ва ахлатни тутиб турол-

маслик ёки қабзият, камқувватлик, бош айланиши каби белгилар оғир патологик ҳолатнинг белгиси бўлиши мумкин. Ижтимоий анамнез тўплашда геронтологик беморнинг ҳаёти, турмуши сўраб-суриштирилади, унинг туар-жой майший шароитлари, санитария шароитлари билиб олинади.

Беморнинг оилаславий муносабатлари, ким билан яшайди, тиббий ёки ижтимоий ёрдамга мурожаат қилганми ва унинг натижалари қандай бўлганлиги ўрганилади. Жуда эҳтиёткорлик билан эр ёки хотиннинг ўлимини қандай қабул қилганлиги сўралади. Гериатрик bemорнинг овқатланиш тартиби сўраб-суриштирилганда улар тўлиқ ва рационал овқатланадими, ёғлар ва углеводлар чекланганми, оқсилга бой овқатларни (гўшт, балиқ, тухум, сут маҳсулотлари) мунтазам истеъмол қиласадими ва овқатни чайнашда тиш протезларидан фойдаланадими, деган саволларга жавоб топиш керак. Илгари бошидан кечирилган касалликлар ва ўтказилган даволаш муолажалари, қабул қилган дори-дармонлар ва унинг натижаси сўраб ўрганилади. Бемордан руҳий анамнез йигишдан мақсад, унда ҳавотирли депрессив ҳолатлар, ўз жонига қасд қилиш, руҳий тушкунликка тушиш ҳолатлари кузатиладими ва бу ҳолатларни bemор нима билан баҳолашлигини билиб олишдир. Бемордан жинсий анамнез йигилганда, жинсий ҳаёт билан яшаш-яшамаслиги, фарзандлари бор-йўқлиги, климакс ва унга алоқадор касаллик кўринишлари (бошга дув этиб қон қўйилиб келиши, бош оғриклари, қўзғалувчанлик) қачон пайдо бўлганлиги тўғрисида сўраб кўрилади. Геронтологик bemорларни объектив текширилганда, айрим органларнинг заарланиши бутун организм фаолиятини бузилишига сабаб бўлишини эсда тутиши зарур. Bеморларни объектив текшириш қўйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

1. Беморларни кўздан кечириш.
2. Палпация.
3. Перкуссия.
4. Аускультация.
5. Асбоблар билан ва лаборатория текшириш усуллари.

Дунё аҳолиси сонининг қарияялар ҳисобига ошиши иқтисодий сиёсатга таъсир этади ва соғлиқни сақлаш тизимига мураккаб масъулиятни юклайди. Бу эса участка терапевтлари ва ҳамширларидан алоҳида билимлар ва кўникмаларни талаб этади. Тиббий

ёт ходимлари кекса ёшдаги беморларни алоҳида парвариш қилишлари, этика, деонтология, коммуникация қоидаларига вижданан амал қилишлари, кекса ёшдаги беморлар руҳий ҳолатини тушуна билишлари зарур. Қари ёшдаги беморлар тиббий ёрдамга мурожаат қилишганда, уларни жамиятнинг тенг ҳукуқли аъзоси деб билиш ва уларга алоҳида хурмат ва эхтиром қўрсатиш зарур.

Бундай беморларни даволашда уларнинг касаллик тарихи билан бир қаторда ижтимоий, психологоик аҳволи билан ҳам танишиш керак. Участка ҳакими ёки ҳамшираси қари беморлар аҳволи билан яқиндан танишиб чиқиб, тез-тез уйларига бориб, улардан хабар олишлари зарур. Айниқса, ёлғиз яшайдиган қарияларнинг ижтимоий, руҳий ва жисмоний аҳволини билиш гериатрик ёрдамнинг асосий вазифаларидан биридир. Касалхона шароитларида қарияларга кенг шароитлар яратиш, улар билан кўпроқ сұхбатлашиш, ҳаётга қизиқишиларини орттириш керак. Ҳамшира бундай беморларни нафакат овқатлантириши, ювинтириши ва кийинтириши керак, балки бундай беморлар билан психологоик алоқани ўрнатиб, унинг соғайишига, ўзига ишончини орттириши керак. Гериатрик беморлар ўз ўтмишлари ҳақида фахрланиб гапирадилар, уларни кўпроқ ўтмиш ва ўтмиш воқеалари, ютуқлари қизиқтиради.

Улар келажак ҳақида ўйлаш ва гапиришдан, ўлимдан қўрқадилар. Шундай пайтларда ҳамшира беморларга ҳаётлари сермазмун, фойдали ўтганлигини, ўз ота-оналиқ бурчларини яхши адо этганикларини, жамият учун катта фойда келтирганликларини англатиб, уларни қўллаб-куватлаши керак. Бу қарияларнинг соғайишига ёрдам беради. Бундай беморларни касалхона ички тартиб қоидаларига риоя қилишларига мажбур қиласлик керак.

Участка терапевтлари эса қарияларни бўш вақтларида руҳан тетиклаштирувчи ва согломлаштирувчи тадбирлар, сұхбатлар ташкил этишлари, фаол ҳаракатланувчи тартибни жорий этишлари, рационал овқатланишларида антисклеротик ва энергетик сарфни камайтирувчи парҳез тайинлашлари керак.

Бундай беморларни парваришаща уларнинг уйкуси бетартиб бўлишини эсда тутиш зарур, яъни кундузи кўп ухлаб, кечаси сергак юрадилар. Бундай ҳолатларда уйусизликнинг олдини олиш учун ухлатувчи дорилар тайинлаш, кечқурун тоза ҳавода сайр қи-

лиш, оёқ ва белларини енгил уқалаш, оёқларни иссиқ кўрпага ўраб ётишни тавсия қилиш зарур.

Кундузи уйқуни эса бирор қизиқарли машғулот билан алмаштириш керак, масалан, китоб, журнал ва газеталар ўқиш билан қарилик оқибатида буйрак ва сийдик ажратиш аппарати фаолияти кам ўзгаради, уларнинг тўплаш хусусияти камайиб, тунги диурез кўпаяди, қариликда уйку пайтида сийдик ҳосил бўлишининг физиологик камайиши кузатилмайди. Эркакларда кўпроқ простата безининг аденонаси пайдо бўлади.

Тунги диурезнинг ортиши ҳам кексалар уйқусининг бузилишига олиб келади. Шунинг учун кечки овқатда суюқликларни, чойни кўп истеъмол қилиш чекланади, иложи борича сийдик учун хоналарда идиш берилади, чунки қариялар кечқурун йигилиб тушишлари мумкин. Йигилиш ва бахтсиз ҳодисалар қариялар ҳаётидаги тез-тез учраб туради, бунга кўриш ва эшитишнинг пасайиши, мувозанатнинг бузилиши, бош айланиши, камқувватлик, оёқ мушакларининг бўшашганлиги сабаб бўлади. Қариликда суякларда бўладиган остеопороз ҳолатлари эса суякларнинг синишини осонлаштиради. Шунинг учун хоналарда, коридорларда, ванналарда кексаларнинг юришига халақит берадиган ортиқча нарсалар бўлмаслиги керак. Ваннахонада уларни ёлғиз қолдириб бўлмайди, пол сирпанчиқ бўлмаслиги лозим. Сувнинг харорати 35°C дан ошмаслиги керак. Ваннахонада таянч мосламалари бўлиши шарт. Коридорларда девор бўйлаб ушлаб юриш учун маҳсус мосламалар бўлиши кексаларнинг юришларини осонлаштиради, йигилиб тушиш хавфини камайтиради, замонавий даволаш муассасаларида барча хоналарда сигнализация, икки ёлама телефон алоқаларининг бўлиши мақсадга мувофиқ.

Бемор ўрин-жойи 60 см. дан паст бўлмаслиги ва функционал жиҳатдан қулай бўлиши керак. Ёстиқлари, кўрпалари юмшоқ, иссиқ бўлиши зарур. Хона ёргуғ, шинам, овқатланиши столи ва алоҳидаги лампа ҳам бўлиши керак. Хона харорати $20-23^{\circ}\text{C}$ бўлади. Кекса ёшда бадан терисининг юпқалашиши сабабли терининг ҳимоя вазифаси бузилади, шунинг учун қарияларни ҳафтада 1 - 2 марта чўмилтириш зарур.

Терининг куруқлашган жойларига кремлар суртилади. Оёқтироқлари мўрт, қаттиқ бўлиши сабабли уларни иссиқ ёғли сувда буглаб, қадоқларни канакунжут мойи билан юмшатиб, кейин олиб

ташланади. Беморларнинг ташқи қиёфасига ва кийинишига эътибор бериш, сочларини турмаклашга, тараф қўйишга ёрдамлашиш уларнинг кайфиятини кўтаради ва соғайишига ёрдам беради. Қарилик хар бир организмда индивидуал ривожланади. Инсоннинг ёшини календар, яъни хронологик тарзда ўрганиш мумкин. Кўпинча, қариш жараёни инсоннинг ёшига мос келмайди. Масалан, 60 ёшли одам организмида 70 ёшга кирган одам организмига хос бўлган структур ўзгаришлар, функциялар бузилиши кузатилиши мумкин. Демак, физиологик қариш билан бир қаторда, эрта қариш жараёни ҳам мавжуд экан. Инсоннинг календар ёши биологик ёшидан анча катта бўлса, қариш жараёни шунча секин кечади, умри узаяди. ҳозирги тиббиётнинг вазифаси эрта қаришнинг олдини олиш ва унга қарши курашдан иборат. Инсоннинг турмуш тарзи, ижтимоий муҳит қаришга таъсир этадиган омиллардир. Қариш жараёни организм ҳаёт фаолиятининг молекуляр, хужайра, орган, система ва бутун организм даражасида ривожланади ва бу ўзгаришлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ. В. В. Фролкис назариясига биноан организм қаришида адаптацион регуляр механизмининг бузилиши содир бўлади.

Қариш - мураккаб биологик жараён. Организм ҳаёти мобайнида унга таъсир этаётган эндоген ва экзоген омиллар муҳим физиологик функциялар ишини издан чиқаради. Қаришнинг олдини олиш учун экзоген омиллар таъсирини камайтириш, тоза экологик турмуш тарзини яратиш зарур, бу умрни узайтиради. Эволюция мобайнида организм ҳаёт фаолиятида қариш билан қарама-қарши бўлган жараён - витаукт мавжуддир. Витаукт («витас» – лотинча ҳаёт, узун дегани) организм мослашиши қобилиятини оширади, умрни узайтиради. Қариш ва витаукт жараёниларининг ўзаро алоқаси инсон организмни тузилиши билан пайдо бўлади ва умрни узайтиришини ифодалайди. Геронтологларнинг фикрича, организмнинг қариш жараёнида табиий ёки физиологик ва эрта, тезлашган қариш тафовут қилинади. Физиологик қариш организмда аста-секинлик билан содир бўладиган табиий ўзгаришлар бўлиб, организмнинг биологик хусусиятларига мос келади, атроф-муҳитга мослашуви чекланади. Эрта қариш - ёшга боғлиқ ўзгаришларнинг эртароқ пайдо бўлиши, бунда инсоннинг биологик ёши унинг календар ёшидан ўзиб кетади. Турли хил касалликлар, стрессслар,

нейрогуморал омиллар, радиоактив моддалар билан нурланиш, қариш жараёнини тезлаштиради.

Масалан, юрак ишемик касаллиги, меъда яраси, қандли диабет каби касалликларда беморларнинг ташқи қиёфаси ўз ёшига қарангандан анча қариrok кўринади.

Эрта қариш сабаблари 2 хил омилдан иборат:

- 1. Эндоген омиллар.**
- 2. Экзоген омиллар.**

Эндоген омилларга организмнинг турли касалликлари, ирсий омиллар, хромосом касалликлари киради. Экзоген омилларга руҳий стресслар, гиподинамия, нотўғри овқатланиш, семириш, зарарли одатлар, экологик муҳит таъсири киради. Организмнинг эрта қаришига энг кўп сабабчи бўлган касалликлар: атеросклероз, артериал гипертония, сурункали ўпка касалликлари, ошқозон, жигар касалликлари, асаб ва эндокрин касалликларидир. Қариш жараёнида ирсият муҳим аҳамият касб этади. Эрта қариш ёки узоқ умр кўриш наслдан-наслга ўтиши исботланган.

Аёлларда қариш жараёнининг анча секин бориши ҳам генетик аппарат хусусиятларига, ҳам аёлларда зарарли одатларнинг йўқлиги билан изоҳланади. Эрта қаришга сабаб бўладиган омиллардан бири бўлган чекиш беморларда атеросклероз, миокард инфаркти, артериал гипертония каби касалликларни авж олдиради. Қариш – кўп ўчоқли умумбиологик жараён бўлиб, ҳужайраларнинг ядро-сида, цитоплазмасида, мемброналарида, митохондрия ва бошқа структураларида намоён бўлади.

Қариш жараёни ривожланишида 4 хил хусусият фарқ қилинади:

- 1. Гетерохронлик.**
- 2. Гетеротонлик.**
- 3. Гетерокинетиклик.**
- 4. Гетерокатефтенлик.**

Гетерохронлик хусусият қариш жараёнининг турли орган, тўқима, система ҳужайраларида ҳар хил муддатда бошланишидир. Масалан, айрисимон безнинг атрофияси 13-15 ёшларда бошланса, жинсий безларнинг атрофияси климактерик даврда бошланади. Марказий нерв системаси ва эндокрин системасининг турли бўлимларида ҳам гетерохрон қариш қузатилади.

Гетеротоплик хусусият маъсул бир органинг турли исмларида

қариш белгиларининг намоён бўлишидир. Масалан, юрак миокард тўқимасида турли кардиоцитлар бўлиши мумкин.

Гетерокинетик хусусият организм тўқималарида қариш жараёнининг турлича тезлик билан кечишидир. Масалан, айрим тўқимада эрта бошланган қариш белгилари суст ривожланиб бориши мумкин, аксинча бошқа тўқимада кечроқ бошланган қариш белгилари тез ривожланиб бориб, организм функционал ҳолатига тъсир этиши мумкин.

Гетерокатефтенлик хусусият организмдаги ёшга боғлиқ ўзгаришларнинг турли хил йўнилишларда, организмдаги ҳаётий жараёнларнинг бирининг сўниши ва иккинчисининг фаоллашуви билан кечишидир. Демак, қариш жараёни мураккаб морфологик ўзгаришлар ва функцияларнинг сўниши билан кечадиган жараён экан. қариш жараёнини кўп олимлар ҳужайранинг генетик аппаратидаги ва оқсил биосинтезидаги бузилишлар билан боғлашади.

Ўзгаришлар ДНКнинг генетика маълумотлар узатиш бўгинида содир бўлади. Оқсил синтезида оқсил молекуласидаги ўзгаришлар ҳужайра функциясининг бузилишига олиб келади. Ўзгаришлар ҳужайрада энергиянинг пайдо бўлиши, узатилиши ва сарфланишида кузатилади. Ҳужайрада кислородга бўлган эҳтиёж камаяди, ферментлар фаоллиги пасаяди. Липидлар алмашинуви ҳам издан чиқиб, ҳужайра мембраннынинг фосфолипид таркиби бузилади, онда холестерин, триглиiserидлар, липопротеидлар миқдори ошиб кетади, натижада атеросклероз ривожланади. Бу эса қариш жараёнини тезлаштиради.

Қариш оқибатида мия нейронлари 30-40% га, буйрак нейронлари, ўпса алвеолалари 30-50% га камаяди. Қаришнинг асосий морфологик кўриниши орган ва тўқималарнинг атрофияси бўлиб, бу ҳужайраларнинг камайиши ҳисобига пайдо бўлади. Ҳар бир орган тўқималарида атрофик ҳужайралар билан бир қаторда нормал ҳужайралар ҳам учрайди. Атрофияга учраган ҳужайралар ҳисобига нормал ҳужайраларда гиперфункция ва гипертрофия содир бўлади. ҳужайранинг қариш жараёнига мослашуви туфайли ундағи ядро сони кўпайиб, ДНК миқдори ортиб боради. Митохондрияларнинг умумий миқдори камайиши оқибатида гигант формадаги митохондриялар пайдо бўлади, ҳужайраларда органоидларнинг парчаланиши маҳсулоти бўлган фермент - липофусин тўпланади.

хужайраларнинг функционал ўзгаришлари кузатилади, хужайра функцияси сусаяди, нейронларнинг маълумот қабул қилиш қобилияти пасаяди.

Секретор хужайраларда моддаларни синтезлаш ва ажратиш жараёни камаяди, юрак хужайраларининг қисқариши пасаяди, хужайра мембрасининг қўзғалиши ва биоэлектрик хусусияти бузилади. Хужайраларда кальций ионларининг фаол транспорти бузилади, бу эса хужайра функциясини издан чиқаради. Биритиравчи тўқималарда қариш жараёни коллаген толасининг фибрillар хусусияти йўқола бориши ва ўзгариши билан намоён бўлади.

Асаб системаси. Организм қаришида мия оралиги камаяди, мия пушталари юпқалашади, эгатчалари кенгаяди, қоринчалар бўшлиқлари катталашади. Нейронларда дистрофик ва атрофик ўзгаришлар рўй беради. Марказий нерв системасидаги ёшга боғлиқ ўзгаришлар оқибатида қарилик белгилари намоён бўлади: ақлий ва жисмоний қобилиятнинг пасайиши, организмнинг ички муҳити фаолиятининг бузилиши, хотира пасайиши кузатилади. И. П. Павловнинг фикрича, қариликда миядаги қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг бир-бири билан алмашиши сустлашади, шартли рефлекслар пайдо бўлиши қийинлашади. Шартсиз рефлекслар характеристи ҳам ўзгаради, анализлар фаолияти пасаяди.

Психика. Қариликда инсон руҳий фаолияти - билиш, идрок, фикр қилиш, тафаккур, эмоциялар пасаяди. Ёшга алоқадор ўзгаришлар, яъни моддалар алмашинувининг бузилиши, жинсий безлар функциясининг сусайиши, эндокрин мувозанатининг бузилиши натижасида инволюцион психозлар пайдо бўлади. Беморлар кўнглида хавотирланиш, безовталаниш, бесарамжонлик, гуноҳкорлик, вассваса пайдо бўлади, руҳияти бекарор бўлиб қолади. Хотира пасаяди, секин-аста ақл пасайиши ривожланади, ўз жонига суиқасд қилиш ҳоллари кузатилади. Буйрақда қон айланиши, фильтрация, реабсорбция пасаяди. Суяк ва бўғимларда остеопороз, остеохондроз ва атрофик ўзгаришлар содир бўлади.

Қариш жараёнида нейрогуморал механизм. Қариш жараёнида организмдаги барча функцияларнинг нейрогуморал бошқаруви бузилиши, моддалар алмашинувининг издан чиқиши, гипоталамо-лимбик системасининг дисфункцияси кузатилади.

МОДДАЛАР АЛМАШИНУВИНИНГ БУЗИЛИШИ

Эндокрин системаси. Қариликда эндокрин безларидан атрофик ва склеротик ўзгаришлар пайдо бўлади, секретор функциялар пасаяди. Гипофизда базофил ҳужайралар сони кўпайиб, ацидофил ҳужайралар сони камайиб кетади. Бу ҳужайраларда ДНК миқдори камаяди, коллоид тўпланади.

Қалқонсимон ҳужайраларида ДНК миқдори камайиб кетади. Меъда ости безида деструктив ўзгаришлар оқибатида йирик оролчалар камайиб, майда оролчалар кўпаяди. Б-ҳужайралар сони камайиб, қандли диабет ривожланади. Стриопаллидар системада катехоламин алмашинувининг бузилиши паркинсонизм ривожлашиига сабаб бўлади. Организм қаришининг асосини моддалар алмашинувининг издан чиқиши ташкил этади. Қаришнинг бирламчи механизмлари генетик аппаратдаги силжишлар билан боғлиқ ҳолда кечади. Бу нуклеин кислотаси алмашинувининг консентратцияси пасайиши билан ифодаланган. Бунинг натижаси сифатида оқсиллар алмашинуви, ферментлар миқдори ва фаоллиги бузилади, энергия алмашинуви камайиб, кислороднинг тўқималарда ўзлаштирилиши прогрессив равишда пасаяди, тўқималар нафас олиши (тканевое дыхание) камаяди.

Қариш жараёни нейрогуморал регуляциясидаги ёшга алоқадор ўзгаришлар, қариш жараёнининг асосини ташкил этади. Натижада организмда моддалар алмашинуви ва ҳужайралар функцияси издан чиқади. Қарилик билан бирга кечадиган атеросклероз оқибатида беморнинг руҳий ва эмоционал дунёсида невроз, мақтанчоқлик, лакмалик, эзмалик, хотиранинг пасайиши каби ўзига хос белгилар намоён бўлади. Гипоталамус функциясининг издан чиқиши гомеостазнинг бузилишига, яъни организм ички муҳити ҳақидаги маълумотлар МНСга келади, гормонал регуляция ҳам издан чиқади.

Тибиёт ходимлари геронтологик беморларда кечадиган касалликларнинг ўзига хос хусусиятларини билишлари лозим. Уларни андай парваришилаш, даволаш, улар билан андай субатлашиш зарурлигини билишлари, уларда ўзларига нисбатан ишонч уйготишлиари керак. Қари одам текширилганда, кўпинча унда бирданига 5-6 та касаллик аниқланади. Булар юракнинг ишемик касаллиги, атеросклеротик энцефалопатия, гипертония касаллиги, ўпка эмфи-

земаси, умуртқа поғонаси остеохондрози, катаракта, кулок оғирлиги, простата бези adenомаси ва бошқалар. Қари одамлар организмида сурункали кечадиган касалликлар күпроқ учрайди, аммо ўткир ва юқумли касалликлар ҳам учраб туради. Улар организмидаги патологик жараён жуда секинлик билан ривожланади ва тиббий ёрдамга кеч мурожаат қиласылады. Ўткир касалликлар клиникаси эса организмнинг қаршилик қобилияти пасайгани сабабли суст ифодаланган бўлади.

КЕКСА ВА ҚАРИ ЁШДАГИ БЕМОРЛАР РЕАБИЛИТАЦИЯСИ

Тиббиёт ходимлари гериатрик bemорларга профилактик реабилитация тадбирларини ўтказишни билишлари ва уddaлашлари керак. «Реабилитация» ёки соғлиқни қайта тикловчи даво чораларининг мақсади гериатрик bemорларни ва ногиронларни оддий турмуш тарзига қайтариш, мослаштириш, бегона одамларга муҳтожлиқдан куткаришдир.

Реабилитация мураккаб жараён бўлиб 4 турдан иборат:

- 1. Тиббий реабилитация** - bemорларни даволаш.
- 2. Психологик реабилитация** - bemорларни руҳий депрессия, тушкунликка тушиш ҳолатидан чиқариш.
- 3. Ижтимоий реабилитация** - жамоатчилик ва оила даврасидаги ҳаётини тиклаш.
- 4. Мехнат реабилитацияси** - меҳнатга лаёқатлигини қисман ёки тўлиқ тиклаш.

Беморларни даволашнинг ўзи тиббий реабилитация ҳисобланиб, унинг муваффаияти даво нечоғлик эрта бошланганига боғлиқ. Реабилитациянинг барча турлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, bemор соғлигини тиклашга қаратилган. Кексайган bemорларни реабилитация даврида издан чиққан функцияларининг тикланиши, кўрсатилган давонинг хавфи жуда секинлик билан намоён бўлади. Реабилитация даврида гериатрик bemорларга тиббиёт ходимларининг муомаласи, хатти-харакатлари, уларнинг соғайишига ишонч ҳиссини уйғотиши катта аҳамиятга эга. Бош мия ўткир қон айланишнинг бузилишидан кейинги парҳез ёки фалажликларда,

травмаларда эрта бошланган реабилитация тадбирлари, ҳаракатлар, машқлар организм функцияларини тикланишга ёрдам беради. Машқларни аста-секинлик билан күпайтириб бориш лозим. Бемор реабилитацияда меҳнат билан машғул бўлиш муҳим роль эгаллади, bemorларни рухан тетиклаштиради. Бундай bemorларга меҳнат шароитини енгиллаштириш ва қулай шароит яратилади.

СОҒЛОМ КЕКСА ВА ҚАРИ ИНСОНЛАРНИНГ ОВҚАТЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Соғлом кекса ва қари инсонларнинг овқатланиш тамойиллари;

✓ Овқат рационини энергетик қийматини организм қувватни сарфига мутаносиблиги

✓ Овқатланишини профилактик йўналиши, яъни касалликдан огох этиш ёки атеросклероз жараёнини секинлатиш, бундан ташқари юрак ишемик касаллиги, гипертония, қандли диабет, ўттош касаллиги, ўсма касалликлари, остеопороз ва қарилек патологияси бўлган бошқа касалликларни олдини олиш.

✓ Аъзо ва тизимлар функцияси ва ёшга доир моддалар алмашинувидағи ўзгаришларга мос равишда овқат рационининг кимёвий таркибини мослиги.

✓ Овқат рационидаги маҳсулотларни хилма-хиллиги;

✓ Осон ҳазм бўладиган, овқат ҳазм қилиш ишини стимулловчи ва ҳаракат функциясини оширувчи, ичак микрофлорасини меъерида сақловчи маҳсулотлар ва овқатларни ишлатиш;

✓ Маҳсулотларни истеъмол қилиш вақтларига эътибор бериш ва микдорини белгилаш;

✓ Қари ва кекса ёшдаги инсонларни овқатланиши ва ўргангандаги одатларини ҳисобга олган ҳолда индвидуал режимни тузиш.

Қарилекда моддалар алмашинувини секинлашуви ва физик фаолликни чегараланиши туфайли организмни энергетик эҳтиёжи камаяди. Озиқа рационидаги энергетик қиймат 20-30 ёшлиларга нисбатан 60-69 ёшда 85%, 70-80 ёшда 75 % ни ташкил этади. Қариётган организм ортиқча овқатга ўта сезгир бўлиб, бу семизликка, атеросклерозга ва қандли диабетга олиб келиши мумкин. Шунинг учун барча ёшдагиларга қувват сарви ва қувват микдорини ўртacha нисбати профилактик аҳамиятга эга, айниқса кексайганда. Эркак ва аёлларнинг рациондаги ўртacha қуввати 2000-1750 ккал-

ни, қари эркак ва аёлларнинг эса 1950-1700 ккални ташкил этади. Овқатнинг кувват микдори шакар, қандолат ва унли маҳсулотлар, ёғли гўшт маҳсулотлари ва ҳайвон ёғлари маҳсулотлари ҳисобига чегараланади. Оғир юкламали ишда ишловчи ёки оғир юкламали хўжалик юритувчи кекса инсонларнинг рациондаги озиқланиш куввати оширилади. Озиқланишдаги кувват нисбатини назорат қилишда организмнинг эҳтиёжлари инобатга олинади.

Кексаликда оқси́лларни тикланиш интенсивлиги камайган сабабли овқатда оқси́лга бўлган эҳтиёж камаяди. Лекин оқси́лнинг организмга етишмаслиги натижасида моддалар алмашинувида ўзгаришлар келиб чиқади ва бу ёшларга нисбатан организмда оқси́л етишмаслигини тез ривожлантиради. Жисмоний фаоллик билан шуғулланмайдиган кекса эркак ва аёлларнинг оқси́лга бўлган суткалик эҳтиёжи 55-65 г ташкил этади. Кексаликда ҳайвон оқси́лларни умумий оқси́л микдоридан 50% га камайтириш мақсадга мувофик. Ҳайвон оқси́лини сақловчи ёғлилик даражаси кам бўлган сут маҳсулотлари, балиқ ва денгиз маҳсулотлар истеъмолга рухсат этилади. Ҳайвон ва парранда гўштини иложи борича камайтириш керак. Ҳайвон оқси́лларини чегаралаш организмга холестерин, пурин каби моддаларни камроқ тушишига олиб келади, шу билан бирга ўсимлик оқси́ли масалан, дуккаклилар ва айрим сабзавотларга бўлган эҳтиёжни оширади. Қариётган организмни ҳайвон оқси́лларини кўп истеъмол қилиши салбий таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида жигар ва буйракларда оқси́л алмашинуви бузилади, бу қариётган организмни функционал хусусиятини пасайтиради. Бундан ташқари организмга ёғни ортиқча микдорда тушиши, ёғ алмашинуви ва атеросклероз, холестерин алмашинуви бузилишини кучайтиради.

Рациондаги ёғлар микдори 0,8-1 г 1 кг нормал тана вазнидан ошмаслиги керак, бу ишламайдиган эркак ва аёл учун кунига 60-65 гни ташкил қиласи, 75 ёшдан кейин эса 55-60 г. Ҳайвон ёғлари, айниқса қаттиқ туёклилар, ёғли гўшт ва колбаса маҳсулотлари, мол ва кўй чарвиси ва бошқаларни чеклаш лозим, енгил ҳазм бўлувчи сут ёғлари, лицетин ва ёғда эрувчи витаминалар рациондаги умумий ёғнинг 25-30 % ташкил қилиши керак. Кексаликда оддий сариёғдан кўра “Кристианский”, “Бутерброндная” ва диетик ёғлар фойдалидир. Ўсимлик ёғлари умумий оқси́лни 30 % ташкил қилиши керак

(кунига 20 г). Ўсимлик ёғларини табиий ҳолдаги күриниши (турли салаттар ва бўтқалар таркибидаги) мақсадга мувофиқ.

Ўсимлик ёғларидаги ёғ кислоталари моддалар алмашинувига айниқса холестерин алмашинувига ижобий таъсир кўрсатади. Лекин ўсимлик ёғларини ортиқча истеъмол қилиш организмда тўйинмаган ёғ кислота маҳсулотини тўпланишига олиб келади. Ҳайвон ёғлари 1 марталик қабул миқдори 10-15 г дан ошмаслиги керак. Кексаликда балиқ ёғи ҳайвон ёғига нисбатан фойдалироқ. Айрим балиқ ёғдаги ёғ кислоталари моддалар алмашинуви ва холестерин алмашинувини меъёрига келтиради, қон артериал босимни ва қонни иувучаник хусусиятини пасайтиради. Бу эса кексаларда қон томирда тромблар ҳосил бўлишини олдини олади.

Асосан диетик ёғларни истемол қилиш тавсия этилади, бошқа турдаги ёғларни эса маълум миқдорда кулинар ишлов берилгандан кейин истеъмол қилиш керак. Кексалар рационида холестерин миқдори кунига 300-350 мг камайтирилади. Бунинг сабаби тўкималарда унинг жойлашиши секинлашади ва бу қонда холестерин миқдори кўпайишига олиб келади. Бу рациондан холестеринга бой бўлган маҳсулотни чиқариб ташлаш керак дегани эмас.

Кексаликда қувват сарфига эҳтиёж кам бўлгани сабабли углеводлар миқдори ўртacha кунига 250-300 мг камайтирилади. Бу рациондаги умумий суткалик қувват миқдорини 58-60 % ташкил қиласди. Жисмоний фаол турмуш тарзини кечирувчи кексаларни қувват сарвига бўлган эҳтиёжи ёғлар эмас, балки углеводлар ҳисобига қондирилади. Таркибида углевод сақловчи маҳсулотларга крахмал ва озуқа толаларни сақловчи маҳсулотлар яъни яхши ишлов берилмаган ундан тайёрланадиган нон, қаттиқ дон ёрмалари, сабзавот, мевалар ва резавор мевалардир. Озуқа толалари ошқозон ичак тракти ва ўт ишлаб чиқариш функциясини кучайтиради, бу эса қабзият ва ўт тош касаллигини келтириб чиқарувчи ўт пуфагида димланишларини олдини олади.

Озиқ толалари асосан пептинлар ичаклардан заҳарли канцероген моддаларини чиқаришини кучайтиради, ичак микрофлорасига ижобий таъсир кўрсатади. Рационда шакар, қандолат маҳсулотлари, ширин ичимликлар каби тез сурилувчи углеводларни чеклаш керак. Уларнинг миқдори умумий углеводлардан 10-15% дан ошмаслиги, яъни кунига 30-40 г; семизликка мойиллик бўлган ҳолат-

ларда 5-10% ташкил қилиши керак. Бу ошқозон ости бези инсуляр аппаратидаги ўзгаришлар, тез суралувчи углеводлар натижасида ҳосил бўлган ёғ ва холестеринни кучайиши ҳисобига ёшга мос равишда глюкоза ҳазмини пасайишини билдиради. Шакар ўрнига ксилитол ишлатиш мумкин (кунига 15-20). Ксилитол ширин таъмга эга бўлиб қондаги қанд миқдорини оширмайди ва ўт ҳайдовчи хусусиятга эга. Шакарни ўрнини асал ёки фруктоза билан қоплаш мумкин. Демак, асал ёки фруктоза истеъмол қилганда шакар ишлатмаслик керак.

Кексаликда организмда айрим минерал моддаларни кўпайиши билан бирга камайиши ҳам кузатилади, масалан кальций тузлари қон томир деворларида, бўғим ва бошқа тўқималарда тўпланади. Кальций етишмовчилигида ёки кальцийни суралувчи овқат маҳсулотлари кўпайиб кетганида кальций суюклардан чиқариб юборилади, бу қарилек остеопорозига олиб келади. Щунинг учун кексаларнинг кальцийга бўлган эҳтиёжи кунига 1000 мг гача ошади.

Рациондаги магний миқдорини кунига 500 мг гача ошириш керак. Магний антиспастик таъсирга эга бўлиб, ичакларни тозалашишини ва ўт ажралишини таъминлайди. Рационда калий кўп миқдорда бўлса (кунига 3-4 г), овқат таркибидаги ош тузини чеклаш керак. Асосан тузланган маҳсулотларни чеклаш мақсадга мувоғиқ. Тузни кўпайиши АБ ни кўтарилишига мойилликни оширади. Гипертоник касалликда рациондаги туз миқдори 6-7 г дан ошмаслиги керак.

Темирга бўлган эҳтиёж кунига 10-15 г. Рационда дуккакли донлар кўп бўлиб, гўшт кам миқдорда бўлса бу темир етишмовчилиги камқонлигига олиб келиши мумкин.

Физиологик қариш жараённада бир қатор витаминлар алмашинуви ўзгаради. Айрим кекса ва қари инсонларда витамин танқислиги учраб туради. Бу норационал овқатланиш ёки витаминлар сўрилишини бузилишидан келиб чиқади. Витамин етишмовчилигидан келиб чиқадиган касалликлар ёшларга нисбатан кексаларда тезрок ривожланади. Соғлом кекса ва қари одамларда витаминларга бўлган суткалик эҳтиёж : тиамин-1.4-1.2 мг, рибофлавин – 1.6-1.4 мг, вит В 6- 2.2-2 мг, ниацин-18-15 мг, фолат-200 мкг, вит В 12- 3 мкг, вит С-80-70 мг, вит А- 1-0.8 мг, вит Е -15-12 мг, вит Д -100 МЕ.

Табиий витаминлардан ташқари (мева ва сабзовотлар) сунъий витамин терапиясини ўтказиш керак. Айниқса баҳор – қиши ойла-рида витаминларга бўлган эҳтиёж кучаяди. Шу пайтларда поливи-таминлар ва минералли поливитаминларни кунига 1 та таблетка-дан ичиб юриш керак. Касаллик вақтида витаминлар дозаси бир-мунча кучайтирилади. Витаминларни ортиқча микдорда истеъмол қилиш кексалар учун хавфли ҳисобланади.

Кекса ва қари инсонларнинг овқатланиш тартиби овқатни ўз вақтида истеъмол қилиш, бир марталик овқат микдорини жуда кўп бўлмаслиги ва овқатланишлар орасидаги вақтнинг жуда узоқ бўл-маслиги билан белгиланади. Бу овқатни меъёрида ҳазм бўлиши-ни, айрим аъзо ва тизимларни зўриқмаслигини ва овқатни ҳужайра ва тўқималарга сингишини билдиради.

4 марталик овқатланиш тартиби тавсия этилади.

1-нонушта – 25 %

2- нонушта 15-20 %

Тушлик- 30-35 %

Кечки овқат – 20-25 %

Тунда асосан сут, қатиқ каби ичимликлар ёки хом мева ва саб-завотлар истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ. Шифокор кўрсатма-сига кўра юкламали кунларни ўтказиш мумкин, лекин бутунлай оч қолмаслик керак. Юкламали кунларда қўпинча творогли, қатиқли, сабзавотли, мевали кунлар ўтказилади. Кекса ва қари инсонлар ка-салланганида 5 марталик овқатланиш режими тавсия этилади:

1-нонушта – 25 %

2- нонушта 15 %

Тушлик- 30 %

Кечки овқат – 20 %

2- кечки овқат- 10 %

Соғлом қари ва кексалар учун алоҳида овқат ва мева - сабзо-вотлар танланмайди. Физиологик жиҳатдан кексаларни вегетари-анлик парҳезига ўтказиш тўғри эмас. Бу геродиетика қоидалари-га зид ҳисобланади. Чунки барча турдаги озиқ моддаларни ўзига хос хусусиятлари бор. Соғлом кекса ва қари инсонлар рационида оширма ва қатлама ҳамир маҳсулотлари, ўткир гўштли ва балиқ-ли шўрваларни, ёғли гўшт, гўштли субмаҳсулотлар ва тухум (улар таркибида кўп микдорда ҳолестенрин бор), ёғли сут маҳсулотлари,

гуруч, макарон маҳсулотлари, дуккакли, дудланган ва тузланган маҳсулотлар, шакар, қандолат ва мойли маҳсулотлар ва шоколад кабиларни камайтириш керак, лекин уларни батамом рациондан олиб ташлаш керак эмас. Тайёрланаётган овқатлар кулинар ишловдан ўтиши ва овқат ҳазм қилиш ишини қийинлаштирумаслиги керак. Айниқса қийин ҳазм бўлувчи маҳсулотларни (дуккаклилар, қўзиқорин, қовурилган маҳсулотлар) иложи борича майдалаш лозим. Рационга ичак микрофлорасини меъёрида ушлаб турадиган маҳсулотларни кўп микдорда бўлиши мақсаддага мувофиқ, масалан, қатиқ маҳсулотлари, озиқ толаларига бой маҳсулотлар. Шуни алоҳида назарда тутмок керакки, инсон кексайган сари ичақдаги микрофлора заифлашади ва шу нохуш микрофлора ўзидан токсин ажратса бошлайди. Бу организм хужайра ва тўқималарини нобуд бўлишига олиб келади. Бунинг натижасида иммун тизими зифлашиб, витамин етишмовчилигига олиб келади.

Кекса ёшдаги инсонларда учрайдиган турли касалликларда касаликка хос диет дастурхони тавсия этилади. Масалан яра касаллигига № 1 диет дастурхони тавсия этилади. Унда ёғсиз сут маҳсулотлари, балиқ ва тухумнинг оқи ишлатилади. Тухум сариги эса 3-4 ҳафтагача берилмайди. Сариёғни чеклаш ҳисобига уни ўрнини тўлдириш учун рафинадланган ёғлардан фойдаланилади..

Кекса ёшдагиларда дорили терапия вақтида диет столига катта аҳамият бериш керак. Чунки буйраклар заифлашиб қолгани боис дори моддасини организмдан чиқиб кетиши секинлашади. Буйрак ва бошқа сурункали касалликларда суюқлик ва натрийни чеклаш буюрилади, лекин бу моддаларни умуман тақиқлаш мумкин эмас. Чунки кекса ёшдаги инсонларда туз ва сув баланси тез бузилади.

V БОБ. НОГИРОНЛИҚДА ҲАМШИРАЛИК ПАРВАРИШИ

5.1. Ногиронлик даражалари

5.2. Ногиронликда іоз бериши мүмкін бўлган асоратлар

5.3. Ногиронликда гигиена

Ногиронлик бу - (лотинча *invalidus*-нимжон, камқувват) доимий ёки узоқ муддатли, бутунлай ёки вактингчалик касаллик туфайли меҳнат лаёқатини йўқотишидир. Шунингдек ногиронлик нафақагача ёшда бўлган бутун аҳоли орасида кенг тарқалган. Узоқ муддатга касаллик, шикастланиш ривожланиш нуқсони туфайли меҳнат лаёқатини йўқотиш ҳамdir.

Ногиронлик даражалари

Ногиронлик 2 турга бўлинади: 1. Бирламчи (яъни аҳоли орасида ногиронлар сони, жорий йилда илк марта ногирон деб тан олинган бўлса). 2. Умумий (аҳоли орасидаги барча ногиронлар сони).

Бирламчи ногиронлик - ногиронликка чиқиш динамикаси ҳақида тасаввурга эга бўлади. Умумий ногиронликнинг кўпайиши ахолининг саломатлигидаги ногиронларнинг мувафақиятли даволанишига гувоҳ бўлиши мүмкін ҳамда уларнинг ҳаётини саклаш ва узайтиришидир.

Ногиронлик даражаси - бу аҳолининг саломатлик ҳолатини тиббий хизмат сифати, даволаш самараси, мамлакатнинг ижтимоий-гигиеник шароитини акс эттирувчи, соғлиқни саклаш ташкилоти сифати ва тиббиёт фанлари ривожланиш даражасини кўрсаткичларидан биридир. Ногиронлик даражаларига қараб аҳолига зарур бўлган турли хилдаги тиббий ёрдам, давлат ва ижтимоий ёрдам ҳажмини, меҳнатдаги имтиёзни, моддий таъминот каби аҳолига зарурый эҳтиёжлар белгилаб берилади. Ногиронлик сабабини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонди меҳнат лаёқатини йўқотган ногиронлик даражасига кўра З гурухга бўлинади:

1. Бу гурухга бутунлай, доимий ёки узоқ муддатли меҳнат қобилиятини йўқотганлар, доимий парваришга муҳтож бўлган инсонлар киради. Шу қаторда бу гурухга индивидуал шароитга алоҳида бир ташкилотда алоҳида бир ўзига хос меҳнат фаолиятини олиб борувчи инсонлар ҳам таалуқлидир (максус цехлар, уйдаги меҳнат).

2. Бу гурухга доимий ёки узоқ муддат меҳнат лаёқатини йўқотган доимий парваришга (бошқалар томонидан) муҳтож бўлмаган инсонлар киради. Шунингдек, бу гурухга мансуб кишиларга соғлиги ёмонлашиши эҳтимоли бўлганлиги сабабли узоқ муддатга барча хизмат турлари тақиқланади. Масалан; оғир сурункали қасалликларга чалингланлар, таянч-ҳаракатланиш тизимининг комбинирланган нуқсони бўлганлар, кўриш қобилиятини сезиларли даражада йўқотганлар каби шахслар, фақатгина улар учун максус шароит яратилиб берилган меҳнат фаолияти билангина шуғуллашилари мумкин.

3. Бу гурухга илгариги касби бўйича ишлаш имконияти бўлмаган, кам квалификацияланган ишга ўтказиш зарур бўладиган кишилар киради. Масалан, анатомик нуқсонлар ёки деформацияга олиб келган максус фаолиятни амалга оширадиган касблар яъни, шу касбни давом эттириш қийинчилик туғдирса (саломатлиги туфайли), ишлаб чиқариш фаолиятини ҳажмини қисқаришига олиб келувчи меҳнат турларида ишлаган шахслар киради.

Ўзбекистонда меҳнат қобилиятини йўқотиш даражалари маҳсус шифокорлар – меҳнат эксперклари комиссиялари томонидан тайинланади. Даволаниш жараённида ижтимоий омиллар (рационал меҳнат ва б.) натижасида меҳнат қобилиятини йўқотиш даражаси доимий равища ўзгариб туради. Ногиронлик гурухларининг ҳам маълум муддатга қараб белгиланиб тасдиқлаштирилади.

1-гуруҳ 2 йилда 1 марта

2 ва 3 гурухлар йилига 1 марта

Шартли анатомик нуқсони борлар ёки қайтмас (тузалмайдиган) сурункали қасалликка чалинглан турли ёшдаги инсонлар, шунингдек 60 ёшдан ошган эркаклар ва 55 ёшли аёлларга ногиронлик муддатсиз белгиланади. Тасдиқлатиши натижасида баъзи ногирон-

лар меҳнат фаолиятлариға қайтишлари ёки ногиронлик гурухлари ўзгариши ҳам мумкин. Қонун чиқарувчилар томонидан 10 та ногиронликни шаклини сабаблари кўриб чиқилган;

1. Умумий касалликлар
2. Профессионал (касб) касалликлари
3. Иш вақтида жароҳатланиш
4. Болалиқдан ногиронлик
5. Меҳнат фаолиятигача бўлган ногиронлик
6. Ўзбекистонни ҳимоя қилишда рўй берадиган жароҳатланишлар (контузия)
7. Ҳарбий хизматда бурчни адо этишда олинган шикастлар ва касалликлар
8. Фронтда олган жароҳатлар
9. Ҳарбий хизмат билан боғлиқ бўлмаган ҳолда олинган шикастлар, контузиялар, касалликлар.
10. Фронт билан боғлиқ бўлмаган ҳолдаги жароҳатлар, шикастлар, контузиялар.

Ногиронларнинг асосий ҳажмини умумий касалликлар билан касалланганлар ташкил этади. Ногиронларга бериладиган ёрдамнинг асосйиси уларни меҳнат қобилиятини тиклаш ва профессионал (маҳсус) ўқитиш, ўргатиш ҳисобланади. 50% ногиронларнинг барчаси ишлайди. 3 – гуруҳ ногиронларнинг эса 70-80 % меҳнат қиласиди.

Ногиронлиқда юз бериши мумкин бўлган асоратлар

ГИПОДИНАМИЯ - (фаолликни камайиши, кам ҳаракатлилик) бутун организм ишига салбий таъсир кўрсатади. Камҳаракатлиликни негатив асоратларини беморни парваришаётган шахс беморни огоҳлантириши ва ўзи ҳам камҳаракатлилик асорати ва гиподинамия ҳакида аник тасаввурга эга бўлишлари керак.

Бўғим ва мушаклар.

Ҳаракатсизлик ҳолатларида бўғимларни сиқилиб, таранг ишланишдан эҳтиёт бўлиш керак. Бунда енгил уқалаш ёрдам беради. бундай ҳолларда эспандером ёки оддий тўп билан машқлар бажариш ҳам яхшидир. Ётоқ режимидаги бемор учун энг яхиси ўз-ўзига хизмат қилишдир (тишларни тозалаш, соч тарааш ва ҳ.к.).

Ошқозон – ичак тракти.

Ётөк режимидағи беморларни аник бир вактда, аник жадвал асосида овқатлантириш максадға мұвоғиқдір. Таомлар илиқ ва иштаха очадиган күринишда бўлиши керак. Қатъий ётөк режими-даги (тўшакка михланган) беморларда маълумки ўз-ўзидан иштаха йўқолади ва бундай беморлар кам суюқлик ичадилар. Беморлар-даги бундай ҳолатлар касаллик туфайли ёки атрофдаги одамлар парваришига ортиқча эҳтиёж сезишни хохламаганларидан эмас, балки интим мұолажадан хижолат тортгандаридан ўзларини шундай тутадилар (кам ейдилар, кам ичадилар). Аниқроқ айтадиган бўлсак пешоб, ахлат ажратганда атрофдагиларга нокулай вазият яратишлиридан ийманадилар. Парваришловчилар шу ҳақида ҳам ўйлашлари керак.

Ётөк режими ҳар доим уйқусизлик билан кечади. Уйқу юзаки бўлиб қолади ва кундузги уйқуга ўтиб кетади (кун билан тун алмашиниб қолади). Бундай ҳолатлар беморни гангитиб қўяди ва ўзларини йўқотиб қўйиш ҳолатлари кучаяди, мувозанат бузилади. Беморларга кундузи куни ухлашларига йўл қўйманг. Унга мос келувчи машғулотлар ўйлаб топинг (масалан, беморга томоша қилиши учун оилавий альбом суратларини беринг). Кундузги уйкудан ҳалос қилиш чораларидан яна бири бу беморга баланд овозда китоб ўқиб беришдир. Бемор ўзи қизиққан китоб ёки журналдаги воқеаларни эшитганда албатта уйқуси қочади.

Шахсий гигиена.

Беморга ҳар томонлама максимал равища тинч ва қулай бўлиши ҳақида қайғуриш керак. Ўзини ҳам қўлидан келадиган оддий, элементар ишларни ўзи бажара олмаётгандигидан бемор хижолат бўлмаслиги, шуни ҳам ўйлаб азобланмаслиги керак. Баъзи беморлар ҳаракатлари чекланганилиги ҳисобига ҳам ўз эҳтиёжларини (пешоб, ахлат ажратиш каби) парваришловчига айтишга ҳам ултурмай қоладилар. Бундай ҳолларда катталар учун маҳсус тагликлардан фойдаланиш яхшироқдир. Бироқ бундай гигиеник восита-ларни узоқ вақт алмаштирумай қўйиш мүмкін эмас. Тагликларни янгилаётган вақтда жинсий аъзоларни (ифлос бўлса) чайиб қўйиш муҳим аҳамиятга эга, айниқса тез-тез чов бурмаларини тозалаб туриш керак.

Ётоқ яралар.

Илгари ётоқ яралар – истаймизми йўқми у билан учрашишга тўғри келадиган, кутулиб бўлмайдиган ёмон иллат деб ҳисобланар эди. Ҳозирда эса тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки беморлар ногиронлар аравачасига ёки тўшакка михланиб қолган бўлсалар ҳам, ётоқ яраларини бартараф қилиш, ҳатто уларни олдини олиш ҳам мумкин. Ётоқ яраси - бу худди терини ёғ қавати билан бошқа юмшоқ тўқималарни ишемик некроз каби зарарланишидир. Шунинг учун ҳам ётоқ яралар узоқ вақт давомида босилиб қолган соҳаларда шаклланади. Бемор чалқанча ётганда курак, тирсак, думгаза соҳалари; ёнбошлаб ётганда чаноқ-сон бўғимлари соҳаси зарарланади.

Ётоқ яралар фақаттинга тўшакка михланган bemорлардагина кузатилмайди. Узоқ вақт аравачада ўтирган bemорлар, баъзи бир узоқ вақт ётоқ режимини талаб қиладиган касаллик билан оғриган bemорларда ҳам ётоқ яралари кузатилиши мумкин. Сабаби bemорлар узоқ вақт ётганларида маълум бир соҳаларга босим кўпроқ тушади. Агар уларни даволамай бефарқ бўлсак, ётоқ яралар катталашиб кетади. Одатда тери ёрила бошлайди ва натижада очик жароҳатлар шаклланади, ҳамда унга инфекция тушади. Бир неча ҳафталааб bemорларнинг ҳолати қўйидаги сабабларга кўра оғирлашиб қолиши мумкин: гигиенага риоя қилмаслик, пешоб ва ахлат тута олмаслик, қон айланишининг бузилиши. Ётоқ яралар одатда юпқа бўлган суякли соҳаларда пайдо бўлади. Кўпроқ – энсада, қулоқлар ортида, тирсак ва куракларда, думгаза соҳасида, думба суякларида, тизза ва товон, болдир соҳаларида кузатилиши мумкин.

Ётоқ яраси пайдо бўлишига хавф тугдирувчи омиллар:

1. Организмни оғир касалликларга бўлган сезирликни камайиши. Айталик огоҳликни йўқотади ва зўриқиши ҳақидаги сигнални беради.
2. Суяк билан тери орасида етарли бўлмаган қалинликдаги ёғ ва мушак қавати.
3. Атеросклеротик пилакчалар билан торайған томирлар тўқимани тўлиқ равишда озиқлантира олмаслиги.
4. Нам тери – унда ётоқ яра, анемия, етарли бўлмаган, овқатланиш ва инфекция вужудга келади.

Ётөк яралар профилактикаси.

Бемор ўрнида узоқ мұддат бир хил ҳолатда ётмаслиги керак. Агар bemor ётган жойида ўзи қимирлай олса у ҳолда хар 15 дақықада қимирлаб, ўз ҳолатини ўзгартириб туриши керак. Агар ўзи қимирлай олмаса парваришловчи bemorни ҳар соатда ёки ҳар 2 соатда (агар курсида бўлса) bemor ҳолатини алмаштириб туриш керак. Бошни ҳаддан ташқари баланд кўтариш мумкин эмас. Чунки, бу “сирпаниш” натижасида терига зарар етишига олиб келиши мумкин. Ётган bemorни бошини юқори томонига маҳсус мослама ўрнатилган бўлса, bemor ўз ҳолатини алмаштириб туриши (шу мосламага таянган ҳолда) енгилроқ кечади. Парваришга муҳтоҷ bemorга тирсак ва товон соҳаларига маҳсус ёстиқчалар кўйиш керак. Улар босимни камайтиришга ёрдам беради ва терини кислород билан тўйинишини таъминлайди.

Ётөк яралар давоси.

Ётөк яраларни даволашни энг яхши вақти бу пуфаклар шаклланишини бошланиш даври. Уларни пайдо бўлишида зудлик билан шифокор чақириш ва давосининг чўзилишига тайёргарлик кўриш керак. Яра чуқурлигига қараб юзини ва чуқур ётөк яралари фарқланади. Юзаки яралар – бунда терининг устки қавати заарланади ва бунинг натижасида тери қизариб шишиди. Тери қизарганди - босим остидаги соҳани то қизариш кетгунча босимдан ҳоли қолиш керак” ҳаво ваннаси” қабул қилиш керак.

Терига эҳтиёткорлик билан юмшатувчи малҳам суртиб малҳам сўрилиб кетгунча кутиш керак. Заарланган терини ҳимоя мақсадида гидроколлоидли боғлам масалан Грануфлекс боғламлари билан боғлаб қўйиш керак. Улар ярани чуқурлашиб кетишидан асрайди. Терини артиш мумкин эмас. Ортиқча намлиқдан эҳтиёт бўлиш керак. Кичик пуфакчаларни беркитиб қўймаслик керак. Грануфлекс каби гидроколлоидли боғламлар билан пуфакларни боғлаб қўйиш керак. Оғриксиз ва қуруқ “струпом” билан тана соҳаси қопланган бўлса ва атрофида қизариш кўринмаса шу атрофига гидроколлоидли гель (Гранд гель) суртиб, устига эса гидроколлоидли боғлам қўйиш керак. Ступор эритмасидан сўнг 1-2 суткага 1 ёки 2 марта гидроколлоидли гельни қўллаш мумкин. Гидроколлоидли боғлам 7 кунгача туриши мумкин. Гидроколлоидли боғлам нам муҳит яратиб ярани битиб кетишини тезлаштиради. Инфекция

тушмаган ётоқ яраларини 1 мартадан кўп бўлмаган ҳолда 3-4 кунга қўйиш тавсия этилади.

Чуқур яралар давоси.

Чуқур яраларга фақатгина терини шикастланиши эмас балки, мушак ва суяқ тузилмаларининг янада чуқурроқ заарланиши хосдир. Баъзи ҳолларда юзаки теридан ҳам илгарироқ чуқур жойлашган тўқималар ҳам шикастланиши мумкин. Бунга эса босимни танага нисбатан нотўғри тақсимланиши сабаб бўлади. Инфицирланган чуқур ётоқ яраларда организмдан кўп миқдорда оқсил ва суюқлик йўқотилиши ҳисобига “йиринглаш” юз беради.

Чекланган жисмоний ҳаракат ва паралич.

Паралич - бу касаллик ҳисобига бемор қимирилай олмайди ва ўзига мустақил равишда хизмат қила олмаслигидир. Бу эса беморнинг ўрнига михланганини англатади.

Нима учун узоқ муддатли ётоқ режимидан асраниши керак?

Паралич ҳисобига инсонни қисқа вақт давомида ўринда ётиши (3-4 кун) натижасида беморнинг мушак кучи камаяди, бўғимларнинг ҳаракатчанлиги сусаяди, мутаносиблик ёмонлашади, бемор ўз ҳолатини ўзгартирганда (ётган ҳолатдан турган ҳолатга ўтиш жараёнида) А/Б тушиши кузатилади, қабзият ривожланади. Ётган одамни парвариш қилмаслик ётоқ яраларини пайдо қиласи. Тезда моддалар алмашинувида ўзгариш юз бериб организмга заарли таъсир кўрсатади. Қондаги қанд миқдори ошиб кетади, азот ва кальций баланси бузилади ва организм дорининг ножӯя таъсирларига ўта сезувчан бўлиб қолади. Суяқ тўқимасининг ялиғланиши 3 карра тезлашади. Параличи бор беморларнинг ўпкасини ҳамма қисми нафас олиш вақтида бир хил иштирок этмайди. Шунинг учун ўпкани ялиғланиш хавфи ортади. Беморлар ётган ҳолларида сийдик қопини бўшаши қийин бўлади ва бу сийдик йўлларига инфекцияни осон ўтишига сабаб бўлади. Сийдикни тутиб тура олмаслик ривожланади. Сийдикни тута олмаслик кўпгина ёши ўтиб қолган кексаларни “Кариялар уйи”га келишига сабаб бўлувчи ҳолатлардан биридир.

Параличда катта хавф түғдирувчи ҳолатлар бу қоннинг қуюқлашиши ёки тромблар пайдо бўлишидир (тананинг пастки қисмидаги веналарда кўпроқ кузатилади). Тромбни бир қисмини қон оқимидан оқиб ўпка артерияларига тикилиши беморни оғир ҳолатларга ёки ўлимiga олиб келиши мумкин. Паралич инсон руҳиятига оғир

зарба бўлиб ҳисобланади. Ётган бемор ўз мустақиллигини, эркини йўқотади. Бошқаларнинг ғамхўрлиги беморда депрессия пайдо бўлишига олиб келади ва бемор атрофдагиларга даҳмаза (қарам) бўлганидан фақат ўзларини айблайдилар. Депрессия синдроми бор беморларнинг аҳволи бирдан ёмонлашади. Алоҳидаланиш, ёлғизлик (зерикиш), жисмоний фаолликнинг чегаралангандиги, хотиранинг бузилишига ва қарор қабул қилиш қобилиятининг сусузишига олиб келади. Параличда меъёрий суткалик ритм кундуз куни бузилиши мумкин, чунки уйда ҳеч ким бўлмаганда бемор фақат ухлайди, шу туфайли тунда уйқусизликдан азият чекади.

Параличда қон айланиши.

Инсон танаси вертикал ҳолатга қўниккани каби горизонтал ҳолатга ҳам мослашиб кетади. Паралич билан оғриган беморлар ётоқ режимида узоқ вақт ётганлари сабабли қон айланиши бу ҳолатга тезда мослашиш қобилиятини йўқотиб қўяди. Турган ёки ўтирган ҳолатга ўтиши (бирдан) исталган инсонни қисқа вақтга эс-хушини йўқотиши мумкин. Бемор ётган ўриндиқнинг бош томони етарли дараражада баланд кўтарилган бўлиши керак. Шундагина бемор танасидаги қон айланиши ўзгартирилган ҳолатга яхши мослашади. Камдан-кам ҳолларда параличи бор беморларни кунда бир неча марта ўтирган ҳолатга ўтказиш керак. Агарда бемор ўрнидан турганда бош айланишига шикоят қилса, унда 3 хил ҳолатда (турган, ўтирган, ётган) беморнинг артериал босимини ўлчаш керак. Агарда турган ҳолатда систолик босим 20 мм/сим.уст.га пасайса, демак, бош айланишининг белгиси А/Б нинг ҳаддан ташқари тушиб кетиши деб ҳисобланади. Бу ҳолат кўпинча эрталаб, овқатдан кейин ёки нитроглицерин ичгандан кейин кузатилади. Бу ҳолатда шифокор билан маслаҳатлашиш, ичаётган дорини кўздан кечириш муҳимдир (ичилаётган дори ҳам А/Б ни тушириб юборган бўлиши ҳам мумкин. Масалан: гипотензив препаратлар- транквилизаторлар, антидепрессантлар). А/Б нинг тушиши бошнинг ҳолатини ўзгартирилиши билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Беморни парваришлаётган инсон бу хавф-хатар ҳақида билиши ва bemорни ножўя хатти – ҳаракатлардан асрashi керак. Параличи бор bemор узоқ вақт тўшакка михланган бўлса, унга оёқларида тромб бўлишини олдини олиш учун маҳсус компрессланган чулки ёки гольфи кийдириш керак.

Параличда бўғимларни заарланиши.

Ётөқ режими деганда параличи бор бемор мутлақо ҳаракат килмаслиги керак дегани эмас. Қайтага дастлабки кунларданоқ агарда беморни ҳаракат қилишга қобилияти бўлса гимнастика билан шуғулланишини бошлиш керак.

Гимнастика мақсади бўлиб параличда бўғимлардаги ҳаракатни ва бўғимлар кучини сақлаш ҳисобланади. Барча бўғимларни ҳаракатга келтириш мақсадга мувофиқдир. Агарда беморлар бу ҳаракатларни мустақил бажара олмаса, унга парваришиловчи одам ёрдам бериши керак. Агар паралич оёқ парези билан кечса, у ҳолда қўлларнинг мушакларини машқ қилдириш керак. Гимнастика ўз ичига нафас машқларини – чуқур нафас олиш ва нафас чиқариш каби машқларни олиши зарур. Бунда нафас актида иштирок эта олмаётган ўпка бўлаклари ҳам ҳаракатга келади.

Ногиронлиқда гигиена.

Тери моддалар алмашинуви жараённида муҳим ўрин эгаллайди. Терморегуляция касаллик келтирувчи микроорганизмлардан ҳимоя қиласи. Бу жараёнлар фақатгина тери тоза бўлганда амалга ошади. Терининг устки қаватида тер ажралиши натижасида ўлик ҳужайралар йигилиб боради. Тери бутунлиги бузилса бу микробли ҳужайралар тери ичига кириб организмда яллиғланишини келтириб чиқаради. Ювениш натижасида юзаки қон айланишлар стимулланади. Беморни умумий ювинтиришни бошқа ёрдамчилар ҳам бўладиган вақтга қараб режалаштириш керак. Пешоб ва ахлат терини таъсирлантиради ҳамда инфицирланган ётөқ яраларни келтириб чиқишига мойиллик уйғотади. Совун ва мочалка ёрдамида кўп ишқалаб чўмилиш ҳам терининг сув-ёғли ҳимоя қаватига зарар етказиши ва терини қуриб ёрилиши (тери кўчиши), инфекция тушишига олиб келиши мумкин. Кексаларнинг териси нисбатан қуруқ ва юпқа бўлиб қолади. Шунинг учун уларни терисини шикастланиши осон рўй беради. Бироқ битиши нисбатан кеч бўлади. Агар бемор чўмилётган вақтда ўзини ёмон ҳис қилса муолажани тўхтатиш керак. Беморларни иссик душда ювинтириш нисбатан гигиеник ҳисобланади ва беморга енгиллик беради.

Оёқларни парваришилаш.

20-30 дақиқа давомида 37°C ҳароратда оёқларни буғлаш мумкин. Сувга денгиз тузидан қўшиш мумкин. Дағаллашиб кўчган

терини пемза ёки маҳсус тери учун “пилка” ёрдамида күчириш мумкин (факат ўта эҳтиёткорлик билан). Ваннадан сўнг оёқларни чайиб, юмшок сочиқ билан артиш керак. Оёқ бармоқларини яхшилаб қуритиб артиш лозим. Тирноқларни терига зарап етказмай олиш лозим. Тирноқларни терига тақаб олиш ҳам ярамайди, бунда бармоқ териси оғриши мумкин. Зааралнган жойга эса инфекция тушиш хавфи бор.

Оғиз бўшлиғи ва тишларни парваришилаш.

Оғиз бўшлиғи ва тишларни ҳар куни 2 маҳал тозалаш керак. Бош томонни бир оз кўтариб, беморга ярим ўтирган ҳолат яратилиди. Беморнинг энгаги тагига тоза сочиқ тутилади ва юмшоқ тиш чёткаси берилади. Протез тишлар бўлса улар оғиздан олиниб тозаланилади. Протез тишлар ёпиқ, сувли идишда сақланади.

Бошини ювиш.

Беморлар ўтирган ёки ярим ўтирган ҳолда бўлса уларни бошини ювиш кулайроқ ҳисобланади. Бунинг учун 2 та ёрдамчи керак бўлади. Ўриндиқнинг бош томонига хўл бўлмаслик учун клеёнка ёзиш керак. Беморнинг бўйнига сочиқ ташланади. Беморнинг орқасига тогора қўйиш керак. Бемордан бошини бир оз орқага ташлашни сўраш керак. Аввал соchlарни ҳўллаб, енгил уқалаб бошни шампунь билан кўпиртириб, кейин тозалаб чайилади. Сочни мулојимлаштириш учун юмшатувчи бальзамдан ҳам фойдаланиш мумкин. Сўнг соchlарни сочиқ билан яхшилаб қуритамиз ёки фендан фойдаланса ҳам бўлади.

Интим гигиена.

Интим гигиена ўтказиш жараёнида bemорни уялишини, ўзини нокулай сезишини ҳисобга олиш керак. Тананинг пастки қисмларини тозалашда, тагликларни алмаштиргандан кейин юувучи крем ва нам салфеткалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу воситалар танани юмшоқроқ тозалабгина қолмай, балки парвариш вакти ва кучини тежайди.

Аёллар интим гигиенаси.

Агарда аёл bemор ётган хонада бошқа bemорлар ҳам бўлса, у ҳолда bemор ўринидиги ширма билан тўсилади. Ўриндиқ тагига клеёнка тўшалади. Bемор тагига суднани қўйишдан аввал уни илиқ сув билан чайиб ташлаймиз. Муолажани бажаришдан аввал парваришиловчи шахс қўлқоп кийиб олиши шарт. Орқа чиқариш тешиги соҳасини

охирида чайиш керак ва доимий равища бу соҳани артиб туриш ва химояловчи крем билан суртиб туриш керак. Ювиш жараёнида тери ва шиллиқ қаватларни текшириб туриш лозим.

Эркаклар интим гигиенаси.

Эркакларни жинсий аъзолари ювилаётганда беморларда (айниқса ёшларда) эрекция бўлиши мумкинлигини инобатга олиш керак. Бу ҳолда ювишни тўхтатиш керак. Совуқроқ сувга ҳўлланган салфеткани беморнинг жинсий соҳасига ёпиб кўйилади ҳамда беморни тинчлантиришга шароит яратиб берилади.

Ювиш учун юмшоқ пахтали тампон талаб этилади. Ювиш жаёни олдиндан, яъни сийдик чиқарув тешиқдан орқага қараб ювилади. Жинсий олат бошчасини айланма ҳаракатлар билан тампон ёрдамида ювилади. Соҳани ювиб бўлгач, яхши шимувчи сочиқ билан енгил ҳаракат ила яхшилаб, қуритиб артиш керак.

Мулоқот.

Беморни ҳаётга бўлган қизиқиши сўнган ва пассив бўлиб қолган. Уни ҳеч нима ҳурсанд қила олмайди, умиди сўнган, bemor ҳаттоки ўз жонига қасд қилишини ўйлади. Атрофни қора рангда кўради, bemorни муаммолардан холи этиш қийин бўлади. Унга ҳаммаси у ўйлагандек ёмон эмаслиги, ҳаммаси яхши бўлади деб гапирманг. Аксинча bemorга ўзи гапиришига имкон яратиб беринг. Унга жуда қийин ва оғирлигини ҳис қилаётганингизни, уни тушунаётганингизни bemorга айтинг. Bemornинг инжиқлиги, жиззакилиги bemornинг ўзидан қониқмаётганингиздан, ўз ҳолатидан кўнгли тўлмаётганингиздан келиб чиқишини ва бу инжиқлар сизнинг ҳатти-ҳаракатларингиз билан боғлиқ эмаслигини инобатга олинг. Нафратни юзага чиқиши бу стрессга нисбатан меъёрдаги ҳолат ҳисобланади, бироқ улар мулоқотни қийинлаштиради. Агарда bemorга бирор нима ёқмаса, у ҳеч нимани тўғридан-тўғри айтмаслиги мумкин, лекин у тўнини тескари кийиб олиши ва сизни айблаши ҳамда сизнинг парваришингиздан, ёрдамингиздан бош тортиши мумкин. Бажариши керак бўлган ишларни қасдма-қасдига жаҳл билан бутунлай тескарисини бажаради.

Эътибор беринг! Парваришланувчи уни тинглашларига, ғазабидан чиқишига йўл кўрсатишларига муҳтоҷ бўлади. Сиз унга маънавий босим ўтказмаслигингиз керак, лекин ҳамма айтганларига розилик беришингиз ҳам керак эмас. Хотиржамликни сақланг,

аниқ топшириклар беринг. У тинчлангунига қадар ўз ишингизда давом этинг. Қаршилик күрсатмасликка иложи борича ҳаракат қилинг. Унинг жисмоний ва ҳиссий эхтиёжларини қондирилишида унга ғамхўрлик қилинг. Газабнинг сабаби эхтиёжларнинг тўлиқ қондирилмагани ҳам бўлиши мумкин. Ваҳоланки парваришланувчининг ўзи ҳам буни англаб ета олмайди. Шуни унутмангки руҳий зўриқиши ҳолатдаги одам ҳар доим ҳам гапирилаётган жараёндаги деталларни тўлиқ эшитмайди, гапларни мақсад муддаосини доим ҳам тушунавермайди.

Вазиятни назоратда ушлаш учун:

Беморни тинглашга ҳаракат қилинг. Дарҳол ўзингизни ҳимоя килиб, уни вижданини уйготишга ҳаракат қилинг. Ундан нима ишни нотўғри қилаётганингизни ва нима учун сизни айблаётганини сабабини сўранг. Муаммо нимада эканлигини аниқланг.

У гапираётган ҳар бир нарсани таҳлил қилинг, яъники у шунчаки сизни айбламасин. Даиллар келтириб, ўз эхтиёжларини айтсин. Агарда парваришланувчи у ҳақида ҳеч ким қайғурмаётганини айтса ундан нима истаётганини сўранг. Атрофдагилар парвариши унингча қандай бўлиши кераклигини айтсин. Агар сиз ўз ишингизни амалга ошира олсангиз, bemor билан контакт ўрната оласиз ва у тинчланади.

Ўзингизни қўлга олишингиз учун: ўзингизни ва ўз фикрларини назорат қилинг. Хатти–ҳаракатингизни назорат қилинг, шошилманг ва мулойим ҳаракат қилинг. Ёқимли ва ишончли оҳангда гапиринг.

VI БӨБ. СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ АСОСИЙ ЙҮНАЛИШЛАРИ, ХАВФ ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ

- 6.1. Гиёхвандлик**
- 6.2. Токсикомания**
- 6.3. Носнинг заарарли таъсирлари**
- 6.4. Тамаки чекиши**
- 6.5. Алкоголизм**

Инсон организми доимо озиқ-овқат маҳсулотларини талаб қиласи ва ушбу маҳсулотлар ҳисобидан ўзига қувват жамлайди. Лекин турмушда шундай вақтлар бўладики, инсон маълум бир ёш даврида қизиқувчанлиги боис ёки маълум бир стресс ҳолатларида ўзини-ўзи бошқара олмай қолади. Шундай шароитларда инсон организми талаб қилмаса ҳам заарарли маҳсулотларни қабул қилиш эҳтиёжи туғилади. Бу заарарли одатларни инсон ўз хоҳиши билан ўзлаштирса, кейинчалик эса бу одатлар уни бошқара бошлайди. Яъни инсон ўзини-ўзи бошқариш қобилиятидан маҳрум бўлади.

Заарарли одат турларига тамаки, нос чекиши, гиёхвандлик, алкогольизм, токсикомания ва бошқа одатлар киради.

Тамаки ёки нос чекиши эркаклар орасида кенг тарқалган. Бу одат асосан ўсмиirlак давридан бошланади ва бутун умрга шу инсоннинг ажралмас дўстига айланиб қолади. Шуни айтиш жоизки, ҳозирги кунда аёллар ўртасида ҳам бу одат оммалашиб, ҳаттоқи ўсмиirl қизлар ҳам шу иллатнинг қулига айланиб қолишмоқда. Аёл кишини заарарли одатларга ружу қўйиши нафақат уни организмига салбий таъсир кўрсатади, балки келажак авлодни ногирон бўлиб дунёга келишига олиб келади. Тамаки таркибида никотин моддаси бўлиб, у томирларга салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари тамаки тутунида оз миқдорда бўлса ҳам, синил кислотаси, углерод гази, углекислота ҳамда олтингугурт гази, аммиак, азот, эфир мой-

лари бўлади. Бу моддалар ўпка фаолиятини кескин издан чиқарди. Статистик маълумотларга қараганда ўпка саратони билан оғриган bemорларни 99 % ни чекувчилар ташкил этади. Чекувчилар доимий равишда ўпканинг сурункали касалликларидан шикоят қилишади.

Тамаки чекиши - ички аъзолар фаолиятига салбий таъсир кўрсатади, меҳнат қобилиягини пасайтиради, ақлий фаолиятни сусайтириб, эслаш ва идрок килишни издан чиқарди. Никотин моддасига, айниқса, марказий асаб тизими жуда сезувчан бўлади, шу боис чекувчиларнинг тез-тез боши айланиб, оғриб туради.

Ю.А.Афанасьев ва Ю.А.Куликовлар томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра ҳар куни чекилган сигаретанинг сонига қараб, турли ёшдаги кашандалар ҳаётининг қисқариш муддатла-ри кўрсатилади. Масалан; 25 ёшдаги киши кунига 1-9 та сигарета чекса-4,6, 10-19 та чекса 5,5, 20-39 та чекса 6,2, 40 тадан ортиқ чекса 8,3 йилга умри қисқарап экан. АҚШ тиббиётчилар комисси-яси бу масалани ҳар томонлама ўрганиб чиқиб шундай хуносага келишган. Кунига 1 кутидан (20 та) чекадиганларнинг умрлари 8 йил, 2 кутидан чекадиганларнинг умри эса 15 йилга қисқарап экан. Тамаки чекишдан ташқари гиёхванд моддаларни чекиши, кимёвий моддаларни ҳидлаб кайф қилиш каби одатлар ҳам кенг тарқалган.

Гиёхвандлик ва оила

Наркомания (гиёхвандлик) - қадимдан маълум бўлиб, шу вақтгача инсонлар ҳаётини заҳарлаб, ҳаётдан бевақт кўз юмишларига сабаб бўлиб келмоқда. Бу иллат барча қитъя ва мамлакатларда жуда кенг тарқалган. Наркоманиянинг тарқалиш сабаблари турлича. Ёшларнинг муайян бир қисмида учрайдиган интизомнинг етарли эмаслиги, характеристикинг етукмаслиги, ўзини-ўзи назорат кила олмаслиги, нотаниш сезгиларга ортиқча даражада берилиб кетишга мойиллиги ушбу иллатнинг тарқалишига кенг имконият яратади.

Дастлаб олий асаб фаолиятининг типига, наркотик моддага, до-засига, уни организмга юбориш усулига, субъектнинг (шахснинг) руҳий ҳолатига қараб эйфория (хушнудлик) ҳолати келиб чиқади. Наркотик моддани ҳамма нарсадан устун қўйиш шаклланади ва доимий равишда қабул қилиш эҳтиёжи кучайиб боради. Кейинчалик

организм реактивлиги ўзгаради – ҳимоя реакциялари йўқолади. Гиёхванд моддани қабул қилиш мунтазам бекарорликни касб этиди ва толерантлик ўзгаради. Гиёхвандлар бу моддаларни белгиланган дозадан кўра кўпроқ миқдорда қабул қила бошлаб, кейинчалик дозани кўпайтириб борадилар. Аста-секин гиёхванд моддаларга руҳан ва жисмонан боғланиб қолиш ривожланади. Масалан тамаки маҳсулотларига инсон руҳан ўрганиб қолади, гиёхванд моддаларга эса руҳан ва жисмонан боғланиш вужудга келади. Айнан шунинг учун гиёхвандлик инсонни инқизозга олиб келади. Гиёхванд моддага жисмоний боғланиш абстиненция ҳолатини келтириб чиқаради, бунда жizzакилик, депрессия, гипоманиакал каби элементлар кузатилади.

Наркотизмнинг ривожланиш жараёни ниҳоят мураккаб бўлиб, бу ҳақида ҳозиргача муайян аниқ бир фикрга келинмаган. Гиёхвандлик инсон ва жамият учун нақадар мудхиш ва оғир бўлган дард. Минг афсус бугунги кунда гиёхвандлик дардига чалинаётгандар сони тобора ошиб бормоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош котиби Кофи Ананд 1998 йилнинг 8-11 июнь кунлари Нью-Йоркда бўлиб ўтган бутун жаҳон давлатларинг ушбу муаммога бағишланган йиғилишида гиёхванд моддаларни ноқонуний етиштириш ва сотиш ишлари ҳанузгача давом этиб, авж олаётганигини эътиборга олиб мажлис иштирокчиларига қараб шундай деган эди; «Гиёхванд моддалар бизнинг жамиятимизни парчалаб ташламоқда. У бизнинг келажагимиз бўлган ёшлирамизни нобуд килмоқда». Шундан бошлаб 26 июнь кунини «Гиёхвандликка қарши кураш ва уни йўқ қилиш куни» деб эълон қилинди.

Россияда 4 млн га якин киши гиёхванд моддаларни қабул қиласди. Улардан 350-400 минг киши гиёхванд моддаларни қон орқали юбориш йўли билан қабул қиласди. Россиянинг Твер вилоятида гиёхванд моддаларни қабул қилиш 40 маротабага ошиб кетган. Мактаб болаларининг тўртгасида ўтказилган синовлар шуни кўрсатадики, уларнинг учдан бири бу моддани татиб кўрган. Охирга йилларда бу ерда 700 киши ОИТС касаллигининг қўзгатувчисини юқтириб олган, қамоқхоналарда эса бу касаллик билан 170 киши жазо муддатини ўтамоқдалар. Бизнинг мамлакатимизда ҳам бутун жаҳон оғир дарди ҳисобланган гиёхвандликка қарши олиб бориляётган ишлар тўғрисида давлат миқёсида мутассадди раҳбарлар

ва нодавлат ташкилотларнинг вакиллари узлуксиз радио, телевидение, оммавий ахбоорот воситалари орқали чиқишлиар килдилар ва бутун халққа мурожаат қилиб, қўлни қўлга бериб курашишга чорладилар.

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам гиёҳвандлик бўйича аҳвол жиддийлашиб бормоқда, айниқса, гиёҳвандлик ёшлар ўртасида кўпайиши ва бу оғир дардга айrim ўсмириларни, мактаб ўкувчиларининг қўшилиб қолишлари нафақат уларнинг ота-оналарини, яқинларини, қавм-қариндошларини, шу билан бир каторда жамиятимизни, давлат раҳбарларини ташвишга солмоқда. Айниқса, бу борада орамизда яшаётган гиёҳвандлар жамият учун, катта ижтимоий хавф туғдиришлари сир эмас. Масалан, гиёҳвандлар турли заарали кучга эга гиёҳванд моддаларни қабул қилишлари натижасида «кайфиятни ўзгариши» вужудга келади. Шунинг натижасида турли жиноий ишларни содир этадилар, давлатта иқтисодий ва маънавий зарар келтирадилар. Шу билан бир каторда гиёҳвандлар ўз организмларини доимий заарлашлари туфайли, айrim ҳолларда эса меъёридан кўп гиёҳванд моддаларни организмга юбориб кўйишлари сабабли ўлим ҳолатлари кўплаб қайд этилади. Булардан ташқари, гиёҳвандлар ностерил ҳолда тайёрланган наркотик моддаларни стерилланмаган шприц, игналардан гурух-гуруҳ бўлиб фойдаланишлари туфайли уларда ОИТС, гепатит В, С кузгатувчиларини бир-бирига юқтириб олиш ҳолатлари кўплаб содир бўлмоқда. Ҳозирги кунда бундай жиддий вазият жуда кўп давлатларда қайд қилинмоқда. ЖССТ нинг расмий маълумотларига қараганда 1997 йилда дунё мамлакатларининг 121 тасида аҳоли ўртасида гиёҳвандлик қайд қилинган, 81 та мамлакатда эса гиёҳвандлик ОИТС касаллиги билан чамбарчас боғланиб келган. Адабиёт манбаларига қараганда охирги 2-3 йилларда айrim давлатларда ОИТС билан оғригандарнинг ичидан қон-томир орқали қабул қиласидиган гиёҳвандлар саломоги 80 % дан зиёдни ташкил этмоқда.

Шундай экан, бу оғир дардларга ёшларимизнинг чалинмасликлари учун қандай ишларни қилмоғимиз лозим. Авваламбор, оиласаримиз бошликлари бўлган ота-оналар вояга етиб келаётган фарзандларининг юриш-туришлари ва хулқ-атворидан доимо ҳабардор бўлишлари керак. Ёшларнинг ўқиш ёки иш билан бандлигини назорат қилиш, уларни атрофидаги дўст ва дугоналарини

кимлигини билиш мұхым саналади. Оила аъзоларидан ташқари бу масалаларга құни-қүшни, маҳалла фаоллари ҳам четда қараб тур- масликлари керак. Чунки огоҳлик – давр талаби.

ГИЁХВАНДЛИК ТУРЛАРИ, КЛИНИК СИПТОМЛАРИ ВА АСОРАТЛАРИ

Бу гурухға нашанинг турли навларидан олинган наркотиклар- марихуана, гапшип, банг, киф, хусус, план, харас, дагта киради. йұсимликнинг ватаны Осиё, Африка, Жанубий Америка мамлакатлары.

Наша таркибидаги ароматик альдегид-коннабинол кучли таъсир күрсатади. У мастилик ҳолатини юзага келтиради. Нашаны турлича қабул қилиш мүмкін – чайнащ, чекиш, ичимлик тайёрлаш. Наша таъсири 15-30 дақиқадан сүнг бошланади. Биринчи марта чекилгандан күнгил айниш, сұлак ажралиши, енгил бош айланиши ҳолларини келтириб чиқаради. Үнга қарамасдан чекувчилар чекишини давом эттөррөверадилар ва бундай ёқимсизликлар ўтиб кетади. Одатда, наша таъсири баъзи бир жисмоний сезгиштар, масалан, ташна бўлиш, очлик, шиллиқ пардаларнинг бироз қуриши билан бошланади. Сүнг баданга иссиқ югуради ва бутун танага ёйилади. Енгил тортиш, вазнсизлик ривожланади. Иргишлиш, рақсга тушиши хоҳиши пайдо бўлади. Бунда одам кўп кулади, сал ҳаракатланиш, гавда ҳолатини сал ўзгартириш бетўхтов қулги хуружига сабаб бўлади.

Фикрлашлар сурати тезлашади, фикрлар куйилиб келади, бир-бирининг ўрнини босиб кетади. Сўзлари кўп, гаплари тартибсиз, аниқ фикрни ифодаламайди. Нашаванд атрофдагилар билан бўлган мулоқотини йўқотади, атрофдагилар у билан бирга ҳурсандчилик қилмаётганидан ажабланади, жаҳли чиқади, қаҳрга тўлади. Нашаванд гоҳ дарғазаб, гоҳ қаҳрли, гоҳ кўтариинки руҳда ҳушчақчак, ўзида йўқ ҳурсанд бўлади. Шу вақтда тўхтovsиз фантазиялар иллюзалиялар пайдо бўлади. Бутун борлиқ ранг-баранг тусга келади. Товушлар кучли гувуллаб эшиллади. Тасвирлаб ўтилган ҳолатлар нашамаслигини 1-фазаси кўзғалиш фазаси дейилади.

Бундан кейин 2-фаза тушкунликга тушиш фазаси бошланади. баъзи бир қашандаларни айтишича 1-фазадан 2-чи фазага тез ўтади. Бошқалари эса, аксинча, атроф-муҳит аста-секин ўзгара бо-

риб, ранглар гүё хира тортади, иллюзалар, фантазиялар, йўқолади, фикрлар тормизи кескин тормизлашади. Сўнг қуркув пайдо бўлиб, кайфият кескин ёмонлашади.

Наша мастилигининг симптомлари қабул қилингани наркотикнинг миқдорига, уни қанчалик тез-тез қилинишига, олий нерв фолиятига боғлиқ бўлади. Нашадан ўткир маст бўлиш 1-3 соатгача давом этади ва оғир уйку ёки беҳоллик ҳамда лоқайдлик билан тугайди.

Нашани янада субсистемол қилиб борганда, мастилик манзараси ўзгаради. Баъзиларда психозлар, эс-хушнинг рўй-рост айнаши, кўриш, эшитиш галюцинациялари, муносабат, васваса ғоялари, баъзан кескин ҳаракат қўзғалишлари билан юзага чиқади. Бошқаларда эса ирова бузилишлари пайдо бўлади, шахснинг психопатияси ёки ҳатто шизофренияга хос белгилар юзага келади. Нашани мунтазам қабул қилганда 2-6 ойга келиб, психик астения пайдо бўлади, хотира пасаяди, гиёхванд дўстлари ва ўртоқларини йўқотади.

Вакт ўтиши билан туйғу-хиссиётлар хирадлашади, апатия юзага келади, атрофдагилардан ажрала бошлайди.

Мисол келтирамиз: Бемор М. ёш, политехника институтининг 2-курс талабаси. Характерига кўра ҳамма билан чиқишиб кетади, дўстлари кўп. 9-синфда кунлардан бир кун ўз тенгдошлари билан кечкурун улфатчиликда бирга бўлди, шу ерда ёши ундан каттароқ бир йигит билан наша чекиб кўришни таклиф қилди. Бунга қадар у папирос чекишни ўрганиб олган эди. Олдинига чекишни рад этган бўлди, бироқ атрофдаги чеккан болаларнинг чоғ, кулишларини кўриб, қизиқиб чекди.

Оғиз бўшлиғида ёқимсиз там сезди, бир неча марта тортгач боши айланди, кўнгли айниди. Папиросни улоқтириди. Атрофдагиларнинг масхара қилиб кулишларига чидади, бироқ бу оқшом бошқа чекмади. Бироқ тез кунда ўша улфатлар билан яна бирга бўлишга тўғри келди ва дурусттини чекди. Дастьлаб, теварак равшан бўлиб кетгани, атрофдагилар худди парда ортидан кўринаётгандай бўлгани, бир лаҳзада дунё ёп-ёргуғ тусга киргандек, зўр шовқин-сурон эшитилгандек туолганини яхши эслайди. Ўртоқлари унга турли “башаралар” кўрсатганлар ва у, тахминан, тўхтовсиз 2-3 соат кулган. Кейин оғзида қандайдир ёқимсиз таъм пайдо бўлгани, кўркув босганини, гўё у ақлдан озгандай туолгани,

ташқарига қочиб чикқани, аммо дўстлари уни уйга тортиб киргани эсида. Бир вақт худди юраги тўхтаб қолаётгандай бўлган ва дод солиб юборган. Сўнг ҳаммаси ўтиб кетган, уйқу босган. Институтга киргунга қадар у бошқа чекмаган. 1-курсда наша чекканини мақтаниб яна чеккан. Шундан кейин тез-тез маст бўлгунча чекадиган бўлган. Асосан ижобий эмоциялар қайд этилади. Хушнудлик ҳолига қайтишга бўлган интилиш наша тикилган папирос чекишга тортади. Наша ҳамма вақт ҳам топилмаслигидан ўрнига ичкилик ича бошлаган. Беморнинг ота-онаси ва ўзининг айтишича, уйдан кетиб қолишга ҳаракат қилган, жizzаки, дағал, уришқоқ бўлиб қолган. Институтда ҳамма дарсларидан қолиб кетган ва ҳайдалган. Китобга, кино, телевизорга қизиқмай қўйган. Ёлғиз қолишга ҳаракат қилган, турли хил ёлғон-яшиқ найранглар билан ичкилик ёки наша топишга интилган. Вақти-вақти билан уни бирор орқасидан кузатаётгандай, кимдир таъқиб қилаётгандек туюлган. Дастрлаб бунга аҳамият бермаган, сўнг эса соxта кузатувчилардан кўрқиб яширина бошлаган. Кунлардан бир кун ушбу масалада ёрдам сўраб милицияга мурожаат қилган. У ерда бунинг сўзига аҳамият беришмаган. Шундан кейин беш-баттар тушкунликка тушиб депрессия, маюслик зўрайган. Ота-онаси ўғлининг бу аҳволига Эътибор бериб, уни зўрлик билан психиатрия касалхонасига жойлаштиришган. Стационарда рўй-рост депрессив васвасали синдром қайд қилинди. Наркотикдан деярли қийналмасдан ажралди, бироқ бир неча марта ташқаридан уни қўлга киритишга уринди. 4 ойлик кучли даволашлардан сўнг чиқариб юборилади. Даволаш мобайнида ўнта дезинтоксикацион, умумқувватловчи, шунингдек, психотерапия, меҳнат билан даволаш тадбирлари кўрилади.

II. Морфин типидаги наркоманиялар

Наркотикларнинг мазкур гуруҳига опий ва унинг препаратлари –пантопон, омнопон, перегорик, лаудонон, петкол ва 20 га яқин алколоидлар ва опий ҳосиллари - морфин, кодеин, тебаин, героин, дионин, папаверин, наркотен киради. Бу гурухга морфинсимон таъсир этадиган синтетик моддалар – фенадонон, ромедол ҳам киради.

Морфин типидаги наркоманиялар кўкнор экиб ўстирадиган жойларда учрайди. Бу препаратларга ўрганиб қолиш нисбатан тез юзага келади. Опийни ичиш, тери остига, вена ичига юбориш ёки чекиш орқали қабул қилинади. Ўлимга олиб келадиган соф доза-

си 0,3- 0, гр. Ўткир заҳарланиш фоят кучли ифодаланган қўзғалишлар юзага келадиган эйфориялар билан характерланади. Айни бир вақтда оғиз куриб, одам қаттиқ чанқайди, бош оғриги пайдо бўлади, тер чиқади. Кўп сийдик ажралади, юрак-томир ва нафас системаларида бузилишлар кузатилади. Эс-хуши ўзгарган бўлади. Оғир кечганда кўкариш, қонли ич кетиши кузатилади. Тери қичиши, турли хил тошмалар пайдо бўлиб, юзи кўқимтири-қизғиш тус олади, мудроқ босади ва чукур уйқуга кетади.

Наркотикни хроник сурункали қабул қилинганда эйфория, кайфоғлик, беғамлик, хотиржамлик, ҳамма нарсадан мамнунлик, баъзан эса иллюзиялар кузатилади. Тез фурсатда бир неча бор опий қабул қилингандан сўнг одам ширин хаёллар оғушида бўлиб, ажиди ҳиссиятларни бошдан кечирадилар, хузур-ҳаловат гирдобида бўладилар . 30-40 минутдан кейин эйфория фазаси ўрнини мудроқ эгаллайди, ширингина бўлиб бўшашиди. Морфин наркоманиясидан бўладиган хуморлик наркотикнинг охирги дозасини қабул қилингандан кейин бир неча соат ўтгач бошланади ва 5-7 кун давом этади. Бунда терлаш, кўз ёши оқиши, бурун оқиши, қалтираш, кўнгил айниши, кусиши, ҳарорат кўтарилиши, тезлашиши, мускулларнинг оғриши, организмдан сув қочиши ва озиш кузатилади.

Мисол келтирамиз: Бемор В. 27 ёш. 8-синфда ўзидан катта болалар билан дўстлаша бошладаи. Ўша вақтларда наша чекиб кўрди, наша унга ёқиб қолди, тез ўрганди, бир ҳафтадан кейинок чинакамига наркоман бўлиб қолди. Ўқиши ёмонлашди, дарсларни қолдирди, ўқитувчилар билан уришадиган бўлди, бир амаллаб 8-синфни тугатди. Тез орада кунига 3 мартадан чекадиган бўлди. Миясида турли туман фикрлар кўпаяр эди, хаёллар оғушига берилар эди, дастлаб кўп куларди, сўнг кулги ва хушчакчақлик йўқолар эди. Кейин биринчи бор ўзига 0,5 мл опий юборди, бу унга ёқди. Кейин ушбу миқдор етарли бўлмай қолди. Аста секин уни ҳар куни 2 марта 2 мл гача юборадиган бўлди. Сўнгра ўртacha доза бир суткада 1 г. Куруқ опий қабул қилишгача бориб етди. Характери ўзгара бошлади. Жиззакилик пайдо бўлди, ўғрилиги ва уришгани учун жиноий жавобгарликка тортилди. Сўнг армия сафига чақирилади. Армияга кетиш олдидан бир мунча куруқ опийни ўзи билан олиб кетди. Опий қабул қилишни тўхтатмади. Аммо кўлидаги опий тамом бўлгач хуморлик азобида қолди. Бутун бадани бўша-

шиб кетди, этиклари бир пуддек оғир бўлиб кетди. Овқатдан кейин меъдасида оғриқ, жигилдон қайнаши, жигар соҳасида оғриқ қайд қилинган. Сўнгра психиатрия қабулхонасига юборилган. Касалхонага келиб тушганида бутун бадани, мускуллари оғрирди, беҳол, ичи суюқ, уйкusi бузилган, кўзлари ёшли эди. Суҳбат чоғида тез чарчарди, кўз ёшлари билан ёрдам сўраб илтижо қиласарди. З-сутка да аҳволи бир мунча яхшиланди. Хуморлик ҳолати 7 кун деганда тарқалди. Аммо астения, умумий ҳолсизлик, кўзига ёш келиши, тез чарчаш ҳолати узоқ сақланиб қолди. Психика томонидан ваҳималар, безовталаниш, бесабаб ўзидан-ўзи ўлиб қолиш хаёлига бориши ҳоллари кузатилди, уйку бузилади, даҳшатли тушлар кўради. Кайфияти ўзгариб туради: гоҳ енгил зйфория, ўз шахсини юқори кўйиш, икониятларини юқори баҳолаб юбориши, гоҳ кайфияти бузилиб, депрессия ҳолига тушиши, гоҳ таъсиранувчан, газабкор, локайд ва тажовузкор бўлиб туради. Эс-хуш ўзгариши билан юзага чиқадиган қисқа муддатли психозлар учрайди.

Кокаин наркоманияси

Бу гурухга асосан кокаин киради. Кокаин билан ўткир ва сурункали заҳарланиш фарқ қилинади. Ўткир заҳарланиш юз оқариши, умумий беҳоллик, бош айланиши, юрак ўйнаши, томирнинг хотүғри уриши, халлослаш билан ҳарактерланади. Кейинчалик қон айланишининг кескин бузилиши ва нафас функциясининг издан чиқиши қайд қилинади. Нафас маркази фалажланиши оқибатида бемор ҳалок бўлиши мумкин. Сурункали заҳарланиш препаратни узоқ вақт қабул қилиш оқибатида аста-секин вужудга келади. Кокаиннинг дастлабки дозаларини қабул қилгандан сўнг аввал енгилгина бош айланиши, сал бош оғриши бўлиб, тез орада ақлий фаолиятининг кучайиши ва кайфиятнинг ёқимли тус олиши билан алмашинади. Беморлар кўплаб хатлар ёзадилар такрорлашлар билан тўлиб-тошган аризалар ёзди, кўзғалиш 2 соат давом этади, сўнг лоқайдлик, тушқунликка тушиши билан алмашади. Иллюзия вагаллюцинациялар пайдо бўлади, баъзан улар қўркувлар билан кечади. Кокаинга анча тез ўрганилади, иш малол кела бошлайди, аста-секин хотира пасаяди. Наркоманлар дағал ва худбин бўлиб қоладилар. Гумонсирайдилар, шубҳаланувчи бўладилар. Беморларнинг иштаҳаси пасаяди, териси оқарган, мускуллари салқиган бўлади. Баъзиларига гўё тери остига кокаин кристаллари солиб

күйилгандек, тери остида курт-кумурсқалар, қўнғизлар ўрмалаб юргандек туюлади. Рашқ вассасаси ҳам бўлиши мумкин. Кокаинга ўрганиб қолганда препаратнинг заарли таъсири аввало гиёхванднинг ўзига зиён етказади. Организмнинг ҳолдан тойиши, реактивлигининг пасайиши туфайли юқумли касалликларга мойиллик ортади. Чипқонлар чиқади, илгариги сурункали касалликлари қайталаниб зўраяди.

Жамиятга етадиган зиён шу нарса билан боғлиқки, кокаинни сунистемол қилувчи одам аста-секин меҳнат жамоасидан четлашади, текинхўрлик йўлига киради, паразит тарзида ҳаёт кечиради. Улар жамиятга қарши жиноят қилишга ҳам қодир бўлиб қолади. Кокаинга тез ўрганиб қолинади. Сўнг препаратга толерантлик пайдо бўлади, эйфорияни кўтариш ва ҷарчоқликка қарши курашиш учун модда дозасини оширишга иштиёқ тугилади. Наркотикнинг навбатдаги группасини диетиламид лизергин кислотаси, бази бир қўзиқоринлар таркибида бўладиган LSD-эрковин психоцибиннинг ярим синтетик ҳосиласи ташкил этади. LSD билан ўтқир заҳарланышда қўнгил айниш, қусищ, сўлак ажралиши кузатилади, артериал босим пасаяди, қўзғалиш бошланади. Фалажлик ва ҳатто ўлим юз бериши мумкин. Психик ўзгаришлар препаратни қабул қилгандан кейин 15-30 кун ўтгач пайдо бўлади ва енгил алкогол мастилигидаги ҳолатни эслатади. Сўнг умумий беҳоллик бошланади, кўл ва оёқлар билан зўрга ҳаракатланадилар. Кўзлар юмуқ ва кўз ўнгидан худди кинофильмлардагидек турли хил манзаралар ўтади. Товушлар баланд эштилади, нарса буюмлар узоклашган бўлиб кўринади. Кўриш галлюцинациялари ёрқин, ранг-баранг бўлади, аммо шахсни хурсанд қилмайди. Сўнг депрессия элементлари ва сохта идрок қўшилади. Ҳаётдан воз кечиш фикри тугилади. Фикрлаш бузилади, қўркув, шубҳаланиш пайдо бўлади.

Гиёхвандликни даволаш ва олдини олиш

Наркомания ва токсикоманияларни даволашнинг асосий қидаси бемор ҳуморлик синдроми ҳолати, ўтқир заҳарланганлик, сурункали интоксикация, психозлигидан қатъий назар bemor касалхонага ётқизилади. Касалхонада даволаш наркологик, психиатрик муолажалар асосида ўтказилади. Даволашнинг асосий тамоийлари босқичли даволашдир.

1. Бу моддалардан халос этиш билан бирга дезинтоксикация (захарланишни йўқ қилиш) умумий қувватловчи, стимулловчи терапия.

2. Актив антинаркотик (наркоманияга қарши) антитоксикоманик (токсикоманияга қарши) даволаш.

3. Қувватлантирувчи терапия киради.

Наркоманлар ва токсикоманлар ўз истаклари билан даволаниши хоҳласалар ҳам хуморлик ҳолати кузатилади. Кризлари бўлишидан олдин ҳамиша хавфда кўркувда бўладилар. Одатда, булар иродасиз кишилардир. Улар наркотик моддалардан ажралиб қолишдан ва унинг орқасидан келадиган ўта оғир сезгиларга бардош беришлари қийинлигидан кўрқадилар. Шунинг учун даволашни бошлишданоқ улар сўлиб қоладилар ва қандай йўл билан бўлмасин наркотик моддаларни истеъмол қилишни қайтадан бошлишга уринадилар. Шунинг учун бўлимлар ёки палаталар ташкил қилишда уларга, албатта, касаллар суиистеъмол қиладиганнаркотик ёки бошқа моддалар киритиш имкониятига мутлақо эга бўлмаслиги кўзда тутилади. Касалларнинг кун тартиби имконияти борича актив, банд бўлишга қаратилиши керак, айниқса, кечки соатларда бирор фаолиятга ўрганмаган наркоманлар ўзларининг кўнгилсиз кечинмалари оғушида танҳо қолганларида бу жуда зарур.

Касалларнинг хулқлари ва умумий ахволлари алоҳида диққат-эътиборда бўлиши зарур. Агар тушкунликка тушиб юрган, кайфијати паст бемор бирданига хушчақчақ, сергап бўлиб, актив ҳаракат қилиб қолса, билинки тақиқланган йўллардан ўтиб, наркотик моддани кўлга киритишга эришган. Наркотик моддани келтирган манбани қидириб топиб жазолаш лозим.

Даволашни 2 – 3 ҳафталарининг охирида мувозанат турғун бўлмаганда ҳам наркотикларни истеъмол қилишга бўлган қайта интилишни енгib бўлмайдиган даврда касалларга диққат эътиборни кучайтириш лозим. Бундай ҳолларда безовта, бетинч ёки, аксинча, ўзларини яхши сезаётганликларини айтиб мақтайдилар гўё улар тўла даволангандар, энди уларни чиқариб юбориш мумкин. Баъзилари бош оғригидан, уйқуси ёмонлигидан, тишлар оғрисидан (характерли симптомлар) шикоят қиласидилар. Бундай ҳоллар одатда 2-4 кунда ўзидан-ўзи йўқолади. Касалларни даволаш психотерапевтик таъсир кўрсатиш билан бирга олиб бориш зарур. Психотарапиянинг бош усули деб гипноз ва таъсир ўтказиш билан наркотик моддаларга

жирканиш ва салбий рефлекс ҳосил қилиш, иродани мустаҳамлаш, актив соғайиш учун тадбирлар қўлланилади.

Унинг турларига қуйидагилар киради: транквилизатор моддалар элениум, седуксин, триоксазин тавсия этилади. Бу моддаларнинг ҳаммаси тинчлантирувчи таъсирга эга. Безовта ҳолатларни, саросималикни енгиллаштиради, лекин уларни кичикроқ дозаларда ва қисқа муддатли даволаш курси билан берилади.

Депрессияларни (тушкунлик) азофен, амитриптилин яхши бартараф этади. Уйқу бузилишида кечқурун сайр этиш, оёқларга иссиқ ванналар қилиш, психотерапевтик сұхбатлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Наркоман ва токсикоманлар интеллектуал жиҳатдан тез ақллари пасаяди. Бефарқ, бефаросат бўлиб, ҳаётдан, колективдан ажралиб қоладилар. Стационарга етказилгандан анча олдинроқ ишдан маҳрум бўладилар, меҳнат малакасини йўқотадилар.

Даволашнинг биринчи босқичи 3-4 ҳафта давом этади. Даволашнинг 2-босқичида кун тартибига меҳнат терапиясини киритиш зарур. Бу аввал оз-оз иш соатларида, кейинчалик тўла иш кунига кўчириш билан рўёбга чиқарилади.

Даволашнинг 3-куватлаб турувчи терапия босқичи узоқ 5 йил давом этади. давр давомида касаллар наркологик кабинет назоратида бўладилар, қувватлаб турувчи мажбурий даволашлар 3-4 ҳафта мобайнида ўтказилади.

Тери остига 0,5 мл апоморфин эритмаси юборилади ва 5 – 7 минут ўтгач кўнгил айниш пайдо бўлади. Касалга наша тиқилган, тутаган папирос ҳидлатилади. Шартли рефлектор боғланиш механизми бўйича 3 – 4 сеансдан кейин нашага салбий рефлекслар пайдо бўлади . Беморни меҳнат жараёнларига тортиш даволашнинг муҳим компонентидир. Наркотик истеъмол қилувчи шахсларни даволаш фақат наркоман касалхоналарда 60 кун давомида даволанади.

Яна қуйидагиларни ҳисобга олиш керак бўлади. Дориларни қўллашда касалларга бир хил турдаги дориларни бермасдан балки, бир неча хил препаратлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари даволанишдан кейин инсон яна шугулланмаслиги учун унга тушунтириш ишларини ҳам жадал олиб бориш керак.

Наркоманияни олдини олиш.

Наркоманияни олдини олиш учун кенг күламдаги ишларни олиб бориш керак. Буларга масалан: наркотик моддалари организмига таъсир қилиб уни умрини қисқартириши ҳар хил оғир касалликларни келтириб чиқариши, соч ва тишларни тўкилиб кетиши, хоти-раси сусайиб, эси кирди-чиқди бўлиб қолиши, ҳолсизлик вужудга келиши, қон айланиш системаси издан чиқиши ва кўпгина бошқа салбий оқибатларга олиб келади. Бундай ҳоллар келиб чиқмаслиги учун мактаб, институт ва иш жойларда, маҳалла ва туманларда, керак бўлса, давлатларо уни олдини олиш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш ва шартномалар тузиш орқали амалга оширишимиз керак. Наркоманияни илдизи билан сугуриб ташлашимиз, келажак авлодни аклли, етук, жисмонан соглом бўлишни кафолатлади. Ота-оналар ҳам ўз ўғил ва қиз фарзандлари тарбияси билан шуғуланишлари, уларни кузатиб туришлари лозим. Ўзбекистонда бу касалликларни олдини олиш Ўзбекистон Президенти И.Каримов томонидан олиб бориляпти ва Ўзбекистон ҳудудида наркоманияни йўқотиш учун бир қатор қонунлар қабул қилинган.

Токсикоманиялар, уларнинг турлари ва клиник белгилари

Токсикоманияларга айрим химиявий, биологик моддалар ёки дори моддалар орасида психотроп моддалар баъзи бир ухлатувчилар ва стимуляторларлар катта ўрин тутади. Ушбу моддаларни қабул қилувчиларни баъзилари эйфория (кайфи чоғлик), комфорт (осойишталик) эффектни олишга уринсалар, бошқалари ёмон кайфиятни тарқатишга уринадилар. Иккала ҳолда ҳам керак ҳолатда эришиш учун моддаларни қабул қилишни такрорлаб туришга тўғри келади.

Токсикоманиялар куйидаги сабаблардан келиб чиқади.

- Шифокорларни ўринсиз, нотўғри даволашларидан;
- Уйқусизлиқда, турмушнинг еурли ҳил нохушлик вазиятларида дориларни тез-тез қабул қилиш ёки ҳамиша даволанишга интиладиган, ҳамма вақт шубҳалар орасида яшайдиган шахсларга дорилар бериш натижаларида келиб чиқади.

Токсикоманиянинг клиник манзараси наркомания сингари қабул қилинадиган модданинг характеристига боғлик. Токсикоманияларга олиб борадиган психотроп ва бошқа препаратлар гурухига куйидагилар киради:

Псиҳолептиклар:

1. Транквилизаторлар (мепробамат, седуксен, элениум, триоксазин, зуноктин)га ўрганиб қолинади.
2. Ухлатувчилар барбитурат кислота, барбамил, барбатил, этаминал натрий, фенобарбитал.

Психоаналептиклар:

1. Марказий нерв системасининг стимуляторлари сиднокарб, синднофен.
2. Бошқа хил аналгетиклар (аналгин, амидопирин).

Дориларни қабул қилиш процессида толерантлик ошиди. Хуморлик психозлари, талвасасимон ҳолатлар ҳам бўлии мумкин. Жисмоний боғланиб қолиш синдроми, безовталиқ, кўрқиши, уйкусизлик, кўп терлаш, қалтираш, мускуллари учиши билан намоён бўлади.

Ухлатувчи таъсир кўрсатадиган моддалар гуруҳи бир хил клиник манзарага эга. Бу манзара мазкур моддаларни доимий ёки вақти- вақти билан янгидан қабул қилиш натижасида юзага келади.

Уйкусизликни узоқ вақт даволаш, бунда олдинига дорилар врач назорати остида берилса, кейинчалик касалларнинг ўзлари қабул қиласидиган бўладилар. Дори моддаларни врачнинг маслаҳатисиз ва назоратисиз ичиш. Мазкур моддаларни наркотиклар сифатида қабул қилиш орқали юзага келади.

Ўз жонига қасд қилиганда, бу дорилардан ўткир заҳарланиш юз беради. Батзи бир ҳолатларда терапевтик дозадан анча ортиқ кела-диган миқдорда қабул қилинганда унинг ҳаракат координациялари бузилиши, мускул қучининг бўшашиб кетиш кузатилади. Бу манзарага эс-хушининг кирди-чиқди бўлишга, кўнгил айниши қўшилади. Ухлатувчи дориларни сурункали (систематик) тарзда қабул қилинганда препаратни ичишга бўлган эҳтиёжи секин-аста ошиб боради ёки унга кучли эҳтирос пайдо бўлади. Аксарият, наркоманлар наркотик моддаларни кунига бир неча марта қабул қилишга ўтадилар. Шахснинг ўзгариши борган сари аниқ-равшан бўлади. Даствлаб жиззакилик, жаҳлдор “сакраб кетиш”, эготсентризмга (гапини маъкуллатадиган) бориб етадиган худбинлик, ёвузлик устивор келади, хотира эсдан чиқади. Фикрлаш сурати сусаяди, тутқаноқлар кузатилади.

Абстинент синдроми (хуморлик) аниқ-равшан ифодаланган бўлади, у наркотик моддани ичмай қўйгандан кейин 20-24 соат оралиғида юзага чиқади ва 3-4 сутка давомида энг интенсив кучга киради. Абстинент синдроми пайтида безовталиқ, уйку бузилиши,

ҳолсизлик, бош айланиш, кўнгил айниш, кусиши, артериал босимнинг кескин тушиб кетиши пайдо бўлади. Тутқаноқлар юзага келади. Беморлар таъсирчан, газабкор, ёвуз бўлиб қолади. Кофеин токсикоманиясининг айрим ҳоллари баъзан учраб туради. Кофеиннинг катта дозаси қабул қилингандан сўнг бир неча соатга чўзилувчи кайфиятнинг кўтарилиши, кейинчалик қўзғалиш юзага келади. Ушбу моддаларни сурункали истеъмол қилганда bemorларда токсикомания пайдо бўлади. Бош оғриши, бош айланиши, уйкусизлик, ҳар хил тушлар кўриш, ваҳима, кўркув, эркакларда жинсий кувватнинг пасайиши қайд этилади.

Аччиқ қилиб дамланган чой қабул қилингандан кейин 30-40 минут ўтгач кайфият кўтарилиши, фикрлаш жараёнларининг енгиллашиши ва айни бир вақтда мастлик ҳолатининг яққол ифодаси юзага келади. Иш қобилияти кўтарилади, чарчаши билинмайди, фикрлар ёқимли мазмун касб этади.

Токсикомания турларидан бири тамаки чекищдир. Тамакини Европага машҳур денгиз саёҳатчиси Колумб олиб келган. Тамаки уруғи Франциянинг қироличасига унинг Португалиядаги элчиси Жан Нико томонидан тухфа тарзида юборилган эди ва унинг фамилияси тамаки таркибидаги заҳарли модда-никотин дейилишига сабаб бўлади. Никотин организмга нафасга олинаётган ҳаво ва тамаки тутуни билан киради. Тутун таркибида турли хил заҳарли моддалар, шу жумладан, концерген моддалар 0,046% мавжуд, тамакида эса-9,5% углерод оксид бўлади.

Оз миқдорда никотин МНС ҳужайраларини қўзғатади, бу томир уришини, нафасни тезлаштиради, юрак қисқаришларини бузади, баъзан кўнгил айниш, кусишига олиб келади. Юқори дозада никотин МНС ни фалаж қилиши мумкин. 25 дона сигаретадан никотин дозаси ўлимга олиб келади. Тамаки чекиш дастлаб, томоқ куриши, кўнгил айниши, кусиши каби нохушликларни келтириб чиқаради, аммо киши чекишини давом эттираверади ва секин-аста нохуш сезгилар ўтиб одам унга ўрганиб қолади. Кашандаларда секин-аста никотин синдроми шаклланади.

Никотин синдроми ривожини уч босқичга бўлиш мумкин:

-кишини ўзига торгади, одам борган сари кўпроқ сигарет чекадиган бўлади. Чекиш иш қобилиятини кўтаргандек, ўзини яхши сезгандек ҳис пайдо бўлади. Бу босқич 1-5 йил давом этади;

- чекиши шилким хоҳиш характерга эга бўлади. Баъзан ташқаридагиларга қизиқ кўриниши учун тенгдошларига кўз-кўз қилиш истагида чеқилади. Бу босқичда бронхит, меъда ичакларда ноxуш сезгилар, жигилдон қайнashi, юрак соҳасида оғриқлар, томир уришининг, артериал босимнинг ўзгариши кузатилади. Бошнинг оғирлашиб қолиши, уйқунинг бузилиши, жizzакилик, жаҳлдорлик, иш қобилиятининг сусайиши қайд қилинади. Бу босқич ўртача 5-20 йил давом этади.

- психик интилиш пасаяди. Ёқимли ҳолатлар бўлмайди, никотиннинг катта дозаси ноxушликлар келтириб чиқаради. Наҳорда чекиши истаги пайдо бўлади. Эрталабки қуруқ йўтад қийнайди, уйқунинг бузилиши, томир уришининг тезлашиши, артериал босимнинг кўтарилиши кузатилади.

Шуни қайд этиш лозимки, кўпчилик кашандалар чекишини фалокат деб тушунмайдилар, унинг заарли оқибатларига юзаки қайдилар. Чекиши натижасида тамаки смоласи (сақиҷисмон модда) одатда бронхларга ўтириб қолади ва сурункали бронхитга олиб келади. Қуруқ бўғувчи йўтал, ўпка сили ривожланиши эҳтимолининг ортиши кузатилади. Масалан, 200 киши сил билан касалланса, шундан 95 таси чекувчи бўлади. Кейинги йилларда чекувчилар орасида саратон касаллиги ва саратонга мойиллик кўпайиб, аҳолининг бошқа қисмига нисбатан (20 марта) ошиб бораётганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Лаб, қизилўнгач, ҳиқилдоқ, меъда саратони кўп йиллардан бери чекувчиларда учрайди. Чекиши болалар ва ўсмирлар учун айниқса, заарли, бунинг оқибатида улар жисмоний ривожланишда ўз тенгдошларидан орқада қолиб, асабий, интизомсиз бўлиб қоладилар.

Кашандалар ўз атрофидаги чекмайдиганларга катта хавф тудиради, чунки тамаки чекиши натижасида атроф-муҳит заҳарли модда-никотин ва бошқа моддалар тарқалади. Чунончи, чекмайдиган киши кўп чекилган ҳонада 1,5 соат турса, унинг организмида никотин концентрацияси 8 марта ошади. Шундай қилиб, кашанда ўзи учун ҳам, атрофдагилар учун ҳам хавфлидир.

Токсикомания

Токсикомания юононча “токсикон”- заҳарли, “мания”- ақлдан озиш, рухиятнинг бузилиши, жинни бўлиш маъносини англагади.

Умумлаштириб айтганда токсикомания турли хил заҳарли моддаларни қабул килишга ўрганиб колиш натижасида руҳиятнинг бузилиши билан характерланадиган касалликдир. Токсикомания атамаси асосан тиббиёт ва социология фанларида қўлланилади, юриспруденсияда эса токсикомания наркомания деб киритилган. Демак, токсикомания гиёхвандликнинг бир тури ҳисобланади.

Турли хил кимёвий моддалар таъсирига одам организмининг ўрганиб колиши ва токсикомания касаллигини вужудга келиш муддати 1-2 ҳафтадан 1-1,5 ойгача бўлиши мумкин. Бу муддатнинг қисқа ёки узоқ бўлиши одам организмининг индивидуал хусусияти ва қўлланган кимёвий модданинг турига боғлиқ.

Токсикоманияда қўлланиладиган кимёвий моддалар.

1. Бензин, керосин, солярка.

2. Бўёклар, лаклар, алиф лаки.

3. “Момент”клей

4. Эфир.

5. Ухлатуви, тинчлантирувчи дори моддалари: фенобарбитал, барбамил, веронал, амитал-натрий ва бошқалар оғиз орқали қабул қилинади.

6. Қўзгатувчи дори моддалари: кофеин, никотин ва бошқалар оғиз орқали қабул қилинади.

7. Кийим ва матолардаги доғларни тозалайдиган кимёвий арашмалар ҳидланади.

Токсикоманиянинг белгилари

Токсикомания касаллигига учраган одам заҳарли кимёвий моддани қабул килган пайтда кайф қиласди. Кайф килиш муддати 3-5 соат давом этади. Кайф вақтида эйфория, яъни кайфиятнинг вақтинча яхшиланиш ҳолати юзага келади. У кулади, кўп гапирали, ўйнайди.

Таъкидлаш лозимки, токсикомания касаллигини вужудга келтирадиган кимёвий моддаларнинг ҳаммаси ҳам одам руҳиятига таъсири килиб, кайфиятни вақтинча кўтариши билан биргаликда одамнинг эс-хушини, фикрлаш қобилиятини пасайишига олиб келади. Кимёвий модда таъсирида юзага келадиган эйфория, яъни кайфиятнинг кўтарилиш ҳолати 1-2 соат ўтгандан кейин кайфиятнинг ёмонлашуви билан алмашади. Бунда токсикоман одам газабланади, жаҳли чиқади, атрофдагиларга қўпол муомала қиласди,

уришиш, муштлашишдан ҳам қайтмайди. Унинг кўзига қўрқинчли нарсалар кўринади (кўриш галлюцинацияси). Беморнинг рухияти бузилиши туфайли бу пайт у атрофдаги бошқа одамлар билан оқилона муомала қилиш қобилиятини йўқотади. Унинг хаёли бир тикланади, бир бузилади, яъни жиннига ўхшаб қолади.

Токсикомания касаллигининг кечиши даврлари

Токсикомания касаллиги ҳам гиёҳвандликка ўхшаб З даврда бўлади:

1. Кимёвий модда таъсирига одам организми реактивлигигининг ошиши;
2. Кимёвий моддага нисбатан одамда руҳий қарамлик ёки мұғаликнинг вужудга келиши;
3. Кимёвий моддага нисбатан одамда руҳий қарамлик билан биргаликда жисмоний мұғаликнинг вужудга келиши.

Биринчи давр - одам организмининг кимёвий модда таъсирига реактивлининг ошиши, яъни мослашиши билан характерланади. Токсикомания касаллигининг бошида одам кимёвий модда қабул қилган пайтида кайфиятнинг ошишига маҳлиё бўлиб, яхши дам олгандек, хордик чиқаргандек бўлади. Шунинг учун кундан кунга токсикоман одамнинг кимёвий моддага нисбатан мослашуви ошиб боради. У ҳар қуни белгиланган вақтда мазкур моддани қабул килишга интилади.

Иккинчи давр-кимёвий моддага нисбатан bemорда руҳий мұғаликнинг вужудга келиши билан характерланади. Токсикомания касаллигига дучор бўлган одам кимёвий моддани қабул қилган пайтида унинг кайфияти вақтинча яхшиланади. Кимёвий моддани қабул қилиш муддати белгиланган вақтига нисбатан кечикса, bemорнинг кайфияти ёмонлашади, дунё унинг кўзига торайиб кўринади, жаҳли чиқади, атрофдаги одамларга кўпол муомала қиласи, жанжаллашади. Кимёвий моддани қабул қилиши биланоқ bemорнинг кайфияти яхшиланади. У кимёвий моддани ўз вақтида қабул қилиш учун барча имкониятларини сафарбар қиласи. Унинг хотираси, фикрлаш қобилияти пасаяди, ақлий меҳнатга яроқсиз бўлиб колади. У ҳеч нарсага қизиқмайди, хаёли кимёвий моддани топиш ва қабул қилиш билан банд бўлади. Лекин касалликнинг 2-даврида зарар чора-тадбирлар кўлланса, bemор тузалиши ва иш қобилияти тикланиши мумкин.

Учинчи давр – кимёвий моддага нисбатан беморларда нафақат рухий, балки жисмоний мұтасилендірілгенде да ғана әзірлеуде деңгээлдер болады. Бу давода токсикоманияның әсерлерінің қалыптасуынан шешімдер анықталады. Шунинг учун бирнеше көмекшілік мүдделелер және мәдениеттегі орталықтардың көмекшіліктерін пайдаланылады. Натижада бемор озроқ қаралатынан жақсы жағдайда болады. Кимёвий моддада қабул қылмаса туралы олмайды. Бу моддадан қабул қылған сары танасининг захарланиши кучаяди. З-даврда беморни даволаш қийин, у түлиқ тузалмайды, оқибатида қаётдан күз юмады.

Токсикоманларда абстиненция синдромы

Түрли хил моддаларни қабул қилиш натижасыда токсикомания касаллигига дучор бўлган бемор ўзи ўрганиб қолган кимёвий моддани қабул қилишни тўхтатиб қўйса, биринчи куннинг охирига бориб унда абстиненция ҳолати юзага келади. Бу ҳолат бемор ҳаёти учун хавф туғдиради. Беморнинг жағ қўл-оёқ мускуллари тиришади, лаблари кўкаради. Абстиненциянинг 3-4 кунлари беморнинг ахволи жуда оғирлашади. У танасининг ҳамма жойидаги кучли оғриққа чидай олмай бакираади, йиғлайди, кимёвий модда беришни сўраб ялинади, жанжал қилади, кўчага чиқиб қочишга ҳаракат қилади, беморни синчковлик билан текширганимизда унинг бармоқлари, тили, боши, қалтираганини аниқлаш мумкин.

Агар бемор юқоридаги нохуш белгиларга бардош берса яъни, кимёвий моддаларни қабул қылмаса абстиненция ҳолатининг белгилари 8-10 кундан кейин камаяди ва бемор ўзини яхши ҳис қила бошлайди, яъни у согаяди.

Токсикоманиянинг оқибати

Кимёвий моддаларни қабул қилиш туфайли юзага келган токсикомания касаллиги йиллар ўтиши билан чуқурлаша боради. Кимёвий модданинг узок муддатли таъсири натижасыда бемор организми захарланади. Энг аввало бош мия асаб хужайралари, сўнгра юрак мускули, ўпка, жигар, буйрак тўқималари захарланади.

Одам организмининг сурункали заҳарланиши оқибатида аввало беморнинг руҳияти бузилади. У ақлий меҳнат килишни, фикрлаш қобилиягини йўқотади. Бемор ўзининг ота-онаси, оиласи, ака-укалари болаларига бефарқ, меҳр-оқибатсиз бўлиб колади. Ўқишига, ишга қизиқмайди, доим қовоғи уюлган, хафа, кайфияти бузилган, атрофдагилардан ўзини четта олади. Бошқалар билан муомала қила олмайди, тез уришиб қолади.

Бемор руҳиятининг бузилиши билан биргаликда аста-секин унда жисмоний хасталаниш белгилари ҳам ортиб боради. Камқонлик туфайли териси оқимтир-сарғиши рангда бўлади, кўзининг оқ пардаси сарғаяди, юзида тиришишлар пайдо бўлиб, bemor ёшига нисбатан илгари қарийди. Унинг тирноклари ва сочи рангизланиб, синувчан бўлиб қолади. Бемор озроқ ҳаракат қилса, юраги ўйнайди, нафаси қисади, жигар соҳасида оғриқ пайдо бўлади.

Шундай килиб, токсикомания касаллигига дучор бўлган одам организми кимёвий модда таъсирида сурункали заҳарланиши туфайли руҳий ва жисмоний жиҳатдан ногиронга айланади.

Токсикоманияни даволаш

Токсикоманини даволаш З даврдв олиб борилади.

Даволашнинг биринчи даврида қабул қиласидан кимёвий моддани бериш тўхтатилади. Кимёвий моддани қабул килишни тўхтатиш биланоқ, ўша куннинг охири ва эртаси куни беморда юзага келадиган абстиненсия ҳолатини секинлаштириш ва беморнинг ахволини яхшилаш учун реополиглюкин, гемодез каби дорилар беморнинг вена томирига томчи усулида юборилади. Шунингдук, bemor руҳиятини тинчлантирувчи, юрак-кон томир фаолиятини яхшиловчи дорилар кўлланилади.

Даволашнинг иккинчи даври абстинентсия ҳолатининг белгилари йўқолгандан сўнг бошланади. Бунда беморнинг руҳиятини тинчлантирувчи, мия фаолиятини яхшиловчи дорилар кўлланилади. Кимёвий модда қабул қилиш зарарли, согликка ҳаётга зарарли эканлиги, қабул қилишни бошқа такрорламаслик ҳақида беморга тушунтирилади.

Даволашнинг учинчи даврида беморни ижтимоий муҳофаза килишга эътибор қаратилади. Унинг овқатланиши, яшаш шароити яхшиланиши керак. У доимо назорат остида бўлиши, яъни илгари

биргаликда кимёвий модда қабул қилувчи шериклари билан учрашмаслиги керак.

Токсикоманиянинг олдини олиш.

1. Токсикомания касаллигига асосан ўсмир ёшдаги болалар күпроқ берилади. Шунинг учун кундалик тарбиявий ишлар жараённида ўсмирларга токсикомания касаллиги, уни юзага келтирувчи сабаблар ҳақида тушунча бериш зарур. Бу иш ота-она ва ўқитувчилар томонидан бажарилиши лозим.

2. Балолар ва ўсмирларга токсикомания касаллигини юзага келтирувччи кимёвий моддалар бўёклар, лаклар, алиф, момент клейи, эфир, ухлатувчи тинчлантирувчи, қўзгатувчи дориларга ўзини яқин тутмасликни, қўллаш зарур бўлганда улардан узоқ муддат қайта-қайта фойдаланмаслик ҳақида тушунтириш керак.

3. Болалар ва ўсмирларнинг кимёвий моддага ўрганиб қолишига тажрибали токсикомандлар сабабчи бўлади. Улар ўзлари қўллайдиган кимёвий моддани ҳидлаганда ёки истеъмол қилинганда кайфиятнинг яхши бўлиши ҳақида мактаниб гапирадилар ва бу моддани қабул қилишни тавсия этадилар, ўзлари қўллайдиган кимёвий моддадан бепул мурувват қиласидилар. Мазкур моддани 3-4 марта ҳидлаган ёки истеъмол қилган ўсмир унинг таъсирига ўрганиб қоладио шунинг учун болалар ва ўсмирларга кимёвий моддаларни ҳидлайдиган, истеъмол қиласидиган одамларга якинлашмасликни уларнинг маслаҳатига эътибор бермаслик ҳақида тушунтириш лозим.

Нос токсикоманияси ёки тутунсиз оғу.

Кўпчилик одамлар наркотик деганда факат кўкнори, наша, кора дори, героин. Ва бошқаларни тушунадилар. Нос ва тамаки ҳам наркотик сифатида таъсир этиб, одамни гиёхванд қилиб қўйишини аксарият кашандалар хаёлига келтирмайдилар. Шунинг учун булса керак ҳозирги йигитлар ҳатто ўсмирлар орасида нос чекувчилар кўпайиб бормокда. Бу сигареталарнинг қимматлашгани билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Носнинг таркиби. Нос оддий қўлбола усулида тайёрланадиган заҳарли кимёвий аралашма. Нос таркибининг асосий кисмини майдаланган тамаки ташкил этади. Бундан ташқари нос таркибига сўндирилган оҳақ, кул, елим. Ўсимлик мойи қўшилади. Рангини чиройлии қилиш учун носга тут ёки бошқа дараҳтнинг баргини куритиб, янчиб қўшилади. Кўриниб турибдики, ўсимлик мойидан

ташқари нос таркибига кўшилган моддаларнинг ҳаммаси заҳарли таъсирига эга.

Тожикистон тибиёт институти руҳий касалликлар касалликлар кафедраси мудири, профессор М.Ғуломов раҳбарлигидаги олимлар гурӯҳи томонидан жаҳон тибиёт фанида биринчи бўлиб одам организмига носнинг заҳарли таъсирини илмий асосда чуқур ўрганилган. Бунинг натижасида нос токсикомания моддалари гурӯҳига киритилган. Нос чекувчи кашандада одам токсикман деб номланган. Мазкур олимларнинг илмий тадқиқот ишлари асосида Тожикистон соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 1998 йилда нос токсикоманияси касаллиги вва уни даволаш бўйича услугий кўлланма нашр қилинган.

Носнинг заарли таъсиrlари

Нос чекиши тарафдорларининг фикрича гўё носдан атроф-муҳитга тутун ажралмайди ва чекувчи касига тутун кирмайди. Шунинг учун нос чекишнинг атрофдагиларга ҳам, чекувчиларга ҳам зарари йўқ эмиш. Таъкидлаш лозимки, носдан тутун тарқалмаса ҳам, нос чекувчи уни тили остида 2-3 минут саклади. Шу пайт носнинг таркибидаги тамаки, оҳак ва кулнинг заҳарли моддалари эриб, сўлак билан ажралиб, қизилўнгач орқали ошқозонга тушади ва унинг шиллиқ пардасини яллиғлантиради. Бунинг натижасида сурункали, гастрит, ошқозон ва 12 бармоқли ичакнинг яра, рак касалликлари юзага келади.

Нос тил остида сакланган пайтда унинг заҳарли моддалари қонга сурилиб мия, юрак, жигар, буйрак каби аъзоларни заралайди ва уларнинг касалланишига сабаб бўлади. Нос чекишнинг энг хавфли асорати шундан иборатки, унинг таркибидаги тамаки, оҳак, кулнинг кўп йиллар давомидаги заарли таъсири туфайли оғиз бошлиғи, қизилўнгач ва меъданинг касаллиги юзага келади.

Маълумотларига кўра, нос чекадиганларда оғиз бўшлиғи раки чекмайдиганларга қараганда 11 марта кўп учрайди.

Нос кайфининг белгилари

Носни биринчи марта қабул қилганда унинг таркибидаги тамаки, оҳак, кул каби заҳарли моддалар таъсирига нисбатан одам организмининг ҳимоя реакцияси пайдо бўлади. Кўнгил айнийди, кусади, боши айланади, юрак уриши тезлашади, совуқ тер боса-

ди, маст одамдек гандираклайди. Бундай ёқимсиз ҳолатни юзага келиши туфайли носни 1-марта қабул қылган күпчилик ўсмирлар бу заарлы одатдан воз кечиб уни 2-марта тақрорламайдилар ва ўрганмайдилар.

Ағсуски, айрим ўсмирлар нос қабул қилишни ўргатувчи “устозлари” нинг нотўғри маслаҳати билан ўзлари қийналсалар ҳам нос кечишини давом эттирадилар. Натижада аста-секин носнинг заарали таъсирига нисбатан организмининг ҳимоя реакцияси сустлашади, яъни кўнгил айланishi, кусиш, бош айланishi каби нохуш белгилар пайдо булмайди. Аксинча, организм 4-5 кун давомида нос таъсирига ўрганиб, унга нисбатан руҳий карам мутье бўлиб колади носга ўрганиб қолган одам нос чеккан пайтда куйидаги кайф белгиларини ҳис этади: кайфияти кўтарилади, чехраси очилади, кўп гапиради, арофдагиларга шилқимлик қиласи, юzlари қизаради, кайф ҳолати 30 минут давом этади.

Нос қабул қилиш янги ўрганган одам уни тил остида 1-2 минут сақлай олади, сўнgra туфлайди. Аста-секин одамда нос таъсирига мослашуви оша боради ва уни тил остида 10-20 минут давомида сақлай олади. Бошланишида кашанда носни кунига 1-2 марта чекади. Аста секин нос таъсирига мослашуви оша боради, уни тил остида 10-20 минут давомида сақлай олади. Бошланишида кашанда носни кунига 1-2 марта чекади, аста-секин уни чекиш 10-20 марта гача тезлашади, аввалига бир марта чекиладиган нос миқдори ярим бир грамм бўлган бўлса аста-секин 3-5 граммгача кўпайтирилади.

Нос қабул қилувчидаги абстиненсия ҳолати

Носни мунтазам қабул қилиш натижасида одам организми унга ўрганиб руҳий ва жисмоний мутье бўлиб қолади. Нос қабул қилмаган пайтда аввалига унда руҳий мутъелик белгилари пайдо бўлади. Кайфияти ёмонлашади, жаҳли чиқади, ишлагиси келмайди, ўзлаштириши, фикрлаш қобилияти пасаяди. У қандай бўлса ҳам нос топиб уни қабул қилишга интилади.

Кашандалик авж олиши натижасида одамда носга нисбатан руҳий мутъеликдан ташқари жисмоний мутъелик юзага келади. Бундай одам ўз вақтида нос қабул қилмаса боши оғрийди, бош айланади, юраги ўйнайди, бўшашади, совуқ тер босади, иштаҳаси йўқолади, руҳияти бузилади, жаҳли чиқади атрофдагиларга қўпол муомала қиласи, уйқусизлик пайдо бўлади. Ақлий ва жисмоний

иш қобилияти пасаяди, у барча имкониятларини нос топиш ва уни қабул қилишга сафарбар этишга интилади.

Нос чекувчиларда абстиненсия ҳолати 10-15 кун давом этади. Шу даврда кашанда абстиненсия ҳолатига бардош бериб, ўзида ке-чаётган руҳий ва жисмоний ўзгаришларга бардош беролмаса, яни у нос чекса, у бундан кейин ҳам кашандалигини давом эттиравера-ди. Бундан ташқари у мунтазам равищда ҳар сафар чекадиган нос миқдорини кўпайтириб боради, қабул қилиш вақтини қисқарти-риб, кунига 15-20 марта ва ундан кўпроқ чекади. Бунинг натижаси-да кашанданинг организми нос таркибидаги кимевий моддалардан заҳарланиш чукурлашашиб боради.

Нос чекишинг оқибати

Кўп йиллар давомида нос чекиши туфайли одам организми нос тар-кибидаги тамаки, оҳақ, кул каби заарли моддалардан заҳарланади.

Таъкидлаш жоизки, нос таркибидаги заҳарли моддалардан энг аввало миянинг асаб ҳужайралари заарланади. Натижада кашан-данинг руҳияти бузилади. Унинг кайфияти тез-тез ўз-ўзидан ай-никса, нос қабул қилиш муддати кечиккан пайтларда ёмонлашади, сал нарсага жаҳли чиқади. Атрофдагилар билан муносабати му-раккаблашади. Фикрлаш, ақлий меҳнат қилиш қобилияти пасаяди. Хотираси ёмонлашади, ўқиган, кўрган, эшитган нарсаларини эсида сақдай олмайди. Ўзлаштириш қобилияти пасаяди аста-секин ой-лар, йиллар ўтиши билан юқоридаги руҳий касаллик белгиларига жисмоний хасталик белгилари ҳам кўшилади. Кашанданинг юра-ги, ўпкалари, жигари, буйраклари заарланиши туфайли у ҳаракат қилган пайтида нафаси қисади, юраги уйнайди, артериал қон бо-сими кўтарилади, томир уриши тезлашади, ранги оқаради, лаблари кўкаради. Шунингдек, жигар соҳасида (ўнг қовурға остида) оғриқ пайдо бўлади. Буйраклари касалланиши туфайли эрталаб уйқудан турганда кўзларининг ости шишган бўлади. Кечқурун эса оёқлари шишади. Шундай қилиб кўп нос чекиши натижасида одам аста-се-кин ақлий ва жисмоний жиҳатдан заифлашади, иш қобилиятини юқотади, вақтидан илгари кексаяди ва ногиронга айланади:

Нос токсикоманиясини даволаш

Нос токсикоманиясига дучор бўлган беморни даволаш Здаврда ўтказилади.

Биринчи даврда бемор организми носнинг заҳарли моддаларидан тозаланади. Бунинг учун bemorning вена томирига турли хил дори суюқликлари ва дорилари юборилади. Бу давр 10-15 кун давом этади.

Иккинчи даврда bemordan нос отишга қарши шартли рефлекс ҳосил қилинади. Бунинг учун bemorga носнинг 10%ли эритмаси ичирлади: Бунинг таъсирида bemorning кўнгли айниб, қусади. Кашандага 10-20 марта нос суюқлиги ичирилгандан сўнг унда носга нисбатан манфий шартли рефлекс пайдо бўлади, яъни носнинг ҳидига нисбатан кўнгли айниб, қусади, носдан қайт бўлади.

Учинчи давр кашандаликнинг қайталанишини олдини олишга қаратилган. Bemor рухиятини тинчлантирувчи этапиразин, пропазин, неулептин каби дорилар берилади. Шунингдек, носнинг зарарли оқибатлари bemorga тушунтирилади. Кашандаликка барҳам бериш асосан кашанданинг иродасига боғлиқ.

Тамаки чекиши

Тамаки дунёнинг 120 дан ортиқ давлатида, шу жумладан, Қирғизистонда ҳам етиштирилади. Йил сайнин тамаки истеъмол қилувчилар сони ортиб бормоқда, истеъмол қилинадиган ҳар қандай шаклдаги тамаки инсон соғлиги учун хавф туттиради. Сигарета тутуни чекувчича кашанда ёнидагилар учун ҳам заарлидир. Кашандалик каби саломатлик учун шунчалик кўп ва ёмон заарарга эга одатлар кўп эмас. Лекин шу билан бир қаторда тамаки чекиши бартараф этиш мумкин бўлган ўлимнинг ягона энг муҳим сабаби деб таърифланади.

Чекиши одатми ёки тобеликми?

Чекиши асрлар мабойнида кўргина давлатларда ижтимоий мақбул ҳолат ҳисобланади. Натижада чекишини одат ва наркотик тобелик ёки аддикциянинг бошқа шаклларидан фарқланувчи ҳолат сифатида баҳолаш тенденцияси мавжуд. Чекиши саломатликка қандай заарар етказиши ҳақида қанчалик кўп билсак, кашандалар, чекувчиларни чекишини ташлашлари учун шунчалик кўп тазиик кўрсатиш мумкин. Айрим инсонлар чекишини ташлашга осон эришадилар. Бошқалар учун эса бу жуда қийин. Чекиши қачон тобеликка айланади, қачонгача у одат ҳисобланади, чекишини ташлашда кашандага кўрсатиладиган ёрдамда у қандай акс этади?

Тамаки тутуни таркибида нима бор?

Тамаки тутунида организмга турлича таъсир кўрсатувчи кўпгина ингредиентлар мавжуд.

Қатрон (смола) ва углерод оксиди (CO_2 , карбономоноксид) - асосий патоген факторлардир. Қатрон (смола) ҳиқилдоқ, ўпка раки ва бошқа ўпка касалликларни ривожланишига сабабчи бўлади. Углерод оксиди эса қоннинг кислород ташувчанлик хусусиятини пасайтиради, тўқималарга кислород келишини издан чиқаради ва чекиш билан боғлиқ юрак касалликларининг ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Никотин томирлар торайишини келтириб чиқаради, артериал босимни оширади, юрак уришини тезлаштиради ва юракнинг кислородга бўлган эҳтиёжини оширади. У нерв системасини қўзгатади. Айнан мана шу элемент чекишга “тобе” қилиб қўяди. Турли наркотик моддалар мунтазам равища истеъмол қилинса, нерв тизими хужайраларини уларнинг доимий иштирокига мослашиб қолади. Бу ҳолат “нейроадаптация” номи билан маълумдир. Агар ушбу наркотик модданинг организмига келиб тушиши кескин камайса, абстиненциянинг табиий симптомлари пайдо бўлади, чунки организм ҳаётга бу моддасиз қайтадан мослашади. Никотин нейроадаптацияни келтириб чиқаради ва кўпгина чекишни ташламоқчи бўлган инсонлар турли даражадаги абстиненция симптомларини куидагилар билан биргаликда бошдан ўтказадилар:

- чекишга мойиллик;
- енгил бош айланиши;
- бош оғриқлари;
- тилнинг лат ейиши (заарланиши);
- оғиз бўшлиғидаги яралар;
- ошқозон бузилиши;
- ич қотиши, қабзият;
- дикқат бузилиши, танглик;
- жонсараклик, безовталик;
- депрессия, руҳий тушкунлик;
- уйкусизлик;
- фикрни жамлай олмаслик.

Бу симптомларнинг интенсивлиги одатда дастлабки 2 ҳафта ичидага тезда камаяди. Нейроадаптация билан биргаликда кўпинча “ур-

ганиб қолиш” пайдо бўлади, яъни инсон бу наркотик моддага ўрганиб қолади ва унга бора-бора эффект таъсирга эришиши учун янада кўпроқ дозада истеъмол қилиш лозим чекишига, ёки битта сигаретани чекиши мобайнида кўп миқдордаги никотинни ютишига олиб келади.

Чекишини яқинда бошлаганлар никотин миқдорининг стабил бўлиши учун маълум миқдордаги тутунни ютишини тез ўрганадилар, тажрибали кашандалар эса қондаги никотин миқдорини бошқариб тура оладилар. Қонда никотин миқдори камайганда чекувчи одам чекишига жуда кучли мойиллик сезади. Чекишини ташлаш билан боғлиқ айрим муаммолар чекувчининг асаб тизими қонда никотин миқдорининг бор-йўқлигига нечоғлик тез кўнишига боғлиқдир.

Шундай бўлсада чекиши одатини ташлаши, жуда қийин. Кўпгина чекувчиларда кун давомида бир нечта асосий моментлар мавжуд бўлиб, бу моментлар уларда чекиши билан ассоцияланади (боғланади):

- уйғониш (қондаги никотин миқдори кам бўлади);
- ишга келиш;
- кофега бериладиган кичик танаффуслар;
- овқатдан кейин;
- жинсий алоқадан кейин.

Жамиятда кўпгина вазиятлар сигарета ва оловни баҳам кўришилик одат таомил характеристига эга. Чекиши инсоннинг ўзи ва унинг имиджи ҳақида тасаввурнинг бўлиши мумкин. Шундай қилиб, қаршилиқ кўрсатиш жараёнлари ва атрофдагиларнинг назорати ўрнашиб олган бундай одатдан қутилишда жуда муҳим бўлиш мумкин.

Чекиши билан боғлиқ бўлган асосий касалликлар:

- Юрак ишемик касаллиги;
- Цереброваскуляр касалликлар;
- Аорта аневризмаси ва периферик томирлар атеросклерози;
- Бронхит ва ўпка эмфиземаси;
- Ўпка раки;
- Оғиз бўшлиги, ҳалқум, ҳиқилдоқ, қизилўнгач раки;
- Сийдик пуфаги раки;
- Буйраклар раки;
- Ошқозон ости бези раки;
- Ошқозон ва 12 бармоқ ичак яралари, шунингдек чекиши бронхиал астма симптомларини ҳам зўрайтиради.

Юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ва цереброваскуляр касалларлар

Никотин юрак уриши ва артериал частотасини оширади. Углерод оксидининг ҳосил бўлиши қонда кислород миқдорининг камайишига олиб келади, бу эса томирларнинг атеросклеротик шикастланишига сабаб бўлади. ЮИК оқибатида ўлим хавфи чекувчи bemorda 2 марта юқори. ЮИК пайдо бўлиш хавфининг бошқа омиллари мавжудлигига чекувчи инсонда чекмайдиган инсонга нисбатан хавф 8 марта ошади. Катта дозаларда орал контрацептивларни қабул қилувчи аёллар чексалар, юрак хуружи, инсульт ёки бошқа юрак-қон томир касалларидан ўлиш эҳтимоли уларда 2-3 марта юқори бўлади.

Бронхит ва эмфизема

Чекиши аста-секинлик билан нафас йўлларининг заарланиши ва яллиғланишига олиб келади, бу эса альвеолаларнинг емирилишини ортиқча шиллиқ ишлаб чиқариши ва кичик нафас йўллари обструкциясини келтириб чиқаради. Ўпканинг обструктив касалларидан ўлиш ҳолатларининг 3/4 қисми чекиши билан боғлиқ.

Рак (саратон)

Сигареталар таркибидағи қатронлар (смолалар) канцероген ҳисобланади. Ўпка ракидан ўлиш ҳолатларининг 3/4 қисми чекиши билан боғлиқлиги аниқланган. Ўпка ракидан ўлиш ҳолатлари чекиладиган сигареталар сонинг ортиши ва чекиши муддатининг давомийлигига боғлиқ ҳолда кўпаймоқда.

Чекишини ташловчиларга ёрдам беришнинг маҳсус усуллари:

Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари ва клиникаларидан чекувчиларга таъсир этишининг кўпгина шакллари доимий таҳлил қилинадиган сайланма назорат синовларидан (СНС) ўтказилади.

Бу тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳеч қандай таъсир кўрсатмагандан кўра умумий амалиёт шифокорларининг қисқача маслаҳати самаралироқ; қисқа маслаҳатдан кўра умумий амалиёт шифокори ўтказадиган маслаҳат фойдалироқдир. Шунингдек, никотин ўрнини босувчи терапия (НУБТ) ҳам қисқа маслаҳатдан кўра чекишини ташловчилар сонини оширади. Тамакисиз бир кун ёки «Чекишини ташла ва ютиб ол» акциялари каби жамоатчилик таъсирларини

баҳолаш мураккаб, бироқ улар индивидуал маслаҳатдан кўра аҳолининг кўпроқ қисмини қамраб олиши мумкин ва шу тариқа фойдали самара бериши мумкин.

Нима таъсир қиласди?

Умумий амалиёт шифокорлари томонидан имконият пайдо бўлганда бериладиган қисқа маслаҳат (3 дақиқа атрофида) фойдасига доир илмий асосланган далиллар мавжуд. Кўшимча маслаҳат (10 дақиқагача) ва бирламчи тиббий санитария ёрдами бригадаси аъзосиникига кўшимча бориш самарани оширади. НЎБТ ҳам таъсир самарасини оширади. Умуман олганда, таъсир қанчалик кучли бўлса, натижалар шунчалик яхши бўлади, дейиш мумкин. НЎБТ таъсир самарасини тахминан 2 баробар оширади. Қисқа маслаҳат қайғуриш ҳаракатида бўлиши шу билан бирга ишонарли асосли чекишининг соғлиққа зарари ҳақидаги билимлар билан мустаҳкамланиши лозим. Пиравард натижада маслаҳат берувчи навбатдаги маслаҳатни зарур бўлганда ёрдам ёки далда, эҳтимол гуруҳ билан далда беришни таклиф этиши лозим. Ёрдам муаммони аниқлаш ва уларни ҳал этиш стратегиясидан иборат бўлади, яъни ёндашув кўникмаларга асосланади.

Бундай маслаҳат ва ёрдам чекишини ташлашига кучли хоҳиш бор, ўзгаришга тайёр чекувчиларга берилиши лозим. Ундан олдин эса чекувчининг ўзгаришга тайёргарлигини баҳолаш муҳим.

Никотин сақчи

- Бу сеҳрли дори эмас ва ўз-ўзидан чекиши одатини бартараф этмайди.
- Шундай бўлсада, у чекишига бўлган интилишини камайтириши зарур.
- У организмга никотиннинг тушишини таъминлайди, бироқ сигарет чеккандагидай тез эмас. У сигаретадай қоникиш бермайди.
- Сигарета ўрнида қўлланг, у билан биргаликда эмас.
- Ҳар бир бўлакчани 20-30 дақиқа яхшилаб чайнанг.
- Енгил бош айланишини ҳис қилсангиз, ҳиқичноқ бошланса ёки сақич мазаси жуда ўткирлик қиласа, пауза қилинг.
- Мазаси бир неча кун давомида ёқимсиз туйилиши мумкин. Ҳавотирланманг, бунга кўнишиб қоласиз.

➤ Абстиненциянинг дастлабки 3-4 ойида қабул қилиш тавсия этилади.

- Сақичга ўрганиб қолиш камдан-кам хўлларда кузатилади.

“Никотин ўрнини босувчи терапия” нима?

Чекиши орқали олинадиган никотинсиз ҳаётга мослашиши қийин бўлган мижозларга никотинни бошқа заарасизроқ шаклда бериш мумкин. Бу абстиненция симптомларини қисқартиради ва мижозга энг аввало чекиши одатидан халос бўлишига эътиборни жамлаш имконини беради. Никотин миқдорининг аста-секинлик билан камайтирилиши нерв тизимининг никотинсиз фаолият юритишга қайтадан тузатиш ва дискомфортни тузатиш имкониятини беради.

Никотин ўрнини босувчи терапия маҳсус воситалар: сақичлар, обаки конфетлар, пластирлар, бурун аэрозоллари ва ингаляторлар ёрдамида ўтказиш мумкин. Сақич жуда батағсил текшириб кўрилган. Кейин пластир текширилади. Энг муҳими бу маҳсулотлар йўриқномага мувофиқ кўлланилиши лозим. Шунда никотинга боғлиқлик самарали ва секин-аста камаяди. Бу товарлар қиммат туради, бироқ уларнинг нархини саломатликка етказилган зарар нархи ва чекувчининг харажати билан таққослаб кўриш лозим.

Мисол сифатида никотинли сақичдан фойдаланувчилар учун тавсиялар келтирамиз. Тавсиялар Буюк Британия тибиёт уюшмаси ва Британия саратонни текшириш жамғармаси (Англия 1989) томонида чоп этилган “Мижозингиз чекишини ташлашида ёрдам беринг” материалларидан олинган.

Бошқа услублар.

Чекиши одатидан халос бўлишда ёрдам бериш учун кўпгина бошқа услублардан фойдаланиб кўрилган, масалан: “чекищдан жирканиш” терапияси, гипноз, нуктали уқалаш, лазер терапия, турли даволаш курслари ва кимёвий воситалар. Буларнинг бир қисми клиник синовлардан ўтган, бошқалари эса йўқ. Юқорида қайд этилган ва бошқа ҳар қандай услублар ҳозирча етарлича илмий текширилмаган, яъни уларнинг даво самараси ва аҳамиятига (гипноз ёки лобелиялар) эга эканлиги оддий далда ёки маслаҳат каби натижалар бериш бермаслиги тўлиқ аниқланмаган.

Шу боисдан даволашнинг ушбу усусларидан фойдаланишни тавсия этиш ва тарқатиш учун етарли асослар йўқ. Чекланган ресурсли давлатларда клиник синовларда услубларнигина кўллашга эътиборни қаратиш лозим. Шунга қарамасдан агар мижоз ушбу даво усусларидан биронтасини кўллашни хоҳласа ва унга ёрдам беришга ишонса, тиббий ходим мижознинг ҳоҳишига кўра иш ту-

тиши мумкин, айниқса, бу даво учун, масъулиятни кучайтириш ёки ижобий муносабатлар қўшилишига сабаб бўлса.

Бу ҳақда кўп сўрашган боис тиббий ходим сўнгги хулоса ва текширувлардан хабардор бўлиши, текшириш услубларини жиддий баҳолаш лозим.

Гуруҳлар.

Даволашнинг кўпгина шакллари индивидуал консультация ёки оиласи консультациялар ўрнига ёки биргаликда гуруҳларда ўтказилиши мумкин. Агар гуруҳлардаги машғулотлар кўллаб-куватлашни кучайтиришга ва бошқалар олдидағи масъулиятни оширишга ёрдам беради, бу эса даволашда қўшимча афзаликларга эга бўлишига олиб келади. Бироқ гуруҳларда ва индивидуал даволашни қиёсий текшириш тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас.

Хулоса:

Яқинда АҚШ Соғлиқни сақлаш давлат хизмати томонидан чоп этилган ва барча тадқиқотлар натижаларига асосланган қўлланмада тиббиёт ходимларига аниқ тавсиялар берилади. Бу тавсиялар кўйида жамланган:

1. Хар бир чекувчига чекишини ташлаш тўғрисида маслаҳат ва ҳар бир ташриф чоғида даво таклиф этиш лозим.
2. Тиббиёт ходимлари ҳар бир мижоздан тамаки истеъмол қилиши тўғрисида маълумотни аниқлаши ва ёзиб олиши лозим.
3. Чекишини ташлашга оид тавсия ёки маслаҳат, ҳаттоқи З дақиқалик бўлса ҳам самарали ҳисобланади.
4. Ёрдам қанчалик жадал, интенсив бўлса, узоқ абстиненцияга эришишдаги самара шунчалик юқори бўлади.
5. Никотин ўрнини босувчи терапия (НЎБТ), тиббиёт ходими нинг далласи ва кўникмаларига ўрганиши чекишини ташлаш бўйича кўрсатиладиган ёрдамнинг самарали компонентлари ҳисобланади.
6. Соғлиқни сақлаш тизимларини шундай ўзгартириш керакки токи улар барча тамаки чекувчилар уйига борсин ва уларга ҳар бир ташриф чоғида таъсир кўрсатсан.

Чекишини ташлашда ўз-ўзига ёрдам берии усуслари.

Аксарият собиқ кашандалар чекишини ташлашда ҳеч кимнинг ёрдамидан фойдаланмасликларини ва оила аъзолари ёки дўстларининг кўллаб-куватлашлари мутахассислар ёрдамидан кўра

күпроқ қўл келиши ҳақида гапирадилар. Демак, ўз-ўзига ёрдам бериш бўйича собиқ кашандаларнинг тажрибасидан кўпгина сабоқ олиши мумкин.

Ҳар бир кашанда ўзининг индивидуал эҳтиёжлари, турмуш тарзи ва афзалликларига мос ҳаракат режасини тайёрлаши лозим. Собиқ кашандалар фикрига кўра, бир неча фойдали режалар куийда келтирилмоқда. *Мажбуриятлар*: чекиши ташланадиган санани танлаш ва шу кундан эътиборан чекишини ташламоқчи эканлигиниз ҳақида оиласиз, дўстингиз ва ҳамкасларингизга маълумот қилинг; чекиладиган сигареталар сонини қисқартирмасдан чекишини батамом ва бирданига ташланг.

Муҳитни назорат қилиши:

➤ Зажигалка, кулдон ва ҳоказоларни ташлаб юборинг.
➤ Имкони борича чекиши мумкин бўлмаган жойларни белгиланг (уйда, автомобилда,офисда). Дастреб 2 ҳафтада юқори хафвали холатлардан ўзингизни олиб қочинг.

Акс таъсир:

➤ Куннинг чекиши билан боғлиқ асосий моментларида ўзингизни тутишнинг алтернатив йўлларини ишлаб чиқинг.
➤ Хумор фикрларини енгиш учун алтернатив фикрлар ишлаб чиқинг.
➤ Ҳар доим чекишини бир кунга тўхтатиш ҳақида ўйланг.
➤ Асослар заифлашганда чекишини ташлаш учун сабабларни ўйланг.
➤ Ўзингизнинг жисмоний ҳолатингиз ҳақида қайғуринг, айниқса, абстиненция симптомлари жуда кучли бўлганда.
➤ Яхши овқатланинг, тўйиб ухланг, зўриқманг (ўргача жисмоний зўриқиши тавсия этилади).
➤ Чекиши хумори тутганда чалғитувчи моментларни ўйлаб топинг.

Мукофотлар:

➤ Чекишини тўхтатиш натижасида иқтисод қилинган пулларни ўзингизга совға олишга ишлатинг.
➤ Ўзингизни мақтанг ва муайян бир кун, бир ҳафта, бир ой бошқалардан мақтov олишга ҳаракат қилинг.

Алкоголизм

Алкоголь замонавий жамиятда турлича роль ўйнайди. Ундан кувончли воқеани нишонлашда ёки жудоликни кўз ёши билан ювишда, ҳавотирни сусайтириш, унутиш, бўшашиш ёки яхши таомдан олинадиган лаззатни кучайтириш учун фойдаланилади. Дунёнинг кўпгина давлатларда спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш кўплаб инсонларнинг эҳтиёжини таъминловчи саноатнинг муҳим соҳаси ҳисобланади.

Алкоголь психоактив моддалар қаторига кирсада, бошқа психоактив моддалардан расмий ҳаммабоплиги ва замонавий жамиятнинг аксарият аъзоларининг алкоголь бўлган хайриҳо муносабати уни ажратиб туради. Алкоголни кам истеъмол қилувчи кўпгина инсонлар сезиларли муаммоларга дуч келмайдилар. Бундай инсонларни алкогольнинг истеъмолчилари деб аташади. Ижтимоий истеъмолни қаерда, ким билан, қанча ва айнан нима ичаётганини назорат қила олади. Бироқ шундай инсонлар тоифаси ҳам борки, улар ичаётган спиртли ичимликларнинг миқдорини назорат қила олмайдилар. Бундай инсонларга ичкиликбозлик оқибати наркотик моддаларнин қабул қилиш оқибатлари сингари оғир бўлади. Бу инсонлар ичкиликбозлик беморлари ва улар озмунча эмас. Шундай қилиб алкоголизм замонавий жамиятнинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Ичувчилар ва алкогольга боғлиқ муаммо турлари.

Анъянага кўра асосий эътибор аниқланган алкоголиклар ёки алкогольга тобе шахсларга қаратилади. Шундай бўлсада, кўпгина давлатларда алкоголь легал (қонуний равишда йўл қўйилган), ижтимоий мақбул товар ҳисобланади ва бу вазиятда ижтимоий истеъмоллар алкогольга боғлиқ муаммоларни бошдан кечирадилар ёки сабабчи бўладилар. Тиббиёт ходимлари алкогольга тобе шахсларга ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатишлари лозим, бироқ уларнинг вазифасига янада кенгроқ доирадаги муаммоларнинг пайдо бўлишини олдини олиш ҳам киради. Муаммолар мунтазам мастлик ҳолати оқибатида келиб чиқиши мумкин (ластдаги жадвалга қаранг).

Мастлик ҳолати билан боғлиқ муаммолар

Ижтимоий муаммолар	Психологик муаммолар	Жисмоний муаммолар
<ul style="list-style-type: none"> • Оилавий жаңжаллар • Ўйда зўравонлик • Болаларга ёмон муомалада бўлиш, парвариш килмаслик. • Маиший баҳтсиз воқеалар • Ишга сабабсиз келмаслик. • Ишхонада баҳтсиз воқеалар • Самараисиз иш. • Жамоат жойларида ичкиликбозлиқ • Жамоат жойларида тажовузкорлик • Стадионларда безорилик • Зарап етказиши: • ўғриликлар • кулфузарлик • босқинчилик • қотиллик • маст ҳолатда транспорт бошқариши • машина олиб қочишлар • йўл қойдаларини бузиш • зўрлаш • исталмагац ҳомиладорлик. 	<ul style="list-style-type: none"> • Уйқусизлик • Депрессия • Безовталиқ • Хотиранинг сусайиши • Ўз жонига қасд қилишга урининш • Ўз жонига қасд қилиш • Шахснинг таназзулга учраши • Оқ иситма оғир руҳий касалик • Абстиненция давридаги тиришишлар • Галлюцинациялар • Ақли заифлик • Қимор ўйинларига ружу кўйиш • бошқа наркотик моддаларни қабул қилиш 	<ul style="list-style-type: none"> • Гепатит • Гастрит • Панкреатит • Подагра • Юрек аритмияси • Баҳтсиз воқеалар • Жароҳатлар • Инсульт • Ўтирик алкоголь захарланиши • Тавсия этилган дориларни ичишдан бош тортиш • Импотенция • Ҳомиланинг зарарланиши

Мунтазам ичкиликка ружу қўйши оқибатида келиб чиқа- диган муаммолар

<i>Ижтимоий муаммолар</i>	<i>Руҳий муаммолар</i>	<i>Жисмоний муаммолар</i>
<ul style="list-style-type: none"> • оилавий муаммолар • ажралишлар • бошлананинг йўқлиги • ишдаги қийинчиликлар • ишсизлик • молиявий кийинчиликлар • қаллоблик • қарзлар • дарбадарлик • мастлиги учун доим гап эшлишишлар 	<ul style="list-style-type: none"> • Уйкусизлик • Депрессия • Ҳавотирлик • Ўз жонига қасд килишга уринишлар 	<ul style="list-style-type: none"> ◦ Ёғ гепатози ◦ Гепатит ◦ Цирроз ◦ Жигар раки ◦ Гастрит ◦ Панкреатит ◦ Оғиз бўшлиги, ҳалкум, қизилўнгач раки ◦ Кўкрак раки ◦ Йўғон ичак раки ◦ Етарлича овқатланмаслик, семириб кетиши ◦ Кардиомиопатия ◦ Артериал босимнинг кўтарилиганини ◦ Инсульт ◦ Мия фоалиятининг бузилиши ◦ Нейропатия ◦ Миопатия ◦ Жинсий ҳаётнинг бузилиши ◦ Бепуштилик ◦ Ҳомиланинг заарланиши ◦ қоннинг захарланиши ◦ Бонқа наркотик моддалар билан ўзаро таъсири

Алкоголь ичиши турлари

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқсан ҳолда, алкоголни муаммоли қабул қилишнинг 3 тури мавжуд:

- ◆ Хавфли ичиш;
- ◆ Заарли ичиш;
- ◆ Алкоголга тобе бўлиш.

Хавфли ичиш алкогол истеъмол қилишнинг шаклланган ва у келажакда жисмоний ёки руҳий саломатликка заар етишининг юқори хавфини мужассам этган, бироқ бунинг оқибатида ҳали

жисмоний (соматик) ёки руҳий касаллик ривожланмаган бўлади.

Хавф даражаси нафақат истеъмол қилиш миқдори билан, балки бошқа шахсий омиллар - оиласвий анамнез, мутахассислиги, турмуш тарзидаги бошқа хавф омиллари, ночорлик ва бошқалар (масалан, тушлик пайтидаги ичкилиқ оқибатидаги баҳтсиз ҳодисанинг юзага келиш хавфи хизматчидан кўра қурувчидаги юқорироқдир) билан белгиланган. Хавфли ичишда қисқа маслаҳатлар муаммolarнинг пайдо бўлишини олдини олиши мумкин.

Зараарли ичиш - алкоголь истеъмол қилишнинг жисмоний ёки руҳий саломатликка зиён етказадиган тури. Организмга етказилган зиён аниқланганда, мижоз соғлик ва ичкилиқ ўртасидаги боғлиқликнинг юзага келган муаммога боғлиқлигини аниқ кўриши мумкин, бу эса ўзгаришга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундай тоифага кирувчи мижозлар билан ишлашдаги асосий таъсир етказилган зарар билан ишлашдаги алкоголь истеъмоли ўртасидағи боғлиқликни аниқлаши мумкин.

Алкоголга тобе бўлиш - бу инсондаги комплекс симптомлар ва ўзини тутиш типлари бўлиб, улар алкоголь инсон ҳаётида марказий ўрин эгаллаганидан, буни ўзгартиришда қийналаётганидан, эҳтимол нейроадаптация жараёни содир бўлганидан далолат беради. Бундай тоифадагилар билан қисқа маслаҳатлар ўтказиш фойда бермайди, уларни мутахассисга юбориш зарур.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами хизмати ходими вазифасига муаммо характеристини аниқлаш ва мутахассисга ёрдам учун мурожат қилишнинг эҳтимолий афзалликларини мижоз билан муҳокама қилиш киради. Ўзгариш жараёнлари бу инсонларга ҳам фойда беради, бироқ амалга ошириш босқичларида уларга жуда кучли ёрдам хизмати ходим билмайдиган масалалардан фойдаланиш керак бўлади.

Алкоголь итеъмол қилиш бўйича тавсиялар

Бу тавсиялар ва изоҳлар 1993 йилги Ҳалқаро симпозиумдан кейин Торанто (Канада)даги аддикцияни ўргиниш Фонди томонидан ишдаб чиқилган.

1. Асосий қоида сифатида-инсон қунига 2 стандарт дозадан ортиқ алкоголь итеъмол қилмаслиги лозим. Бу чеклов ўрта гавда тузилишига ва яхши саломатликка эга катта ёшдаги эркаклар учун ичкилиқ истеъмоли миқдори асосида ишлаб чиқилган. Агар ички-

лик истеъмоли ушбу миқдордан ошмаса, соғлиқда муаммо юзага келиши хавфи минимал бўлади.

2. Алоҳида гурухлар учун ичкилик истеъмоли миқдори камайтирилиши лозим. Тана вазни, гавда тузилиши ва моддалар алмашинувига боғлиқ ҳолда айрим инсонлар учун катта чекловлар мавжуд. Алкоголнинг ҳаттоқи кунига стандарт дозаси ҳам аёлларда кўқрак саратони пайдо бўлиш хавфини ошириши мумкин. Бошқа ҳолатларда ҳам, мисол учун, болани эмизишда, алкоголь истеъмоли ҳаттоқи кам ичувчилар орасида ҳам минимум бўлиши лозим. Тажрибасиз ичувчилар ва кичик тина вазни инсонлар ҳам катта чекловларга амал қилишлари лозим.

3. Ичмайдиганлар саломатлик учун хавф пайдо бўлишининг олдини олиш учун спиртли ичимлик истеъмол қилишни бошламасликлари лозим. Юрак ишемик касалликлари хавфини қисқартиришнинг максимал эффиқти тасдиқланадиган кам миқдордаги алкоголь истеъмолининг аниқ типи ҳали маълум эмас. Кўпчилик учун, аксарият ичмайдиганларни айтмагандা, алкоголь истеъмоли туфайли юзага келадиган хавф ЮИК пайдо бўлиши хавфининг ҳар қандай камайишидан устунлик қиласди. Ичмайдиганларнинг қанчаси учун бу хавф қисқарган бўлсада, улар ичимликнинг шундай альтернативаларини мисол учун мунтазам енгил жисмоний машқлар ва ёғли таомлар истеъмолини камайтириш ҳақида ўйлаб кўриш лозим.

4. Ичувчиларга саломатликка хавфни камайтириши учун вақти –вақти билан ичимлик истеъмолини ошириш тавсия этилмайди.

Алкоголь истеъмол қилиш оқибатидаги хавфни қисқартириш ичимликнинг кам миқдорда қабул қилишдагина юзага келади. Кунора, яъни икки кунда бир алкоголни битта стандарт дозадан қабул қилиб, ЮИК пайдо бўлиш хавфини анча қисқартириш мумкин. Ичимлик истеъмолининг ЮИК ни пайдо бўлиши хавфини камайтирувчи аниқ тури маълум бўлмасада, эҳтимол, ичувчиларнинг вақти–вақти билан алкоголь истеъмолини ошириши аксарият ҳолатларда саломатлик учун ноxуш оқибатлар хавфини оширади.

5. Кунига икки стандарт дозадан ортиқ ичувчиларга ичкилик истеъмолини қисқартириш тавсия этилади. Кунига ичкилик истеъмолини 2 стандарт дозагача чегаралаш истеъмол миқдорини камайтиришга йўналтирилган индивидуал тавсиялар ва клиник

таъсирлар учун долзарб ҳисобланади. Кўп истеъмол қилувчиларнинг ЮИК хавфини қисқартиришга эришишлари даргумон, балки соғлиқ учун ноxуш оқибатларнинг ва яхши комплекслари пайдо бўлишининг юқори хавфига эришадилар.

6. Ҳафтанинг бир кунини алкоголсиз ўтказиш тобеликнинг кундалик хавфини минимумга камайтириш учун тавсия этилади. Кўпгина тадқиқотларда кундалик алкоголь истеъмоли ва унинг кўп микдордаги истеъмоли ўртасида боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади.

7. Ичувчиларга маст бўлишдан сақланиш тавсия этилади. Маст бўлиб қолгунча ичиш соғлиқ учун ноxуш оқибатлар ва ижтимоий асоратларнинг пайдо бўлиш хавфини жуда оширади.

8. Ҳомиладор аёллар спиртли ичимликлар истеъмолидан ўзларини тийишлари лозим.

Бу тавсия ҳомилада алкоголь синдромининг (ХАС) ва ҳомилага алкоголь таъсири (ХАТ)нинг ривожланиши хавфи эҳтимолига асосланади. Алкоголь истеъмол қилганда ХАС ва ХАТ хавфининг сезилларли ошиши кузатладиган аниқ чегарани аниқлаш лозим. Ичкиликнинг кам микдорда истеъмол қилинишида ҳомиладорликнинг ноxуш кечиш хавфи аниқланмаган. Айрим тадқиқотларда “ўртacha” ичиш туғруққача бўлган даврдаги таъсир этиш, баъзи тадқиқотларда эса таъсир этмаслиги аниқланмаган. Ҳомиладорликнинг биринчи триместри даврида ичиш ва ичиб туриш айниқса, хавфли. Бир узоқ давом этган тадқиқотда ҳомиладорлик пайтида ичкилик ичиш даражаси билан чақалоқлар юзида тутма аноманиялар ўртасидаги прогрессив боғлиқ кўрсатиб берилган, ичкилик ичишнинг ҳаттаки паст микдорида ҳам эфекти намоён бўлган. Ичимлик истеъмол қилишининг хавфсиз микдори аниқланмаганилиги сабабли ҳомиладор аёллар умуман алкоголь истеъмол қилмаслимклари маъкул. Ҳомилардоликнинг биринчи триместрида хавфнинг юқори бўлишини билган ҳолда ҳомиладорликни режалаштирган аёлларга алкогольдан умуман сақланиш тавсия этилади.

9. Муайян ҳолатларда ва айрим инсонларга умуман ичмаслик маъкул. Бу тоифага қўйидагилар киради:

- ◆ Муайян руҳий ва жисмоний касалликлари мавжудлар;
- ◆ Муайян медикаментлар ёки психотроп моддалар қабул қилувчилар;

- ◆ Транспор ёки техник бошқарувчилар;
- ◆ Жамоатчилик тартиби ёки хавфсизлигига масъул шахслар;
- ◆ Алкоголь истеъмоли қонун томонидан ман қилинган шахслар, масалан, вояга етмаганлар;

10. Саломатликка тегишли ҳар қандай сабаб боис ичкилик ичиш микдорини кўпайтирмоқчи бўлганлар олдин врач билан маслаҳатлашишлари лозим. Оилавий шифокорлар алкоголь истеъмол қилишга қарши кўрсатмаларни аниқлаши мумкин. Шунингдек, у қайси дорилар алкоголь билан таъсирга кириши мумкинлигини аниқлади ва ЮИК хавфини қисқартиришнинг альтернатив йўллари ҳақида маълумот бериши мумкин.

Тавсиялардаги индивидуал ёндашув.

Ушбу умумий қоидалар асосланиш лозим, бироқ индивидуал ҳолатлар турлича бўлиши мумкин. Пировардида мижозга танлаш ҳуқуқини бериши ва тиббий тавсияларни тушунишига ёрдам бериш лозим.

Алкоголь истеъмолини ўзгартиришида медикаментоз ёрдам.

Ичкиликка ружу саломатлик учун хавф туғдиради ва бу муаммо бўйича шифокор ва тиббий ҳамширалар маслаҳатлар ўтказадилар. Алкоголь истеъмолини камайтириши учун қандайдир медикаментоз ёки фармацевтик ёрдам мавжуд бўлиши керак деган фикр тарқалган.

Кисқа муддат давридаги жисмоний тобелик ҳолатида абстиненция симптомларини нейтраллаштириш учун кўпинча транквилизаторлар, мисол учунベンодиазепин кўлланилади. Бу инсоннинг ичишга бўлган хоҳишига таъсир этмайди ва узилишидан кутилишда ёрдам бермайди. Бу бошлангич дискамфорт ва организмда нерв тизими алкоголнинг доимий иштирикига мослашган бир пайтда алкоголь истеъмоли тўсатдан тўхташи оқибатида юзага келган шикоятларни бартараф этишда ёрдам беради. Аксарият ичкиликка ружу кўйганларга бундай медикаментоз ёрдами керак эмас. Ичиш истагини бартараф этадиган препарат топишга кўп ўринишлар қилинди. Ҳозирги кунга қадар дисульфирам энг фойдали препарат хисобланади. Бу модда организмни алкоголга жуда сезгир қилиб кўяди. Бу модда қабул қилинганидан кейин (одатда кунига 1 марта), ичимлик ичиш нохуш ҳолатларни чақиради: ҳароратнинг кўтарилиши, бош оғриғи, юрак уриши, кўнгил айниши,

бош айланиши ва ҳаттоқи ҳушдан кетиш. Айримлар бу уларнин ичмиллик ичмаслик қатъиятини оширади деб ҳисоблашади. Бу модда яхши стратегиясини ўз ичига оловчи кенг дастурнинг бир қисми сифатида яхши таъсир этади.

Шубҳасиз, бу дори воситаларини ичишни ташлашига қарор қилганларгина қабул қилишлари (хошишга кўра) лозим. Улар юриш-турищдаги ўзгаришларини психологик жараёнлари ўрнини боса олмайди, бироқ улар ичкиликка ружу қўйганлар, ўзининг ичмаслик қарорини бажара олмай қийналаётганлар учун фойдали бўлиши мумкин.

Шунингдек, бошқа препаратлар ҳам ишлаб чиқилди ва клиник синовдан ўтказилди. Саломатликни мустаҳкамлашга оид қисқа консультацияга нисбатан уларнинг бирортасининг таъсири ўрганилмаган.

Ушбу масала юзасидан сўнгги тадқиқотлар шарҳида. Мон-крифф ва Драммонд (1997) шундай хulosага келдилар, яъни ҳозирги пайтда текширилган моддалардан бирортасини клиник амалиётга киритишини тавсия этишга етарлича асослари йўқ.

Ҳозирги кунда ажойиб ва истиболли моддалар деб алкоголга тобе инсонларда алкогольга бўлган эҳтиёжни камайтирирадиган ампросат ва алкоголь қабулига боғлиқ эйфорияни камайтирувчи налтрексон ҳисоланади. Ичкиликка ружу қўйган тобе инсонларга нисбатан бу алкогольга таъсир ўрганилгунга қадар ичкиликтозлик эҳтиёжи билан курашишнинг энг яхши услуги ўзгариш жараёнларини ўз ичига оловчи онгли хулқ услуги ҳисобланади.

VII БОБ. ОИЛА ТИББИЁТИ ҲАМШИРАСИННИНГ ОИЛАДА АЁЛЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш.

7.2. Контрацепцияни тарғиб этишда ҳамширалар роли.

7.3. Аёлларда камқонлик ва рационал овқатланиш

7.1. Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатида оналик ва болаликни ҳимоя қилиши.

Баҳор бошланишиданоқ ҳалқимиз шодиёналар, қувончли кунлар билан юзма-юз келади. Балки шунинг учун баҳор меҳр-муҳаббат, оқибат, гўзаллик фасли сифатида бизнинг ҳаётимизда алоҳида ўрин тутади. Ҳар йили 8 март – Ҳалқаро хотин-қизлар куни юртдошларимиз томонидан қизғин нишонланади. Бунинг сабабчилари эса бетимсол гўзаллик ва бетакрор фазилатлар эгаси бўлган муҳтарама ва мунис аёлларимиздир. Аёл ҳақида сўз кетар экан, буюк ва улуг даҳолар ҳам унга энг гўзал ва энг сара сўзларни лутф айлаганлар. Жумладан, ахли сўз ахтаргувчилардан бири шундай дарж этади: “Табиатда мукаммал бир мўъжиза бор, у-АЁЛдир!”. Дарҳақиқат, аёл зотига берилган бу қадар инжа таъриф айни ҳақиқатлиги, шубҳасиз. Биз ҳам ана шу қутлов ва эҳтиромлар ила калом айларканмиз, даставвал кўхна ва навқирон мавзу – аёл назокати, малоҳати, сиёсати ва маънавияти ҳақида тўхталгимиз келди.

Айни кунларда ватанимиз ахолисининг 51 фойздан зиёдини аёллар ташкил этади. Улар нурафшон оилаларимизнинг бекаси, чироғидир. Қишлоқ жойларида ҳар бир оиласга ўртача 5-6, шаҳарда 3-4 нафардан фарзанд тўғри келишини ҳисобга олсак, оналаримиз ҳаракати, фаолият кўламиининг салмоғини тасаввур қилиш қийин эмас.

1776 йилда мустақилликка эришган АҚШда Конституция қабул қилиш учун 10 йил, мамлакатни қулликдан озод этиш учун

89 йил, аёллар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиши учун 144 йил, қонун олдида барча фуқаролар тенглигини таъминлаш учун эса 188 йил керак бўлди. Биз мустақил давлатда яшаётган илк даврда аёлларимиз китоб билан дунё майдонига чиқиб улгурди. Санъат, тадбиркорлик, спорт ва бошқа соҳалардаги 5-6 та исмнинг ўзиёқ ўзбек аёли ҳақида узоқ-яқин мамлакатларда чиройли бир тасаввур уйғота олди.

Ёки санъат ва мусиқа соҳасида дунёнинг Париж, Рим, Берлин, Токио, Москва, Прага, Кохира, Сеул, Дехли каби йирик маданият марказларида бўлиб ўтган халқаро кўрик-танловларда 273 нафар ўкувчи ва талабаларимиз ғолибликка эришгани ва уларнинг 153 нафари қиз болалар эканини катта мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир. Ана шу охирги уч йил мобайнида 1 минг 464 нафар истеъоддли спортчи ёшларимиз халқаро мусобақаларда зафар қозонган бўлса, уларнинг 448 нафари айнан қизларимиз экани албатта барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Бундай юксак ютуқларга унча узоқ бўлмаган фурсатда эришганлигимизнинг сабаби нимада эканлигига жавобни тарих илдизларидан, мамлакатимизнинг уларга бўлган муносабатидан ва аёлларимизнинг миллий характеристидан топиш мумкин.

Тадқикот қилсангиз, тарихда ҳам аждодларимиз фарзанд тарбияси билан мунтазам шугулланганлар. Ҳеч қайси миллатда тарбия шакллари биздагидай мукаммал ишланган эмас. Бу борада мұхтарама оналаримизнинг ўрни ниҳоятда катта бўлган. Бир қарашда мүниса, дилбар кўринган бу хилқат керак пайтда умр йўлдошининг яқин маслаҳатдоши бўла олган. Амир Темур, Мирзо Улугбек ёнларида турган Бибихоним, Гавҳаршодбегим каби оқила аёллар бизга ибрат. Бобур авлодларидан Жаҳонгиршоҳнинг суюкли рафиқаси Нуржаҳонбеким давлат ишларида, сиёсатда тенгма-тенг иштирок этган. Демак, юрт, миллат тақдиди учун жавобгарлик бизнинг қонимизда бор. Мустақиллик ана шу мерос ҳиссиятни уйғотди, аёлни она, бека, фуқаро - уйғун бир қудрат сифатида тасаввур этди. Бугун аёл ўрни нафақат оиласда, жамиятда, балки давлат сиёсатининг марказий нуқталарида ҳам мавжуд. Кўхна Шарқ аёлининг табиий кўркамлийка йўғрилган малоҳати ҳали-хануз дунёни мафтун этиб келаётганининг боиси, оналик меҳр-муҳаббати, оиласа фидойилиги, Ватангга садоқати ва аёллик латофатида эмасми? Ас-

лида ҳам аёлларимизнинг асл гўзалиги оиласага бўлган муносабати билан белгиланади. Ана шу юксак гўзалик мартабасини сақлаб қолиш учун оиласинг муқаддаслиги, илоҳийлиги тушунчасини ёшлар онгига қай йўсинда муҳрлаш мумкин?

Оила инсонга баҳт ва тўқислик келтирувчи, авлодлар давомийлигини таъминловчи маскан бўлиб, у аёл билан тўлиқ ва зийнатлидир. Аёлнинг муқаддас гўшасига бўлган хурмати чексиз. Шу туфайли зиммасида тоғдек турган улкан масъулият ва вазифаларидан ҳеч-да толиқмайди, аксинча, жон томирлари меҳр, мурувват ва фидойилик туйғуларидан куч олаверади. Бизнинг эса ундан сўраганларимиз шу қадар кўпки, еҳ-хе, санасак улар худди ёмғирдай ёғаверади: сабр – аёлдан, кечириш – аёлдан, рўзгор юмушлари – аёлдан, миллатнинг келажаги аёлдан, ҳатто жамиятдаги барқарорлик, юртдаги осойишталик, дунёдаги мувозанатни тутиб туриш ҳам аёлдан ва ҳоказо... Бу заҳмат, бурч ва масъулиятларни жимгина кўтариб юрган Аёлнинг матонати эса янада юксалиб бораверади. Бардоши метиндан, қалб кўргони капалак қанотидаги эпкиндан титраган Аёл бизга, оиласига, фарзандларига, жамиятга умри давомида борини бераверади.

Демак, аёлни гўзалик шоҳсупасига олиб чиқсан фазилатлари ана шу заҳматлари, меҳнатлари, бардошлари маҳсули эмасми?! Одам ва олам Аёл меҳр-муруввати билан кўкариб бораркан, унинг маънан ва жисмонан тугаллиги учун барчамиз бирдек масъулмиз. Давлат ва жамият хаётида хотин-қизларнинг мавқеи ва ўрни алоҳида аҳамиятли, унинг тақдирни келажак билан чамбарчас боғлиқ. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан ислоҳотларда бу масалага жиддий эътибор қаратилди. Шундай эмасми?

Истиқлол ҳар биримизнинг ҳаётимизга ўзига хос янгиликлар инъом этди. Хусусан, мустақиллик юртимиз хотин-қизлари тақдирiga алоҳида маъно билан кириб келди. Аёлнинг жамиятдаги тенглиги, мавқеи, ўрни, ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимояланиб, давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди. Улар манфаатларини кўзлаган ҳолда, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёл мавқенини ошириш, оиласи мустаҳкамлаш ва унга турли имтиёзлар бериш борасида бир қатор муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги, никоҳнинг барқарор

бўлиши, фарзанд тарбиясида ота-онанинг ҳукуқ ва мажбуриятлари бир хиллиги Конститутсиямизнинг 46-, 63-, 64-, 65-, 66-моддаларида, шунингдек, тегишли қонунларда ўз ифодасини топди.

1998 йил – “Оила йили”, 1999 йил – “Аёллар йили”, 2000 йил – “Соғлом авлод йили”, 2001 йил – “Оналар ва болалар йили”, 2007 йил – “Ижтимоий ҳимоя йили” ва жорий “Баркамол авлод йили” да қабул қилинган Давлат дастурларининг амалиётга татбиқ этилишида ҳам ушбу эътибор ва мақсадлар мужассам. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги “Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-кувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони оиласларнинг тиббий маданияти даражасини янада ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уларни тарбиялаш учун шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларда ҳам хотин-қизлар манфаатлари устуворлиги кўзда тутилган. Хуллас, юртимиизда ислоҳотлар жараёни кечар экан, жамиятда аёл масаласи энг кўп тилга олинадиган мавзуга айланди.

Жамиятнинг ижтимоий-маънавий-сиёсий иқлимини яратишида оналар, хотин-қизлар етакчи кучdir. Айниқса, истиқлол гояларини ёш авлод онгига сингдириш Она табиатидаги хурлик, озодлик чашмаларидан, оиласпарварлиги, элпарварлиги авлодлар тақдирига масъуллигидан бошланади. Бунинг учун хотин-қизларимизнинг дунёқарашлари шунга монанд бўлиши тақозо этилади. Шунингдек, бугун хотин-қизларнинг ҳукуқий саводхонлигини оширишдан кўзланган яна бир жиҳат улар ҳаётида учраётган муаммоларни ечиш билан ҳам боғлик.

Жамиятнинг тўлақонли аъзоси ҳисобланган аёл агар ўз ҳақ-ҳукукларини тўла билмас экан, турмуш шароитида кўплаб зиддиятларга дуч келиши, ўзини ҳимоя қила олмаслик ҳоллари давом этаверади. Бу еса нафақат давлат, жамият, балки барчамизнинг энг оғрикли нуқтамиз ҳисобланади. Шу боис ҳозирги кунда жамият маънавиятини юксалтириш, аёлларимизни янги ижтимоий ҳаётга мослаштириш, ёшларни турмуш қуришга тайёрлаш, уларнинг маънавий, ҳукуқий, шу билан бирга тиббий онгини шакллантириш масалалари долзарб аҳамият касб этади. Айниқса, оиласвий

ажралишларнинг олдини олиш ёхуд камайтиришда оиласдаги катталарнинг алоҳида ўрни борлигини эътиборга олган ҳолда, ота-оналарнинг ҳукуқий онги ва ҳукуқий маданиятини юксалтириш зарурати туғилади. Ҳозирда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси қошида “Хотин-қизлар ўртасида ҳукуқий саводхонликни ошириш уюшмаси”, Тошкент шаҳар “Элнажот” нодавлат-нотижорат хотин-қизлар ташкилоти ташаббуси билан ташкил этилган “Қайноналар мактаби” ўқув машғулотларида ана шу жиҳатларга ҳам асосий эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, ФХДЁ бўлимлари, туман хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш, ички ишлар бўлимлари, маҳалла жамғармалари билан ҳамкорликда “Ёш оила қурувчилар” мактабларини ташкил этишдан мақсад-муддао хотин-қизларнинг ҳукуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган десак, хато бўлмайди.

Улкан мақсадлар одам руҳиятида шиддатли ўзгаришлар ясайди. Дунё миқёсида тараққиёт юқори чўққига чиққан бугунги кунда жамиятдаги ўзгаришларни теран англаб, тўғри хуоса чиқаришлари учун аёлларимизнинг диққатини яна нималарга қаратиш лозим, деб ўйлайсиз?. Улуғ муттафаккир Алишер Навоий: бола тарбиясида хушёр ва соҳиби ақл бўлишимиз, биз ота-оналар учун ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини такрор ва такрор уқтириб ўтганлар. Бу пурҳикмат сўзлар нафақат қадриятларимиз, балки бугун юритаётган сиёсатимиз мазмунига айланди.

“Баркамол авлод йили” бола тарбияси, соғлиғи, маънавияти борасида зийрак ва сергак бўлишимиз баробарида, зиммамизга янада кўпроқ масъулият ҳамда вазифаларни юклади. Яъни, соғлом авлод тарбиясида, йигит-қизларимиз онгида пок туйғулар, муқаддас удумлар, масъулият ва мажбурият сабогини сингдириш харакати кучайтирилди. Жумладан, ёш оиласларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг ҳукуқий ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, ичкилиқбозлиқ ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан “Оммавий маданият” хуружларидан ҳимоя этишга жиддий эътибор бериш масъулияти юклатилди.

Бу событ мақсадга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳали давом этади.

Кейинги йилларда аҳолининг репродуктив саломатлиги давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган...

Аввало, “Оила йили”, “Аёллар йили”, “Соғлом авлод йили”, “Оналар ва болалар йили”, ундан аввалги йиллардаги тажрибаларимиз бизга сабоқ бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 27 мартағи ВМ «ЎзР Соғликни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил қилиш ҳақида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукуқий хужожатлар аҳоли саломатлиги борасидаги вазифаларни белгилаб берди.

Мазкур қарорлар ижросини таъминлаш борасида Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлиқда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар, никоҳдан ўтувчи ёшлар ўртасида соғлом оила куриш, қариндош-уруглар ўртасида никоҳнинг олдини олиш, никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтиши, соғлом авлод туғилиши ва комил фарзанд тарбияланиши масалалари юзасидан тушунтириш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Айниқса, маҳалла тизимида, лицей, коллеж, мактаблардаги ёшлар ўртасида “Ёш оила мактаби”, “Оила муҳаббат қасри”, “Турмуш куришга тайёрмисиз?”, “Соғлом она – соғлом бола”, “Тиббий кўрикнинг аҳамияти”, “Соғлом авлод – келажак пойдевори” каби мавзуларда хукуқни муҳофаза қилувчи идоралар, ҳокимият, хотин-қизлар кўмиталари, ФХДЕ бўлими, ўзини ўзи бошқариш органлари ва тиббиёт ходимлари иштироқида жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, хукуқий ва тиббий маданиятни оширишга қаратилган тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Инсон дегани токи умрининг поёнигача орзулар оғушида яшайди. Ҳаёт довонлар имтиҳони, ҳар бир ортда қолган довон орзуларимиз интиҳосидир. Бугун жисм ва шууримизда эзгулик устун – у бизни янги довон сари бошлайди. Юксак довон – баркамоллик сари интиларканмиз ҳар биримиз кўнгилларимизга кутлуг мөхр, мақсад, истакни яхши ниятда жойлай олсак, бас. Қолаверса, Ватан саодати, фарзанд камолоти, миллат саломатлиги йўлидаги ғамхўрлигимиз юртимиз аёлларини хушбахт этиши шубҳасиз.

7.2. Контрацепцияни тарғиб этишда ҳамширалар роли Контрацепциянинг асосий усуллари.

Конгтрецепция бу исталмаган ва режалаштирилмаган ҳомиладорликдан сақлаништирилган. Контрацепция ривожланиш тараққиётининг асосий омилларидан бири оилани режалаштириш, аёлларнинг меҳнат фаолияти ва соғлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигидир. Контрацепция усулларини тўғри танлаш фойдаланувчи аёл ва гинеколог шифокор олдидағи муҳим вазифалардан бири саналади, контрацепцияни тўғри танлаш фойдаланувчининг соғлигига, шахсий, жинсий хусусиятларига қараб аниқланади. 1996 йил ЖССТ томонидан контрацепциянинг усуллари ва категориялари ишлаб чиқилган.

Режалаштирилган оилаларнинг хоҳиши билан дунёning кўпгина мамлакатларида контрацепция билан шуғулланувчи мутахассислар ишлами тавсия этилди.

Гормонал контрацепция тўғри танлаш гиненклог –эндокринологлар билан биргаликда олиб борилади. Аёллар контрацепция воситасини тўғри танлашга алоҳида эътибор беришлари керак. Ўз оиласи соғлигини қадрламайдиган эркаклар контрацепцияни тўғри танлашга, фойдаланишга эътибор беришмайди. Тўғри контрацепция бу 2 жинс вакилининг ўзаро ҳамкорлигидир

Контрацепциянинг асосий усуллари:

- жинсий тийилиш;
- стерилизация (аёллар ва эркаклар учун);
- табиий усуллар (календар усули);
- гормонал контрацепция;
- бачадон ичи воситалари;
- кимёвий усуллар;
- тугалланмаган жинсий алоқа;
- презерватив;
- диафрагма ва қалпокчалар;
- шошилинч контрацепция (Эскапел, Мифепристон-72).

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳомиладорликдан сақланишининг универсал имконияти йўқ. Бир аёлга тўғри келган контрацепция усули бошқа бир аёлга мос келмаслиги мумкин, шунинг учун аёллар ўзларининг гинеколог-эндокринологлари билан маслаҳатлашган ҳолда контрацепция усулини тўғри танлашлари керак.

Ихтиёрий хирургик стерилизация (ИХС)

Стерилизация усули 1993 йилдан бошлаб Ўзбекистонда қўлланнила бошланган. Стерилизация усулини 35 ёшдан катта ёки 2 фарзандли аўларга қўллаш мумкин. Аўларда стерилизация усулида бачадон йўли жарроҳлик операция қилинади (қорин соҳасидан ва шундан кейин тухум хужайра уруғлана олмай қолади. Стерилизация усули ҳам эркакларда, ҳам аўларда қилинади. Аўларда стерилизация усули қорин соҳасини операция қилиб ўтказилади. Ўз-ўзидан стерилизация усули кам жароҳатли, хатарсиз ҳисобланади.

Эркаклар стерилизациясида уруғ чиқарув йўллари ўтказувчалиги блокланади, бу сперматозоид ажралишига тўсқинлик қиласди. Бу усулдан эркаклар беҳавотир фойдалансалар бўлади. Чунки бу усул кастрацияга таъсир этмайди. Эракаларни жинсий қобилияти сақланиб қолади.

Аўлар ихтиёрий хирургик стерилизацияси-хирургик контраценциянинг хавфсиз усулидир. Изланишлар шуни кўрсатдики, ИХС қайта ҳомиладорликка қараганда 30-80 марта хавфсизроқ. ИХС доимий ва ортга қайтмайдиган усул бўлгани сабабли мижоз томонидан қатъий розилик беришини сўраш ва уни хужжатлаштириш мақсадга мувофиқдир. Аўлар ИХСни исталган пайт амалга оширишлари мумкин.

Аўлар ИХС бўйича хизмат кўрсатилаётган вақтда куйидаги-ларни назарда тутиш керак.

- Муолажанинг исталган пайтида мижоз ўз фикрини ўзгартириши мумкин.

- Мижозга ИХС ўтказишга қарор қилишига таъсир қилувчи ҳеч қандай чоралардан фойдаланиш мумкин эмас.

- ИХС ўтгунга қадар мижоз муолажага розилик билдириши. Юридик шаклни тўлдириши ва имзолаши керак.

- Турмуш ўртоғининг розилиги шарт эмас.

- Тиббиёт хизматчилари мижозларга юқори малакали маслаҳатларни ва операциядан кейинги кузатувни, тиббий хизматнинг барча босқичларида инфекцияни олдини олишга қаратилган чораларга риоя қилишини таклиф этишлари лозим.

ИХСни таъсир механизми

Бачадон найлари ўтказувчалигини чоклар, скобалар ва коагулация ёрдамида йўқотиши (блоклаш), бунда сперматозоидни тухум-

донлар томон ўтиши учун йўл берқилади ҳамда уруғланиш содир бўлмайди.

ИХСни ўтказиш вақти

• Мижоз ҳомиладор эмаслигига ишончи комил бўлганда ҳайз циклининг исталган пайтида

- Ҳайз циклининг 1-дан 7-кунигача
- Чилла даврида биринчи 2 кун ичидаги ёки 7 кун ичидаги
- Абортдан сўнг: дарҳол ёки 7 кун ичидаги, агар кичик чаноқ аъзолари инфекцияси белгилари бўлмаса.

Кўрсатмалар:

ИХС турли репродуктив аёлларда (одатда 35 ёшдан кейин) ва исталган ҳомиладорликлар, фарзандлар сони 3 та бўлганда ҳамда юқори эффектив ва доимий контрацепция усулини хоҳлагандага ўтказилади.

Усулни ҳомиладор бўлиш соғлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолларда кўллаш мумкин.

Лапороскопик жиҳозлар қиммат бўлганлиги ва операцияни ўтказиш учун умумий оғриқсизлантириш кераклиги сабабли ИХСни амалга ошириш мақсадида лапоротомия усулидан фойдаланиш мумкин. Бу усул маҳаллий оғриқсизлантиришда ўтказилади ҳамда кўп моддий харажатни талаб қилмайди. Мини лапоротомия учун терини 2-3 см кесиш кифоя. Чилла даврида дастлабки 48 соат ичидаги бачадон туби киндик соҳасида жойлашганлиги туфайли кесик киндик тагидан қилинади. Бачадон найлари 2 томондан чоклар ёрдамида боғланади ва кесилади.

Интервалли мини лапоротомия: қин орқали бачадон бўшлигига махсус кўтаргич (бачадон элеватори) солиниб, шунининг ёрдамида бачадон туби қорининг олдинги деворига тақаб қўйилади. Кесик қов устидан бажарилади ва бачадон найларини беркитиб қўйишнинг ҳар хил усуллари қўлланилади: бачадон найлари ва кесиш қисмларини бир-биридан ажратиб қўйиш, скоба ва клеммалар қўйиш.

Аёллар ИХС нинг афзаллиги самарасининг юқори бўлишидир (100 нафар аёл ҳисобидан олинганда йил давомида ҳомиладор бўлиб қолиш ҳоллари Перл Индекси 0.2-4 тага тўғри келади).

Бу усулдан фойдаланиш одамни жинсий йўл билан юқадиган касалликлар ва ВИЧдан сақлаб қола олмайди.

Эҳтиёт чораларини кўришни талаб қиладиган ҳолатлар.

Тұғруқдан кейин:

- Чила даврнинг 7-42 кунгача бачадон катталиги аслига келиши учун тұла 42 кун ўтгунича операцияни кечикириб туриш зарур.
- Гестозларнинг оғир турлари.
- Ұзоқ (12 соатдан күра күпроқ) вакт қоғоноқ суви кетіб турған түғриқларда-муолажаның 6 ҳафта ўттунича кечикириб туриш керак, чунки чаноқ аязоларыда инфекция бошланиш хавфи катта бўлади.
- 500 мл дан күпроқ қон кетган түғриқларда анемияга барҳам топиши учун вакт керак бўлади.
- Тұғруқ травмасида яна қон кетиш хавфи бор.
- Бачадон ёрилиши ёки тешилишида ҳам ИХС дан воз кечилади.

Табиий усуллар.

Усулнинг мақсади уругланиш учун хавфли кунни аниқлашга қаратилган. Бу кунларда жинсий алоқадан вақтингчаликтийилиш керак.

7.3. АЁЛЛАРДА КАМ҆ОНЛИК ВА РАЦИОНАЛ ОВҚАТЛАНИШ

Камқонлик

Камқонлик – қон ҳажми бирлигидә гемоглобин концентрациясынинг пасайиши билан ҳарактерланади ва қоидага кўра, бир вактда эритроцитлар миқдорининг камайиши билан ўзаро боғланади. Камқонлик иккиласмичи ҳолат ва турли касалликларнинг белгиси бўлиб ҳисобланади. Кўпгина касалликлар, инфекцион ва паразитар касалликлардан бошлаб то рак олди ва хавфли ўсма мавжудлиги ҳолатлари камқонлик билан кечади. Бироқ организмда газлар алмашинувининг бузилишини келтириб чиқарувчи ҳолат сифатида камқонлик ҳам сурункали чарчаш, уйкучанлик, бош айланиши, ҳолсизликни чақиради, асабийлашишни оширади. Оғир ҳолатларда камқонлик шок ҳолатларига, кучли гипотония, коронар, ўпка этишмовчилиги, геморрагик шокка олиб келиши мумкин. Камқонлик аниқланғанда даво чоралари ҳамкор симптомларни бартараф этиш ва камқонликни келтириб чиқарған асосий касалликнинг терапиясига йўналтирилади.

Камқонлик ер юзидағи аҳоли орасида энг кўп тарқалган па-

тологик ҳолатлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бутунжаҳон банкининг маълумотларига кўра, темирнинг яширин танқислиги ва темир танқислиги камқонлиги, кенг тарқалганлиги боис, ҳар бир мамлакат миллий даромадининг деярли 5% ни ташкил қилувчи улкан иқтисодий ва ижтимоий йўқотишлари билан, жамоат соғлигини сақлашнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади, профилактик чора-тадбирларга кетадиган сарф-харажатлар эса 3-5% ни ташкил қиласди. СДЖ ва темир танқислиги камқонлиги (ТТК) “даволашдан кўра, олдини олиш арzon ва осон” бўлган касалликлар қаторига киради. Шу боис СДЖ ва ТТК билан курашиб барча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда соғлиқни сақлаш тизимининг устувор йўналиши бўлиб ҳисобланади.

Дунё бўйича 1,62 миллиард инсон камқонликка чалинган (95% CI: 1,50 – 1,74 миллиард), бу аҳолининг 24,8% ни ташкил қиласди (95% CI: 22,9% - 26,7%). Камқонлик мактабгача ёшда бўлган болалар орасида энг кўп (47.4%, 95% CI: 45.7–49.1) ва эркаклар орасида энг кам тарқалган (12.7%, 95% CI: 8.6–16.9%). Бироқ, камқонлика чалинган аҳолининг ҳомиладор бўлмаган аёллар гурӯҳи кўпчиликни ташкил қиласди (468,4 миллион, 95% CI: 446.2–490.6)

Аҳоли гурӯҳи	Камқонликнинг тарқалганлиги		Камқонликка чалинган аҳоли гурӯҳи	
	%	95% CI	миллионда	95% CI
Мактабгача ёшдаги болалар	47.4	45.7-49.1	293	283-303
Мактаб ёшидаги болалар	25.4	19.9-30.9	305	238-371
Ҳомиладор аёллар	41.8	39.9-43.8	56	54-59
Ҳомиладор бўлмаган аёллар	30.2	28.7-31.6	468	446-491
Эркаклар	12.7	8.6-16.9	260	175-345
Кексалар	23.9	18.3-29.4	164	126-202
Барча аҳоли	24.8	22.9-26.7	1620	1500-1740

Оналар ва болалар орасида камқонликнинг тарқалғанлиги ривожланган мамлакатларда 5-20%, ривожланаёттган мамлакатларда 30-60% ни ташкил қиласиди.

Тиббий-демографик текширув натижалари шуни күрсатдиди, Ўзбекистонда камқонликнинг тарқалғанлиги 1995-1996 йй.) фертил ёшдаги аёллар орасида 60%, 3 ёшгача бўлган болалар орасида 61% ни ташкил қиласиди. Асосан енгил даражадаги камқонлик учраган, оғир даражадаги камқонлик 1-2% ҳолатларда аникландиган.

Камқонлик турлари орасида, уларни камқонликнинг юзага келиш сабабларига кўра, таснифлаб, бир қанча асосий ҳолатлар ажратилиди:

темир танқислиги камқонлиги;

гемолитик камқонлик;

апластик камқонлик;

камқонликнинг сидеробластли тури;

B12 витаминининг етишмовчилиги оқибатида юзага келадиган B12-танқислиги камқонлиги;

постгеморрагик камқонлик;

ўроқсимон ҳужайрали камқонлик ва бошқа шакллари.

Тахминан ер юзидағи ҳар тўртингчى инсон, мутахассисларнинг олиб борган текширувларига кўра, темир концентрациясининг пасайиши оқибатида юзага келадиган камқонликнинг темир танқислиги шаклидан азият чекади. Бу ҳолатнинг хавфли томони – темир танқислиги камқонлигининг клиникаси унча кўзга ташланмайди. Симптомлар темир ва мос равишда, гемоглобин миқдори критик белгиларгача пасайғандан яққол ифодаланади.

Камқонликни вегетариан овқат истеъмол қилиш юзага келтириши мумкин.

Катта ёшдагилар орасида камқонликнинг ривожланиш хавфи бўлган гуруҳига аҳолининг қуйидаги тоифалари киради:

- вегетарианлар овқатини истеъмол қилиш;

- физиологик сабаблар (аёлларда менструацияда кўп қон кетиши), касалликлар (ички қон кетиши, бавосилнинг кучли ифодаланган босқичлари ва ш.ў.) оқибатида қон кетишидан азият чекувчи инсонлар, шунингдек мунтазам равишда қон ва плазма топширувчи донорлар;

- ҳомиладорлар ва эмизикли аёллар;

- профессионал спортсменлар;

- баъзи касалликларнинг сурункали ва ўткир шакллари билан оғриган беморлар;

- озиқланишнинг етишмовчилиги бўлган ёки овқат рациони чекланганлигидан азият чекувчи аҳоли табақалари.

Энг кўп тарқалган камқонликнинг темир танқислиги шакли темир етишмовчилигининг оқибати бўлиб ҳисобланади, бу ўз навбатида, қуидаги омиллардан бири билан чақирилиши мумкин:

- овқат билан темирнинг организмга етарли даражада тушмаслиги;

- ситуатив ёки индивидуал хоссаларга кўра темирга бўлган талабнинг ошиши (ривожланиш патологияси, дисфункциялар, касалликлар, ҳомиладорликнинг физиологик ҳолатлари, лактация, касбий фаолият ва б);

- темирнинг кучли йўқотилиши

Камқонликнинг енгил даражадаги шакллари, қоидага кўра, овқатланиш рационини коррекция қилиш, витамин-минераллар комплекси, ўзида темир сақлаган препаратларни тавсия қилиш ёрдамида осон даволанади. Камқонликнинг ўрта оғир ва оғир шакллари мутахассис аралашувини ва тегишли даво курсини талаб этади.

Эркакларда камқонликнинг сабаблари:

Эркакларда қондаги гемоглобин миқдорининг 130 г/л дан пайсайиши камқонликнинг диагностик мезони бўлиб ҳисобланади. Статистикага оид, физиологиясининг ўзига хослиги: ҳар ойда қон йўқотилишига олиб келувчи менструациянинг, кўпинча керакли микроэлементларнинг танқислиги билан кечувчи гестация, лактациянинг бўлмаслиги сабаб, аёлларга нисбатан эркакларда камқонлик кам ташхисланади:

Бироқ камқонлик эркаклар орасида ҳам учраб туради ва қоидага кўра, сурункали касалликларнинг мавжудлиги ва организмнинг турли тизимлари ишининг бузилиши оқибати бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, эркакларда кўпинча ичак эрозияси, яра касаллиги, бавосилда меъда-ичак трактидан яширин қон кетиш сурункали темир танқислиги камқонлигига олиб келади. Шунингдек, паразитар касалликлар, яхши сифатли ва ҳавфли ўсмалар эркакларда камқонликнинг сабабчиси бўлиб ҳисобланади. Камқонликни келтириб чиқарувчи турли омиллар келиб чиқиш сабабларини ташхислаш ва тегишли терапияни олиб боришни талаб қиласди.

Аёлларда камқонлик

Аёлларда камқонлик гемоглобин күрсаткичи 120 г/л (ёки 110 г/л ҳомиладорлик даврида) дан паст бўлганда ташхисланади. Физиологик томондан аёллар камқонликнинг юзага келишига кўпроқ мойил бўладилар.

Ҳар ойда такрорланиб турадиган менструал қон кетища аёл организми эритроцитларни йўқотади. Ҳар ойда йўқотилган қоннинг ўртача ҳажми 40-50 мл ни ташкил қиласди, бироқ кўп қон кетиши билан кузатиладган менструацияда қон микдори 5-7 кун мобайнида 100 ва ундан ортиқ мл га етиши мумкин. Бир неча ойлар мобайнида бундай мунтазам равишда қон йўқотиш камқонликнинг ривожланишига олиб келади.

Кўп учраши билан аёллар орасида тарқалган (20% аёллар), яширин камқонликнинг яна бир шакли қонда темирни тўплаш функциясини бажарувчи ва гемоглобин микдори пасайганда уни ажратиб чиқарувчи ферритин, оқсил концентрациясининг камайиши билан чақирилади.

Ҳомиладорларда учрайдиган камқонлик

Камқонлик кўпинча ҳомиладорлик даврида юзага келади.

Ҳомиладорлик даврида камқонлик турли омиллар таъсири остида юзага келади. Усиб бораётган ҳомила она организмидаги қон оқимидан ривожланиши учун зарур бўлган моддалар, шу билан бирга гемоглобин синтези учун муҳим бўлган темир, В12 витамини, фолат кислотани ўзига олади. Витамин ва минералларнинг озуқа билан организмга етарли даражада тушмаслиги, унга ишлов беришнинг бузилиши, сурункали касалликларда (гепатитлар, пиелонефритлар), шунингдек биринчى триместрда кучли токсикоз ҳамда кўп ҳомилали ҳомиладорлиқда бўлажак онада камқонлик ривожланади.

Гидремия, қоннинг “суюқлашиши” ҳомиладорликнинг физиологик камқонлигига киради: гестацион даврнинг иккинчи ярмида қон суюқ қисмининг ҳажми ошади, бу эритроцитлар концентрацияси ва улардаги темирнинг табиий камайишига олиб келади. Бу нормал ҳолат ва агар гемоглобин микдори 110 г/л дан паст бўлмаса ёки қисқа муддатларда мустақил равишда қайта тикланса ҳамда витамин ва микроэлементлар танқислигининг белгиси кузатилмаса, патологик камқонликнинг белгиси бўлиб ҳисобланмайди.

Хомиладорларда оғир даражадаги камқонлик бола ташлаш, эрта туғруқ, учинчى триместда токсикоз (гестоз, презклампсия), туғиши жараённан асоратлар ҳамда янги туғилған чақалоқда камқонлик күзатилиши билан хавф тұғдиради.

Камқонликнинг умумий клиникаси (чарчаш, уйқучанлик, асабийлашиш, күнгил айнаши, бош айланиши, терининг қуруқлашиши, соchlарнинг синувчанлиги) ҳамда ҳид ва таъм билишнинг бузилиши (бүр, лой, ишлов берилмаган гүштни истеъмол қилиш, майший кимә, қурилиш материаллари ва ш.ү. ҳидли моддаларни ҳидлашга бўлган хоҳиш) ҳомиладорликдаги камқонлик белгиларига киради.

Ҳомиладорлик ва эмизикли даврдаги енгил даражадаги камқонлик туғруқ ва лактация давридан сўнг тезда тикланади. Бироқ қайта туғруқлар орасидаги давр қисқа бўлганда, айниқса, туғруқлар орасидаги давр 2 йилдан кам бўлса, организм тикланишга улгурмайди, бу камқонлик белгиларининг кучайишига олиб келади. Аёл организмининг тикланиши учун бўлган оптимал муддат 3-4 йилни ташкил қиласди.

Лактация давридаги камқонлик

Мутахассисларнинг текширувларига кўра, лактацион камқонлик кўпинча касалликнинг кучли ифодаланган босқичида ташхисланади. Камқонликнинг ривожланиши туғиши жараённан қон кетиши ва эмизикли аёлнинг гипоаллерген парҳез фонида лактация билан боғлиқдир. Кўкрак сути ишлаб чиқарилишининг ўзи камқонликнинг ривожланишига олиб келмайди, бироқ овқат рационидан батзи муҳим озуқа маҳсулотлари гурухини, масалан, дуккакликлар (болада ел ҳосил бўлишини оширганлиги боис), сут ва гўшт маҳсулотларини (болада аллергик реакцияларни келтириб чиқарганлиги боис) чиқариб ташлаш натижасида камқонликнинг ривожланиш эҳтимоли анча ошади.

Авваломбор, ёш онада эътиборнинг онанинг ўз ҳолатидан болага қаратилиши туғруқдан кейинги камқонликни кеч ташхислашнинг сабаби бўлиб ҳисобланади. Ўзини қандай ҳис қилишидан кўра кичкинтойнинг соғлиғи уни кўпроқ ташвишга солади, камқонлик симптомокомплекси эса – бош айланиши, чарчаш, уйқучанлик, дикқатнинг пасайиши, тери қопламининг рангпарлиги – кўпинча чақалоқни парвариш қилиш оқибатида юзага келган қаттиқ чарчаш каби қабул қилинади.

Кўкрак сутига ўтувчи темир препаратларининг гўдакнинг меъда-ичак тракти ишига таъсир кўрсатиши ҳақидаги нотўғри фикр эмизикили аёлларда темир танқислиги камқонлиги тарқалганинг яна бир сабаби бўлиб ҳисобланади. Бу фикр мутахассислар томонидан тасдиқланмаган ва темир танқислиги камқонлигини ташхислашда мутахассис тавсия этган медикаментлар ва витамин-минерал комплексларни қабул қилиш шартдир.

Климактерик даврда камқонлик

Аёллар климакси вақтидаги камқонлик – етарли даражада тарқалган ҳолат. Гормонал ўзгаришлар, менструация, гестация, туғруқ даврининг оқибатлари, турли дисфункционал ҳолатлар ва жарроҳлик амалиётлари организмдаги климактерик ўзгаришлар фонида кучайиб борувчи сурункали камқонликнинг сабаби бўлиб ҳисобланади.

Климакс олди ва бевосита климакс даврида гормонал баланснинг тебраниши туфайли вазн тўплаш тезлигини камайтириш максадида қўлланиладиган овқатланишдаги чеклашлар, нотўғри танланган парҳез ҳам провокацион аҳамиятга эга.

Климакснинг бошланиши даврига келиб организмда ферритин заҳиралари ҳам камаяди, бу камқонликнинг ривожланишида қўшимча омил бўлиб ҳисобланади.

Аҳволининг ўзгарувчанлиги, чарчаш, асабийлашиш, бош айланнишига кўпинча бошланган климакснинг белгилари сифатида қаралади, бу камқонликнинг кеч ташхисланишига олиб келади.

Болаларда камқонлик

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) текширувларига кўра 82% болалар турли даражадаги камқонликдан азият чекадилар. Гемоглобин даражасининг пастлиги ва этиологияси турлича бўлган темир танқислиги ҳолатлари боланинг ақлий ва жисмоний ривожланишининг бузилишига олиб келади. Куйидагилар болаларда камқонликнинг юзага келишида асосий сабаб бўлиб ҳисобланади:

- тўлақонли овқатланмаслик;
- меъда-ичак трактида темир сўрилишининг бузилиши;
- витаминлар алмашинуви регуляциясининг бузилиши;
- паразитар касалликлар;
- дисбактериоз, гастрит, гастродуоденит ва меъда-ичак трактининг бошқа касалликлари;
- гормонал дисбаланслар;

Экологик омиллар: оғир металлар билан заҳарланиш, ҳавонинг заҳарли газлар билан ифлосланиши, сув, озуқа маҳсулотларининг ифлосланиши ва ш.ў.

Болаларда темирга бўлган талаб ёшга нисбатан фарқланади, пубергат даврига етгач эса жинсга мансублиги билан боғлиқ бўлади. Болаларда танқислик камқонлигининг терапиясини балансланган парҳез ёрдамида олиб бориш ҳар доим ҳам самара беравермайди, шунинг учун мутахассислар бола организмига микроэлементларнинг керакли дозасини тушишини кафолатловчи медикаментлар ёрдамида регуляция қилишни афзал кўрадилар.

Гўдаклик даврида камқонлик

Янги туғилган чақалоқ, она қорнида ривожланаётган даврида, она организмидан олган темирнинг маълум миқдордаги захираси билан дунёга келади. Ўзида қон ҳосил қилиш тизимининг етилмаганилиги ва унинг тез суръатларда жисмоний ўсиб ривожланиши муддатига етиб туғилган соғлом болаларда ҳаётининг 4-5 ойларида, чала туғилган чақалоқларда эса – 3 ойида, гемоглобин миқдорининг физиологик пасайишига олиб келади.

Сунъий ва аралаш овқатлантириш камқонликнинг ривожланиш эҳтимолини оширувчи хавф омиллари бўлиб ҳисобланади. Айниқса, 9-12 ойликкача бўлган даврда кўқрак сути ва/ёки сунъий аралашмаларни сигир, эчки сути, бўтқалар ва бошқа озуқа маҳсулотлари билан алмаштирилганда гемоглобин етишмовчилиги жадал ривожланади.

Бир ёшгача бўлган болаларда камқонлик белгиларига киради:

- терининг рангпарлиги, тери қоплами ҳали жуда юпқа бўлганилиги сабабли терининг ўта “тиник”лиги, “кўкимтир”лиги кузатилиди;

- безовталаниши, сабабсиз йиғлаш;
- уйқусининг бузилиши;
- иштаҳасининг пасайиши;
- соchlарининг тўқилиши;
- кўп қусиш;
- тана вазнининг кам қўшилиши;

- дастлаб жисмоний, сўнгра эса психоэмоционал ривожланишнинг орқада қолиши, қизиқишнинг пасайиши, жонланганлик комплексининг ифодаланмаганилиги ва ш.ў.

Бу ёшдаги болаларнинг ўзига хослиги – озуқадаги темирни юқори даражада (70% гача) ўзлаштира олади, шунинг учун камқонликнинг ҳамма ҳолатларида ҳам педиатрлар препаратларни тавсия этишга бўлган заруратни кўрмайдилар, бола рационини корекция қилиш, болани тўлиқ кўкрак сути билан боқишига ўтказиш, талабга жавоб берадиган кўкрак сути ўрнини босувчи аралашмани танлаб бериш билан чекланадилар. Камқонликнинг кучли ифодаланган даражасида ёшга мос миқдорда темир препаратлари, масалан, сироп шаклида Феррум Лек ёки Мальтофер тавсия этилади.

Камқонликнинг юқори даражалари ташхисланганда унинг сабаблари овқатланиш рационида эмас, балки боланинг касаллиги, организмининг патологияси, дисфункциясида бўлиши мумкин. Камқонлик наслий касалликлар билан ҳам чақирилган бўлиши мумкин, баъзи наслий касалликлар темир концентрациясининг пасайиши, эритроцитопения, қон ҳосил қилиш тизимининг етишмовчилиги ва ш.ў. лар билан характерланади. Гемоглобин даражасининг тургун паст кўрсаткичлари кузатилганда болаларни текширудан ўтказиш ва бирламчи касалликни корекция қилиш зарур.

Мактабгача ёшдаги болаларда камқонлик

Гемоглобин миқдорининг паст даражада бўлиши жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. 2010 йилда олиб борилган кенг миқёсдаги текширувлар камқонликнинг темир танқислиги турини мактабгача ёшда бўлган болалар орасида юқори частотада учрашини аниқлади: ҳар иккинчи бола темир миқдорининг пастлиги сабаб гемоглобин етишмовчилигидан азият чекади. Турли омиллар ушбу ҳолатнинг этиологияси бўлиб ҳисобланиши мумкин, бироқ ҳаётининг илк даврларида корекция қилинмаган камқонлик энг кўп тарқалган омилдир.

Мактабгача ёшда бўлган болаларда камқонликни келтириб чиқарувчи иккинчи омил кўпинча биринчиси билан бирга кечади. Етарлича тузилмаган овқатланиш рациони, оқсил (гўшт маҳсулотлари) ва витаминаларнинг (сабзавотлар) етишмаслигини кўпинча боланинг, гўшт ва сабзавотларни ейишдан бош тортиб, ярим тайёр маҳсулотлар ва ширинликларни афзал кўриши билан тушунтириш мумкин. Бу, айнан эрта ёшдан бошлаб альтернатив маҳсулотларни киритмасдан, ота-оналарнинг соғлом рационга бўлган тарбияси ва эътиборига тегишли бўлиб, шунингдек оила аъзоларининг ҳам рационал тарзда тузилган парҳезга ўтишини талаба этади.

Озиқланиш ёшга оид меъёрларга мос келсада болада камқонлик белгилари (тери рангпарлиги, қуруқлашганлиги, тез чарчаши, иштаҳанинг пасайиши, тирноқларнинг синувчанлиги ва ш.ў.) намоён бўлса мутахассис кўригидан ўтиш зарур. Камқонлик ташхиси қўйилган мактабгача ёшдаги 10 боладан 9 тасида у темир танқислиги билан чақирилган бўлишига қарамай, 10% ҳолатларда касаллик ва патологиялар (целиакия, лейкемия ва б.). камқонликнинг сабаби бўлиб ҳисобланади.

Кичик мактаб ёшидаги болаларда камқонлик

Меъёрда 7-11 ёшдаги болаларда қонда гемоглобин миқдори 130 г/л ни ташкил қиласди. Бу ёшда камқонлик секин-аста намоён бўлади. Мактабгача ёшидаги болаларда учрайдиган камқонликнинг белгиларидан ташқари кичик мактаб ёшидаги болаларда учрайдиган камқонлик симптомларига дикқат-эътиборнинг пасайиши, тез-тез ўткир респиратор-вирусли ва бактериал касалликлар билан касалланиш, тез чарчаши кабилар киради, бу эса уларнинг ўқиш фолияти рнатижаларига таъсир кўрсатади.

Умумтаълим муассасаларига қатнайдиган болаларда овқатланиш рационини назорат қилишнинг имкони йўқлиги уларда камқонликнинг ривожланишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Ушбу ёшда ҳали организмга тушган овқатдан темирни ўзлаштириш даражаси етарлича сақланган (10% гача, катта ёшга етганда 3% гача пасаяди), шунинг учун асосида витаминлар ва минералларга бой бўлган овқат қабул қилишни тўғри ташкиллаштириш камқонликнинг темир танқислиги турини олдини олиш ва коррекция қилиш учун хизмат қиласди.

Шунингдек гиподинамия, очиқ ҳавода сайр қилмаслик, узоқ вақт уйда ўтириб, айниқса, планшетлар, смартфонлардаги ўйинларни афзал кўриш ва ш.ў., камқонлик ривожланишига сабаб бўлади.

Пубертат даврда камқонлик

Ўсмирлик даври авваломбор қизларда менструациянинг бошланиши билан боғлиқ камқонлик ривожланиши сабаб ҳавфлидир, у қон йўқотилиши боис вақти-вақтида гемоглобин миқдорининг камайиши билан характерланади. Ўзининг ташқи кўринишига эътиборни қаратиб, турли парҳезларни сақлашга интилиш ва кундалик овқат рационини камайтириш, соғлиқ учун зарур бўлган озуқа

маҳсулотларини чеклаш ўсмир-қизларда камқонликнинг ривожланишига олиб келувчи иккинчи омилдир.

Тез суръатларда ўсиш, спорт билан мунтазам шуғулланиш, нотўғри овқатланиш ва аввалги даврда бўлган камқонлик иккала жинсдаги ўсмирларга ўз таъсирини кўрсатади. Ўсмирлик давридаги камқонлик белгиларига кўз склерасининг мовий рангда бўлиши, тирноқлар шаклининг ўзгариши, овқат ҳазм қилиш тизимининг дисфункцияси, таъм ва ҳид билишининг бузилиши кабилар киради.

Ўсмирлик даврида касалликнинг яққол ифодаланган шакллари медикаментоз терапияни талаб этади. Қон формуласидаги ўзгаришлар, қоидага кўра, даво курси бошланганидан сўнг 10-12 кундан кейин аниқланади, мутахассис тавсиясига тўлиқ риоя қилинганида клиник соғайиш 6-8 ҳафтадан сўнг кузатилади.

Камқонлик сабаблари

Камқонлик қон бирлигига гемоглобин ва эритроцитлар концентрациясининг камайиши билан характерланади. Эритроцитларнинг асосий аҳамияти – газлар алмашинувида иштирок этиш, кислород ва карбонат ангирид ҳамда озуқа моддалари ва метаболизм маҳсулотларини хужайралар ва тўқималарга ташишдан иборат. Эритроцит таркибида гемоглобин ва оқсил бўлиб, эритроцит ва қонга қизил рангни беради. Гемоглобин таркибига темир киради, организмда унинг етишмаслиги ушбу ҳолатнинг барча турлари орасида камқонликнинг темир танқислиги турини кўп учрашини юзага келтиради.

Камқонликнинг ривожланишида учта асосий омил ажратилади:

- ўтқир ва сурункали қон кетиши;
- гемолиз, эритроцитларнинг парчаланиши;
- суяқ кўмиги билан эритроцитлар ишлаб чиқарилишининг пасайиши;

Омилларнинг турличалиги ва сабабларига кўра камқонликнинг куйидаги турлари ажратилади:

- озуқанинг умумий етишмовчилиги ёки рационнинг етишмаслиги билан боғлиқ бўлган озуқавий;
- жисмоний (жароҳатлар, жарроҳлик амалиётлари, туғрук, соvuқ олдириш, кўйиш ва ш.ў.);
- генетик сабаблар;

- инфекцион. Вирусли гепатит, цирроз, жигар туберкулези, гломерулонефрит, мейда-ичак тракти касаллilikлари (яра касаллиги, колит, гастрит, Крон касаллиги), ревматоид артрит, тизимли қизил югурик, яхши сифатли ва хавфли ўсмалар каби касаллilikларда камқонлик иккиламчи;

- заҳарли моддалар ва дорилар билан заҳарланиш, шунингдек узоқ вақт назоратсиз даво курсини қабул қилиш (антибиотиклар билан даволаниш, цитостатиклар, ностероидли яллиғланишга қарши препаратлар, антитиреоид воситалар, эпилепсияга қарши препаратларни қабул қилиш);

- радиоактив тұлқынлар таъсири.

Камқонлик таснифи

Камқонлик ҳолатининг таснифи касаллilikнинг этиологияси, ривожланиш механизми, камқонлик даражаси, диагностик күрсаткічларини ёритиб берувчи турли белгиларга асосланади.

Оғирлик даражаси бүйича таснифи

Камқонликнинг оғир даражаси қон таҳлили күрсаткічларига асосланади ва ёши, жинси ва физиологик даврига боғлиқдир.

Меъёрда кагта ёшдаги эркакларда гемоглобин күрсаткічи 130-160 г/л, аёлларда 120 - 140 г/л, гестация даврида эса 110 -130 г/л ни ташкил қылади.

Камқонликнинг енгил даражаси иккала жинсде ҳам гемоглобин миқдорининг 90 г/л гача, ўрта даражаси - 70 - 90 г/л, камқонликнинг оғир даражаси эса гемоглобин миқдорининг 70 г/л күрсаткічдан пасайиши билан характерланади.

Ривожланиш механизмінде күра таснифи

Камқонликнинг патогенезида алоҳида ёки биргалиқда таъсир күрсатиши мумкин бўлган уч омил кузатилади:

- ўтқир ва сурункали характерга эга қон кетиши;

- сук кўмиги билан эритроцитларнинг ишлаб чиқарилиши, қон ҳосил қилиш тизимининг бузилиши (темир танқислиги, ренал, апластик камқонлик, B_{12} ва/ёки фолат кислотасининг етишмаслиги билан боғлиқ танқислик камқонликлари);

- генетик омиллар, аутоиммун касаллilikлар туфайли эритроцитларнинг муддатидан аввал (120 кун) кучли парчаланиши.

Ранг күрсаткічи бўйича таснифи

Ранг күрсаткічи эритроцитларнинг гемоглобин билан тўйин-

ганлигининг индикатори бўлиб хизмат қиласи ва қон таҳлили жараёнида алоҳида формула бўйича ҳисобланади.

Эритроцитларнинг рангсизлиги билан ранг кўрсаткичи 0,80 дан паст бўлганда гипохром шакли таснифланади.

Ранг кўрсаткичи 0,80-1,05 атрофида бўлганда нормохром шакли таснифланади.

Гемоглобин билан ўта тўйингандаги ранг кўрсаткичи 1,05 дан юқори бўлиб, гиперхром шакли таснифланади.

Темир танқислиги камқонлиги (ТТК)

Камқонликнинг темир танқислик шакли барча анемик ҳолатларнинг 90% ни ташкил қиласи. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг тадқиқотларига мувоғиқ дунё бўйича б эркакнинг бири ва ҳар учинчидан аёл камқонликнинг ушбу шаклидан азият чекадилар.

Гемоглобин – бу мураккаб оқсили бирикма бўлиб, таркибида кислород молекуласи билан қайтар алоқага қодир бўлган темирга эга, бу кислороднинг ўпкадан организм тўқималарига кислородни ташиш жараёнининг асоси бўлиб ҳисобланади.

Темир танқислиги шакли – бу микроцитоз белгилари билан гипохром камқонликдир, қон формуласида эритроцитларнинг диаметри меъёрдан кичик бўлиб, бу эритроцитлар бўшлигини тўлдирувчи ва унга қизил рангни берувчи гемоглобинни шакллантириш учун асос элемент бўлиб ҳисобланган темирнинг етишмовчилиги билан боғланган.

Темир метаболизмнинг кўпгина жараёnlарида, озуқа моддаларининг алмашинувида, организмнинг газлар алмашинувида иштирок этувчи муҳим микроэлемент бўлиб ҳисобланади. Бир сутка давомида катта ёшдаги одам 20-25 мг темирни сарфлайди, бунда организмдаги ушбу элементнинг умумий захираси 4г ни ташкил қиласи.

ТТК нинг ривожланиш сабаблари

Турли омиллар ушбу ҳолатнинг ривожланишига сабаб бўлади.

Темирнинг организмга тушишининг бузилиши:

балансланмаган овқатланиш рациони, темир сақлаган маҳсулотларни компенсация қилмасдан қатъий вегетериан парҳезига риоя қилиш, оч қолиш, дори воситаларини, наркотиклар ва бошқа моддаларни қабул қилиш, жисмоний ва руҳий эмоционал этиологияли қасалликлар сабаб иштаҳанинг бузилиши; тўйиб овқатланмасликнинг ижтимоий-иктисодий сабаблари, озуқанинг етишмаслиги.

Темирни ўзлаштириш, сўрилиш жараёнининг бузилиши: мъеда-ичак трактининг касаллклари (гастритлар, колитлар, ошқозон яра касаллиги, ошқозон резекцияси).

Темирга бўлган эҳтиёжнинг ошиши оқибатида унинг организмга тушиши ва сарфланиши орасидаги дисбаланс: ҳомиладорлик, лактация даври; жисмоний ривожланишнинг тез суръатларда кечиши; гипоксияга олиб келувчи сурункали касаллклар (бронхит, ўпканинг обструктив касаллиги, юрак нуқсонлари ва юрак-қон томир тизими ва нафас аъзоларининг бошқа касаллклари);

йирингли-некротик жараёнлар билан кечувчи касаллклар: сепсис, тўқималар абсцесси, бронхоэктатик касаллик ва ш.ў.

Организмдан темирнинг йўқотилиши, ўткир ва сурункали постгеморрагик камқонлик:

ўпкадан қон кетищда (туберкулез, ўпка раки);

мъеда-ичак трактидан қон кетищда (ошқозон, ўн икки бармоқли ичак яраси, ошқозон, ичак раки, мъеда-ичак тракти шиллик қавати эрозияси, қизилўнгач, тўғри ичак вена томирларининг варикоз кенгайниши, бавосил, гижжа инвазияси, носпецифик ярали колит ва б.);

бачадондан қон кетищда (менструацияда кўп қон кетиши, бачадон, бачадон бўйни раки, миома, гестацион даврда ёки туғрукда йўлдошнинг кўчиши, бачадондан ташқари ҳомиладорлик, бачадон ва бачадон бўйнининг туғруқ вақтида жароҳатланиши);

буйраклардан қон кетиши (буйракларда шишли ҳосила бўлиши, буйраклар туберкулези);

жароҳат оқибатида ички ва яширин қон кетишлар, қўйиш, соvuқ олдириш, режали ва шошилинч жарроҳлик амалиётларида қон йўқотиш ва ш.ў.

Temir танқислиги камқонлигининг белгилари

Темир танқислиги камқонлигининг клиник белгиларини биринчи навбатда организм тўқималарида газлар алмашинувининг этишмаслиги билан чақирилган анемик ва сидеропеник синдром ташкил қиласи.

Анемик синдром белгиларига қўйидагилар киради:

умумий ҳолсизлик, сурункали чарчаш;

жисмоний ва ақлий юкламаларни кўтара олмаслик;

дикқат-эътиборнинг танқислиги, таранглик;

газабланиш;

бош оғриғи;
бош айланиши, баъзида хушдан кетиш;
уйқучанлик ва уйқунинг бузилиши;
ҳансираш, жисмоний ва руҳий-эмоционал юкламаларда ҳамда тинч ҳолатда ҳам юракнинг тез уриши;
нажаснинг қорайиши (мөъда-ичак трактидан қон кетишида).
Сидеропеник синдром қўйидагилар билан характерланади:
таъм билишнинг бузилиши - бўр, лой, пишмаган гўштни ва б. ни ейиш;
ҳид билишнинг бузилиши – бўёқлар, ўткир ҳидли моддаларни ҳидлаш (ацетон, бензин, ювиш кукуни ва ш.ў);
соchlарнинг куруқлашиши ва синувчанлиги, жилосининг йўқолиши;
кўл тирноқларида оқ додгларнинг пайдо бўлиши;
терининг куруқлашиши, қипиқланиши;
тери рангпарлиги, кўз склерасининг мовий рангда бўлиши;
лаб бурчакларида хейлитлар бўлиши (ёрилиши, бичилиши).
ТТК нинг оғир даражасида неврологик белгилар кузатилади:
этнинг жимиirlаши, оёқ-кўлларнинг увушиши, ютинишнинг қийинлашиши, сийдик қопининг бўшашиши ва б.

ТТК диагностикаси

“Темир танқислиги камқонлиги” ташхиси ташқи кўрув, қоннинг лаборатор таҳлилини баҳолаш ва инструментал текширувга асосланади.

Ташқи тиббий кўрувда ва анамнез йиғишида тери қоплами ва шиллиқ қаватлар ҳолати, лаб бурчакларига эътибор қаратилади ҳамда пайпаслаб кўрилганда қора талоқ ўлчами баҳоланади.

ТТК клиникасининг типик кечишида умумий қон таҳлили ёшга ва жинсига нисбатан эритроцитлар ва гемоглобин концентрациясининг пасайганлиги, турли ўлчамдаги эритроцитлар (пойкилоцитоз) мавжудлигини кўрсатади, микроцитоз, оғир шаклларида қизил қон таначалари диаметрининг 7,2 мкм дан камлиги, гипохромия, ранг кўрсаткичининг пастлиги аниқланади.

ТТК да қоннинг биокимёвий текширувларининг натижалари қўйидаги кўрсаткичларга эга бўлади:

организмда темир депоси функциясини бажарувчи ферритин, оқсил концентрациясининг меъёр чегараларидан пасайиши;

зардбодаги темир даражасининг пасайиши;
қон зардобининг темирни боғловчи қобилиятигининг ошиши.

ТТК диагностикаси темир танқислигини аниқлаш билан чега-
раланмайди. Ҳолатни самарали коррекция қилиш учун анамнез
йиғиб бўлгандан сўнг мутахассис зарур бўлганда касалликнинг
патогенезини аниқлаш мақсадида инструментал текширув усули-
ни тавсия этади. Инструментал текширув усулларига қуидагилар
киради:

фиброгастродуоденоскопия, қизилўнгач шиллиқ қавати, меъда,
ўн икки бармоқли ичак деворларининг ҳолатини текшириш;

жигар, буйрак, аёллар репродуктив аъзоларининг ултра товуш-
ли текшируви;

колоноскопия, йўғон ичак деворларини текшириш;

компьютерли томография усули;

ўпканинг рентгенологик текшируви.

Темир танқислиги камқонлигини даволаш

ТТК босқичи ва патогенезига кўра овқат рационини коррекция
қилиш, медикаментоз даво курси, қон кетиш сабабларини барта-
раф қилиш мақсадида жарроҳлик амалиёти ёки усуллар комбина-
цияси ёрдамида терапия танланади.

Темир танқислигига даволовчи овқатланиш рациони

Овқат билан организмга тушган темир ҳайвон маҳсулотларида-
ги гемли ва ўсимликлар таркибидаги гемсиз темирга ажратилади.
Гемли темир тури осон ўзлаштирилади ва унинг овқатланиш раци-
онида етишмаслиги, масалан, вегетерианларда ТТК нинг ривожла-
нишига олиб келади.

Темир танқислигини коррекция қилиш учун тавсия этиладиган
озуқа маҳсулотлари:

темир миқдорининг камайиб бориш тартиби билан гемли гу-
руҳ: мол жигари, мол тили, қуён гўшти, курка гўшти, ғоз гўшти,
мол гўшти, балиқнинг баъзи турлари;

гемсиз гуруҳ: курутилган кўзикорин, янги этилган нўхот, греч-
ка ёрмаси, геркулес ва сули, янги кўзикорин, ўрик, нок, олма,
олхўри, гилос, лавлаги ва б.

Сабзавотлар, мевалар, ўсимлик маҳсулотларида темир таркиби
ўрганилганда миқдори кўп бўлиб кўринишига қарамай, улардан

темирнинг ўзлаштирилиши, айниқса, ҳайвон маҳсулотлари билан таққослаб кўрилганда, кўп эмас, умумий ҳажмдан 1-3% ни ташкил қиласди. Шундай қилиб, мол гўштини истеъмол қилганда организм гўшт таркибидаги зарур элементнинг 12% гача бўлган миқдорини ўзлаштира олади.

Пархез ёрдамида ТТК ни коррекция қилишда овқат рационида витамин С ва оқсилга бой (гўшт) бўлган маҳсулотларни кўпайтириш ва темирнинг ўзлаштириш жараёнига таъсир кўрсатиши боис тухум, ош тузи, таркибида кофеин бўлган ичимликлар ва калцийга бой бўлган маҳсулотларни камайтириш лозим.

Медикаментоз даво

Ўрта оғир ва оғир шаклида даволовчи пархез дори препаратларини тавсия қилиш билан бирга олиб борилади. Медикаментлар бирикма тури, дозаси, ишлаб чиқариш шаклига кўра фарқланади: таблеткалар, драже, сироп, томчи, капсуналар, инъекция учун эритмалар.

Оғиз орқали қабул қилинадиган препаратлар темир сўрилишининг ўзига хослиги сабаб овқатдан бир соат олдин ёки овқатдан икки соат кейин кўлланилади, бунда ютишни енгиллаштирувчи суюқлик сифатида таркибида кофеин сақлаган ичимликлардан (чой, кофе) фойдаланиш тавсия этилмайди, чунки бу элементнинг ўзлаштирилишига таъсир кўрсатади. Препарат дозаларини қабул қилиш орасидаги интервал 4 соатдан кам бўлмаслиги лозим. Медикаментларни ўзбилармонлик билан қабул қилиш препаратнинг шакли ёки миқдорини нотўғри танлаш натижасида ножўя оқибатларга ёки темирдан заҳарланишга олиб келиши мумкин.

Препаратнинг дозаси ва шаклини беморнинг ёши, касалликнинг босқичи, сабаби, умумий клиникаси ва индивидуал хусусиятларига кўра мутахассис аниқлайди. Дозаси, қоннинг оралиқ ёки назоарт таҳлилларининг натижалари ва/ёки беморнинг аҳволига кўра, даво курси жараёнида коррекция қилиниши мумкин.

Даво курсида темир препаратлари, гемоглобин миқдорини назорат қилиб бориш билан, 3-4 ҳафтадан бир неча ой давомида қабул қилиниши мумкин.

Перорал қабул қилинадиган темирни етказиб берувчи препаратлар орасида темирнинг икки – ва уч валентли шакли бўлган медикаментлар ажратилади. Текширувларга кўра, ҳозирги вақтда

икки валентли темир, организмда яхши ўзлаштирилиши ва ошқозонга аёвчи таъсир кўрсатиши боис, оғиз орқали қабул қилиш учун энг мақбул бўлиб ҳисобланади.

Болалар учун томчи ва сироп шаклидаги темир сақловчи воситалар ишлаб чиқарилади, бу уларнинг препаратларни қабул қилишни ёшга доир ўзига хослиги ҳамда озуқа билан организмга тушган темирнинг ўзлаштирилиши юқори бўлгандиги боис даво курсининг катталаарга нисбатан қисқароқ эканлиги билан боғлик. Капсула, драже ва таблеткаларни қабул қилишда ҳамда даво курси узоқ давом этганда дори воситасининг қаттиқ шакли афзал кўрилади, чунки узоқ вақт қўлланилганда суюқ воситалар тиш эмалига салбий таъсир кўрсатиши ва унинг қорайишига олиб келиши мумкин.

Энг кўп қўлланиладиган таблетка кўринишидаги медикаментларга куйидагилар киради: Ферроплекс, Сорбифер, Актиферрин, Тотема (темирнинг икки валентли шакли) ва таркибида уч валентли темир бўлган Мальтофер, Ферростат, Феррум Лек.

Перорал шакллари яхши сўрилиши учун шифокор тавсия этган дозада С витамини (аскорбин кислотаси) билан бирга қўлланилади.

Темир препаратининг мушак ораси ва томир ичига юбориладиган инъекциялари куйидаги чекланган вазиятларда тавсия этилади:

- камқонликнинг оғир даражаси;
- препаратни перорал қабул қилиш курсининг самарасизлиги;
- препаратнинг перорал шаклини қабул қилган беморнинг ахволини ёмонлаштирувчи меъда-ичак тракти специфик касалликларининг мавжудлиги (ўткир гастрит, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси, носспецифик ярали колит, Крон касаллиги ва ш.ў.);
- таркибида темир сақлаган препаратларнинг перорал шаклини индивидуал кўтара олмаслик;
- организмни шошилинч тарзда темир билан тўйинтириш зарур бўлган вазиятларда, масалан, жароҳатланиш натижасида кўп қон йўқотганда ёки жарроҳлик амалиётидан аввал.

Темир препаратини томир ичига ва мушак орасига юбориш ножӯя реакциясини юзага келтириши мумкин, шу сабабдан давонинг бундай курси мутахассиснинг назорати остида стационар ёки клиник шароитларда олиб борилади. Инъекция жойида тери остида гемосидериннинг тўпланиши таркибида темир сақлаган суюқликларни мушак орасига юборишнинг ножӯя оқибати-

га киради. Препарат юборилган жойида тери қопламидаги пайдо бўладиган қора доғлар бир ярим йилдан 5 йилгача сақланиб қолиши мумкин.

Темир танқислиги камқонлигига тавсия этилган дозага ва даво курси давомийлигига риоя қилинганда медикаментоз терапия яхши самара беради. Бироқ агар ҳолатнинг этиологиясида бирламчи жиддий касалликлар ва бузилишлар аниқланса даво симптоматик характерга эга бўлади ва қисқа вақтли самара беради.

Овқат рационини тўғри танлаш ва соғлиқни сақлаш учун диагностик ва даво чораларини ўз вақтида кўллаш темир танқислигининг профилактикаси бўлиб ҳисобланади.

Камқонлик билан курашиш бўйича Ўзбекистон стратегияси

Охирги йилларда она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш, келажак авлоднинг етук ривожланишини таъминлаш учун шароитлар яратиш Ўзбекистон Республикасида муҳим давлат вазифаси, тиббиёт фани ва амалиётининг устувор йўналиши бўлиб ҳисобланади. Бу борада камқонлик билан курашиш она ва бола соғлигини муҳофаза қилишнинг муҳим вазифаларидан биридир. Ўзбекистон Хукумати ва ЎзР ССВ томонидан ЖССТ/ЮНИСЕФ нинг юқорида кўрсатилган тавсияларини ҳисобга олган ҳолда қуидаги компонентларни ўз ичига олган камқонлик билан курашиш бўйича ўз стратегиясини ишлаб чиқди:

– қонун асосида давлат даражасида буғдой унини фортификациялаш;

– ЎзР ССВ буйруғи асосида хавф гуруҳларида темир препаратлари билан ҳар ҳафтада саплементация ўтказиш;

– соғлом овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи мавзусида санитар-оқартув ишларини олиб бориш;

– илмий ёндашган ҳолда камқонликнинг олдини олиш дастурининг мониторингини ўтказиш ва баҳолаш;

– камқонлик билан курашиш бўйича замонавий протоколларни шифокорларни диплом олди ва дипломдан кейинги тайёрлаш дастури, соғлиқни сақлаш амалиётига тадбик этиш.

Камқонлик билан курашиш бўйича юқорида кўрсатилган стратегиянинг турғунлиги 7.06.2010й. да Ўзбекистон Республикаси нинг “Республика аҳолиси орасида микронутриентли етишмовчиликнинг олдини олиш ҳақида” ги Қонуни билан таъминланади.

Дастурларнинг самарали координацияси, уларнинг илмий асосланган мониторинги ва баҳоланиши, услугбий ва амалий ёрдам кўрсатиш учун соғлиқни сақлаш муассаларига ЎзР ССВ ГИТИ - НИИГ ва ПК қошида замонавий лаборатория билан жиҳозланган, халқаро тренингларда малакасини оширган мутахассисларга эга Республика камқонлик маркази ташкил этилган (ЖССТ, СиДиСи, ЮНИСЕФ, Бутунжаҳон Банки).

VIII БОБ. УЙДА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ПАРВАРИШЛАШНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ

8.1. Оила тиббиёти ҳамширасининг уй шароитида беморларни парваришлаш қоидалари бўйича йўриқлар бериш принципи

8.2. Оилани оқилона режалаш тамойиллари

8.1. Оила тиббиёти ҳамширасининг уй шароитида беморларни парваришлаш қоидалари бўйича йўриқлар бериш принципи

Умумий соғлиқни сақлаш ҳамшираси кўрув учун бемор уйига борганида соғлигини сақлашда ва касалликни профилактикасига катта аҳамият беради. Умумий соғлиқни саклаш ҳамшираси инфекцион касалликларни тарқалиш даражасини ўрганади. Оила саломатлиги, яъни она ва бола, кексалар саломатлик ҳолатини кузатиб боради. Тиббиёт ҳамшираси уйда ўтказиладиган ҳамширалик парваришни ташкиллаштиришда асосий эътиборни бемор парваришига қаратади, Хоспис шароитида эса умри тугаб бораётган беморларни парвариш қиласди. Тиббиёт ҳамширасини уйдаги кўрув вазифалари турили хил бўлгани билан барчасини асосини парвариш ташкил қиласди.

Уйда ўтказиладиган ҳамширалик парваришининг афзаллик ва камчиликлари.

Афзалликлари - агар беморни уйда парваришлаш имкони бўлса, беморни шифохонада даволаниш давомийлигини қисқартиради ва шифохона сарф-харажатларини бироз қисқартиради. Бемор ўз навбатида уйда ўзини хотиржам ва осоиишта ҳис қиласди. Бемор уйидаги ҳамшира беморнинг анъанавий меҳмондорчилик ҳолати билан ташриф мақсадини маҳорат билан олиб бориши, яъни бемор бир пиёли чойга таклиф қиласа “Аввал муолажаларни бажариб олайлик, кейин бирга ўтириб, чой ичармиз” -деб оила аъзоларини хафа қилмаган ҳолда вазиятдан чиқиб кета олиши керак. Бемор ўзини уйда қисман хотиржам, қулай ҳис қиласди. Шу сабабли ўзини қандай парваришлаш кераклиги ҳақидаги сабоқларни тез англаб олади.

Ҳамшира бемор билан мулокотда ва уни ҳаракатларини күзаттаётган пайтда бемор соғлиғига таъсир қилаётган, ақволини оғирлаштираётган омилларни аниқлаши ва уларни олдини олиши керак. Ҳамшира шифохонадан кўра уй шароитида бемор билан кўпроқ вақт бўлиб, бемордаги турли ўзгаришларни кузата олади. Агар беморнинг унга қарайдиган бокувчиси бўлса, умумий баҳолаш янада кенгроқ бўлади. Чунки оиланинг эмоционал ва физиологик ҳолати оиланинг барча аъзолари соғлиғига таъсир этади.

Барча афзалликларга қарамай уйдаги парваришнинг ўзига хос камчиликлари ҳам мавжуд. Бинобарин ҳамшира ўз билим ва кўникмалари беморни уйда парваришаш жараёнига мос кела олишини, турли ҳолатларда вазиятни бошқара олишига ишончи комил бўлиши керак. Кристиан ва Чалмерс (1991) ҳамшира ўзига қуидаги саволлар бериши керак: Мен шу вазифани бажара ололаманми, менга шу иш ёқадими, мен турли оиласлар билан ишлай ололаманми, деган саволларни ўзига бериши керак, деб ҳисоблайдилар.

Бемор уйидаги парвариш касалхонадаги парваришига нисбатан кўп вақт олади. Ундан ташқари, уй парваришида бир хил муаммоли гуруҳ билан эмас, балки бир ёки иккита bemor билан ишлайди. Уй шароитида bemor муолажа вақтида бошқа нарсаларга, масалан болаларга ёки қўшниларга чалғиши мумкин. Уй шароитида шошилинч ҳолатларда керакли жиҳозлар йўқлиги ва бошқа мутахассислар маслаҳатидан фойдалана олмаслик катта муаммолардан биридир. Бундан ташқари bemor уйи криминал жиҳатдан хавфли зонада жойлашган бўлиши мумкин. Баъзи bemорлар эса тиббиёт ходимини уйига келишини ёқтираслик ҳолатлари ҳам учрайди.

Ҳамширалиқ жараёнини уй шароитида ташкиллаштириш

Бемор кўрувида ҳамширалиқ жараёнини ташкиллаштириш жуда муҳим. Оиланинг барча аъзолари баҳоланади. Ҳамширалиқ ташхиси ҳамширалиқ парваришини ташкиллаштириш ва ҳамширалиқ тадбирларини оила аъзолари билан биргалиқда бажаришга ёрдам беради. Bemorni баҳолаш ҳамширалиқ жараёнини асосий компоненти ҳисобланади.

Маълумот йигини.

Ҳамшира оила ҳақидаги маълумотларини биринчи кўрувдн олдин йига бошлайди. Ҳамшира bemor ҳақидаги барча маълумот-

лар билан танишиб чиқиши керак. Буларга қуйидагилар киради: фамилияси, ёши, шифокор тащиси, уй манзили, телефон рақами, ҳамширанинг уйга боришдан мақсади. Кўпинча ҳамшира беморни уйда ҳамширалик парвариши зарур бўлганида шифокор жўнатади. Стационарда даволаниш чегаралангани учун беморга уйда ҳамширалик парваришини уйда ташкиллаштириш керак. Биринчи ташрифдан мақсад беморнинг кучли томонларини топиш тиббий ёрдамга талабини аниқлашдир. Ҳамширанинг биринчи ташрифи бемор оила аъзоларига стресс ҳолати ҳисобланади. Ҳамшира ўз ташрифи билан бемор ва унинг оила аъзоларига бироз ноқулайлик туғдириб, уларнинг одатий ҳаёт тарзига беихтиёр салбий таъсир қилиши мумкин. Шу сабабли биринчи ташрифда оилани баҳолаш бироз қийинчилик туғдиради. Ҳамшира ўз билим ва кўнимкалари ёрдамида объектив баҳолай олиши зарур. Баҳолаш ўз ичига интервью, кузатув, стандарт ва ностандарт назорат анкета усулида текширув олиб бориши киради. Баъзи ҳамширалар беморни баҳолаш унинг оила аъзоларини баҳолашдан муҳимроқ деб ҳисоблайдилар, лекин униси ҳам, буниси ҳам катта аҳамият касб этади. Интервью усули – умумий соглиқни саклаш ҳамшираси оилани барча аъзолари билан баробар ёки ҳар бири билан алоҳида сухбат ўтказади. Агарда сухбат бир киши билан ўтказилса, фақат бир кишининг нуқтаи назари баҳоланади, агар бутун оила аъзолари билан сухбат курилса, оила ҳақида умумий таъсаввурга эга бўлиш мумкин. Иш жараёнида бемор ва унинг оила аъзолари ҳамширага бўлган ишончи муҳим ҳисобланади. Аввалига ҳамширани оила аъзолари бегонадек қабул қилишади ва шу сабабли ўзларининг ҳавотирлари ташвишлири билан ўртоқлашмайдилар. Кучли стресс ҳолатлари бундан мустасно. Ҳатто баъзан баъзи оилалар ўз муаммолари ҳақида четдан келган ўзга одам билишини хоҳламайдилар ва атайлаб ўз муаммолари ҳақида гапирмайдилар, натижада мулоқотни қийинлаштирадилар. Қанчалик оила аъзоларининг ҳамширага бўлган ишончлари ортиб борса, бемор муаммоларини аниқлаш шунчалик осонлашади. Баъзан оиланинг ҳамширага бўлган ишончсизлигининг ўзига хос сабаблари мавжуд. Масалан оилада бирон бир киши гиёхванд моддаларни истеъмол қилиши ёки ноқонуний ҳолда давлатга кириб келганлиги ва ҳоказо. Шу сабабли ҳамшира тўлиқ ишончга кирмагунча бу муаммолар барчаси сир тутилади.

Кузатув орқали баҳолаш – бу ҳар бир кўрикда ўтказиладиган жараёндир. Бунда ҳамшира уй ҳолати, унданги одамларнинг ўзаро муносабати, кўшни муҳит билан алоқаси ҳақида маълумотта эга бўлиши ва шу орқали оиласининг яшаш шароити муаммоларини аниқлаши, хавф түғдирувчи омилларни кузатиши мумкин.

Ёндаш муҳит

- Бемор уйига яқин бўлган муссасалар (мактаб, дўкон, транспорт, масжид ва ҳ.к);
- Йўл сифати (одамлар гавжум, осойишта, йўл қурилиш сифати);
- Кўшни бўлиб яшовчи одамлар (ёшлар орасида ўсиб бораётган криминал ҳолатлар, кўчадаги аҳоли сони, кўшниларнинг дўсона муносабати);
- Уй ҳолати (уй ҳолати яхши, ҳовлида тартибсизлик);
- Тумандаги ҳайвонлар (тури, сони, ҳолати);

Уй

- Девор ва полдаги нотекисликлар, сирланчиқлиги, тозалиги, оғир предметларнинг туриш жойи, ноадекват осилиб турган, яхшилаб мустаҳкамланмаган предметлар;
- Уй дахлизи ва зинапоя – нотекис ўйлак, зина ушлагичларнинг мустаҳкамлиги ёки бутунлай йўқлиги, йўлакнинг турли предметлар билан тиқилиб кетмаганлиги, ичкари уйнинг ва ташки ҳовлининг кечаси ёритиб турадиган ёритгичлар ҳолати ва ҳ.к;
- Мебелларнинг ўтқир учлари, нотўғри жойлашганлиги, стул ва креслоларнинг жуда пастлиги ёки мустаҳкам бўлмаслиги, хавфсизлигини таъминлаб бера олмаслиги;
- Ҳаммом полининг сирпанчиқ эмаслиги, сунъий ёруғлик билан таъминланганлиги, дори кутичасидаги дори воситаларининг сақлаш муддати;
- Ошхонадаги таъминалаб ёритгичлар, мустаҳкам бўлмаган мебел, нарсалар сақлаш учун мўлжалланган жавонларнинг ноқулийлиги;
- Ётоқхонада ёритгичлар борлиги ва уларнинг ёкиш куляйлиги;
- Электр ўтказгичлар –электр симининг носозлиги, изоляцияланмаганлиги, электр токидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилинмаётганлиги;
- Оловдан ҳимоя – эвакуация режаси ва эвакуация эшиги, ўт

ўчиргич, тез ёнадиган моддаларни нотүғри сақлаш, шошилинч ҳолатларда телефон мавжудлиги;

- Токсин моддалар – дори, тозаловчи воситаларга ёпишириладиган ёрликлар йүқлиги, уларни қандай ҳолда сақланыптырады; жыныс берип болалардың күли етмайдын жойда сақланыптырады.

Оила

- Оила таркиби;
- Болаларнинг бандлиги (телевизор кўраяптими ёки бир-бiri билан ўйнаяптими);

- Оиладаги болалар тарбияси;

- Уйда бошқа қариндошларни борлиги;

Оила саломатлиги

- Оиланинг яшаш давомийлиги;
- Ўткир ва сурункали касалликлари;
- Оилавий ва наслий касалликлар (ревматизм, қандли диабет, ўсма касалликлари, руҳий бузилишлар, эпилепсия, мигрен, гипертония, қон касалликлари, семизлик, гиёхвандлик);

- Эмоционал бузилиш ёки стресс билан боғлиқ касалликлар;

- Оилага сурункали таъсир этувчи зарарли омиллар (сув, тупроқ, шовқин, кимёвий моддалар ва ҳ.к.);

Ўзини уй-жой ва озиқ –овқат билан таъминлай олиши.

- Яшаш учун қулай бўлган шароит мавжудлиги;
- Кирхона, дўкон, кўнгилочар жойлари яқинлиги;
- Санитария ҳолати, чиқиндиларни ўз вақтида йўқотилиши ва сув таъминоти, кемирувчи ва ҳашоратларни пайдо бўлишини назорат қилиниши;

- Озиқ – овқат маҳсулотларини совутгичда сақлаш;
- Озиқ-овқат заҳираси мавжудлиги;
- Овқат тайёрлаш учун шароит борлиги (электр плита, печ, газ плитаси);

- Ҳар бир оила аъзосига баланслаштирилган меню таркибини таништириш, керак бўлганда оила аъзосининг алоҳида бирига диета терапия режалаштириш;

Соғлиқни сақлаш тизимиға кириш

- Доимий тиббий хизмат;

- Беморни парваришни ташкиллаштирадиган шахсларни бўлиши;

- Даволовчи муассаса яқинидан транспорт воситаларини ўтиши;
- Биринчи ёрдам күрсата оладиган құшнилар бўлиши;
- Телефон мавжудлиги;
- Беморда мусбат реакцияни шакллантириш.

Кейинги кўрувга тайёрланаётганда олдинги кўрув режасини кўриб чиқиб, эътибор бериш керак бўлган муаммолар аниқлана-ди. Оила билан маслаҳатлашиб бирламчи, иккиласмчи, учламчи профилактикани ишлаб чиқиш ва bemорни ҳозирдаги муаммосини даволашга тайёрлигини аниқлаш. Ҳамшира bemорни ўзгаришларга тайёр эканлигига амин бўлиш керак. Зевех (1970) bemорнинг мусбат реакциясини шакллантиришни З тамойили ишлаб чиқди.

Биринчи тамойил – янгиликни киритиш учун қулай вақт танлаш. М: муаммони ечиш вариантиларини кўриб чиқишдан аввал bemорни ҳозирги муаммоларини пайдо бўлиш тарихини сўзлаб беришига бўлган эҳтиёжини билишдир.

Иккинчи тамойил – ҳамширанинг доимий ташрифи орқали, ҳамшира bemор олдида доимо бўлиши ва қўллаб-куватлашга ҳаракат қилиши керак. Агар ҳамшира ташрифи кетма-кет бўлмаса, ҳамшира bemор ишончига кириши қийинлашиб, уни ташвишга со-лаётган муаммосини аниқлаш мушкуллашади.

Учинчи тамойил – келажакда кузатилиши мумкин бўлган муаммолар ва эҳтимолларни ўз вақтида аниқлаш ва келишган ҳолда чора кўриш.

8.2. Оилани оқилона режалаш тамойиллари

Ҳамширалик парваришини уйда ташкиллаштириш – бу мураккаб, ҳар томонлама қамраб олинган, bemорга индивидуал мослаштирилган парваришидир. Уйда ўтказиладиган ҳамширалик парвариши умумий ва маҳсус бўлади. Ҳамшира уйда парваришлишни ўрганаётган вақтида ишга ҳар томонлама ва специфик ёндашиши, мураббий бошчилигига амалиёт ўташи керак. Кейин эса ҳамшира уйга ташрифида тавсия бўйича қилинадиган ишлар ва ундан кутилаётган натижани тасвирлайди.

Уйга ташриф жараёни З босқичдан иборат:

- режалаштириш босқичи - олдинги ташриф;
- ишчи босқичи;
- bemор кўригидан кейинги босқичлари киради.

Ҳамшира иши самарали ва ҳаёт учун ҳавфсиз бўлиши учун кўрувдн олдин тайёргарлик зарур. Олдиндан режалаштириш ўз ичига кун давомида кўрувга бориши керак бўлган беморлар рўйхати кетма-кетлигини билиши киради. М: бир беморни қондаги қанд миқдорини аниқлаши учун эрталаб қон олгани бориши, бошқасини кунига икки маҳал боғловини алмаштириши, З-беморни боқувчиши эса фақат эрталаб ҳамшира учун уй эшигини очиб бериши мумкин. Бундан ташқари кўрув рўйхатини тузатганда беморларнинг уйлари орасидаги масофа, таҳдилларни лабораторияга олиб бориш зарурлиги, шифокор билан консультация каби омиллар ҳам ҳисобга олинади. Бунга қўшимча ҳамшира иш жараёнида қандай дорилар, асбоб-анжомлар, тиббий жиҳозлар керак бўлишини билиши, агар улар йўқ бўлса, кўрувга чиқишидан олдин зарур нарсаларни қабул қилиб олишни ташкиллаштириши керак.

Олдиндан режалаштириш босқичи – бемор уйига боргандаги кўрувдан кўйилган мақсадни ечишга қаратилган чора-тадбирлар ҳисобланади. Режани ҳамшира шифокор билан биргаликда тузади ва унда бемор уйига ташриф частотаси ва хизмат ҳажми аниқланади. Кўпинча ҳамширага беморлар рўйхати берилади, бу ҳолда ҳамшира кўрик рўйхатини ўзи тузади. Кўпинча беморлар кўриги географик тамойил асосида, уйлар орасидаги масофа, беморларнинг аниқ эҳтиёжлари, ҳамшира лаёқатлилиги каби тоифалари бўйича ажратиб олинади.

Уй кўригига борадиган ҳамшира кўпинча кунига 4-6 та беморни ташкил қиласди. Шундай қилиб ҳамшира кўрув графигидаги барча беморлар рўйхатини кўриб чиқиши зарур. Бу рўйхат ўз ичига қуйидагиларни олади:

- Бемор ташхиси ҳақида қисқача маълумот;
- Ташриф вақтида қилиниши керак бўлган хизматлар ҳажми;
- Кўрув вақтида керак бўладиган дори воситалари, асбоб-ускуналар рўйхати;
- Бемор уйи кўрсатилган чизма ёки харита;

Шу рўйхат ёрдамида ҳамшира уй кўруви режалаштириб олади. Кўпинча тайёргарлик ташриф кунидан бир кун олдин тушдан сўнг ёки кечки пайт тайёрланади.

Телефон орқали алоқа – кўрув рўйхати тузилгандан сўнг ҳамшира ҳар бир беморга кўнғироқ қилиб, қачон ва нима учун бора-

ётганлиги ҳақида огоҳлантиради. Агар бу биринчи ташриф бўлса, ҳамшира беморга парвариш вақти мослигини сўрайди, боқувчиси бор –йўқлигини аниқлайди.

Биринчи қўнғироқнинг ўзидаёқ ҳамшира баъзи бир маълумотларга эга бўлади. Ҳамшира bemorning қўнғироққа бўлган реакциясини қайд қилиши орқали bemorning уй кўрув мақсадини қанчалик идрок этаётганлик даражасини аниқлаб олади. Баъзидаги ташриф вақтини аниқлаб олишда, bemor билан боғланиб бўлмаслиги, яъни телефон қўнғироғига жавоб бермаслиги, бошқа тилда сўзлашиши, телефони йўқлиги каби тўқнашиш мумкин. Бундай ҳолларда bemor яқинлари, қўшниси ёки боқувчиси билан боғланниб, ташриф вақтини аниқлаб олиш мумкин.

Bemor тиббий картасини кўздан кечириш. Ташриф рўйхатини тушиб бўлингач, ҳамшира bemorning даволаниш режаси билан танишиб чиқиши керак. Уй кўргининг кейинги муҳим қоидаларидан бири бу bemor тиббий картасини кўздан кечиришdir. Лекин бу оддий жараён бўлмаслиги ҳам мумкин. Чунки бигта bemorni бир неча тиббиёт ходими бориб кўриши мумкин. Кўп ҳолларда тиббиёт ходими bemorni кўргани борганида, уни касаллик тарихи билан танишмасдан, унинг ҳолати ҳақида, даво режаси ҳақида маълумотга эга ҳолда боради. Чет давлатларида бу маълумотларни тиббиёт ходимига автохабар, факс, bemor уйида қолдирилган ёзма маълумотлар ёрдамида етказилади. Ҳамшира bemorning даво режаси билан аввалдан танишиб чиқиши, саволлар туғиладиган бўлса шифокор билан боғланиши ва ундан сўнг ишга киришиши керак.

Тиббиёт предметларини ва асбобларини борлиги ва муолажалар бажарилишини баҳолаш.

Уй ташрифига тайёрланишнинг яна бир қоидаларидан бири керакли буюмлар солинаган сумкани текширишdir. Бу сумка ичига асосий текшириш учун керакли асбоблар (танометр, стетоскоп, термометр ва x.k), тиббий аптека ашёлари (дез. воситалар, совун ва x.k) ва ишлатилган жиҳозларни соладиган идиш ёки полиэтилен пакети.

Ҳамшира сумкаси учун тавсиялар

- Сумкани ички қисмини тоза сақланг;
- Автомобиль ичида сумкани тоза жойда сақланг;
- Bemor хонадонига боргандаги сумкани газета тўшалган ишлар учун қулай ва болалар кўли етмайдиган жойга қўйинг;

• Сумкани ортиқча очиб-ёпишни камайтириш мақсадида күлларни ювиш учун ишлатиладиган воситаларни сумкани юқори қисміда сақлаганингиз маъқул;

• Кўл ювиш воситаларини раковина олдига бир дона қофозли сочиқ устига қўйинг, қўлингизни беморни кўришдан олдин ва кўриқдан кейин ювинг;

- Ҳар гал янги қофозли сочиқдан фойдаланинг;

- Кўлингизни ювиб бўлгач, сув жўмрагини ёпиб қўйинг;

- Сумкани қайта очиб, шу кўриқ учун керакли бўлган жиҳозларни олинг;

- Кўриқ давомида сумкадан қўшимча жиҳозларни олиш керак бўлиб қолса, кўл ювиш жараёнини қайтаринг;

- Ишлатилган жиҳозларни сумкадан жойлашдан олдин уларни совун билан ёки дез. эритма билан ишлов беринг;

- Ишлатилган жиҳозларни бемор уйида ишлов беришга имкон бўлмаса, жиҳозларни пластик идишга солиб, дезинфекциялаш учун даволаш муассасасига олиб кетинг;

- Ҳамшира сумкасига ишлатилган боғлов материаллари, игнайлар, ишлатилган жиҳозларни солиш ман этилади;

- Ҳамшира сумкасини узоқ вақт давомида иссиқ ва совуқ жойда, автомобил ичидаги қолдирмаслик керак;

- Сумкани вақтида керакли жиҳозлар билан тўлдириб туриш, ҳар куни заарарсизлантириш тавсия этилади;

Доимо ҳамширанинг ёнида бўлиши керак бўлган воситалар

- Стерил ва ностерил ва майший қўлқоплар;

- Дезинфекцияловчи воситалар: Натрий гидрохлорид эритмаси 1:10 нисбатда сувдаги эритмаси, антисептиклар, хирургик спирт, водород пероксиди;

- Пинцет ва қайчи;

- Стерил шприц, стерил салфетка;

- Боғлов материаллари: дока, пахта, бинт, пахта тампони;

- Ниқоб: ўпка – юрак реанимацияси учун;

- Ҳимоя кўзойнаклари;

- Сув ўтказмайдиган фартук ва халат. Бир марталик халат ва фартук;

- Намуналар учун идиш;

- Ўткир тиғли асбоблар учун контейнер;

- Күл ювиш учун суюқ совун. Куруқ дез восита спирт асосида;
- Чойшаб, күл сочиқ, юз учун салфетка, қоғозли сочиқ;
- Ҳимоя креми, алоэли крем, вазелин.
- Патнис, темир стакан, лоток.
- Танометр, термометр, стетоскоп, перкуссия учун болғача, шпател, сантиметр лента, глюкометр.
- Соат, чүнтак фонуси, кичик тарози.
- Пластик халта
- Ҳужжатлар учун тиббий шакллар

Үй кўригига борувчи ҳамшира ҳавфсизлиги масалалари

Үй шароитида парвариш қилаётган ҳамшира риоя қилиши керак бўлган масалалар қуидагилардан иборат. Аксарият ҳолларда патронаж ҳамшираси ёлғиз ишлаши сабабли унинг ишлаш жараёнида турли ҳаётига ҳавф соладиган ҳолатлар юзага келиши (об-ҳаво инжиқликлари, ҳаёт учун ҳавфли ҳолатлар) мумкин. Шунинг учун баъзи тиббиёт ташкилотлари уларни ҳавфсизлигини тамиллаши учун мобил телефондан фойдаланиш, телеметрик сигналлар, беморларни кўрув рўйхати ёрдамида ҳамширанинг ҳаратат ҳолати кузатиб туради. Ҳамширанинг мукаммал ҳимояси учун тиббиёт ташкилотлари қуидаги тавсияларни беради.

Ташқи кўриниш ва коммуникация

- Махсус касб формаси, пейжик;
 - Ташкилот ўз ходимини қаерда эканлигини, bemorning фамилияси, кўрув вақти, яшаш жойи ҳақида маълумотга эга бўлиши керак;
 - Беморни ташриф ҳақида олдиндан огоҳлантиринг, bemor уйини топишга қийналсангиз, bemorni ўзидан сўраб олинг;
 - Ташрифдан олдин кутиб олишлари учун қўнғироқ қилиб қўйинг;
 - Уй ҳайвонларини чўчитиб юбормаслик учун, оҳиста айланиб ўтинг, bemordan ташрифдан олдин ҳавфли уй ҳайвонларини беркитиб ёки боғлаб қўйишни сўранг;
 - Итдан ҳеч қачон қочманг;
 - Ўзингиз билан катта миқдорда пул олиб юрманг;
 - Кўл телефонингиз доимо ёнингизда бўлсин;
- Ташриф жараёнида.

- Бир қўлингиз доимо бўш бўлсин, тиббий сумкангиз ва асбоб-ускуналарингиз доимо шай бўлсин;
- Бегона одамлардан эҳтиёт бўлинг;
- Ташриф вақтида.
- Бемор уйига асосий эшикдан киринг;
- Киришдан аввал қўнғироқни чалинг;
- Агар ҳаётингизга хавф түғдирадиган ҳолат бўлса, қўшнилар ёки bemor яқинлари билан биргаликда киринг;
- Агар bemor уйида ҳеч ким бўлмаса, ташрифни бошқа кунга кўчиринг;

Ҳаёт учун хавфли вазиятда ҳимоя техникиаси.

- Бор кучингиз билан ёрдамга чақириб бақиринг;
- Ташланашётган шахсни чов соҳасига зарб беринг;
- Тирнанг, тишланг;
- Олдингизда олиб юрадиган хуштакни чалинг;
- Газ баллончасидан фойдаланинг;
- Ҳимоя воситаси сифатида ҳамшира сумкасидан фойдаланинг;

Бундан ташқари.

- Ҳаётингизга хавф түғдирадиган ҳолатлар кундузи содир бўлса, қўшни хонадонга кириб кетинг;
- Лекин шуни унумтсангки, қўшни хонадон ҳам хавфсиз бўлмаслиги мумкин, шунинг учун аввал кирмаган хонадонингизга кирмаганингиз маъқул;
- Агар сизни тунаш мақсадида тажовуз қилишса, қаршилик кўрсатманг;
- Агар автомобиль билан боғлиқ муаммо чиқса, дарҳол даволовчи муассасага хабар беринг;

• Ҳужжатлаштиринг.

- Ташриф вақтида ҳаётингизга хавф солувчи барча ҳолатлар;
- Ҳайвонлар тишлаши (мутахассисга ҳисобот беринг);
- Зарур бўлган ҳолларда тиббий ёрдамга мурожаат қилинг;

Уйга ташриф буюриш босқичлари.

Смит (1995) уйда ўтказиладиган парвариш жараёнини 3 босқичга ажратган.

Бошланиши. Биринчи босқич-эшик қўнғироғини чалиш ва уйга кириб келишдан бошланади. Ҳамшира ўзини таништириши,

қайси ташкилотдан эканлигини айтиши ва ташрифдан мақсадини тушунтириши керак.

Ҳамшира хонадаги барча кишилар билан саломлашиб, беморни ким парваришилаётганлигини билиб олиши керак. Кейин эса бемор ахволи, ўзини қандай сезаётганлиги ҳақида сўраб, керакли физиологик, психологияк, ижтимоий ҳолати ҳақида маълумот олади. Об-ҳаво, байрамлар ёки охирги хабарлар ҳақида қисқача сұхбатдан сўнг, bemорни билиш қобилиятини текширади. Бемор бокувчиси билан сұхбат қилиш жараёнида bemорнинг умумий ҳолати, оиласидаги вазият, мавжуд ва кутилаётган муаммолар ҳақида маълумотга эга бўлади. Ташриф мобайнида ҳамшира bemор яшаш шароити ҳақида, унга таъсир қилаётган салбий омиллар ҳақида тасаввур қилади. Ундан сўнг ҳамшира bemорнинг тиббий картасидаги ёзиб қўйилган давога қараб, парвариши амалга оширишга киришади. Ҳамшира сумкасидан керакли жиҳозларни ва ундан ташқари совун ва сочиқни олиб, қўлларни қаерда ювиш мумкин эканлигини сўрайди. Қўлларни ювиг бўлгандан сўнг, даво режасини амалга ошира бошлайди.

Ишчи босқич. Бу босқичда bemор ҳолати баҳоланади, керакли даво молажалари бажарилади. Bemорни парваришилаш bemор оила аъзоларига тушунтирилади.

Баҳолаш. Bemор уйидаги кўрикда ҳамшира қўйидаги соҳалар бўйича bemорни баҳолайди: физикал, психо-ижтимоий, функционал ҳолати, дориларни қабул қилиш ҳолати, овқатланиши, ташқи муҳит. Шу маълумотлар асосида ҳамшириалик жараёни ва керакли даво (физиотерапия, меҳнат терапия ва ҳ.к.). Шунингдек қўшимча ёрдамга талаб (кундузги юкламани бажаришга ёрдамлашиш) ишлаб чиқилади. Кейинги ташриф давомида баҳолаш кенг қамровли эмас, бир йўналишда олиб борилади. Ҳар бир ташрифда ҳамшира ҳаёт учун муҳим бўлган аъзо ва тизимларни функциясини баҳолайди. Bemорни бошдан оёқ текширилади. Бу ўз ичига нафас тизимини текшириш (нафас шовқинини эшитиш, нафас табиати, йўтал бор-йўқлиги), ЮҚТ (юрак қисқариш частотаси, ритми, юрак тонлари, кўкрак соҳасида оғриқ, пульс, капиллярлар тўлиқлиги, шишлар), асаб тизими (жой ориентацияси, қорачиқлар реакцияси, сүяклар ҳаракати функцияси, мушаклар кучи), ошқозон-ичак тракти (қорин ва ичакларда шовқин, метеоризм, оғриқлилиги, кўнгил айниши, қусиши ёки диарея), сийдик ажralиш тизими (сийдик

чиқариш частотаси, ачишиш, сийдикдан ноодатий ҳид келиши), тери қопламлари (тургор, харорат, қизариш, очик яра атрофи). Ҳозирдаги ва потенциал муаммоларга кагта аҳамият берилади. М: агар беморга қандли диабет деб ташхис қўйилган бўлса, унда тери жароҳатлари бор-йўклиги, қон айланишнинг адекватлиги, товонлар ҳолати баҳоланади.

Ташриф якунида ҳамшира қўлларини ювади ва барча маълумотларни таҳлил қила бошлайди. Кўпчилик ҳамширалар баҳолашни суҳбат ва ҳаёт учун мухим бўлган аъзолар кўрсаткичларидан бошлашади. Ҳар бир ҳамшира бемор аъзо ва тизимлар ҳолатини баҳолашда ўзига хос усулдан фойдаланади. Аксарият ҳамширалар баҳолашни суҳбат ва ҳаёт учун мухим белгилар ҳужжатларини кўриб чиқишидан бошлайди. Олдинги кўрсаткичлар билан солиштириш ва кучли ўзгаришларни аниқлаш орқали режалаштирилмаган тадбирлар қабул қилиш. М: беморда тана ҳарорати юқори ёки артериал босими юқори бўлса зудлик билан шифокорга мурожат қилинади. Ҳаётий мухим кўрсаткичларни ўлчаётганда ва дикқат билан физикал баҳолаш бажарилаётганда ҳамшира ҳам кўшимча малумотлар олиши учун саволлар бериши мумкин. М: қачон охирги марта ичингиз келган, ионуштага нима еган эдингиз, бош айланиши, бош оғриғидан шикоят қилмаяпсизми. Берилган жавобларга қараб беморга кўшимча саволлар бериш орқали ҳамшира ўзига керакли маълумотларни олади. М: қачондан бери пешобингиз оғриқли келади, тўпигингиз шишибди, бугун кўп юрганмидингиз, қон босимингиз меъёридан юқори, эрталаб дори ичганмидингиз. Барча муаммолар бемор тиббий картасига ёзиб борилиши ва шифокор билан маслаҳатлашиб олиш керак. Ҳамма ҳужжатлар ёзма тартибда тўлдириб борилиши керак.

Ҳамширалик парваришини ўтказиш

Мукаммал ҳамширалик парвариши кузатув ва баҳолашдан ташқари, ҳамширалик муолажаларини ҳам ўз ичига олади. М: жароҳатни парваришилаш, вена ичи инфузияси, дори воситаларини юбориш муолажаларини юбориш, трахеостомани, сийдик чиқариш катетерини беморга ва уни бокувчисига парвариши килишни ўргатиш.

Ҳамшира муолажаларни бажараётганда сумка ичидаги жихозлардан фойдаланади (М: қон таҳлиллари, чокларни олиш

учун асбоблар) ёки бемор уйида қолдирилган тиббий асбоблар (М: трахеостомик найча парвариши учун ишлатиладиган боғлов материаллари, инъекция қилишда фойдаланиладиган анжомлар). Ҳамшира сумкасидаги барча асбоблар тоза бўлиши ва уларни ифлосланишдан сақлаш керак. Шуни доимо ёдда тутиш керакки, сумкадан муолажа учун керакли предмет ва анжомларни олишдан олдин ва қайта солаётганда қўлларни ювиш керак. Ҳамшира тиббий сумкасини ҳайвонлар ва болалар қўли етмайдиган жойга қўйиши, баъзи тиббий анжомлар бемор уйида қолдириладиган бўлса уларни қандай сақлаш ва фойдаланиш ҳақида оила аъзоларига тушунтирилади. М: боғлов материаллари тоза ва қуруқ, болалар қўли етмайдиган ерда сақлаш керак. Дорилар, аралашмалар ва эритмаларни йўриқнома асосида сақлаш керак. Агар ҳамшира дориларни уйда сақлаш ҳолатидан қониқмаса дориларни сақлашни ўзи ташкиллаштиради. М: бемор уйида музлаткич ёки электор токи йўқ бўлса ва бемор оила аъзолари парентерал овқатлантириш эритмаларини сақлай олмасалар, ҳамшира дориларни ўз вақтида ўзи билан олиб келишни ташкиллаштиради. Уй шароитида ўтказиладиган барча муолажалар шифохона шароитидаги муолажалар сингари стерил бўлиши, ишлатилган материаллар ва ташланадиган чиқиндиларни йўқотиш қоидаларига риоя қилиниши керак. Юқумли чиқиндиларни қандай йўқотиш кераклиги ҳақида бемор ва унинг бокувчисига тушунтирилади. Ўткир тифли нарсаларни сақлаш учун контейнер бериш ва уларни қандай йўқотиш техникасини ўргатилади.

Уй шароитида ўтказиладиган парваришида техника хавфсизлиги.

Қўлларни ювиш.

- Қўлларни бемор билан мулоқотдан олдин ва кейин ювиш;
- Муолажа вақтида кўлингиз ифлосланса, қўлингизни қайта ювинг;
- Қўлқопларни ечилган заҳоти қўлларингизни совун билан ювинг (антисептик воситалардан фойдаланиш мумкин, лекин иложи бўлган заҳоти қўлларни совунлаб ювинг);

Қўлқопларни ишлатиш.

- Шикастланган тери, қон ва бошқа организм субстанциялари билан мулоқотдан олдин қўлқоп кийинг;

- Ҳар бир муолажадан сўнг қўлқопларни алмаштиринг;
- Барча ишлатилган қўлқопларни чиқиндилар солинадиган сув ўтказмайдиган полиэтилен халтада сақланг;
- Майший қўлқопларни заарсизлантириб қайта ишлатишин-гиз мумкин;
- Қўлқоплар яроқсиз ҳолга келгач, бошқасига алмаштиринг;
- Зарур ҳолатларда ишлатиладиган бошқа турдаги ҳимоя анжомларидан фойдаланиш.
- Қон ва бошқа организм субстанциялари билан ифлосланиш эҳтимоли бор бўлган ҳолатларда бир марталик халат ёки фартук тақинг;
- Ишлатиб бўлингандан сўнг чиқинди контейнерига ташланг;
- Қон ва бошқа организм субстанциялари билан ифлосланиш эҳтимоли бор бўлган ҳолатларда албатта, никобдан фойдаланиш шарт. Ишлатилган ниқоб ҳам чиқинди контейнерига ташланади;
- Нафас йўллари касалликлари билан оғриган беморларни парваришилашда бемор оила аъзолари ва ҳамшира никоб тақиб юриши керак. Бемор хонасининг эшигига “STOP” белгиси осиб кўйиш орқали ниқоб тақиши кераклиги эслатиб турилади;
- Қон ва бошқа организм субстанциялари билан ифлосланиш эҳтимоли бор бўлган ҳолатларда ҳимоя кўзойнакларини тақинг, ишлатиб бўлингандан сўнг совунли сувда ювиб ташланг;
- Оғиздан-оғизга сунъий нафас бериш керак бўлган ҳолларда бир марталик ўпка-юрак реанимацияси никобларидан фойдалан-ганингиз маъкул;
 - Ўткир предметлар ва игналар;
 - Қалин, ўтказмайдиган контейнерда сақланг;
 - Игналарни эгиш, синдириш, шприцдан ажратиш мумкин эмас;
 - Барча ўткир предметларни бир ерда сақланг;
 - Таҳлил йигиши;
 - Қон ва бошқа организм субстанцияларини олиш, сақлаш ва транспортировка жараёнида сув ўтказмайдиган идишда сақланг;
 - Таҳлил идишининг устида bemor исми ва таҳлил олинган вақти ёзилган йўлланма бўлиши керак;
 - Намуналар билан эҳтиёткорона бўлиб тўкилиб кетиш эҳти-молини олдини олинг;

- Транспортировка вақтида намуналар солинган идишни автомобиль полига қўйинг;
- Қон ва бошқа организм субстанциялари тасодифан тегиб кетиши.
- Агар қўзингизга томган бўлса қўзингизни сув билан ювиб ташланг;
- Қон теккан жойларни совунли сув билан ювинг;
- Керакли муассасага мурожат қилиб уларнинг кўрсатмасига амал қилинг;
- Содир бўлган ҳолатни ҳужжатлаштиринг;
- Бемор ва унинг оила аъзоларига парваришни ўргатиш.

Беморни ўзини-ўзи парваришлашга ўргатиш ҳамширанинг асосий вазифаси ҳисобланади. Ҳамшира bemor ва uning oila aъzolariга касаллик ҳақида, парвариш ва даволаш режаси, дori воситалари, асорат симптомлари ва уларни аниқлаш, хабар бериш ҳақида тўлиқ маълумот беради. Бундан ташқари bemor ва oila aъzolariga bemor соғлиғи билан боғлиқ бўлган бошқа турли хилдаги мавзулар бўйича маҳсус йўриқнома бериши керак. M: Мустақил равиша инсулин ва бошқа дori воситаларини юбориш, диабетда парҳез тутиш, гастростомик зонд ва катетерни мустақил киритишни, трахеостомик найчани парваришлаш, ичак машқи, жароҳатни, колостома ёки илеостомани парваришаши.

Уй шароитида ҳамшира bemor ва uning бокувчисига bemорни қулай парваришаш кераклилиги ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориши керак. Бунда ҳамшира ўз олдига қуйидаги вазифаларни кўяди: енгил ва қулай ҳолда тақдим этиши, ўқитиш методикаларидан фойдаланиш, тушуниш даражасини баҳолashi, ҳар бир муолажани тушунтиргандан сўнг bemor ва uning oila aъzolariidan қайтиб кўрсатишларини сўранг. M: кўпчилик тиббий муассасалар ёзма йўриқномалардан фойдаланишни тавсия этадилар. Ёзма йўриқномалардан bemor ҳамшира уйда йўқлигида фойдаланиши учун қулайдир. Muolajani қадамма-қадам бажариб бориши йўриқномаси ёрдамида bemorlar қондаги қанд микдорини назорат қилиш, ўзига ўзи инсулин юбориши, антикогулянт терапия асоратлари ва симптомларини аниқлаши мумкин. Шу орқали bemorga ўз муаммоларини яхшироқ тушинишига ёрдам беради.

Якуний босқич

Ҳамширалик тадбирлар ва ўргатишлар бажарилғандан сўнг “патронаж ҳамшираси” беморнинг парваришига бўлган муносабатини баҳолайди, bemorni parvariш reжаси va unga қarovchini iшини қисқача якун чиқаради. Агар ҳамширалик парвариши давом этаётган бўлса, ҳамшира кейинги келадиган кун ва вақтини белгилайди. Бу этапда ҳамшира тартиб билан тиббий асбоблар – мосламалар ва жиҳозларни йиғиш керак. Агар таҳдил учун намуналар олинган бўлса, уларни маҳсус контейнерга жойлаштириш ва керали ҳужжатларни тўлдириш керак бўлади. Ҳамшира bemorga кутимаган шошилинч ҳолатларда юз берганда телефон номерига телефон қилиши мумкинлигини эслатиб кўйиши керак. М:Ҳамшира айтиши мумкин-“Тригорий Иванович, агар сизда кўкрак соҳасида оғриқ пайдо бўлса ёки ҳансираш, ёки ҳар куни вазнингизни ўлчаганингизда оғирлигингиз ошганлигини пайқасангиз, зудлик билан сизни даволаётган шифокорга телефон қилинг”.

Кетишдан олдин bemordan ёки уни боқувчисидан ҳамшира уларнинг унга саволлари бор ёки йўқлигин сўраши ва яна келадиган кунининг вақти ва мақсадини эслатиб кўйиши керак.

Уйга бориб келгандан сўнг бажариладиган тадбирлар.

Ҳамшира bemorni кўриб келгач, шифокорга бориб келганлиги ҳақида ҳисобот топшириши ва керакли ҳужжатларни тўлдириши керак.

Натижаларни хабар бериш.

Уйда ҳамширалик парваришининг асосий омили олинган маълумотларни ва натижаларни баҳолаш ҳисоби бўлиб, бу маълумотларни керакли одамларга етказиш ёки бошқа мутахассисларга жўнатиш, аниқланган муаммоларни кузатиш учун ҳамшира кўрув натижаларини ёки bemor аҳволида кузатилаётган ўзгаришларни даволовчи шифокорга етказади.

Бошқа мутахассислар билан ҳам боғланиши, консультация олиш ёки даволаш бошлаш учун (М: физиотерапия, логопед, меҳнат терапияси бўйича мутахассис билан) мурожаат этиш мумкин.

Патронаж ҳамшираси мунтазам даволовчи шифокорни bemor аҳволи ҳақида маълумот бериб туриши керак. Соғлиғидаги ҳар қандай ўзгаришлар ёки текширувлар натижаларидағи кучли силжишлар зудлик билан врача га етказилиши керак.

Бошқа хизматларга йўллашлар (М: катталар учун кундузги стационар, социал қувватлаш хизматлари) идоралардаги тартиб-қоидаларга асослаб бажарилиши керак. Патронаж ҳамшираси ишлаш давомида тажрибаси ошиб борган сари регионда қўшимча имкониятлар манбаларнинг рўйхатини тузади ва ўз беморлари билан бўлишади.

Хужжатлар

Уйга бориб келгандан сўнг хужжатлар билан ишлаш аҳамиятини эсдан чиқариш керак эмас. Врачга топширилган ҳисоботда ёзилган кун ва вақти бўлиши керак. М: Бемор Фролов А/Б 160/94мм см уст. Шифокор Каримовага соат 13⁰⁰ да айтилди. Шифокор дори препараларида ҳозирда ҳеч қандай ўзгаришлар киритилмайди. Шифокор 2 кундан сўнг яна bemor қон босимини ўлчашни буюрди. Қайта баҳолаш учун кузатув графигига пайшанба кунига белгиланди". Ёки "9³⁰ шифокорга телефон қилдим ва жароҳат атрофи қизарганилиги, жароҳат ажралмасидан ҳид келаётганлиги ва bemorda оғриқ кучайланлиги ҳақида хабар бердим". Шифокор жароҳат ажралмасидан суртма олиш ва сезувчанликка эктириш, эртага bemorni қайta кўришни тавсия этди. Суртма лабораторияга 10³⁰ етказилди, натижа 24 соатдан кейин тайёр бўлади. Режа – лаборатория билан боғланиш ва эртага бўладиган кузатув графигига киритиш"

Беморларни уйда хизмат кўрсатадиган муассасалар кўпинча вақти-вақти билан назорат қилиш ва парваришкаш сифатини аниқлаш учун ҳамшираларнинг хужжатларни юритишини текшириб турадилар.

Уйда тиббий хизматни олиб боришнинг этик ва ҳуқуқий саволлари.

Беморларда уйда ҳамширалик парвариши кўпинча этик келишмовчилилар ва баъзан безовталик келтиради. М: Парварища маълум технологияларни кўлланилиши, ўлаётган ва қарияларни парваришкаш, молиявий етишмовчиликлар, bemorni парваришкаш ётганларнинг хоҳиши ва қобилияtlарига боғлиқлиги, парвариши ўз масъулиятига олган, bemor ҳуқуки ва истакларини ҳурмат қилган муаммо бўлиши ёки савол остида қолиши мумкин. Ҳамшира уй шароитида касалликларни келгусидаги асоратли кечишини ёки меҳнатта яроқлилиги тикланмаслигини тўғри баҳолай олиши,

шифохона шароитида аниқлана олмаслиги, тушунилмаслиги ёки эътиборга олинмаслиги мумкин. М:Чала туғилган боланинг онаси 14 ёшли боланинг мунтазам апноз бўлиш эҳтимоли бўйича кузатиш кераклигини, керакли парвариш кўрсатиш ва шошилинч ҳолатлар вужудга келганда керакли холоса чиқариб, ёрдам кўрсата оладими? Ким кекса аёлга, яқинда ўнг оёғи ампутациясини ўтказган, ўзини парвариш қилишда, уй ишларини ва магазинга бориб келишда ёрдам беради? Патронаж ҳамшира этик муаммоларни аниқлай олиши, керак бўлганда аралashiши керак. Бемор ҳуқуқ ва жавобгарлигини баровар даражада билишга масъул шахслар, bemor бокувчиси уйда ҳамширалик парваришининг асосий компоненти ҳисобланади. Керакли ёрдам беришда bemorни врача, социал хизматига ёки рағбатлантирувчи гуруҳга юбориш мумкин. Баъзан ёқимсиз ҳодиса, хавфли парвариш, саёз ёки кўпол муомала ҳақида хабар бериш керак бўлади.

Уй шароитида ҳамширалик парвариши элементлари

Уйда ҳамширалик парвариши терапия, хирургия, она-бала соглиғи, санитария, геронтология ва психологияк ўзгаришлар бўлган bemorларни парваришилашни ўз ичига олади. У ҳар томонлама ҳамширалик парваришини алоҳида шахслараро ва оиласларга яшаб турган жойларида кўрсатиш, асосий эътиборини соғлиққа таъсир этувчи атроф-муҳитдаги факторларга, психо-социал, маънавий, молиявий ва шахсий факторларга қаратиш лозимдир. Ҳозирги вактда уйда тиббий хизмат кўпчилик ғарб давлатларида тез ривожланаётган соҳадир. Уйда ҳамширалик парвариши асосий аспекти аниқ ва пухта ҳужжатларни юритиш, у bemor аҳволини ёритилган ҳолда унга кўрсатилган хизматларни, парвариш ва кейинчалик кузатувни таъминлашга bemornинг муносабатини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Патронаж ҳамшираси бекиёс билим ва профессионал кўникмаларга эга бўлиши керак. Уйда парваришининг асосий ва муҳим элементлари бўлиб: шифохонадан bemor уйга чиқарилганда парвариш режасини тузиш, bemordan амалга ошириш, региондаги тиббий ва социал ёрдам манбалари ва ўзаро фанлараро ҳамкорлигини парвариш билан уйғунлаш керак.

Беморга уйда тиббий хизмат кўрсатишда ҳамшира ҳуқуқий ва этик нормаларини моҳирона қўллаган ҳолда, уйда тиббий хизмат-

ни күрсатиши қоидаларини билиш ва маҳаллий давлат ва миллый талабларга риоя этиш керак.

Үйда ҳамширалик парвариши ўтказиш учун керак бўладиган хусусиятлар:

- Ўй шароитидаги асосий парвариш қоидаларини билиш;
- Ўзаро шахслараро мулоқот кўнинмаси, bemorga йўналтирилган ва унга кўрсатилаётган хизмат;
- Болаларга катта эътибор бериш қобилияти;
- Эпчилик;
- Беморга ва парвариш режасига масъулиятини ўз бўйнига олиш қобилияти;
- Кучли клиник кўнинма ва умумий амалиёт ҳамширасига ихтинослашган ҳамшира сифатида ишлаш қобилиятига эга бўлиш;
- Ташкиллаштирилмаган ҳолатларда мустақил ишлай олиш қобилияти ва ўз йўналишига эга бўлиш;
- Янгиликлар ва янги профессионал кўнинмаларга ўқишни давом эттиришга хоҳиш ва истак билдиририш;
- Чин дилдан бошқаларга миннатдорчилик изҳор этиш;
- Инсонларнинг ноёб эканлигини эътироф қилиш, очиқ чехрали бўлиш, танлаган ҳаёт тарзи ва улар соғлиғига шу олиб бораётган ҳаёт тарзи кўрсатлаётган натижаси эканлигини англаш;
- Жараёнда кечайдан ўзгариш оғир кечиши мумкинлигини тушунадан олиш;
- Рахмдил, юмор сезиш қобилиятига эга бўлиш, бу bemorlar ва бошқа тиббий ходимларига қийинчиликларни енгишида ёрдам берадиган лаҳзалар эканлигини англаш.

Шифохонадан чиққандан кейинги парваришлаш режаси.

Беморни шифохонадан чиққандан кейинги кузатиш ва парваришилаш үйда тиббий хизмат ташкил этишинингстандарт кўриниши ҳисобланади. Бундай парваришнинг муҳим асосларидан бири bemor шифохонадан чиққандан кейинги планлаштириш жараёни- bemor шифохонадан уйга чиққандан кейин унинг эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган режалаштиришdir. Режалаштириш bemor ва унинг оиласининг ўз эҳтиёжларини аниқлаштириш ва баҳолашни, уларни қондириш масъулиятини аввало bemornинг ўзига, унга қараётган қариндошларига ва ундан кейин тиббий ходимларга ўтказган ҳолда бажарилади. Шифохонадан чиққандан кейинги

парвариши планлаштиришдан мақсад узлуксиз парвариш ва бемор эҳтиёжларини бор бўлган ресурсларни йўналтирилган ҳолда қондиришдир. Хизмат кўрсатишни ўртacha давомийлигини камайиши, нархни пасайиши, ресурслардан юқори даражада ошириш, кўшимча хизматларга талабни камайтириш, bemornинг эҳтиёжлари ҳақида хабардорлик ва мулоқотни яхшилаш bemornи шифохонадан чиққандан кейинги парваришилаш режасини тузишда ижобий омиллар бўлиб ҳисобланади.

Парваришилаш жараёнини режалаштириш идеал вариантида, bemor шифохонадан чиққандан кейин амалга оширилиши керак бўлган парвариш ҳали bemor шифохонага жойлаштирилмасдан олдин, bemor тузалиш даврида қандай эҳтиёжлар керак бўлишини кўра билиш керак. Маълум сабабларга кўра тузалиш жараёни олдиндан эта олиш қийин бўлгандан ҳамда уйда ҳамширалик парвариши хизматига кутилаётган талаб этилса, парвариши режасини ҳар томонлама мукаммал ишлаб чиқиш bemornинг шифохонадан чиққандан кейинги парваришида катта ёрдам беради. Кейинги парвариши режасини врачлар ҳам, ҳамширалар ва социал хизмат вакиллари томонидан ҳам бажарилиши мумкин. Режали парваришига жавобгар шахс bemor шифохонадан чиққандан кейинги эҳтиёжларини аниқлашга, bemornи қаровчи шахсларга консультация беришга, турли муассасаларнинг хизматларини координация этишга ва бу bemornи парваришилаш хусусиятлари ҳақида маълумотларни етказицда ва парваришининг бевосита амалга оширадиган бошқа мутахассисларга ўргатишга жавоб беради.

Беморни кузатиш

Беморни кузатиш "узлуксиз парвариши"нинг иккинчи компоненти ҳисобланади. Координация, делигировалик, консультацияга юбориш ва bemor ҳуқуқларини ҳимоя этиш – буларни ҳаммаси уй парвариши билан шуғулланаётган ҳамширанинг энг муҳим вазифаларидир, ҳаммаси биргаликда "Беморни кузатиш"ни ташкил этади.

Беморни кузатиш – bemor эҳтиёжларига қараб хизмат кўрсатиш жараёни деб тушунилади. Беморни кузатишда ҳамширанинг ўрни ўз ичига қуйидагилар: bemor эҳтиёжларини баҳолаш ва бор ресурсларни, аниқланган эҳтиёжлар учун парвариши режасини ишлаб чиқишини ва соғлиқни сақлаш тизимидағи бошқа мутахас-

сислар билан тадбирларни координация этишни олади. Ҳамширалик парвариши уйда олиб боришда беморни кузатиш деганда асосан ҳар бир беморни ҳар томонлама кузатиш ҳисобланади. Гарбда бу вазифани кўпинча клиник менеджерлар бажаради, улар дипломли ҳамшира ҳисобланадилар, жамоа вазифаларини бажарувчи сардорлар бўлиб, бирламчи парвариши ташкил этади ва таъминлайди, парапрофессионаллар (тиббий маълумот баъзаси бўлмаган, ўргатилган одамлар) ишини назорат қиласи ва боғлиқни соғликни саклаш тизимидағи бошқа мутахассислар (М: тор мутахассислар ёки социал хизмати вакиллари) билан алоқа боғлайдилар.

Клиник менеджерлар бемор ва мутахассис билан ўртадаги алоқани боғлаб туриш ва патронаж ҳамшира берган маълумотлар баъзаси асосида бемор эҳтиёжини ва вазифаларини баҳолаб, назорат қилиб боришга жавобгар ҳисобланади.

Регион ресурсларини координация этиш

Регион ресурсларини координация этиш бу учинчи этап, уйда ҳамширалик парваришининг маҳсус стандарт компоненти бўлиб, ҳамширадан унинг муассасасидан талаб этиладиган хизматлар ҳақида ва беморга фойда бўлиши мумкин бўлган ресурслар ҳақида билимлар киради. Ресурслар борлиги ҳақида билимлардан ташқари, ҳамшира бу муассасаларга беморни жўнатиш жараёнини ҳам билиши керак.

Жўнатиш жараёни – беморни тегишли муассасаларга ёки маълумот олиш учун агентствага ёки парваришда ёрдам бериш учун юборишдан иборат.

Тўғри ва тегишли жўнатишни ташкил этишда ҳамшира куйидагиларни бажариш керак:

- беморни уйда ҳамширалик парваришида, эҳтиёжларга жавоб бера оладиган тиббий тармоғи ёки социал ёрдам регионда борлиги ҳақида билиши;
- агентликка ёки тахмин қилинаётган муассасага беморни мурожаат этиш тўғрилигини аниқлаш;
- беморни айнан шу мутахассисга ёки хизматга юборишда бажариладиган муолажаларни ва ким беморга йўлланма беришини билиши керак (баъзи муассасаларга шифокор йўлланмаси талаб этилади).

- Күрсатилган хизмат баҳоси ва тұлаш механизмини билиш;
- Бемор жұнатилаёттан муассасанинг жойлашған жойи, телефон рақами, иш вақти ва алоқа үрнатилған шахс исми-шарифини билиш;

Күпинча ҳамшира bemorga ёки бокувчига ҳамма йүлланма бүйіча керакли маълумоттар беради ва уларға үзини муассаса билан боғланишга имкон беради. Кейинроқ ҳамшира шу муассаса ёки агентлик билан телефон орқали bemor борғанлиги ҳақида суриштириши лозим. Иш жараёнида ҳамшира bemorga амалий ёрдам күрсатаёттан хизмат күрсатувчилар рўйхатини тузиш мумкин.

Ихтисосликлараро мослашув

Уйда ҳамшириалык парвариши стандартлари ҳамширадан bemorga қаровчи бошқа тиббий ходимларини құвватлаш билан “үза-ро боғланиш” үрнатмоқ талаб этилади. Соғлиқни сақлашда ҳамкорлик деганда ҳамма мутахассис билан биргаликда парвариш режасини ҳал этиш қабул қилинганды.

Ихтисосликлараро ҳамкорликка патронаж ҳамширанинг функционал мажбуриятларидан ва унда ҳамшира үрнидан таркиб тоғпан ва bemorni келгуси кузатышларда ва шифохонадан чиққанда парваришини режалаштириш жараёнида мұхым аҳамиятта зәға бўлади. Ҳамшира bemorga яхши парваришини ташкиллаштиришда парвариш режасини тузиш ва даволашни тайинлашда шифокор билан биргаликда ишлайди. Farb мамлакатларида ҳамшира худди клиник менежер каби парвариши режасини bemorni парваришида иштирок этаёттан қўшимча тавсияномалар ва улар таклифлари асосида парвариш режасига ўзгартиришлар киритиши мумкин. Ҳамшира доимий равишда клиник конференциялар ўтказиб туриш, айниқса, мураккаб ҳолатларда ва bemor узоқ вақт давомида шифохонада ётганда, бошқа тиббиёт ходимлари билан маълумотлар билан ўртоқлашиши ва bemorni давога ва парваришига бўлган реакциясини мухокама этади.

Бундан ташқари ҳамшира кузатиш, баҳолаш ва бошқа мутахассислар бажарган парвариш сифатини назорат қилиши керак.

Bemor шифохонадан чиққандан сўнг парваришини режалаштириш жараёнида куйидаги мутахассислар жалб этиши мумкин.

Ҳамширалар: дипломли ҳамширалар анъанавий беморларни уйда қарайды. Ҳамширалар профессионал ҳамширалик хизматини намоён қиласидилар, парваришини мувофиқлаштирадилар, маслаҳат берадилар, bemor адвокати ролидаги чиқадилар.

-Врачлар: күпчилик bemorларга уйда ҳамширалик парвариши врачлар томонидан белгиланади ва керак бўлганда врач парвариш режасини кузатиб туради.

-Физиотерапевтлар (реабилитация бўйича мутахассис): bemor эҳтиёжи ва реабилитация учун керак бўлган пайтда жалб қилиниб, нерв мушак функционал ҳолати, терапевтик муолажаларни ўз ичига олади. Бундан ташқари bemor ва bemor оили аъзоларини жисмоний машқлар ва бошқа умумий аҳволни яхшиловчи муолажаларни ўргатади.

-Мехнат терапия бўйича мутахассислар: bemorni ҳаракат координациясини тиклаш билан шугулланади. Bemorni функционал ҳолатини юқори даражада кўтариш мақсадида жисмоний зўриқишиш машқлари буюрилади.

-Логопед: мулоқот муаммолари бўлган bemorлар билан ишлайди, яъни тил, сухбат, эшитишини бузилиши, ютиш акти каби муаммоларни камайтириш ёки бутунлай йўқотиш билан шуғулланади.

-Социал ишчи: bemorni социал молиявий ва эмоционал эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қиласиди. Ҳатто баъзи ҳолларда адвокат вазифасини бажарган ҳолда bemorга турли вазиятларда маслаҳат беради.

-Диетолог: bemorni эҳтиёжлари ва муаммоларига мос равиша рационал овқатлантириш режасини тузишга ёрдам беради.

-Ҳамширага ёрдам бериши мумкин бўлган бошқа мутахассислар: буларга фармацевт, массажчи, стоматолог киради.

IX БОБ. БИРЛАМЧИ ТИББИЁТ ТИЗИМИДА ПАТРОНАЖ ХИЗМАТИ

- 9.1. Ўзбекистон Республикасида патронаж хизмати тарихи
- 9.2. Янги туғилган чақалоқ ва З ёшгача бўлган даврда болалар патронажи
- 9.3. Амалий ишни ўрнатилган стандартларга мувофиқ олиб бориш
- 9.4. Вакцинопрофилактика ўтказишида оила ҳамширасининг роли
- 9.5. Уй шароитида гўдакларни парвариш қилишида кўкрак сути билан боқишининг аҳамияти, гўдаклар, болаларни овқатлантиришида қўшимча овқатларни киритиш ҳақида ҳамширалар томонидан оналар учун маслаҳатлар олиб бориш тактикаси.

Патронаж (французча *patronage* – васийлик ёки ҳомийлик қилиш) – асосий мақсади уй шароитида соғломлаштириш ва профилактик чора-тадбирлар, шахсий гигиена қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш ва санитар-гигиеник шароитларни яхшилашдан иборат бўлган даволаш-профилактик муассасаларининг иш олиб бориш шаклиди.

Оилада ишни ташкиллаштириш патронаж ходимлари иш филиятининг соҳаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу болаларни қандай ресурслар ўраб турганлиги ва ўқитиши, болалар потенциалини ривожлантириш ва амалга оширишида ижобий мухитни яратишида нима зарурлигини тушунишга имкон беради.

Ўйга ташриф чоғида боланинг соғлиги ва ривожланишига тегишли бўлган билим ва кўнимкалар зарур бўлиб, уларни бола тарбияси билан шуғулланувчи оила аъзоларига етказиши лозим. Патронаж ходимининг роли, болаларнинг манбаатларини ёдда тутиб, эҳтиёжларига нафақат оила, балки маҳаллий жамоатчиликнинг (маҳалла) ҳам эътиборини жалб қилган ҳолда улар билан доимий равишида иш олиб боришни талаб қиласди.

9.1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАТРОНАЖ ХИЗМАТИ ТАРИХИ

Қадимий анъаналардан бўлмиш – жамоатчиликнинг (хусусан, маҳалланинг) bemорлар, ожиз инсонлар ҳақида ғамхўрлик қилиши, айниқса, қишлоқ жойларда, ҳанузгача сакланиб қолган ва она, бола ва кексаларнинг соғлигини муҳофаза қилишда муҳим рол ўйнайди.

Тарихий маълумотларга кўра, Ўзбекистон ҳудудида тиббиёт инсон фаолияти соҳаси сифатида ибтидоий жамоа тузумининг охири ва қулдорлик тузумининг бошларида шакланди (А.А. Қодиров 1994 йил). Бу пайтга келиб инсонлар шифокорликнинг маълум кўникмаларини ишлаб чиқишга улгургандар. Хусусан, улар турли жароҳатлар ва бაъзи хасталикларни мувваффақиятли даволай олганлар, янги туғилган чақалоқнинг киндигини кесиб, боғлай олганлар, йиринг бойлаган яраларни очишни уddyалай олганлар ва ш.ў. Шу билан бирга асоратлар ва турли жароҳатларнинг олдини олиш мақсадида bemорларни парвариш қилиш ва оиласлар билан санитар-оқартув ишларини олиб бориш тамойилларига алоҳида эътибор қаратгандар.

Мустамлакачилик давригача бўлган Ўзбекистонда барча bemорларни даволаш табиблар томонидан олиб борилган. Инсонлар ўзаро ички урушлар, тўқнашувлар ва турли касалликлар туфайли ҳалок бўлганлар. 1868 йил Тошкентда ҳарбий қисмлар қошида очилган касалхона-лазарет Туркистондаги биринчи даволаш муассасаси бўлган. 1870 йилда у 415 койкали ҳарбий госпиталга ўзгартирилган.

“Совет” даврида Ўзбекистон соғлиқни саклаш тизими Совет режали тизимининг таркибий қисми сифатида ривожланган ва барча фуқароларга тегишли тиббий ёрдамни кўрсатишга қаратилган. Бу модельнинг асоси Н.А. Семашко томонидан таклиф қилинган, у профилактик йўналишга эга бўлган.

Ўзбекистонда тиббиёт мустақиллик йилларида, замонавий илмий тиббиёт ривожланган пайтда ҳамда жаҳон амалиётини ҳисобга олган ҳолда соғлиқни саклашни ислоҳ қилиш бошланганда, янада ривожланди.

Ўзбекистонда она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш бирламчи, иккиласмичи, учламчи бўғин муассасалари билан таъминланади. Ўзбекистонда бола соғлигини муҳофаза қилиш она ва боланинг туғруқхонада бўлган биринчи кунидан бошлаб неонатал ёрдам кўрсатишни ўз ичига олади. Бола туғруқхонадан чиққандан сўнг патронаж ҳам-

шираси уйга ташриф буюради, уни кўздан кечиради ҳамда болани парвариш қилиш бўйича онага маслаҳатлар беради, бола тарбияси билан боғлиқ оиласидаги муаммони аниқлайди, турли соҳа мутахассислари билан боғланади, шунингдек маҳаллий ўюшма (маҳалла) ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишида иштирок этади.

Бола ҳаётининг биринчи йилида умумий амалиёт шифокори ёки педиатр томонидан мунтазам равишда кўриқдан ўтади, бу вактда бола миллий эмлаш календарига мувофиқ эмланади. Зарурат бўлганда маҳаллий шифокор болани мутахассис маслаҳатига ёки стационар даволашга юборади.

9.2. ЯНГИ ТУГИЛГАН ЧАҚАЛОҚ ВА ЗЁШГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА БОЛАЛАР ПАТРОНАЖИ

Янги туғилган чақалоқ патронажи – патронаж ҳамшираси томонидан туғруқдан кейинги 1-чи ой давомида туғруқхонадан чиққандан сўнг биринчи 3-5 кунликда, 15 кунлигига, ҳаётининг биринчи йилида 1 ойдан бошлаб ойига 1 марта ва зарурат туғилган ҳолатда хонадонга қатновни амалга оширилиши талаб этилади.

Янги туғилган чақалоқ ва 1 ёшгача бўлган бола патронажи мақсадида хонадонга борганида – патронаж ҳамшираси боланинг онаси (бола парваришига масъул шахс – отаси, бувиси ёки буваси, ёлланган боқувчи) билан сухбат ўтказади, сухбатда боланинг боқувчиларидан оила аъзолари (отаси/онаси, бувиси/буваси) иштирок этиш имконияти мавжуд бўлса, сухбатни улар иштирокида ўтказиш кўпгина муаммоларни бартараф этиш имконини кучайтиради.

Ташриф чоғида патронаж ҳамшираси боланинг соғлиги ва соғлигига таъсир этиши мумкин бўлган барча ҳолатларни ўрганади:

- чақалоқ ва 1 ёшгача боланинг оиласи яшайдиган хонадоннинг уй шароити, овқатланиши режими ва санитар-гигиеник шароитида муаммоларнинг мавжудлигини;

- туғилиш жарабёнида чақалоқнинг саломатлигига таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатлар мавжудлиги ва унинг қай даражада ривожланганлигини баҳолайди;

- болани озиқлантиришда пайдо бўлган қийинчиликлар мавжудлигини аниқлайди;

- бола саломатлигига шифокорга зудлик билан мурожаат этилиши лозим бўлган ҳолатларнинг мавжудлигини баҳолайди;

- бола онасининг оилада яқин қариндошлардан бири (турмуш ўртоғи, қайнонаси, қайнотаси) кабилар билан мулоқотида муаммоларнинг мавжудлигини ўрганади;

- туғилган чақалоқда наслдан-наслга ўтувчи ва ирсий касалликлари, туғма нуқсонлари, ОИВ, сил касалликларнинг мавжудлиги-ни ўрганади;

- чақалоқнинг отаси ёки онасида заарли одатлар - кашандалик, алкоголизм, гиёхвандлик каби ҳолатлар мавжудлигини аниқлади;

- оилада (ёлғиз она ёки ёлғиз ота қарамоғида, ота-онаси нафақада, ота-онасида ишсизлик, кўп болалик оила) каби ижтимоий-иқтисодий муаммолар мавжудлигини аниқлаб, жавобларда аниқланган муаммоларни ўз кундалик журналига белгилаб олади.

Патронаж ҳамшираси суҳбат жараённида аниқланган муаммоладан келиб чиқиб мос келадиган амалий кўнникмалардан фойдаланган ҳолда тиббий кўрик ва муолажаларни ўтказади, олинган натижалари ҳақида кундалик журналга белгилаб боради.

Болани патронажи ва хонадонда ўтказиш лозим бўлган текширувлар муддати:

Янги туғилган чақалоқ патронажи тұғруқхонадан чиққанидан сўнг биринчى 3 кунликда ва бола ҳаётининг ilk 15 кунлигига ўтказилади.

Ташрифлар вақтида патронаж ҳамшираси томонидан хонадонда ўтказиладиган текширувлар: умумий кўрув; тана вазни, бўйи ва ТВИ ҳисоблаш, тана ҳароратини ўлчаш, она кўкрак сути билан боқилишини баҳолаш, пульсни ва нафас олиш сонини ҳисоблаш.

1 ойдан 1 ёшгача бўлган болани ҳар ойда 1 марта хонадонда патронажи ўтказилади;

1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болалар ҳар 3 ойда 1 марта ва зарурат туғилганида;

Хонадонда ўтказиладиган текширувлар: онанинг шикоятидан келиб чиқсан ҳолда, мақсадли ўтказилади, патронажда ҳамшира болани умумий кўрувдан ўтказади, унда онанинг шикоятларидан ва аниқланган муаммолардан келиб чиқиб, қуйидаги ҳаракатларни бажаради ва тегишли тавсиялар беради, улар 1 жадвалда келтирилган.

Янги туғилған чакалоқ ва 1 ёшгача боланинг патронажида болани умумий кўрувдан ўтказади, унда онанинг шикоятиларидан ва аникланган муаммолардан келиб чиқиб, кўйидаги характеристарни бажаради:

Терисида тошмалар, доғлар мавжудлиги ва тери ости ёғ катламларига эътибор беради;	Тери қопламларини тўлиқ кўрувдан ўтказади; Тошма, доғларни пайдо бўлиши сабаблари ни аниклантиради; УАШ хонадонга таклиф этади.
Терида сариклик мавжуд ҳолатида: Физиологик сариклик бола ҳаётининг 1-2 хафтасида пайдо бўлиб 1-1,5 ойлигига қадар давом этиши мумкин; Сариклик муддати чўзилған ёки Крамер шкаласи бўйича кенг тарқалиб патологик ҳолатига ўтса;	Сариклик физиологик ёки патологик ҳолат эканлигини аниклайди; Сариклик шкаласи бўйича баҳолайди; УАШни маслаҳатта хонадонга ёки онани бола билан бирга тиббиёт муассасасига таклиф этади.
Боланинг тана ҳароратининг кўтарилишида;	Тана ҳароратини ўлчайди; Онага тез-тез кўкрак сути билан боқишини тавсия этади;
Йўтал, хансираш ҳолатида; Тана ҳароратининг 38°Cдан юкори бўлганида.	Зудлик билан тез тиббий ёрдамни ёки УАШни маслаҳат учун хонадонга таклиф этади.
Болада кусиш; Ич кетиши; Тана вазни камайиши ҳолатларида; Озикланишининг оксијон энергетик етишмовчилиги ўрта ва оғир даражаларида;	Тана ҳароратини ўлчайди; Тана вазни ва бўйини ўлчайди, ТВИ хисоблаб чиқаради ва вазн-бўйига нисбатан ривожланишини баҳолайди; Тери тургорини баҳолайди (сувсизланиш даражасини аниклайди); Онага тез-тез она кўкрак сути билан боқишини тавсия этади; Онага ОРС тайёрлашни ўргатади ва уни болага ичириш тартибини белгилаб беради; Тана вазни, бўйини ўлчайди ва ТВИ хисоблаб чиқаради; Болани бўйи ва вазнига нисбати бўйича ривожланишини баҳолаш стандартига асоссан ташхис кўяди; УАШ ёки тез тиббий ёрдамни хонадонга таклиф этади.
Ахлатда қон бўлганида; Сувсизланишининг оғир даражасида.	Зудлик билан УАШ ёки шошилинч тиббий ёрдамни чакиради.
Боланинг танасида, оёқларида шишлар кузатилганида;	Зудлик билан УАШ ёки шошилинч тиббий ёрдамни чакиради.
Бола холосиз кўринганида; Хушсиз ҳолатда кўринганида;	Тана ҳароратини ўлчайди; Зудлик билан УАШ ёки шошилинч тиббий ёрдамни чакиради.
Боланинг кўл-оёклари титрашида, тутканюклар кузатилганида;	Зудлик билан УАШ ёки шошилинч тиббий ёрдамни чакиради.

Онанинг болани күкрап сути билан бөкүшини баҳолайды ва унда:	
Бола она күкрагига нотүрги күйилган ҳолатда; Хаво билан она күкрап сутини сүришида;	Болани она күкрап сути билан бөкүш техникинин түккән аёлга ўргатади;
Боланинг иштахаси пасайишида; Оқкатдан бош тортишида;	Тана вазни ва бўйини ўлчайди, ТВИ ҳисоблаб чиқаради ва вазн-бўйга нисбатан ривожланишини баҳолайди; Болани нешиб ажралишини сони ва миқдорини ўрганади;
Боланинг вазни орттанида (ортиқча, вазн ёки семирища); Боланинг вазни камайганида (ООЭЕ, озгинликни сингли ва ўрта даражасида).	Тана вазни, бўйини ўлчайди ва ТВИ ҳисоблаб чиқаради; Болани бўйи ва вазнига нисбати бўйича ривожланишини баҳолаш стандартига асосан ташхис кўяди; УАШ назорати остида болани ёшига оид оқватлантириш бўйича “Соғлом турмуш тарзи” номли қўлланманинг II-БОБидаги матнлардан фойдаланиб тавсияларни беради.
Патронаж ҳамшира сұхбат жараённан аниқланган муаммолар ва уларни олдини олиш ҳамда Соғлом турмуш тарзи бўйича маълумотлар берилади.	
Чакалоқнинг: - ўйку режими ва онанинг бола парваришида санитар-гигиеник қоңдаларга риоя қилишини ўрганади; - ҳам онанинг, ҳам болани озиқланишида мавжуд бўлган муаммоларни ўрганади; - Болани жисмоний ва руҳий ривожанишини инобатга олган ҳолда, уни ёшга оид парвариши ва оқватлантирилишини ўрганади; - боланинг ҳаракатини ўрганади; - ота-онанинг заарли одатлари мавжудлигини ўрганади;	Сұхбатда аниқланган муаммоларни инобатга олиб, уларга мос келадиган тавсияларни маълумотлар беради; Болани жисмоний ва руҳий ривожанишини инобатга олган ҳолда, уни ёшга оид парвариши ва оқватлантирилиши, ҳаракати бўйича тавсияларни “Соғлом турмуш тарзи” номли қўлланманинг II-БОБидаги матнлардан фойдаланиб маълумотлар беради
Чакалоқ ёки I ойдан катта бола онасини – худудий тиббиёт муассасида болаларни парвариш қилиш ва тўғри озиқлантаришини ўргатиш мақсадида ташкил қилинган “Соғлом бола хонаси” ва “Ёш оналар мактаби” тақлиф этади.	

Патронаж ҳамшира режа асосида берилган тавсияларни оила аъзолари томонидан бажарилишини назорат этади, бу жараёнда пайдо бўлган қийинчилик тўғрисида ўрганишга ҳаракат қиласи, агарда қийинчиликлар пайдо бўлган бўлса, уларни бартараф этиш мақсадида қайта хонадонда патронаж ўтказиши керак бўлади.

✓ Хонадонга қатнов куни боланинг ота-онаси ёки бокувчиси билан тиббий кўриқдан ўтишни белгилаб олган куни – телефон

орқали ёки қайта хонадонга келган ҳолда, тиббий кўриқдан ўтиши бошлаганлиги ҳақида маълумотни олади;

✓ Тиббий кўриқдан ўтиш жараёнида бирор англашилмовчилик ёки муаммо пайдо бўлганлиги ёки йўқлигини аниқлайди;

✓ Белгиланган муддатда тиббий кўриқдан ўтаётганлиги учун мақтайди ва кўриқдан ўтганидан сўнг боланинг ота-онаси ёки бокувчисидан текширув натижаларини таҳлили учун УАШи билан боғлиқликни таъминлайди;

✓ Бошқа соҳа хизмати вакиллари билан ҳамкорликда белгиланган тадбирларни ҳам амалга ошаётганлиги тўғрисида телефон орқали ёки уйга ташриф билан аниқлаштириб боради;

Бошқа соҳа хизмати вакиллари билан белгиланган тадбирлар амалга ошиши жараёнида бирор тушунмовчилик ёки муаммолар пайдо бўлган бўлса, бартараф этиш чораларини кўриш мақсадида қайта шу соҳа хизматига мурожаат этади ва шу масала ижобий ҳал бўлгунга қадар оила аъзолари билан боғланиб туради.

Касбий роли

Уйга ташриф буюриш (патронаж) ўзига хос хусусиятга эга. У оиласа, ҳомиладорлик даврида аёлга ва туғруқдан сўнг болага қаратилади.

Ташриф уйда амалга оширилганлиги боис, оила аъзоларининг соғлигини баҳолаш учун оиласадаги вазиятни тушуниш, профилактика ва даволац ишлари бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга имкон беради.

Беморларнинг уйига ташриф буюрилганда нафақат соғлиғи, балки оиласанинг ижтимоий эҳтиёjlари ҳамда боланинг уйғун ўсиси ва ривожланиши учун оиласадаги мавжуд имкониятлар билан боғлиқ бўлган талабларини баҳолаш мумкин. Бунда патронаж ходимлари оиласанинг маданий қадриятлари ва урф-одатларига хурмат назаридан қарашлари лозим.

9.3. АМАЛИЙ ИШНИ ЎРНАТИЛГАН СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚ ОЛИБ БОРИШ

Патронаж ходимининг фаолияти касбий амалиёт стандартлари, яни у ёки бу фаолиятни бажариш учун меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши лозим. Стандартлар базавий тавсиялар бўлиб, у

ёки бу ҳолатда қай бири мақбул ёки қай бири мақбул эмаслигини аниклаб беради. Улар амалий фаолият учун асос бўлиши лозим.

Касбий тасаввур (имидж)

Патронаж хизмати ҳақида тасаввур – имиджни яратиш муҳим ҳисобланади. Бу образ жуда муҳимдир, чунки инсонлар бу хизматни қай даражада қадрлашлари, унга ишонч билдиришлари ва унинг хизматидан фойдаланишлари (ёки йўқ) га таъсир кўрсатади. Агар ундан кам ва ахолининг фақат баъзи гуруҳлари фойдаланса бу хизмат самара бермайди. Бундай хизмат кичик болалар ва уларнинг оиласининг тинч – фаровон яшashi ва соғлигини яхшилаш учун муваффақиятли бўлмайди. Ижобий касбий имидж ҳақиқатдан ҳам керак бўлганда, масалан, гўдак кўп йиғлаганда, ота-оналарнинг уларга ёрдам сўраб мурожаат қилишларига имкон беради. Агар ота-оналар ўз вақтида мурожаат қилсалар, ўйламасдан қилинган ҳаракатларнинг олдини олиши мумкин бўлади. Агар ота-оналар профессионал даражадаги патронаж ходимига ишонч билдирсалар бунинг олдини олиш ва маслаҳат сўраб мурожаат қилишлари мумкин.

Уйга ташриф вақтида ота-оналарни таклиф этиш керак бўлади. Уларни ўз ҳиссиётларини таҳлил қилиш ва руҳий муаммоларини муҳокама қилишга ундаш лозим. Патронаж ходимиининг ташрифи ва улар билан суҳбатлашгандан сўнг ота-оналарда, уларни тинглангликлари ва охиригача эшитганликларини ҳис қилишлари лозим. Уларда патронаж хизматчиси уларнинг муаммосини тушунанётганлиги, режалар устида ишлаши ва ҳаракатни бошлишга тайёр эканлиги ҳақида, ҳис-туйғу бўлиши лозим. Бироқ бунинг учун патронаж хизматчиси ҳамда оила бор кучларини ишга солишлари керак бўлади.

Уйга ташриф вақтида профессионализм - касбий маҳоратни кўрсатиш

Уйга ташриф тахминан 20-30 дақиқа давом этиши ва маълум структура ва кетма-кетликка эга бўлиши лозим. Патронаж ходимида ота-оналар томонидан берилган исталган саволларга муносабат билдириш учун имконият бўлиши лозим.

Уйга ташриф чоғида патронаж тиббий ҳамшираси доимо оила аъзолари билан ҳушмуомалада бўлиши, шунингдек:

- янги долзарб ахборотга эга бўлиши;

- ташриф учун мақсад ва вазифалар бўлиши;
- ушбу ташриф учун тайёргарлик кўрган ва маълумотларга эга бўлиши лозим;
- ўзини таништириши, иш жойининг номи ва қаерда жойлашганлигини, ташриф мақсадини билдириши;
- ушбу манзил бўйича кимлар яшаши ва оиласа алоқаси бўлган бошқа инсонлар, масалан, қайноаси, дўстлари ҳақида маълумот олиш;
- мулоқотни амалга оширганда “бала ҳақида унутмаслик”.

Патронаж ходими оила учун жойларда кўрсатиладиган бошқа қатор хизматлар билан боғловчи бўғин сифатида бўлиши; бошқа хизматлар ва оиласи бирлаштирувчи кўприк сифатида фаолият юритиши, бошқа хизматларга оила ҳақида хабар бериши ва оила манбаатлари ҳақида ғамхўрлик қилиши, хукуқлари эса сақланиб қолиши лозим.

Бошқа мутахассислар билан оиладаги вазият ёки муаммоларни ўрганиб, сиз, оила учун қандай йўналишни танлаш ва оиласа у ёки бу маслаҳат ёки аралашувдан фойдаланиб қандай ёрдам бериш кераклигини билиб оласиз. Шундай қилиб, оила манбаатлари ни ҳимоя қилиш бўйича роли patronаж ходими ишининг яна бир жиҳати бўлиб ҳисобланади — у хизматлардан фойдаланишга имкон яратиб берганда — муаммони аниқлашдан то унинг ечими топилгунча - вазиятнинг ривожланишини кузатади.

Малакали patronаж ходими болаларнинг соғлом бўлиши ва ривожланишига ва оиласи фаровон яшашига ёрдам беради, оила билан иш олиб борища хушёрликни намоён қилиш учун масъуль ҳисобланади, оила аъзолари эҳтиёжларини баҳолаш учун коммуникатив кўникмаларга эга бўлиши ва индивидуал шароитларни ҳисобга олган ҳолда ёрдам кўрсатиши лозим.

9.4. Вакцинопрофилактика ўтказишда оила ҳамширасининг роли

Вакцинация.

Вакциналашни стандарт муолажаси муолажани бажариш учун текшириш варакалари:

- ◆ тегишли вакцинани юборища хавфсизлик мақсадида боланинг саломатлик ҳолатини баҳолаш;

- ◆ иммунлашга қадар саломатликни баҳолаш бўйича қўлланмага амал қилиш;
- ◆ иммунлашга қўшимча реакциялар юзага келганда шошилинч ёрдам кўрсатиш учун зарурий воситаларни мавжудлиги ва тайёрлигини текшириш;
- ◆ мазкур вакцинага илова қилинган маълумотни ўрганиш бу маълумот соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳасидаги тадқиқотлар бўйича миллий кенгашнинг (1997 йил иммунлашга оид справочникдаги маълумотдан фарқ қилиши мумкин;
 - ◆ вакциналаш учун қарши кўрсатмалар йўқлигини текшириш
 - ◆ реципиент (вакцина олувчи) нинг шахсини тасдиқлаш;
 - ◆ тайёрланган вакцинани мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш;
 - ◆ агар иложи бўлса, вакцинани сақлаш шароитини текшириш;
 - ◆ вакцина сифатида эҳтимолий бузилиш белгиларини (яроқлик муддатининг ўтиши, хиралик ва янгилик);
 - ◆ вакцина юборилганга қадар текшириш;
 - ◆ вакцина юбориладиган жойни кўздан кечириш;
 - ◆ тери юзасига спиртда намланган тампон билан ишлов бериш;
 - ◆ эмлаш тақвимига мувофиқ вакцина юбориш вақтни аниқлаш;
 - ◆ вакцина юборишнинг тўғри техникасидан фойдаланган ҳолда киритиш;
 - ◆ вакциналаш хавфи ва вакциналашдан бош тортгандаги хавф тўғрисида маълумот бериш;
 - ◆ ота-оналардан вакцинация ўтказилгунига қадар саволномани тўлдиришни сўраш;
 - ◆ вакцина юборилгандан кейин ота-оналарга вакциналашга умумий ёки жиддий реакциялар пайдо бўлган ҳолатларда қўлла ниши зарур бўлган чора тўғрисида ёзма шаклда маълумот бериш;
 - ◆ тегишли хужжатларда (мижознинг шахсий тиббий картасида ҳам) ўтказилган вакциналишини қайд этиб қўйиш;
 - ◆ оиласинг бошқа аъзоларини иммунизациялаш ҳолатини текшириши ва иложи бўлса, вакциналашни таклиф этиш.

Ота-оналарнинг розилиги

Розиликни олиш:

1. Клиникага боланинг ота-оналари ёки васийлари келгунча уларни вакцинация ўтказилгунга қадар текшириш варагаси билан

таништириш. Вакциналашнинг фойдаси ва хавфи тўғрисида, шунингдек, эҳтимолий кўшимча таъсиrlар тўғрисида кўрсатма бериш. Вакциналашга реакция хавфи билан касаллик асоратлари хавфини солиштириш учун ёзма шаклда инфомация бериш. Мавжуд ҳавотирни ўзаро муҳокама қилиб олишлари учун имконият бериш.

2. Бола соғлигининг ҳолатини баҳолаш.
3. Боланинг ота-оналари ёки васийларининг вакциналашга розилиги фактини қайд қилиб қўйиш. Баъзи клиникаларда ота-оналардан ёзма розилик олиш талаб қилинади.

Гигиена

Инфирицирланишнинг олдини олиш чоралари доим бажарилиши лозим.

- ◆ Кўллар ювилсин!
- ◆ Вакцина юборилаётганда тиббий қўлқопларни кийиши шарт эмас, фақатгина организмнинг инфирицирланган суюқлиги билан контактда бўлиш эҳтимоли мавжуд бўлган ёки медперсоналнинг кўл терисида жароҳат бўлган ҳолат бундан мустасно.
- ◆ Вакцина олувчи ҳар бир мижозга бир марталик шприцлардан фойдаланиш керак.
- ◆ Оилавий шифокор ва ҳамшира гепатит В, қизамиқ, эпидемик паротит ва қизилчага қарши эмланишлари лозим.
- ◆ Бир кунда юборилган ҳар хил вакциналарни ҳар хил жойга ва оёқ-кўлга юбориш лозим.
- ◆ Игна санчилишини ва шприцларнинг қайта юборишни олдини олиш мақсадида бир марталик игна ва шприцларни белгилangan, мустаҳкам, ёпиқ контейнерларга ташлаб юбориш лозим. Ўткир предметларни болалар қўли етмайдиган жойларда саклаш лозим.

Вакцинани саклаш.

Нотўғри саклаш ва транспортировкада вакцина самарадорлигини йўқотади. Тўғри саклаш учун совуқда саклаш занжири қоидаларига амал қилиш лозим.

Вакцина юбориш жойи ва усуллари

Юбориш усуллари:

Деярли барча вакциналар мускул ораси ва чукур тери ости инфекциялари шаклида юборилади. Ҳеч қачон инфекция шаклида юборилмайдиган перорал полиомиелит вакцинаси (огзига томиз-

дирилади) ва тери остига юбориладиган БЦЖ вакциналари бундан мустасно. Барча вакциналарни мускул орасига ёки тери остига инфекциялари шаклида юбориш мумкин бўлишига қарамай, мускул орасига юбориш усули маъқулроқ ҳисобланади, чунки тиббиёт ходимларининг ҳаммаси ҳам вакцинани тери остига яхши юбориш техникасига эга эмаслар.

Вакцина юборишнинг стандарт техника ва иғнанинг ўлчами.

Инфекция тарқалиши ва игна санчиб олиш хавфини камайтириш учун вакцина юбориш билан шуғулланадиган медперсонал касб хавфсизлигининг стандарт чораларига амал қилишлари лозим.

Ҳар бир инфекция юборишида янги, стерил бир марталик шприцлардан фойдаланиши лозим. Инфекция юқиши хавфининг мавжудлиги боис таржибада катта микдордаги доза бўлган ампулалардан фойдаланмаслик тавсия этилади. Агар шундай ампуладан фойдаланилса, шприц ёки иғнани ампулага тегмаслигини назорат қилиши лозим.

Ишлатилган игна ва шприцларни қайтадан ишлатилиши ва иғнадан жароҳатланишининг олдини олиш мақсадида ўтказмайдиган бутун (тешик эмас) контейнерларда сақлаш лозим. Ўткир предметлар сақланадиган контейнерлар болалар кўли етмайдиган жойда сақланishi лозим. Вакцинацияни амалга оширувчи тиббий ходимлар инфекцион назорат тамойилларини билишлари лозим.

Аксарият вакциналарни мускул тўқимасига чукур юбориши зарур. Қисқа иғнадан фойдаланиш тери ости инфекциясининг ривожланиши хавфини оширади. Айниқса, бу инактив вакциналарга тегишли.

Вакциналарни юборишида қўлланиладиган иғнанинг стандарт катталиги – 23, узунлиги 25 мм.

Қоидадан истисно ҳолатлар:

- ◆ 2 ойлик ва ундан кичик чала туғилган болалар, шунингдек кичик вазн билан туғилган чақалоқлар – игна катталиги 23, узунлиги 25 мм ёки игна катталиги 26, узунлиги 16 мм.

- ◆ билакнинг юқори қисмига қилинган тери ости инфекциялари - игна катталиги 25, узунлиги 16 мм (кичкина болалар учун игна катталиги 27, узунлиги 12 мм);

- ◆ тўла одамларга мускул орасига инфекциялар учун – игна катталиги 23, узунлиги 38мм;

♦ тери ости инфекциялари – БЦЖ вакцинацияси – игна ўлчами 25-27, узунлиги 10 мм.

Мускул орасига инфекциялар бажаришида игнанинг киритиш бурчаги.

Игна соннинг ён мушаги ёки дельтасимон мушакка 45-60 ° бурчак остида киритилиши лозим. Ён мушакка игна киритилаётганда тизза йўналиши бўйича, дельтасимон мушакка курак йўналиши бўйича киритилса, нерв юзага келади. Игнани 45-60 ° бурчак остида киритилиши мушакка киришда тўқима қаршилигини камайтиради.

Инфекция учун тавсия этилган жойлар.

Чақалоқлар ва 1 ёшгача бўлган боларни вакциналашда соннинг олд ёнбош қисми маъқул ҳисобланади.

Каттароқ ёшдаги болалар (юришни бошлаганлар) ва катталар учун дельтасимон мушак энг қулай юбориш жойи саналади.

Вакцинани соннинг олд ёнбош соҳасига юбориш думба мушагига юборищдан кўра афзалиги шундан иборатки, думба мушагига юборищда айниқса, чақалоқларда нерв ҳолатининг ўзгарувчанлиги сабабли кўймуч нервини шикастлаш хавфи мавжуд.

Бошқа яна бир сабаби шундан иборатки, соннинг олд ёнбош соҳаси мушак массасининг ҳажми думба мушаги массасидан ортиқлигидир - мускул ораси инфекциясини думба соҳасига юборищдаги айрим ўринлари тери ости инфекцияси билан оғир маҳаллий реакциянинг ривожланишини келтириб чиқаради.

Ва ниҳоят, гепатит В ва қутиришга қарши вакциналар думба соҳасига юборилса, камроқ иммуноген ҳисобланади. БЦЖ вакцинациясида дельтасимон мушак соҳаси (билак ўртаси) дан фойдаланиш зарур, чунки билакнинг юқори бўлишига инекция қилиш келлоидли чандиқнинг ровожланиш хавфини келтириб чиқариши мумкин.

Инъекция пайтида боланинг ҳолати

Инъекция шаклида юбориладиган вакцинациялар нерв, томир ва тўқималар шикастланиш хавфи минимал бўлган соҳаларга юборилиши лозим. Инъекция пайтида чақалоқлар ва болалар ҳаракатланмасдан туришлари жуда муҳим. Шундай бўлса-да, ҳаракатнинг кескин чекланиши болада кўркувнинг пайдо бўлишини ва мушак-

ларнинг юқори таранглашувини келтириб чиқаради. Болани ушлаб турган ота-она ёки энага ўзларини қулай ҳис этишлари ва улардан нима талаб этилаётганини ва нима содир бўлишини тушунишига ишонч ҳосил қилинг.

Чақалоқлар ва 1 ёшгача бўлган болаларда инъекция юбориш соҳаси сифатида ёнбош мушакнинг афзаллиги сабаби қуидаги-дан иборат:

- ◆ думбага инъекция қилиш пайтида мавжуд бўлган қуймич нервининг шикастланиши хавфи йўқ.

- ◆ чақалоқларда дельтасимон мушак юборилган вакцинанинг абсорбцияланишни таъминлайдиган етарлича массага эга эмас.

- ◆ гепатит В ва қутиришига қарши вакциналар думба соҳасига юборилса, камроқ иммуноген ҳисобланади.

- ◆ доимий инъекци жойида соннинг олдинги ўрта миясида жойлашган нейро томир бойлами соҳасининг ривожланиш хавфи йўқ.

Соннинг ён мушаги – чақалоқ танасининг ҳолати ва инъекция юбориш жойини аниқлаш.

Ёнбош мушак – чақалоқларда соннинг олд ён қисмини тўлдириб турувчи тўла мушак саналади. Вакцина инъекциясини мушак массаси энг кўп ҳажмга эга бўлган мушакнинг юқори ва ўрта қисми ўртасидаги чегара соҳасига қилиш лозим. Игнани 45-60 ° бурчак остида тизза йўналиши бўйича киритиш лозимлиги сабабли игнанинг учи мушакнинг юқори ва ўрта қисми орасидаги чегара сатҳидан бир бармоқ энлилигига бўлиши керак. Ёнбош мушакдаги анатамик нуқтани тўғри белгилаш учун болани албатта, ечинтириш лозим, акс ҳолда инфекция жуда пастга қилиниши мумкин. Боланинг стол ёки кроватга ётқизиш мумкин. Қўлни бола – чаноғи соҳасига кўндаланг қўйиш, катта ва ўрта бармоғ билан мушакни ушлаб олиши керак. Бундай ҳолат инъекция жараёнини осонлаштиради.

Ён мушак соҳасидаги инъекция қилинадиган жойнинг локализацияси.

- ◆ Боланинг кроват ёки кўриш столига ёнбош ёки елкасига ётқизинг.

- ◆ Тиззадан букилган оёқни озгина ростлаб қўйинг.

- ◆ Павльпация қилиб сон суягининг катта қўстини ва сон суягининг ташқи дўнгини аниқланг.

◆ Бу икки суюк тузилишини бирлаштирувчи чизиқни кўз олдингизга келтиринг ва бу чегарани аниқланг.

◆ Вакцинани фараз филинган чизиқнинг юқори ва ўрта қисми ўртасидаги чегара сатхига юбориш учун игнани ушбу сатҳидан бир бармоқ юқорига киритиш лозим.

Дельтасимон мушак- боланинг тўғри ҳолати ва вакцина юбориш жойини аниқлаш. Вакцина юборишда боланинг энг қулай оптималь ҳолати унинг ота-онаси ёки васийлари тиззасида ёнбош ўтирган ҳолати ҳисобланади.

Вакцина юбориладиган кўл боланинг танасига қаттиқ тақаб (қисиб) қўйиши, иккинчи қўли эса ота - онаси томонидан елкага ўtkазилиши лозим.

Дельтасимон мушакка энекция бажаришга вакцина юбориш жойини тўғри аниқлаш вакцинациянинг хавфсиз ва муваффақиятли ўтказилиши учун зарурдир. Вакцинация жойини нотўғри белгилаш вакцинанинг тери остига юборишга ва нервни жароҳатлаш хавфининг ошишига олиб келади.

Вакцинация жойини белгилаш учун қўлни елкадан тирсаккгача яланғочлаш лозим. Вакцина юбориш учун энг қулай жой акромиал ўсимта (курак қиррасининг) ташувчи билан билак суюги ўртаси орасида жойлашаган мушак ўртаси ҳисобланади. Игнани 45-60 ° бурчак остида акромиал ўсиқ йўналиши бўйича киритиш лозим. Агар инъекция дельтасимон мушакнинг пастки қисмига қилинса, билак суюги томонидаги нервнинг шикастланиш хавфи юзага келади.

Дозалари

Вакцинанинг дозаси вакцинани қўллаш бўйича тавсияномаларга мос келиши керак.

Изоҳ:

◆ паст дозалар етарлича ҳимояни таъминламаслиги мумкин
◆ паст синама дозалар тавсия этилмайди. Синама доза сезигрлиги юқори шахсларда тўлиқдоза сингари асосий кўшимча эфектлар пайдо қилиши мумкинлигига эга. Демак, синама доза вакцинация пайтида қилиниши керак эмас.

◆ Тавсия этилгандан юқори дозалар юборилиш жойида ёки организмда вакцинанинг юқори ва хавфли таркибини келтириб чиқариши мумкин.

Куруқ вакциналарни тайёрлаш

Куруқ музлатилган вакциналарни фойдаланиш муддатлари бўйича тавсияларга мувофиқ тўғри суюлтириш ва фойдаланиш ёрдамида тайёрланади. Тикланган вакциналар яроқсизлик белгилари бор йўқлиги текширилади (ранг ва хиралиги) шуни ёдда тутиш лозимки, қизамиққа қарши вакцина қисқа муддат ичидаги хона ҳарорати шароитида яроқсиз бўлиб қолади. Вакцинани тиклаш учун 21-ўлчамдаги стерил игнада, вакцинани юбориш учун 23 ўлчамдаги узунлиги 25 мм бўлган игнадан фойдаланилади.

Ампуладан шприцга вакцинани тортиш.

Ампуладан шприцга вакцинани резина тигини орқали тортишда янги игнадан фойдаланиш лозим. Агар вакцина очиқ ампуладан тортилса, шу игнанинг ўзидан фойдаланиш мумкин. Майдагаво пуфакчаларни йўқотиш шарт эмас.

Инъекция учун кўлланиладиган игна ёки шприцдан ампуладан вакцина тортишда заҳарланиш хавфи туфайли фойдаланиш мумкин эмас, кўп дозали ампулаларда ҳам фойдаланиш тавсия этилмайди, агар танлашнинг иложи бўлмайдиган ҳолатлардан ташқари.

Бир кунда икки ёки ундан ортиқ вакциналарни юбориш.

Бир кунда ўшга келувчи турли вакциналарни юбориш тавсия этилади. Ноактивланган вакциналарн ва тирик верусли вакциналар, айниқса, болаларни вакциналашда одатда бир кунда, бироқ ҳар хил соҳаларга юборилади. Мисол учун, АКДС вакцинаси (қизамиқ эпидемик паратит, қизамиқли қизилча ва В гепатит вакцинаси) бир кунда қилинади. Биттадан ортиқ тирик вакцина юборилиши мумкин, бироқ агар фақат битта тирик вакцина юборилса, кейинги вакцина биринчи вакцина юборилгандан тўрт ҳафтадан кейин юборилади. Чунки иккинчи реакция пасайиши мумкин.

Бундан ташқари сариқ иситма ва вабога қарши вакциналар ўтасида специфик ўзаро таъсир мавжуд, шу сабабли уларни 4 ҳафталик интервал билан алоҳида юбориш лозим.

Битта шприцда бир нечта вакциналарни аралаштирумаслик керак. Бир кунда юбориладиган турли вакциналарни турли соҳаларга ва ҳар хил шприцларда юбориш лозим.

Совуқда сақлаш занжири

У нима дегани? Совуқда сақлаш түшүнчеси вакцинани бехатар 2° – 8° С да сақлаш ва транспортировкасига тегишилдири. Ҳар қандай иммунизация дастурининг муваффақияти самарали таъсирга эга вакцинани юборишига боғлиқ. Агар транспортировка ва сақлаш ҳарорати жуда юқори ёки жуда паст бўлса, вакцина ўз самарадорлигини тез йўқотади.

Демак, вакцинани ишлаб чиқилган пайтидан, траспортировка ва музлатгичда сақлаш, мижозга юбориш пайтгача вакцина учун совуқда сақлаш занжирига амал қилиш лозим.

Совуқда сақлаш занжирига амал қилишга самарали вакцина ни муҳтоҷ ахолига, айниқса, болаларга етказиб беришини тамин-лайдиган барча инсонлар, асбоб - ускуналар ва муолажалар жалб қилинган.

Совуқда сақлаш занжирига амал қилиш зарурати:

Вакциналар - бу сезгир биологик моддалар бўлиб, уларнинг са-марадорлигини таъминлаш учун $2\text{--}8^{\circ}$ С ҳароратда сақлаши лозим вакцинанинг самадорлиги пасаяди ёки умуман йўқолади:

- ◆ юқори сақлаш ҳароратида;
- ◆ музлатилганда;
- ◆ ёруғлик нури таъсир этганда.

Самарадорликнинг йўқолиши - тузатиб бўлмайдиган жараён. Демак, вакцинани сақлаш шароитига қаттиқ амал қилиш лозим.

Вакциналарни жойлаштириш ва сақлаш

◆ Вакциналарни музлатгичда ишлатиш пайтгача сақлаш лозим. Агар вакцинани поликлиника ҳудудидан ташқарига олиб бориш керак бўлса, уни изоляцияланган совуқ контенерга фойдалангунга қадар жойлаштириш зарур. Вакцина хона ҳароратида қолдирманг. Ишлатилмаган вакцинани дарҳол музлатгичга солиб қўйиш керак.

◆ Қизамиқ, эпидемик паратит, қизамиқли қизилчага қарши ва БЦЖ вакциналри ёруғликдан ҳимояланган жойлардан сақланиши лозим. Бу вакцинани дарҳол ишлатиш ёки ёруғликдан ҳимоялаш учун алюминий фальгага ўраб қўйиш зарур.

◆ Музлатилган перорал поливирус вакциналарни (-20° С да) секин эритиши (кафтлар орасида ампулани думалатиб), аралашти-

риш ва дарҳол юбориш лозим. Вакцинанинг ранги оч - қизилдан тўқ - сарғиши рангача бўлиши керак. Вакцина ампуласидан битта дозани олиб, қолганини музлатиб қўйиш мумкин. Бу муолажани ампуладаги доза тугагунча такрорлаш мумкин.

◆ Перорал поливирус вакцинанинг ампулалар 2-8° С ҳароратда ёпик ҳолда сақлагандагина самарадорлиги сақланади. Ампула оғчилгандаёқ ҳаво таъсири остида pH нинг ўзгариши туфайли унинг самадаролиги йўқолади. Самарадорлик ёруғлик таъсири остида ёки музлатгичда бир неча соат мобайнида сақлаш (айниқса, иссиқ ҳавода) давомида ҳам йўқолади.

Ҳозирги пайтда БССТ сиёсати очиқ ампулаларни ишлатишга қўйидаги шароитларга амал қилингандагина рухсат беради.

- ◆ агар яроқлилик муддати ўтмаган бўлса;
- ◆ вакцина соғлиқни сақлаш занжирининг тегишли шароитларида (2-8° С) сақланса;
- ◆ марказдан ташқарида вакцинация ўtkазиш учун олинган очиқ ампулалар иш куни охирида йўқ қилинади.

Вакцина олиш учун талабнома бериш

- ◆ Вакциналаш санаасигача зарур бўлган вакцина миқдорига буюртма бериб вакцинани сақлаш муддатини минимумга олиб бориши лозим.
- ◆ Вакциналаш учун зарур бўлган вакцина миқдорига буюртма бериш лозим. Ортиқчаси сақлаш муддатининг чўзишни ва унинг самарадорлиги йўқолиш ҳавфини англатади.
- ◆ Клиника одатда бир ҳафтадан бир ойгача бўлган эҳтиёжларни қондириш учун етарли бўлган вакцина захирасига эга бўлади. Бироқ талаб қилинган миқдорининг ортиш ёки камайиши боғлиқ бўлган омилларини ҳам хисобга олиш зарур. Бу омиллар қуйидагилар:

- ◆ Мавсумий фарқлар
- ◆ Вакцинанинг талаб қилинган миқдорининг ўзгаришига таъсир этувчи маҳсус тадбирлар (масалан, профилактик тадбирлар);
- ◆ Ўзидан кейин вакцинанинг талаб этилган миқдорининг ўзгаришини келтириб чиқарувчи муолажадаги ўзгаришлар;
- ◆ Вакциналаш билан боғлиқ тиббий жиҳозларга буюртма беришини унутмаслик керак.

Агар етарли миқдорда эритувчи ёки шприцлар бўлмаса вакцинанинг фойдаси кам бўлади.

Вакцинани тайёрлаш технологияси.

Қизамиқ, эпидемик ва қизамиқли қизилчага қарши вакцина қуруқ музлатилган препарат бўлиб таркиби қизамиқ, паротит ва қизамиқли қизилчанинг тирик кучсизлантирилган вирусидан иборат бўлади.

Изоҳ:

Лиофилизацияланган вакцина ишлаб чиқарувчи томонидан кўшиб берилган эритувчи ёрдамида юборишга тайёрланади; бу вакцина тайёрлангандан кейин 1 соат ичидаги ишлатилиши лозим. Тайёрланган қизамиқка қарши вакцина жуда ҳам барқор бўлади ва хона ҳароратида ўз самарадорлиги йўқотади, 22-25° С ҳароратда 1 соат ичидаги вакцина самарадорлиги 50% йўқолади 37° С юкори ҳароратда 1 соат мобайнида тўлиқ инактивация бошланади.

Битта доза 0.5 мл мушак орасига ёки чукур тери остига юборилади. Иммунизация реципиент (вакцина қабул қилувчи) ларнинг 95% учала вирусга ҳам иммунитет ҳосил қиласди; вакцина юборилиши билан ҳосил бўлган антитело (зич жисмлар). Эндемик касаллик мавжуд бўлмаса 16 йилгача турғун бўлади.

Бирламчи вакцинация

Қизамиқ, эпидемик паротит ва қизамиқли қизилчага қарши вакцина ўғил болаларга ҳам қиз болаларга ҳам қарши кўрсатмалар бўлмаса, 12 ойлигига ва кейинроқ 10-16 ёшлигига тавсия этилади.

Шунингдек, мактабгача ёшдаги болаларга ҳам, агар олдин эмланмаган бўлсалар тавсия этилади. Болар анамнезида қизамиқка қарши эмланган бўлсада ёки қизамиқ эпидемик паротит ва қизамиқли қизилча инфекцияси мавжудлигига ҳам вакцинани юбориш лозим. Бу вакцина билан иммунлашда болаларда кўшимча таъсир кузатилмайди.

Огоҳлантириши

Ҳомиладорлик пайтида қизилча билан оғришда қизилча вируси 90% га ҳомилага карлик, кўрлик, юрак пароги ёки ақлий норасоликни келтириб чиқариши орқали шикаст етказади.

45 ёшгача бўлган ҳамма аёллар қизилчага қарши эмланишлари шарт. Кўпчилик учун иммунизация ҳаётининг охиригача таъсир кучига эга бўлади. Шунга қарамасдан аёлларнинг кам % иммуни-

зациядан ҳимояланишмайды. Аёлларнинг бошқа гуруҳи эса бир неча йилдан кейин иммунитетни йўқотишиади.

Демак, ҳомиладор бўлишдан олдин ҳар бир аёл қизилчага қарши иммунитети мавжудлигини аниқлаш учун қон топширишлари лозим.

Иммунизациядан кейин 2 ой мобайнида ҳомидорликдан сақланниб туриш лозим. Ҳомиладор аёлларга қизамикли қизилчага қарши эмлаш ўтказилмайди.

Агар аёл қизилчага қарши иммунитет мавжудлигига иккilanса, яна бир марта эмлаш мумкин, бундан ҳеч қандай зарар бўлмайди. Шунингдек, иммунитетни сақлаш учун қон топшириш тавсия этилади.

Кўшимча таъсиrlар.

◆ Эмлашдан кейин ҳолсизлик, иситмалаш ёки тошмалар тошиши мумкин. У белгилар вакцинацияда бир хафтадан кейин намоён бўлади ва икки уч кун давом этади.

◆ Бир икки ёщдаги 6000 зиёд бола иштирокида ўтазилган тадқиқотларда белгиланган сиптомлар табиати, частоаси, вақти ва давомийлиги бўйича ўхшашлигини кўрсатди. Вакцинациядан кейинги 6-11 кун мобайнида болаларнинг 0.1 % тиришишлар қайд этилган. Қулоқ олди безларининг шишиши 4 ёшгача бўлган болаларнинг 1 % одатда 3- хафтада, баъзида эса кечроқ кузатилган. Энцефалит ривожланиш ҳолатлари 1 миллионга 1 тани ташкил этади.

◆ Чегараланган характердаги тромбоцитопения ушбу 3 компонетли вакцинадан қизилча компоненти билан боғлиқ

◆ Ота-оналарни эҳтимолий симптомлари ҳақида хабардор қилиш ва ҳароратни тушириш, шу жумладан вакцинациядан кейин 5-12 кун мобайнида паразитамол ичириш бўйича тавсиялар бериш лозим. Бундан ташқари пост вакцинация синдроми инфекция ҳисобланмаслигини айтиб, ота-оанларни тинчлантириш лозим.

◆ Жиддий ва яққол намоён бўлган реакция ҳолатлар ҳақида тегишли шахсларни хабардор қилиш лозим.

Қарши кўrsатмалар

◆ ёмон сифатли касаллик билан оғриган ёки заиф иммунитетли болалар, иммуносупрессив терапия ёки радиотерапия ёки катта

дозада гармонал препаратлар (3 мг/ кг преднизалон) қабул қилувчи болалар;

- ◆ неомицинга аллергияси бор болалар;
- ◆ эмлаш пайтида ўткир иситмалаш ҳолатидаги болаларни эмлаш соғайғунгача қолдирилади;
- ◆ 4 ҳафта давомида бошқа тирик вакциналарни (шу жумладан БЦЖ) қабул қилувчи болалар. З компонетли вакцина билан эмлашни ҳеч бўлмагандаги сўнгти вакцинациянинг охирги кунидан бошлаб бир ой муддатга қолдириб туриш лозим.
- ◆ агар бу вакцина билан аёл киши эмланса, (қизилчага қарши эмлангандагидек) эмлашдан кейинги 2 ой мобайнида ҳомиладорликдан сақланиши лозим.
- ◆ ушбу вакцина иммуноглобулин ёки тоза қон олингандан кейинги 3 ой ичida юборилмаслиги лозим.

Тухум оқсилига аллергия

◆ Тухум оқсилига аллергия ва ҳаттоқи тухумга аллергик реакция қизамиқ, қизилча ва эпидемик паротитга қарши иммунизация ўtkазилишига қарши кўрсатма ҳисобланмайди. Тухумга аллергияси бор боллаларга тегишли кузатишлар билан таъминланганда вакцинани юбориш хавфсиз.

◆ Тухум оқсилига аллергия борлигига нисбатан ҳавотир мавжудлигига педиатр билан кузатув остида мисол учун, бир кунлик госпитализация кўринишида эмлаш масаласи бўйича маслаҳатлашиш лозим, вакцинанинг кичик дозаси билан тери синамасини ўtkазиш бундай ҳолатларни даволашда ўз самарасини бермади.

Вакцинациядан кейинги кузатув.

Вакцина қабул қилувчи (рецепиент) лар маълум бир вақт мобайнидан кузатув остида бўлишлари лозим. Вакцина қабул қилган мижозалар эмлаш хонасида 15 дақиқагача ўтириб туришлари тавсия этилади. Одатда, реакция қанчалик оғир бўлса, шунчалик тез бошланади. Энг жиддий, ҳаётга хавф түғдирувчи реакциялар эмлашдан кейинги 10 минут ичida содир бўлади. Болалар ва чақалоқларда анафилактик шок энг катта реакция саналади. Вакцина юборилиши билан ёки озроқ вақт ўтгандан кейин хушдан кетиш, каттароқ ўшдаги болалар ва катта ўшли одамларда энг кўп тарқалган реакция ҳисобланади. Шу сабабли катталарни вакцинациядан

кейинги 1 соат ичида автомобил бошқариш ёки станокда ишлаш хавфлилiği тұғрисида огохлантириш лозим. Гепатониклар, гепо-реактив эпизодлар, одатда болаларда вакцинациядан кейинрек пайдо бўлади. Агар бундай реакциялар пайдо бўлса, бу вакцинациядан кейинги 4-14 соат ичида содир бўлади.

Анафилактик реакция

Эскирган вакцинациядан кейинги анафилактик реакция ҳолатлари кам бўлса-да, улар тақдирида бор ҳолатлар бўлиши мумкин. Вакцинация билан шугулланадиган тиббиёт ходимлар, анафилактик реакция конвульсия ёки хушдан кетиш ҳолатларидан фарқлай олиш зарур.

Хушдан кетиш ҳолати нисбатан ёки ўсмиirlарда вакцинациядан кейин тарқалган, бироқ кичкина болаларда ҳам кузатилади, тўсатдан хушдан кетиш ҳолларида қаттиқ пульс мавжуд бўлган ҳолатлардан ташқари, анафилактик шокка шубҳа қилиш мумкин.

Анафилактик реакция белгилари.

Анафилактик реакция - тезда бошланадиган, томирлар коллапси билан характерланадиган реакция, учча оғир бўлмаган (ва кўп учрайдиган) шаклларида генераллашган эритма ва эшакем, нафас трактининг юқори ва куйи бўлиши обструкция дастлабки белгилари саналади. Оғир ҳолатларда эса дастлабки белгиларга чўлоқланиш, ранг оқариш, хушдан кетиш ва гепатония белгилари кўшилади. Вакцинация билан шугулланувчи тиббий ходим анафилактик реакциянинг куйидаги белгилари ва симптомларини фарқлай олиши зарур:

- ◆ тери симптомлари, мисол учун, тезда эшакемнинг пайдо бўлиши (думалоқ шаклда, четлари эритематоз кўтарилиган ва маркази оқарган, қичиыйдиган пуфаклар);

- ◆ куйи нафас йўлларидан абстуркция белгилари масалан, товшнинг хириллаши ва ҳалқумда, ҳиқилдоқ ва кичик тилда қон томирларининг шишишини келтириб чиқарувчи стридороз нафас.

- ◆ нафас йўлининг куйи бўлимидаги обструкция белгилари, мисол учун, тўш остида оғирлик борлигини субъектив ҳис этиш ва бронхоспазм сабабли нафас чиқаргандаги хуштакли ҳансираш.

- ◆ абдоминат тиришишлар ва диарея;

- ◆ болалардаги оғир анафилактик реакция белгилари ҳисобланадиган оқсоқлик ва рангизлик белгилари;

◆ Тахикардияга боғлиқ яққол номоён бўладиган гепатомия ва юрак томир тизими бузилишининг бошқа белгилари, мисол учун, синусли тахикардия ёки оғир брадикардия.

Анафилактик реакцияни даволаш.

Анафилактик реакция одатда вакцинациядан кейинги 10 минут ичидаги бошланади. Вакцинация пайтида адреналин доимо қўл остингизда бўлсин!

Вакцинация билан шуғулланадиган барча шифокор ва ҳамширалар анафилактик реакция содир бўлганда бола ҳаётини қутқариш учун қўлланилиши лозим бўлган шошилинч ёрдам кўрсатиш чораларини билишлари шарт:

◆ мижозни чап ёнига ётқизиш лозим. Агар мижоз хушсиз бўлса, оғиз ва ютқун ёки индотрахеал зонд киритиш зарур.

◆ мушакка чуқур тарзда адреналин юбориш лозим (агар кучли марказий пульс бўлса ва мижоз ҳолати яхши бўлган ҳолатлардан ташқари ҳолатларда).

Адреналин дозаси куйида келтирилган.

◆ Агар мижоз аҳволи 10 минут ичидаги яхшиланмаса адреналин дозасини максимум 3 дозадан оширмасдан такрорланг.

◆ Агар кислород бўлса ниқоб орқали килород беринг, жуда сенин.

◆ Шошилинч ёрдам шифокорини чақириш зарур. Мижозни ёлгиз қолдириш мумкин эмас.

◆ Зарурат туғилганда юрак - ўпка реанимациясини амалга оширишни бошлаш зарур.

◆ Барча ҳолатларда кузатиш ва даволаш мақсадида мижозни касалхонага ётқизиш зарур. Кўпинча суюқлик ҳажмини тўлдириб туриш ва адреналиннинг қўшимча дозасини қилиш зарур (ҳаттоқи адреналин инфузиясини).

◆ Адреналин тавсия этилган дозаси –0.01 мл / тана вазнига чуқур мушак орасига инъекция қилинади. Адреналин 1:100 таркиби 1 мг адреналин 1 млга

Куйидаги жадвалда тана вазни аниқ бўлмаган мижоз учун адреналин дозаси келтирилган

1 ёшгача- 0.05 –0.1 мл

1-2 ёш (тахминан 10 кг)-0.15 мл

2-3 ёш (тахминан 15 кг)-0.2мл

4-6 ёш (таксинан 20 кг)- 0.2 мл

7-10 ёш (таксинан 40 кг)- 0.3 мл

11-12 ёш (таксинан 40 кг)-04 мл

12 ёш ва ундан катта – 0.4-1.0 мл (1.0 мл- максимал доза.)

Адреналин қўлланилиши - бу препаратни ҳар доим топиш мумкинлиги сабабли тавсия этилган.

Адреналиннинг кичик дозаларини ўлчашнинг бошқа усули – 10 ёшгача бўлган болаларга 1: 10000 нисбатда адреналинни қўллаш: агар 1:10000 нисбатдаги адреналин ампулалари бўлмаса 1:1000 нисбатдаги 1 мл адреналин ампуласини 9 мл сувда ёки инъекция учун нормал физиологик эритмада эритиш лозим.

1:10000 адреналин дозаси 1 кг тана вазнига 0.1мл мос келади (максимум 3 мл).

Агар бола вазни аниқ бўлмаса уни таксинан ҳисоблаб чиқиши мумкин, шундан келиб чиқиб ҳар бир ёшга 0.3 мл юбориш (максимум 3 мл) лозим.

Адреналиннинг 1:1000 дозалари катталар учун 0.5мл ёки 1,0мл адреналин юборилиши зарурый ҳолларда 3 мартағача тақрорланади. 0.5 мл дозани кексалар ва нозик гавда тузилишига эга мижозлар учун юбориш лозим.

Анафилактик реакциянинг барча ҳолатлар тўғрисида тегишли шахсларни хабардор килиш лозим.

9.5. Уй шароитида гўдакларни парвариш қилишда кўкрак сути билан бокишининг аҳамияти, гўдаклар, болаларни овқатлантиришда қўшимча овқатларни киритиш ҳақида ҳамширалар томонидан оналар учун маслаҳатлар олиб бориш тактикаси

Болаларнинг ўсиши, саломатлиги ва ривожланиши

Чақалоқлик ва эрта болалик давридаги тўғри овқатлантириш болаларнинг ўсиши, саломатлиги ва ривожланишини таъминлаш учун муҳим аҳамият касб этади. Нотўғри овқатлантириш касалликлар ривожланиши хавфини оширади ва у 2006 йилда 5 ёшгача бўлган болалар орасида содир бўлган 9,5 миллион ўлимнинг таксинан учдан бир қисми билосита ёки билвосита, боғлиқидир (1-расм). Номутаносиб овқатланиши кўплаб мамлакатларда тобора

муаммо бўлиб бораётган болалар семиришини келтириб чиқариши мумкин.

Бошлангич даврда озуқа моддаларининг етишмаслиги ҳам, кейинчалик ўсиш ва саломатликдаги ўзгаришларга олиб келади. Ҳаётининг дастлабки икки йилида тўйиб овқатланмаслик ўсишдан орқада қолишга олиб келади, бу эса балоғат ёшига етган бола бўйининг ёшига нисбатан бир неча сантиметр паст бўлишига сабаб бўлади. Эрта ёшда тўйиб овқатланмаганларда, кейинчалик интеллектуал (ақлий) қобилияти пастроқ бўлиши ҳақида далиллар мавжуд. Бундай одамларда жисмоний меҳнат қобилияти ҳам паст бўлиши мумкин. Агар аёллар болалигига тўйиб овқатланмаган бўлса, бу уларнинг репродуктив саломатлигига ҳам таъсир қилиши, яъни уларнинг болалари кам вазни бўлиб туғилиши ва туғруқ жараёни оғир кечиши мумкин. Аҳоли орасида тўйиб овқатланмасликни бошидан кечираётган болалар сони кўп бўлса, бу миллый ривожланишида салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, тўйиб овқатланмасликнинг оқибатлари жуда катта.

Бола ҳаётининг дастлабки икки йили мутаносиб овқатлантириши асосида боланинг ёшига мос равишда ўсиши ва ривожланишини таъминлаш учун фавқулодда қулай давр ҳисобланади. Рақамларга таянган ҳолда шуни айтиш мумкинки, оммавий даражада кўкрак сути билан эмизиб боқишига эришилганда, глобал даражада 5 ёшгача бўлган болалар ўлимини 13 фоизга қисқартириш, қўшимча овқатни тўғри беришга эришиш орқали 5 ёшгача бўлган болалар ўлими даражасини яна қўшимча б фоизга қисқартириш мумкин бўлар эди.

Марказий Осиё республикаларида ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, болаларни кўкрак сути билан эмизиш юқори даражада тарқалган бўлишига қарамай, истисносиз кўкрак сути билан эмизиб боқиленгандарнинг фоизи кам ва шу билан бирга эрта ёшдан кўкракни тўғри тутиш билан боғлиқ муаммолар қайд этилган. Истисносиз кўкрак сути билан эмизиб боқишини кенг тарғиб қилинмаганлиги, ёмон ижтимоий-иктисодий шароит, ифлосланган сув ва эмлаш даражасининг кенг тарқалмаганлиги эмизикли болалар саломатлигига хавфли таъсирни туғдириши мумкин.

Афсуски, нотүгри тарзда күкрап сути билан эмизиб боқиши ва күшимиңча овқат бериш ҳолатлари ҳали ҳам кенг тарқалған. Бутун дунёда ҳаётининг илк олти ойи давомида чақалоқларнинг 34,8 фоизи истисносиз күкрап сути билан эмизиб боқилади, шу билан бирга күпчилик болалар биринчі ойлар давомида бошқа овқат ёки суюқлик билан ҳам боқилади.

Күкрап сути эмизикли болалар учун энг яхши озуқа ҳисобланади, унда ҳаётининг илк 6 ойи давомида бола учун зарур бўлган барча озуқа моддалари мавжуд. Күкрап сути билан эмизиб боқишининг бола учун ҳам, она учун ҳам қатор афзаликлари мавжуд. Күкрап сутидаги озуқа моддалари бола эҳтиёжини қоплаш учун етарли даражада бўлади. У сигир сути ёки сут аралашмасига қараганда организм томонидан анча енгил ҳазм қилинади. Сигир сутига бўлган аллергия сунъий сут билан эмизилган болаларда, күкрап сути билан эмизилган болаларга нисбатан кўпроқ учрайди. Она сутида аллергенлар кузатилмайди.

Она сутининг ўсиш ва ривожланиш омиллари бола ичагининг шиллик қаввати етилишига ёрдам беради ва уни оқсиллар ўтиб кетиши учун чидамлироқ қиласи. Оқсил моддаларнинг сўрилиши камайиши йўли билан аллергик реакцияни олдини олиш мумкин бўлади. Муддатидан аввал туғилган боланинг она сутида, муддатига етиб туғилган бола она сутидагига нисбатан оқсил ва тузлар миқдори кўпроқ бўлади, бу эса муддатига етмай туғилган чақалоқларни кўпроқ бўлган эҳтиёжларини қоплаш учун хизмат қиласи.

Она сутидаги оқсилнинг катта қисми – зардобли протеиндир. У сигир сутида кўп бўлган казеинга қараганда енгилроқ ҳазм бўлади. Она сутидаги ёғлар енгил ҳазм бўладиган ёғ кислоталарига бой бўлади.

Она сути рух ва темир каби минерал моддаларнинг сўрилишини осонлаштиради. Она сутида сигир сутига нисбатан линолен кислотаси 8 марта кўпдир. Линолен кислотаси болаларнинг меъёрида ўсиши ва ривожланиши учун зарурдир. Она сутида оқсил ва минерал моддалар сигир сутига нисбатан кам, лекин у чақалоқ эҳтиёжини қондириш учун етарли даражададир. Бундай моддаларнинг ортиқчаси буйрак орқали чиқарилгани учун кўкрап сути билан эмизиб боқиладиган чақалоқларда буйракка камроқ юқ тушади.

Лактация жараённада она сутидаги ёғ миқдори фарқланади. Унинг миқдори эмизишнинг охирида кўтарилиб, чақалоқда тўйи-

ниш ҳиссини ҳосил қиласы. Бундай хусусият ортиқча овқатланиш ва семиришни олдини олади, деган фаразни юзага келтиради. Она сутиданың сүгір сути ёки сұнъий сутга қараганда холестерол миқдори юқори. Бу ёғ йиғилишининг олдини олиш учун фермент тизимини тезлаштиради.

Она сутиданың лактоза миқдорининг күплиги туфайли калцийнинг ичакда сүрилиши яхшиланади. Шунингдек, лактоза ичакда сут кислотаси ҳосил қиласынан бактериялар күпайиши ва ичак флорасы шаклланишига ёрдам беради. Она сути яна ҳазм қилишни енгиллаштирадиган амилаза ва липаза каби ферментларга бой.

Она сутиданың сүгір сутига қараганда А ва С витаминлари миқдори юқори.

Адабиётларда бола ҳәётининг дастлабки 6 ойи давомида фақат күкрак сути билан эмизиб боқиши болаларнинг касаллашиши ва үлім ҳолаттарини камайтиришига олиб келувчи күплаб далиллар мавжуд.

Иммун тизиминиң фаолиятының яхшилаш

Күкрак сути билан эмизиб боқишининг инфекцион касаллуктарға қарши ҳимоя самарасининг аксарияти пассив ҳисобланади, яғни күкрак сутидаги иммунитетнинг ҳимоя қилувчи омиллардың ошқозон-ичак тракти ҳамда нафас олиш йүллари шишлиқ қатламининг юза қисмини ҳимоялайды ва бұны билан инфекция юқиши хавфини камайтиради. Лекин шу билан бирға, күкрак сути боланинг иммун тизимига фаол таъсир күрсатыши ҳақидағы маълумотлар ҳам бор. Түрт ойлик ёшда күкрак сути билан эмизиб болалардан боланинг қалқонсимон бези сұнъий овқат билан озиқлантириладиган боланинша нисбатан иккى марта катта бүләди, бундан ташқары, күкрак сути билан эмизиб болаларда сут арапашмаси билан овқатланадиган болаларға нисбатан баъзи эмлашларға таъсири яхшироқдир. Шунингдек, инфекцияларға қарши ҳимоя фаолияты күкрак сути билан эмизиши түхтатылғандан кейин ҳам узоқ йиллар сақланиб қолиши түғрисида ҳам маълумотлар күп. Она күкрак сутиданың үз иммун тизимини яхшилашына жағоб берувчи омил номаълум, лекин бундай ўринни В-лимфоцитлар ва Т-лимфоцитлар, антиидеотипик антижисимлар, цитокинлар ва ўсиш омиллары үйнапши эхтимолдан ҳоли эмас.

Сурункали касалликлар

Кўкрак сути билан эмизиб боқишинг болаларда ривожлана-диган сурункали касалликларга таъсирини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар ретроспектив йўналишида чегараланилади, ҳолос. Инсулинга боғлиқ бўлган қандли диабет ва кўкрак сути билан эмизиб боқиши ўртасида тескари боғлиқлик борлиги ҳақида маълумотлар ҳам мавжуд. Инсулинга боғлиқ бўлган қандли диабет аутоиммун касаллик ҳисобланади, балки кўкрак сути билан эмизиш боланинг иммун тизимиға ижобий таъсир кўрсатар. Эрта ёшда (4 ойгача) сигир сути оқсилиарининг организмга кириши инсулинга боғлиқ бўлган қандли диабетнинг эрта ривожланишини кучайтириши ҳам мумкин. Адабиётлардан кўкрак сути билан эмизиб боқиши билан Крон касаллиги, носпецифик ярали колит ва лейкемия касалликларидан ҳимоя қилиши мумкин, деган фаразни тасдиқловчи айрим маълумотлар бор.

Тадқиқотлар кўрсатишича, боланинг қабул қилиш фаолиятини баҳолаш натижалари кўкрак сути билан эмизиб боқилган болаларда сунъий сут билан боқилган болаларга нисбатан ўртача 2, 3 даржа юқоридир.

Кўкрак сути билан эмизиб боқиши она учун ҳам қисқа муддатли, ҳам узоқ муддатли афзаликларга эга. Чакалоқ туғилган заҳоти уни кўкракка тўғри тутиш туфайли тутруқдан кейинги қон кетиш хавфи камайтирилиши мумкин. Эмизаётган оналарда кўкрак бези ва тухумдан саратони ривожланиши хавфи камроқ бўлишининг тобора кўпроқ исботлари пайдо бўлмоқда.

6 ой мобайнида истисносиз кўкрак сути билан эмизиб боқиши

1984 йилда мавжуд тадқиқотлар натижаларининг таҳлили 0-6 ойларда диареядан ўлим хавфи кўкрак сути билан қисман эмизилган болаларда истисносиз кўкрак сути билан эмизиб боқилган болаларга нисбатан юқорироқ бўлиб, истисносиз кўкрак сути билан эмизилган болаларда диарея кўрсаткичи ўртача 8,6 фоизни ташкил этди, шу билан бирга истисносиз кўкрак сути билан эмизиб боқишинг кўкрак сути билан қисман эмизиб боқишига нисбатан афзаликлари юқори эканлиги аниқланди. Кўкрак сути истеъмол қилмаган болаларда истисносиз кўкрак сути билан эмизиб боқилган болаларга нисбатан касалликни ривожланиши хавфи 25 марта юқорилити кузатилди. 1987

йилда Бразилияда ўтказилган тадқиқот натижаларида, кўқрак сути билан қисман эмизиб боқилган болаларда истисносиз кўқрак сути билан эмизиб боқилганларга нисбатан 4,2 марта ўлим хавфи юқори бўлганлиги, кўқрак сутининг болага умуман берилмаслиги ҳолатида эса бу хавф 14,2 марта юқори бўлиши кузатилган. Кейинчалик Бангладеш пойтахти Даккада ўтказилган тадқиқот бола ҳаётининг илк тўрт ойида истисносиз кўқрак сути билан эмизиб боқиши кўқрак сути билан қисман эмизиб боқишига нисбатан диарея ва пневмониядан ўлим ҳолати учдан бир қисмга кам бўлишини кўрсатган. Аниқланишича, 6 ой давомида истисносиз кўқрак сути билан эмизиб боқиши 3 ва 4 ой давомида истисносиз кўқрак сути билан эмизиб боқишига нисбатан диарея ва нафас йўли касалликлари хавфини камайтирган.

Агар кўқрак сути билан эмизиб боқиши техникиси қониқарли бўлса, бола ҳаётининг илк 6 ойи давомида истисносиз кўқрак сути билан эмизиб боқиши болаларнинг аксариятида энергия ва озуқага бўлган эҳтиёжнинг қондирилишини таъминлайди. Бошқа ҳеч қандай овқат ёки суюқликка эҳтиёж бўлмайди. Тадқиқотлар натижаларининг таҳлили кўрсатишича, агарда соғлом чақалоқлар ҳаётининг илк 6 ой давомида, истисносиз кўқрак сути билан эмизиб боқилса, ҳатто иссиқ иқлимда ҳам улар кўшимча сувга эҳтиёж сезмайдилар. Кўқрак сути 87-93 фоизи сувдан иборат бўлиб, у боланинг чанқогини қондириш учун етарли. Кўшимча суюқлик берилиши кўқрак сути билан овқатланишининг камайтирилишига олиб келади. Шунга қарамай, кўпчилик бола ҳаётининг биринчи ҳафталариданоқ чақалоқларга сув ва чой берадилар. Бундай амалиёт болада диарея ривожланиши хавфининг икки марта ортишига олиб келиши мумкин.

Фертилликка эрта қайтишини олдини олиш ҳамда ҳомиладорлик-кача бўлган вазнни тез тиклаш мақсадида истисносиз кўқрак сути билан эмизиб боқиши она учун бўлган афзаликларидан яна бири хисобланади. Тез-тез ва истисносиз кўқрак сути билан эмизиб боқадиган аёлларда туғруқдан кейинги биринчи 6 ой давомида, аменорея сакланган ҳолатда ҳомиладор бўлиш хавфи 2 фоизга камаяди.

Кўқрак сутидаги инфекцияга қарши моддалар микдори бола ҳаётининг биринчи йилидан кейинги вақтда ҳам сакланиб қолади ва бир ёшдан кейинги даврда ҳам инфекциялардан ҳимоя қилишда давом этади. Бундан ташқари, иммуноглобулинларни ишлаб чиқарилиши аёлнинг овқатланиши ва ижтимоий-иқтисодий аҳволига

боғлиқ эмас. Инфекциялар кенг тарқалган мамлакатларда ўтка-зилган бир қатор тадқиқотлар натижаларига кўра, бола ҳаётининг иккинчи йилида ҳам кўкрак сути билан эмизиб боқилаётган болаларнинг тирик қолиши даражаси кўкрак сути билан эмизиб боқиши тўхтатилган болаларга нисбатан бирмунча юкори.

Кўкрак сути организмни инфекцион касалликлардан, айниқса, диспептик касалликларидан ҳимоя қилишини тасдиқловчи маълумотлар жуда кўп: сунъий овқатлантирилаётган болаларда кўкрак сути билан эмизиб боқилаётган болаларга нисбатан диарея кўпроқ учрайди. Шунингдек, неонатал реанимация бўлимларида тарқалган ошқозон-ичак касаллиги – некротик энтероколит сунъий овқатлантирилаётган болаларда кўпроқ учрайди. Ҳатто-ки бола кўкрак сути билан қисман озиқлантирилаётган бўлса ҳам, кўкрак сутининг ҳимоя таъсири – гарчи бирмунча сусайган даражада бўлса ҳам сақланиб қолади.

Кўкрак сутининг шунингдек қуи нафас йўллари касалликларидан ҳам ҳимоя қилиши тўғрисида ишончли далиллар бор. Ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, кўкрак сути билан эмизиб боқиши эрта ёшдаги болаларни айниқса, биринчи ойларда зотилжамдан ҳимоя қиласи. Сут аралашмаси билан парваришланаётган болаларда кўкрак сути билан эмизиб боқилаётган болаларга нисбатан зотилжам билан шифохонага тушиш хавфи 17 маротаба кўпроқдир. Қолаверса, кўкрак сути билан эмизиб боқишининг ўрта қулоқ шамоллаши хавфини камайтириши ҳақидаги маълумот қатор тадқиқотларда ўз тасдигини топган. Кўкрак сути билан эмизиб боқиши бактериемия ва менингит, ботулизм ва сийдик йўллари инфекциялари ривожланиши олдини олиши мумкин, лекин бу маълумотлар тўлақонли тасдиқланмаган.

КЎКРАК СУТИ БИЛАН ЭМИЗИБ БОҚИШНИНГ ФИЗИОЛОГИК АСОСЛАРИ

2.1 Кўкрак сути таркиби

Кўкрак сути таркибida чақалоқ ҳаётининг илк 6 ойида зарур бўлган барча озука моддалари – ёғлар, углеводлар, оқсиллар, витаминалар, микронутриентлар ва сув бор. У енгил ҳазм бўлади ва

самарали фойдаланилади. Кўкрак сутида, шунингдек, чақалоқнинг инфекцияга қарши ҳимоясини таъминловчи иммун тизимини мустаҳкамлайдиган биологик фаол компонентлар ҳамда озуқа моддаларини ҳазм қилиш ва сингишига ёрдам берадиган бошқа компонентлар мавжуд.

Ёллар. 100 мл кўкрак сути таркибида тахминан 3,5-4,2 г ёғ бўлиб, бу сутнинг тахминан ярим энергетик кувватини таъминлайди. Ёғ майдада томчиларга ажралиб чиқади ва унинг миқдори эмиш жараёнида ортиб боради. Натижада эмишнинг охирига келганда сут ёғта бой бўлиб, қаймоқ-оқ рангга киради. Юола ҳаётининг илк кунларида эмадиган оғизсугтда ёғ кам бўлади ва унинг ранги нимҳаворанг-кулранг бўлади. Кўкрак сути таркибида узун занжирли тўйинмаган ёғ кислоталари (дезоксигексон кислотаси ёки ДГК ва араҳидон кислотаси ёки АРК) бўлиб, улар фақат она кўкрак сути таркибида бўлади. Бу ёғ кислоталари боланинг асад тизими ривожланиши учун муҳим ҳисобланилади. ДГК ва АРКни болалар қўшимча овқатларининг баъзи турларига қўшилди, лекин бу кўкрак сути билан солиштирилганда ҳеч қандай фойдага эга эмас ва кўкрак сутидагидай самарали эмас.

Углеводлар. Кўкрак сутида углеводларнинг асосий тури лактоза бўлиб, унинг ҳиссасига сут калориясининг тахминан 40 фоизи тўғри келади. 100 г кўкрак сутида тахминан 7 г лактоза бўлиб, бу миқдор сутнинг бошқа турларига қараганда кўпdir ва яна бир муҳим энергия манбаи ҳисобланади. Лактоза эпителий таркибида бўлган лактаза таъсирида ингичка ичакда ҳазм бўлади ва сўрилади ($>90\%$). Ҳазм бўлмаган лактоза йўғон ичакка ўтиб, у ердаги мавжуд бактериялар таъсиридаги ферментация натижасида қисқа занжирли ёғ кислотаси ва лактатга айланади, улар эса ўз навбатида сўрилиб энергия ишлатилишига ўз ҳиссасини қўшади ҳамда йўғон ичакда кальций сўрилишини яхшилаш орқали йўғон ичакда pHни камайтиради. Лактоза лактобациллалар ўсишига кўмаклашади ва йўғон ичакда гастроэнтеритдан ҳимояловчи қулай флора ривожланишига ёрдам бериши мумкин. Кўкрак сутида мавжуд бўлган бошқа углевод тури олигосахаридлардир, улар бола организмини вирус, бактериялар ва уларнинг токсинига қарши ҳимоя билан таъминлайди ва йўғон ичак флораси, шу жумладан, бифидобактерия каби пробиотик таъсиргага эга бўлиши мумкин бўлган штаммлар ўсишига кўмаклашади.

Оқсил. Кўкрак сути оқсили ҳайвонлар сутидан ҳам миқдори, ҳам сифати бўйича фарқ қиласи ва унда болага мос келадиган амино-кислоталар баланси мавжуд. Кўкрак сутидаги оқсил концентрацияси (100 млда 0,9 г) ҳайвонлар сутидан кўра камроқ. Ҳайвон сути таркибидаги оқсил миқдорининг нисбатан кўплиги чақалоқнинг етилмаган буйрагига азот чиқиндилари билан ортиқча юк бўлиши мумкин. Кўкрак сутидаги казеин – оқсили кам бўлиб, у бошқа сут эмизувчилар сутидаги казеинидан фарқланади ва бола уни осон ҳазм қилишига имкон берадиган кимёвий хусусиятларга эга. Кўкрак сутидаги оқсилларнинг асосий қисмини алфа-лактальбумин ва лактоферрин ташкил этади – улар эмизикли бола учун жуда керакли аминокислоталарнинг асосий манбай ҳисобланади. Сигир сути таркибидаги кўкрак сутидаги учрамайдиган ва чақалоқлар ҳазм қила олмайдиган бета-лактоглобулин бор.

Витаминалар ва минераллар. Боланинг меъёрида ривожланиши учун ҳатто жуда жуда овқатланиш статусига эга аёлнинг ҳам организми етарли миқдор ва таркибда сут ишлаб чиқаради. Лекин, кўкрак сути таркибидаги микронутриентларнинг оптималь таркиби ва эмизикли боланинг оптималь микронутриентларни қабул қилиши онанинг нормал овқатлана олиш имконига боғлиқ.

Кўкрак сути таркибидаги сувда эрийдиган витаминалар, уларнинг она истеъмол қиласидаган овқатда бўлишига боғлиқ, ёғда эрийдиган витаминаларни эса боғлиқлиги даражаси камроқ. Одатий витаминалар, ҳатто онанинг ўзи учун етарли бўлмаган тақдирда бўлса ҳам, кўкрак сутнинг таркибидаги миқдорда бўлади. Бундан D витамини истиснодир. Эндоген D витамиинини ишлаб чиқариш учун чақалоқ ултрафиолет нурларига бой куёш нури таъсирида бўлиши ёки бунинг имкони бўлмаса, қўшимча сифатида қабул қилишга муҳтождир. Темир ва рух минераллари кўкрак сутидаги нисбатан кам миқдорда мавжуд, бироқ уларни организм томонидан қабул қилиниши ва сўрилиш имкони катта. Онада темир етарли миқдорда бўлса, муддатига етиб туғилган чақалоқларда ўз эҳтиёжини қондириш учун етарли темир заҳираси бўлади; кам вазн билан туғилган чақалоқларга эса истисносиз кўкрак сути билан б ойгача қўшимча темир керак бўлиши мумкин.

Истисносиз кўкрак сути билан эмизиб боқилаётган болаларда клиник белгили микронутриентлар етишмаслиги биринчи б ойда

камдан-кам учрайди. Агар онада ҳомиладорлик ва лактация пайтида микронутриентлар миқдори қониқарли бўлса, истисносиз кўкрак сути билан эмизиб боқилаётган б ойгача бўлган болаларга қўшимча витамин ва минераллар беришга ҳожат йўқ. Агар микронутриентлар етарли бўлмаса, онанинг овқатланиши яхшиланиши ҳамда қўшимча витамин ва минераллар қабул қилиши ижобий натижага олиб кела-ди, шу билан бирга ҳам она, ҳам бола учун фойдали бўлади.

Инфекцияга қарши омиллар

Кўкрак сутидаги микробга қарши омиллар ва ҳали етук бўлмаган иммун тизимини мустаҳкамловчи ва ҳазм қилиш тизимини ҳимоя қилувчи бошқа моддалар бор, улар инфекцияларга қарши, шу жумладан, ошқозон-ичак тизими ва нафас йўллари инфекцияларига қарши ҳимояни шакллантиради. Кўкрак сутидаги асосий иммуноглобулинлар секретор иммуноглобулин А ва лактоферриндир. Секретор иммуноглобулин А ичак эпителийсини ичак бўшлиғидаги антигенлардан ҳимоя қилади ва чақалоқ иммун тизимини яхшилайди. Лактоферрин темирни боғловчи оқсил бўлиб, темир учун бактериялар билан рақобатга киришади ва бактериялар яшовчанлигини камайтириш орқали ошқозон инфекциялари, шу жумладан, *Escherichia coli* ва *Staphylococcus spp* бактериялари тарқалиши хавфини камайтиради.

Саноатда ишлаб чиқариладиган сут аралашмаларида ёки қўшимча озуқада бундай иммунологик омиллар йўқ. Шунинг учун ҳам сунъий овқат билан парваришиланаётган болалар инфекциялардан камроқ ҳимояланган бўлади. Кўкрак сутидаги ҳазм қилиш тизимини ҳимоялаш ва унинг мустаҳкамланишида иштирок этиши мумкин бўлган яна бошқа кўплаб ҳимоя ва трофик омиллар бор.

Кўкрак сутидаги инфекцияга қарши моддалар миқдори бола ҳаётининг биринчи йилидан кейинги вақтда ҳам сақланиб қолади ва бир ёндан кейинги даврда ҳам инфекциялардан ҳимоя қилишда давом этади. Бундан ташқари, иммуноглобулинларни ишлаб чиқарилиши аёлнинг овқатланиш ва ижтимоий-иктисодий аҳволига боғлиқ эмас. Инфекциялар кенг тарқалган мамлакатларда ўтказилган бир қатор тадқиқотлар натижаларига кўра, бола ҳаётининг иккинчи йилида ҳам кўкрак сути билан эмизиб боқилаётган болаларнинг тирик қолиш даражаси кўкрак сути билан эмизиб боқиши тўхтатилган болаларга нисбатан бирмунча юкори.

Кўкрак сути организмни инфекцион касалликлардан, айниқса, диспептик касалликларидан ҳимоя қилишини тасдиқловчи маълумотлар жуда кўп: сунъий овқатлантирилаётган болаларда кўкрак сути билан эмизиб боқилаётган болаларга нисбатан диарея кўпроқ учрайди. Шунингдек, неонатал реанимация бўлимларида тарқалган ошқозон-ичак касаллиги – некротик энтероколит сунъий овқатлантирилаётган болаларда кўпроқ учрайди. Ҳаттоки бола кўкрак сути билан қисман озиқлантирилаётган бўлса ҳам, кўкрак сутининг ҳимоя таъсири – гарчи бирмунча сусайган даражада бўлса ҳам сақланиб қолади.

Кўкрак сутининг шунингдек қуи нафас йўллари касалликларидан ҳам ҳимоя қилиши тўғрисида ишончли далиллар бор. Ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, кўкрак сути билан эмизиб боқиши эрта ёщдаги болаларни айниқса, биринчи ойларда зотилжамдан ҳимоя қилади. Сут аралашмаси билан парваришланаётган болаларда кўкрак сути билан эмизиб боқилаётган болаларга нисбатан зотилжам билан шифохонага тушиш хавфи 17 маротаба кўпроқдир. Қолаверса, кўкрак сути билан эмизиб боқишининг ўрта қулоқ шамоллаши хавфини камайтириши ҳақидаги маълумот қатор тадқиқотларда ўз тасдигини топган. Кўкрак сути билан эмизиб боқиши бактериемия ва менингит, ботулизм ва сийдик йўллари инфекциялари ривожланиши олдини олиши мумкин, лекин бу маълумотлар тўлақонли тасдиқланмаган.

2.2 Оғизсути ва етилган сут

Оғизсути – тугруқдан кейинги ilk 2-3 кун мобайнида келадиган махсус сутдир. У кам микдорда бўлиб – биринчи кун тахминан 40-50 мл – ишлаб чиқарилади, лекин бу вақтда чақалоқقا зарур бўлган барча хусусиятларга эга бўлади. Оғизсути лейкоцитлар ва антитаначалар, айниқса, иммуноглобулинга бой бўлади ва унинг таркибидаги оқсил, минерал моддалар ва ёғда эрийдиган витаминлар (A, E и K) фоизи кейинроқ келадиган сутга нисбатан юқори бўлади. А витамини кўз ҳимояси ва эпителиал юзаларнинг бутунлиги учун муҳим ўринни тутади ва у одатда сутга сарғиш ранг беради. Оғизсуга таркибида атроф-муҳитдаги микроорганизмлар таъсирига учраган чақалоқнинг иммун ҳимояси мавжуд бўлади ва

эпидермал ўсиш омили ичакнинг шиллик қатлами томонидан сутли озука моддалари қабул қилинишини тайёрлашда ёрдам беради. Бу даврда болалар бошқа озука билан эмас, оғизсуги билан озиқланышлари жуда мухим. Кўкрак сути билан эмизиб боқищдан олдинги бошқа озука - лактация олди озиқлантирилиши, деб аталади.

Сут туғруқдан кейинги 2-4 кунларда кўп микдорда ишлаб чиқарила бошлайди, унинг натижасида кўкрак тўлишади: шу пайтда сут «келди» дейишади. Учинчи кунга келиб чақалоқ одатда 24 соат мобайнида 300-400 мл, бешинчи кунга келиб 500-800 мл сут эма бошлайди. 7 дан 14 кунга қадар сут ўтиш даври сути, икки ҳафтадан кейин эса етилган сут дейилади.

2.3 Бола рефлекслари


Кўкрак сути билан эмизиб боқиши муносиб бўлишида бола рефлекслари мухим ўринни тутади. Асосий рефлекслар – ўзак, сўриш ва ютиниш рефлексларидир. Боланинг лаблари ёки лунжига бирон нарса тегинса, у бунинг сабабини қидириб юзини шу тарафга буради ва оғзини очиб, тилини юқори ва паастга айлантира бошлайди. Бу ўзак рефлекс бўлиб, у ҳомиладорликнинг қарийб 32-ҳафтасидан пайдо бўлади.

Боланинг танглайига бирон нарса тегинса, у сўра (эма) бошлайди. Бу сўриш рефлексидир. Боланинг оғзига сут тўлса, у юта бошлайди. Бу ютиниш рефлексидир. Муддатидан аввал туғилган чақалоқлар гестация ёшининг тахминан 28-ҳафтасидан кўкрак учини тута олишлари мумкин ва тахминан 31-ҳафтадан бошлаб бироз сут сўра бошлайди. Сўриш, ютиш ва нафас олиш координацияси ҳомиладорликнинг 32 ва 35 ҳафталари оралиғида пайдо бўлади. Чақалоқлар бу ёнда қисқа давр факат эмишлари мумкин, лекин шу вақтда улар пиёладан қўшимча овқат ҳам ейишлари мумкин. Гестация ёшининг 36 ҳафтасидан бошлаб аксарият болаларни тўлиқ кўкрак сути билан эмизиш мумкин.

Истисносиз кўкрак сути билан эмизишни бошлаш ва давом эттиришда она ва болани қўллаб-кувватлаш учун бу рефлекслар хақида маълумотга эга бўлиш лозим, чунки бу рефлексларнинг етуклик даражаси болани бевосита кўкрак сути билан эмизиб боқиши мумкинлиги ёки овқатланишининг бошқа усулини вақтинча қўллаган маъқуллигини кўрсатиши мумкин.

2.4 Болани кўкракка тўғри тутиш қондалари

Бола сутни қийинчилликсиз эма олиши мақсадида кўкрак учини стимуллаш ва ундан сут чиқишини таъминлаш ҳамда сутнинг етарли миқдорда келиши учун болани кўкракка тўғри тутиш керак. Бола оғзига кўкракни тўғри олмагани сабабли, яхши эма олмайди ва бу бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради.



6-расм. Болани кўкракка тўғри тутиш усули

Болани кўкракка тўғри тутиш усулининг белглари:

■ боланинг оғзида ареоланинг катта қисми ва унинг остидаги тўқума (катта наилар билан бирга) бўлади;

■ кўкрак тўқимаси узун «кўкрак уни» шаклини келтириб чиқаради, лекин ҳақиқий кўкрак уни унинг факат учдан бир қисмини ташкил этади;

■ боланинг тили қуий милк ва сут синуси ўртасида жойлашган ва олдинга бироз чиқсан бўлади (аслида боланинг тили «кўкрак уни»ни ўраб олган ҳолда бўлади, лекин расмда бу кўринмаятти);

■ бола кўкрак учини эмас, кўкракни эмади.

Бола эмаётганда кўкрак учини қаттиқ танглайга босган ҳолда, тил мушакларининг тўлқинсизмон ҳаракатлари тил ёқалаб олдиндан орқага ўтади ва сут синусларидан сутни боланинг оғиз бўшлиғига сиқиб чиқаради, кейин эса бола сутни юта бошлайди. Бола эмаётганда кўкрак тўқимасини ёйиш ва уни ўз оғзида ушлаб туришга ҳаракат қиласди. Окситоцин рефлекси кўкрак сутини наилардан ажralиб чиқишига мажбур қиласди ва бола тил ҳаракати билан сутни наилардан сиқиб чиқаради. Болага кўкрак тўғри тутилган бўлса, унинг оғзи ва тили кўкрак уни териси ва ареоласига ишқаланмайди

ва уларни шикастлантирумайди. Боланинг эмиши она учун кулай ва кўпинча ёқимли бўлади. Она оғриқни хис қилмайди.

Болани нотўғри кўкракка тутиш


7-расмда болага кўкрак унчалик тўғри қўйилмаганда нима бўлиши кўрсатилган.

Кўйидагиларни қайд этиш зарур:

■ боланинг оғзида ост тўқималар ёки найлар эмас, фақат кўкрак учи бўлади;

■ боланинг тили оғиз ичида чуқур жойлашиб, сут синусини босмайди.

Болани кўкракка нотўғри тутиб эмизиш она учун ноқулай, оғриқли бўлиши мумкин ҳамда кўкрак учида қизариш, ёриқлар орқали кўкрак учи териси ва ареолага шикаст етказиши мумкин. Кўкракка нотўғри тутиш – кўкрак учи яллиғланишининг энг кенг тарқалган ва энг асосий сабаби бўлиб (7.6-мавзуга қаранг), сутнинг нотўлиқ эмилишиига ва етарли микдорда сут ишлаб чиқарилмаслига олиб келиши мумкин.



7-расм. Болани кўкракка нотўғри тутиш усуллари

Болани кўкракка тутишнинг тўғри ва нотўғри усуллари белгилари.

7-расмда тўғри ва нотўғри кўкрак тутишнинг тўрт энг асосий ташки белгилари кўрсатилган. Бу белгиларга қараб она ва бола маслаҳатга муҳтож эканлигини аниқлаш мумкин.

Болани кўкракка тўғри тутишнинг тўрт аломати:

- ареоланинг кўп қисми боланинг пастки лаби эмас, юқори лаби устидан кўриниб туради;
- боланинг оғзи катта очиқ;
- боланинг пастки лаби ташқарига қайрилиб кўриниб туради;
- боланинг ияги кўкракка тегиб ёки нисбатан тегиб туради.

Бу аломатлар боланинг кўкракка яқинлигини ва кўкракнинг кўп қисмини қамраб олиш учун оғзини очишини кўрсатади. Биринчи белги боланинг кўкрак ва кўкрак учини пастдан олиш орқали кўкракнинг бола танглайига тирадишига ва сут найлари устига босиш учун тилнинг кўкрак бези тўқимаси остига жойлашишига имкон беришини кўрсатади. Барча тўрт аломатнинг борлиги болага кўкрак тўғри тутилганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, эмизиш она учун кулай бўлиши керак.

Болани кўкракка нотўғри тутиши аломатлари:

- ареоланинг кўп қисми боланинг юқори лаби эмас, пастки лаби устидан кўриниб туради – ёки бўлмаса юқоридан ва пастдан бир хил бўлади;
- боланинг оғзи катта очилмаган;
- боланинг пастки лаби пастга қараган ёки ичга қайрилган бўлади;
- боланинг ияги кўкракдан узоқда бўлади.

Агар бу аломатлардан бирортаси кузатилса ёки эмизиш оғрикли, ноқурай бўлса, болага кўкракни тўғри тутиш амалиётини қўллаш лозим бўлади. Болани эмаётганини баҳолаш жараёнида бола кўкракка жуда яқин бўлса, унинг пастки лаби қандай жойлашганлигини кўриш қийин бўлади.

Баъзи аёлларнинг ареоласи катта бўлиб, боланинг оғзи уни тўлик қамраб олмаслиги мумкин. Яъни, ареоланинг кўп қисми бола оғзидан ташқарида бўлиши мумкин, бу аломат кўкракка нотўғри тутилганлигининг ишончли белгиси эмас. Кўкрак учи айланасининг ўлчами бола оғзининг тепасида ва пастида бир хил бўлса, ёки ареоланинг катта қисми боланинг пастки лабидан кўриниб турса, у ҳолда ушбу белги боланинг кўкракка нотўғри тутилганлиги бўлиб ареоланинг ташқи умумий ўлчамидан кўра ишончлироқ аломати ҳисобланади.

2.5 Тўғри эмиш рефлекси

Агар бола кўкракка тўғри тутилган бўлсагина, у тўғри (самарали) эмиши мумкин. Эмишнинг тўғри рефлекс белгилари сут бола оғзига ажралиб чиқаётганини билдиради. Бола бир сония давомида секин ва чуқур эмади, кейин эса унинг ютинганини кўриш ва эшитиш мумкин. Баъзан бир неча сонияга эмишдан тўхтайди, бу найларнинг яна сутга тўлиши имконини беради. Бола яна эма бошлаганда, сут оқишини таъминлаш учун бир неча марта тез эмиши мумкин, кейин эса секин ва чуқур эма бошлайди. Эмишиш вақтида боланинг лунжалари юмалоқ бўлади.

Эмишиш сўнгидаги чуқур эмишлар сони камайиши ва улар ўртасидаги пауза узайиши билан эмиш секинлашади. Бу пайтга келиб сут миқдори камаяди, лекин энг охирида келадиган сут ёғларга бой бўлишини ҳисобга олиб, эмишишда давом эттириш керак. Бола тўйгандан кейин одатда кўкракни ўз-ўзидан кўйиб юборади. Кўкрак учи бир ёки икки сония давомида чўзилган бўлиб кўриниши мумкин, лекин у тез ўз шаклига қайтади.

Нотўғри эмиш рефлексининг белгилари

Кўкракка нотўғри тутилган бола яхши эма олмаслиги мумкин. У ютинмасдан тез эмавериши, унинг лунжалари эмиш вақтида тортилиб (ичкарига кириб) туриши мумкин, бу сутнинг бола оғзига тўғри равишда келмаётганигини билдиради. Бола эмишдан тўхтаганда, кўкрак учи тортилиб, тепасида ёки пастида буришмалар билан бироз яссилашган бўлиб кўринади, бу кўкрак нотўғри тутилгани сабабли кўкрак учининг шикастланганини кўрсатади.

Нотўғри эмиш рефлексининг оқибатлари

Бола нотўғри эмажтган бўлса, у етарлича сутни эмиб ололмайди ва бунинг натижасида:

- етарли миқдордаги сут олиб ташланмаётганилиги учун кўкрак шишиб қолиши, сут найларининг тиқилиб қолиши ёки мастит келиб чиқиши мумкин;
- бола кўкрак сутини кам истеъмол қилиши ва унинг вазни камайишига олиб келиши мумкин;
- бола кўкракдан ўзини тортиб, эммай кўйиши мумкин;
- бола тўймаганлиги сабабли узоқ муддат ёки жуда тез-тез эмиши мумкин;
- ҳаддан ташқари узоқ эмишиш кўкрак учининг узоқ кўзғати-

лишига ва натижада сутнинг ортиқча ишлаб чиқарилишига олиб келиши мумкин.

Бу муаммолар 7-бобда муҳокама қилинади.

2.6 Болани нотўғри кўкракка тутишнинг сабаблари

Маълумки, кўкракдан эмиш механизми бутилкадан эмишдан фарқ қилганини сабабли, кўкрак сути билан эмизишдан олдин болани бутилкадан овқатлантириш кўкракка нотўғри тутиш сабабларини келтириб чиқариши мумкин. Текис ёки ясси кўкрак учি, ёки бўлмаса чақалоқнинг жуда кичкина ва заиф бўлиши каби омиллар ҳам болани кўкракка нотўғри тутилиши сабаби бўлиши мумкин. Шунга қарамай, энг муҳим сабаблар – бу онанинг тажрибасизлиги ва уни кузатаётган тиббиёт ходимлари томонидан малакали тиббий маслаҳат берилмаслигидир. Кўпчилик оналарга түргуқдан кейинги илк кунларда болани кўкракка тўғри тутиш ва унинг яхши эмишига ишонч ҳосил қилиш учун малакали ёрдам керак бўлади. Шу ўринда тиббиёт ходимлари бундай ёрдамни кўрсатиш учун зарур кўнімаларга эга бўлишлари талаб қилинади.

2.7 Болани кўкракка тўғри тутиш учун она ва боланинг ҳолати

Кўкракка тўғри тутиш учун бола ва унинг онаси тўғри ҳолатда бўлишлари керак. Улар учун турли ҳолатлар мавжудdir, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам асосий қоидаларга риоя қилиниши керак.

Онанинг ҳолати

Она ўз хоҳишига қараб ўтириши, ётиши (8-расмга қаранг) ёки тик турган ҳолатда бўлиши мумкин. Лекин у ўзини умуман бўш тутиши ва безовта бўлмаслиги, айниқса, бел соҳаси таранг ҳолда бўлмаслиги керак.

Ўтирган ҳолатда орқага таянч керак бўлиб, болани олдинга эгилмасдан тутиб тура оладиган ҳолатда бўлиши керак.

Боланинг ҳолати

Эмизиш пайтида бола онасига нисбатан турли ҳолатда – кўксида, қорнида, қўли остида (6-бобдаги 16-расмга қаранг) ёки танаси ёнида бўлиши мумкин.

Онанинг ва боланинг онага нисбатан ҳолати қандай бўлишидан қатъий назар, амал қилиниши лозим бўлган тўрт асосий қоида бор:

- боланинг боши ва гавдаси бир чизикда бўлиши керак.

а) Ўтирган ҳолда



б) Ётган ҳолда



8-расм. Болани тўғри кўкракка тутиш ҳолати

■ бола она кўкрагига қаратилган бўлиши керак. Унинг бурни кўкрак учи қаршисида бўлиши керак. У онадан унинг юзини кўриш учун етарли даражада узокликда бўлади. Бу боланинг кўкракни яхши эмиши учун энг қулай ҳолатдир, чунки аксарият аёлларда кўкрак учи бироз пастга қараган бўлади.

■ боланинг танаси онага яқин бўлиши керак, бу унинг кўкракка яқин бўлиши ва яхши эмишига имкон беради.

■ она боланинг бутун баданидан тутиб туриши керак. Бола тўшакка ётқизилган ҳолатда, ёстиқ билан ушлаб турган ёки онанинг тиззасида, ё кўлида бўлиши мумкин. Она болани фақат боши, елкаси ёки тананинг қуи қисмидан тутиб турмаслиги керак, бу болани кўкракдан узоклаштиради, бунинг натижасида эса унинг кўкракка етишиб, ареола остини тўлиқ тил билан қамралишини қийинлашади.

Бу қоидаларга амал қилиш чақалоқ ҳаётининг илк икки ойида айниқса, муҳимдир. (Шунингдек, 5-бобдаги Эмизиш тарихи, эслатма, 0-6 ойлик чақалоқлар бўлимига қаранг).

2.8 Кўкрак сути билан эмизишнинг оралиғи ва давомийлиги

Олти ой давомида чақалоқни истисносиз кўкрак сути билан эмизиб боқишида етарли миқдорда сут ишлаб чиқарилиши ва ажратилиши учун бола кундузи ҳам, кечаси ҳам талабига биноан истаган вакт оралиғида ва давомийликда эмиши керак. Бу истакка қараб эмизиш, чекланмаган эмизиш ёки бола белгилайдиган эмизиш дейилади.

Бола турли вақт оралиғида эмади ва ҳар әмгандың турли ҳажмда сут истеъмол килади. Бола бир сутка давомида эмадиган сут ҳажми она-бала жуфтлігінде болғылғы бўлиб, 440-1220 мл оралиғини, ҳаётининг дастлабки б ойи давомида эса қунига ўртача 800 млн ташкил этади. Иштаҳасига мос равишда талаб қилишига қараб эмизиладиган чақалоқлар яхши ўсиш учун лозим бўлган барча озуқа моддаларини қабул қилади. Бундай чақалоқлар кўкракни бўшатиб кўймай, онадаги сутнинг 63-72 фоизини сўриб олади. Сутнинг ортиқчасини бола эмишдан тўхтаганды кўкракнинг бўшлиги эмас, балки боланинг тўқлигига қараб соғиб ташлаш мумкин.

Болага кўкрак тўғри тутилиши шарти билан эмизиш давомийлиги ва оралиғини чекламаслик керак. Кўкрак учининг шикастланиси болани узоқ эмишидан эмас, кўкракни нотўғри тутилишидан келиб чиқади. Қорни очган боланинг йиглашидан аввалги илк белгилари: безовталиқ, оғзи билан кўкрак қидириши ёки бармоқларини сўриши. Она боланинг қорни очиши ва эмишга тайёрлиги тўғрисидаги белгиларга вақтида жавоб беришни ўрганиши муҳим. Бола кўкракни ўз-ўзидан кўйиб юбормагунча эмишдан давом этиш имконига эга бўлиши керак. Қисқа дам олгандан сўнг болага кўкракнинг иккинчи тарафини тутиш мумкин, бола ўз хоҳишига қараб яна эмиши ёки эмишдан тўхтаси мумкин.

Агар бола жуда узоқ мuddат эмса (ҳар эмизганда ярим соатдан кўп) ёки жуда тез-тез эмишни истаса (ҳар ярим ёки бир соатда) кўкрак тўғри тутилаётганини текшириб кўриш ва лозим бўлса, тўғрилаш керак бўлади. Ҳаддан ташқари узоқ ва тез-тез эмиш боланинг нотўғри эмаётгани белгиси бўлиши мумкин. Бунинг сабаби одатда кўкракка нотўғри тутишдан бўлади, шунингдек кўкрак учларининг яллиғланишига олиб келиши мумкин. Агар кўкракка тўғри тутилса, болага яхши сут кела бошлайди ва эмизиш давомийлиги ва такрорланиши камайиши мумкин. Айни пайтда кўкрак учлари яллиғланиши хавфи ҳам камаяди.

ҚЎШИМЧА ОВҚАТЛАНТИРИШ

Бола ўсиб, янада фаол бўлиб боргани сари унинг озуқа ва физиологик эҳтиёжларини қоплаш учун биргина кўкрак сутинининг ўзи етарли бўлмай қолади. Истисносиз кўкрак сути ҳисобидан таъ-

минланадиган энергия, темир ва алишмайдиган озуқа моддалари миқдори ҳамда ўсаётган эмизикли боланинг эҳтиёжлари қоплаш учун болага мослаштирилган оила дастурхонидан қўшимча озуқа (ўтиш даври овқати) керак бўлади. Улғайган сари бу фарқ ортиб боради ҳамда энергия ва озуқа моддалари, айниқса, темирга бўлган эҳтиёж кўкрак сути билан бирга бошқа овқатни ҳам талаб қиласди. Қўшимча овқат асаб-мушак фаолиятининг ривожланишида ҳам муҳим ўринни тутади. Эмизикли болалар истисносиз кўкрак сутидан сўнг тўғридан-тўғри катталар овқатини истеъмол қилиши учун физиологик жиҳати томонидан тайёр бўлмайди. Шунинг учун бу эҳтиёж ва имконият ўртасидаги фарқни бартараф этиш мақсадида маҳсус мослаштирилган оила дастурхонидан қўшимча озуқа (ўтиш даври овқати) талаб қилинади, уларга талаб бола тахминан бир ёшга тўлиб, оддий оила дастурхони овқатини ейишга тайёр бўлмагунча сақланиб қолади. Ўтиш даври овқатини тановул қила бошлаганда, бола турли хил тузилиш ва консистенцияларга эга озуқа маҳсулотларига дуч келади, бу эса чайнаш каби муҳим ҳаракат кўникмаларини ривожланишига ёрдам беради.

Тўғри танланган қўшимча озуқанинг ўз вақтида берила бошлиниши жадал ўсиш даврида эмизикли ва эрта ёшдаги болалар саломатлигининг мустаҳкамланиши, овқат қабул қилишининг яхшилашиниши ва жисмоний ривожланишига ёрдам беради ҳамда бу масала эса тиббиёт ходимларининг диққат марказида бўлиши керак.

Қўшимча овқат беришнинг тўлиқ даврида она сути эмизикли бола истеъмол қилаётган асосий сут тури бўлиши керак. Қўшимча овқатни тахминан 6 ойдан бера бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

3.1 Қўшимча овқат бериш нима?

Қўшимча овқат бериш – эмизикли болаларга кўкрак сутига қўшимча равишда озуқа ва суюқликлар беришdir. Қўшимча овқатни куйидаги тоифаларга бўлиш мумкин:

- ўтиш даври овқати – эмизикли боланинг алоҳида озуқа ва физиологик эҳтиёжларини қондиришга маҳсус мослаштирилган маҳсулотлар;

- оила дастурхонидан овқат ёки уй овқати – эрта ёшдаги болаларга бериладиган, оиланинг бошқа аъзолари ҳам истеъмол қиласдиган маҳсулотлардир.

Маълумки истисносиз кўкрак сути билан эмизиб боқиш бола ҳаётининг илк 6 ойи давомида тавсия қилинади, бола ҳаётининг сўнги даври ўтиш даври ҳисобланниб, эмизикли болалар босқичма-босқич кўшимча овқат билан озиқлантирилиб оила дастурхонидан ейишга ўтказилиб борилади, то бундай овқат кўкрак сути ўрнини тўла эгалламагунча, болани кўнишиб бориши таъминланади. Болалар оила дастурхонидаги маҳсулотларни истеъмол қилишга бир ёшга келиб жисмонан тайёр бўладилар, шундан сўнг эмизикли боланинг алоҳида эҳтиёжларини қондириш учун бу овқатни алоҳида тоифалаштиришга зарурат бўлмайди.

Ўтиш даври овқатини бера бошлиш даври бола ривожланишида нозик давр ҳисобланади. Боланинг рациони жуда жиддий ўзгаради – бу асосий энергия манбаи ёғ бўлган ягона маҳсулотдан (она сути) озуқа эҳтиёжларини қондириш учун лозим бўлган турли-туман маҳсулотларга ўтишдир. Бу ўтиш нафақат озуқа маҳсулотларига эҳтиёжларнинг ортиши ва ўзгариши, балки боланинг тез ўсиши, физиологик етилиши ва ривожланиши билан ҳам боғлиқдир.

Бундай ўта муҳим даврда болани овқатлантиришнинг нотўғри тамойиллари ва усуллари жисмоний ривожланишда бузилишлар (ориқлаб кетиш ва ўсишдан тўхташ) ва озуқа моддалари, айниқса, темирнинг етишмаслиги хавфини ошириши ҳамда саломатлик ва ақлий ривожланиш учун узоқ муддатли салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун харажатлар нуқтаи назаридан тиббиёт ходимлари амалга ошириши ва қўллаб-қувватлашлари мумкин бўлган энг самарали чоралар қаторига алименттар овқат бериш ва эмизикли болаларни овқатлантириш тамойил ва усулларини яхшилаш ишларини киритиш мумкин.

3.2 Кўшимча овқатнинг бола физиологик ривожланиши ва етилишига таъсири

“Қуюқ” овқатни истеъмол қилиш мослашуви асаб-мушак, ҳазм қилиш, буйрак ва ҳимоя тизимларининг етилишини талаб қиласи.

Асаб-мушак бошқаруви

Асаб-мушак бошқарувининг етилиши «қуюқ» овқат бериш муддатига ва эмизикли боланинг уни истеъмол қила олишига таъ-

сир кўрсатади. Ривожланишнинг турли босқичларида кузатиладиган кўпгина озиқлантириш билан боғлиқ рефлекслари турли хил овқат беришни ё осонлаштиради, ё қийинлаштиради. Масалан, бола туғилган вақтдан кўкрак сути билан эмизиш, ҳам кўкракни топиш рефлекси, ҳам сўриш ва ютиниш рефлекслари туфайли осонлашади, лекин қуюқ овқат берилишига эса қайт қилиш рефлекси халал беради.

Тўрт ойгача бўлган эмизикли болаларда оғизда луқум ясаш, уни томоққа юбориш ва ютиш учун асаб-мушак бошқаруви шаклланмаган бўлади. Бола ҳаракатларини бошқариш ва умуртқа таянчи ҳали ривожланмаган бўлади, шунинг учун чақалоқларга ярим-қуюқ овқатни шимиш ва ютиш учун ўз гавдасини маҳкам ушлаб туриш қийин бўлади. Тахминан 5 ойга келиб болалар нарсаларни оғзига сола бошлайди ва бу пайтда «чайнаш рефлекси» ривожланиши тиш бўлиш-бўлмаслигидан қатъий назар, баъзи қаттиқ маҳсулотларни истеъмол қилиш имконини беради. Тахминан 8 ойга етганда болаларнинг кўпчилиги мустақил ўтира олади, илк тишилар пайдо бўлади ва тил нисбатан қуюқ бўлган овқат луқма ютиш учун етарли даражада эгилувчан бўлади. Бундан кейин кўп ўтмай, болаларда мустақил овқатланиш, идишни икки кўлда тутган ҳолда сув ичишнинг илк кўникмалари пайдо бўлади ва улар оила дастурхонидаги овқатни тановул қилиши мумкин бўлади. Болаларни тегишли босқичларда чайнаш ва оғизга олиб келиш каби овқатланиш кўникмаларини згаллашга рағбатлантириш жуда муҳим. Агар бу кўникмалар ўз вақтида эгалланмаса, кейинчалик хулқ-атвор ва овқатланиш билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлиши мумкин.

Бундай рефлекслар ва ўшга қараб оғизичи ҳаракатлари кўникмаларининг айримлари 3-жадвалда берилган.

**Эмизикли ва эрта ёшдаги болаларнинг асаб тизими ва
унинг турли ёш даврларида маҳсулотлар истеъмол қила
олишларидаги ўрни**

Ёш, ой	Хосил бўлган рефлекслар/ кўнимкамлар	Истеъмол килиш мумкин бўлган маҳсулотлар	Маҳсулот намуналари
0-6	Шимиш / эмиш ва ютиш	Суюклик	Кўкрак сути
4-7	Илк чайнаш харакатларининг пайдо бўлиши. Сўриш кучи кўпаяди. Қайт килиш рефлекси тилнинг ўргасидан орқа қисмга кўчади	Пюре шаклидаги овқат	Сабзавотли (масалан, сабзили, картошкали) ёки мевали (олмали, бананли) ширелар; клейковинасиз дон маҳсулотлари (масалан, гуруч); яхши қайнатилган ва эзилган жигар ва гўшт
7-12	Қошикни тили билан тозалаш. Тишлаш ва чайнаш. Тилнинг ён томонлама харакатланиши ва овқатни тишларга олиб бориши	Кўлда ейиш мумкин бўлган, киргичдан ўтказилган ёки майдаланган овқат ва маҳсулотлар	Яхши қайнатилган ва гўштмайдалагичдан ўтказилган жигар ва гўшт; уқаланган қайнатилган сабзавот ва мевалар; кесилган хом мева ва сабзавотлар (масалан, олма, нок, помидор); донли маҳсулотлар (масалан, буғдой, сули) ва нон
12-24	Айлантириб чайнаш харакатлари. Жагнинг маҳкам туриши	Оила дастурхонидаги овқат.	

3.3 Кўшимча овқат бериш муддатлари

Ўтиш даври овқатини бера бошлишнинг оптимал ёшини турли муддатларнинг афзаллик ва камчиликларини таққослаш орқали аниқлаш мумкин.

Бола ўсишини қўллаб қувватлаш ва етишмовчилик ҳолатларини олдини олишни ушлаб туриш учун, қай даражада кўкрак сути энергия ва озуқа моддаларини етарли миқдори билан таъминлай олишини, шу билан бирга заҳарланган озуқа моддалари ва «бего-

на» оқсиллар истеъмолидан келиб чиқадиган инфекцион ва аллергик касалликлар билан касалланиш хавфи қандайлигини баҳолаш керак. Эътиборга олиш керак бўлган қўшимча муҳим жиҳатларга – боланинг физиологик ривожланиши ва етуклиги, овқат истеъмол қилишга тайёрлигини кўрсатувчи турли ривожланиш кўрсаткичлари, шу билан бирга – она истеъмол қилган овқатининг таркиби, болани эмизиши камайишининг она фертиллигига таъсири ва болани парваришилаш имконияти мавжудлиги каби она билан боғлиқ омиллар, яна эса эрта ёшдаги болаларни парваришилашнинг тамоийл ва усуллари киради (9-боб).

Қўшимча овқатни муддатидан анча аввал бера бошлишнинг ўзига хос камчиликлари мавжуд, яъни:

- кўкрак сути қўшимча овқат томонидан суриб чиқарилиши мумкин, бу кўкрак сути ишлаб чиқарилишининг камайишига, демакки боланинг етарли микдорда энергия ва озуқа моддаларини олмаслигига олиб келади;

- эмизикли болалар озиқ-овқат маҳсулотлари ва суюқликларда учраши мумкин бўлган касаллик келтириб чиқарувчи микробларни истеъмол қилиши мумкин, бу диспептик касалликлар хавфини оширади, унинг натижасида эса озиқланишининг етишмовчилиги юзага келади;

- ичакнинг етилмаганлиги сабабли диспептик касалликлар ва аллергия хавфи кучаяди ва бунинг натижасида озиқланишининг етишмовчилиги юзага келади;

- эмишнинг камайиши овуляцион муддатни тезроқ қисқартиргани туфайли оналарда фертиллик нисбатан тезроқ қайта тикланади.

- Кўшимча овқатни муддатидан анча кеч бера бошлаган тақдирда ҳам муаммолар келиб чиқади, яъни:

- биргина кўкрак сутидан бериладиган энергия ва озуқа моддаларининг етишмаслиги ўсишининг тўхташига ва озиқланишининг етишмовчилигига олиб келиши мумкин;

- кўкрак сутининг бола эҳтиёжларини қондира олмаслиги нағижасида микронутриентлар, айниқса, темир ва рухнинг етишмаслиги келиб чиқиши мумкин;

- чайнаш, овқатнинг янги таъми ва тузилишини ижобий қабул қилиш каби ҳаракат кўнікмалари тўлиқ ривожланмаслиги ёки ривожланишдан орқада қолиши мумкин.

Шунинг учун қўшимча овқатни ўз вақтида, бола ривожланишининг тегишли босқичларида бера бошлаш мақсадга мқвофиқ бўлади. Қўшимча киритиш учун эса – боланинг тўлиқ б ойлик даври оптимал муддат бўлиб ҳисобланади.

3.4 Қўшимча овқат маҳсулотлари таркиби

Қўшимча овқат учун маҳсулотларни танлашда, кўкрак сути ва энергияга бўлган эҳтиёжни қондирадиган турли ҳажмдаги энергетик зичликка эга қўшимча озуқани овқатланиш оралиғига таъсирини ҳисобга олинади, бунда ошқозон ҳажми кичиклигидан келиб чиқдан ҳолда озуқа миқдори чегаралангандигини ҳам инобатга олиш тавсия қилинади.

Асосий овқат – эмизикли бола истеъмоли учун жуда қуюқ бўлмаслигини, энергия ва озуқа моддалари зичлиги камаймаслиги учун жуда суюқ ҳам бўлмаслигини, шу билан бирга озуқа таркибида (таъм, хушбўй ифор) ва амалда ҳазм қилинадиган ҳар бир озуқа моддасини (биологик мослик ва озуқавий зичлиги) озуқа миқдорига таъсир қилувчи бошқа омилларини ҳам инобатга олиш керак.

Энергетик зичлик ва ёпишқоқлик

Чақалоқ ўзининг энергия ва озуқа моддаларига бўлган эҳтиёжларини қай дараҷада қоплай олишига таъсир қилувчи асосий омиллар, бу қўшимча озуқанинг консистенцияси ва зичлиги (ҳажм бирлигига энергия миқдори), ҳамда овқатлантиришнинг оралиғидир. Крахмал – кўп ҳолларда асосий энергия манбаи бўлади, лекин уни сувда иситиш жараённада крахмал донлари сирачланади (клейстерланади) ва ҳажмли, қуюқ (ёпишқоқ) бўтқа ҳосил қиласди. Бу хусусиятлари туфайли эмизикли болалар бундай бўтқаларни ютиши ва ҳазм қилиши кийин. Бундан ташқари, кам калориялилиги ва озуқа зичлиги эмизикли бола эҳтиёжларини қондириш учун кўп миқдорда овқат қабул қилиши кераклигини англатади. Бола ошқозонининг ҳажми ва бир кунда овқатланиши сони чекланганлиги сабабли, одатда бунинг имкони йўқ. Қуюқ бўтқани ютишини осонлаштириш учун суюқлик билан аралаштириш эса унинг энергетик зичлигини янада камайтиради. Одатда қўшимча овқат кам энергетик зичликка ва оқсилилар миқдорига эга бўлади, унинг суюқ консистенцияси истеъмолини осонлаштирасада, боланинг энергия ва озуқа моддаларига эҳтиёжини қондириш

учун керакли бўлган ҳажм аксарият ҳолларда бола қабул қилиши мумкин бўлган ҳажмдан катта бўлади. Кичик миқдорда ўсимлик ёғи қўшилса, овқат ҳатто совуқ ҳолида ҳам истеъмол учун юмшоқ ва осон бўлади. Бироқ кўп миқдорда шакар ёки ёғ қўшилиши, гарчи у овқатнинг энергетик кувватини кўпайтиrsa-да, ёпишқоқликни (куюқлик) оширади ва шу сабабдан овқатни катта миқдорда истеъмол қилиш учун жуда оғирлаштиради.

Шундай қилиб, қўшимча озиқлантириш таоми энергия, оқсил ва микронутриентларга бой бўлиши, шу билан бирга енгил ҳазм қилиш имконини берувчи консистенцияга эга бўлиши керак.

Озуқа зичлиги ва биологик мавжудлик

Эмизикили боланинг жисмоний ва руҳий ривожланишини таъминлаш учун мавжуд озуқа моддаларнинг миқдори ҳам, уларнинг кўкрак сутида ва ўтиш даври овқатидаги миқдори ҳам, уларнинг биологик мослигига боғлиқ. Биологик мослик озуқа моддаларнинг сўрилиш даражаси ва уларнинг модда алмашинуви мақсадида фойдаланишда иштироки бўлса, озуқа моддаларининг зичлиги эса у ёки бу озуқа моддасининг энергия бирлиги, масалан оғирлик бирлиги 100 гр миқдордаги озукада 100 кДж энергия бўлиши.

Ҳайвон ва ўсимлик маҳсулотлари ўртасида озуқа моддаларининг зичлиги ва микроэлементларнинг биологик мослиги бўйича катта фарқлар бор. Ҳайвон маҳсулотларида одатда бир энергия бирлигida A, D ва E витаминалари, рибофлавин, B₁₂ витамини, калций ва рух каби баъзи озуқа моддалари кўпроқ бўлади. Темир (жигар, гўшт, балиқ ва парранда каби) баъзи ҳайвон маҳсулотларида кўп бўлса, (сут ва сут маҳсулотлари) ларида эса кам бўлади. Аксинча, тиамин, B₆ витамини, фолат кислотаси ва C витамини зичлиги ўсимлик маҳсулотларида юқори бўлса, дуккаклилар ва жўхори каби маҳсулотларида темир моддаси миқдори анча кўп бўлади. Умуман айтганда, ўсимлик маҳсулотларидағи минералларнинг ҳайвон маҳсулотларидағи минералларга нисбатан организмда сўрилиш даражаси ва модда алмашинувида иштироки (биологик мослиги) камроқ.

Ўсимлик маҳсулотларида паст биологик мосликка эга озуқа микронутриентларига баргли маҳсулотлар ва баъзи сабзавотлардаги темир, рух, калций ва β-каротин киради. Бундан ташқари, рационда ёғ таркиби оз бўлса, β-каротин, A витамини ва бошқа ёғли муҳитда эрийдиган витаминалар қийин сўрилади.

Озуқа моддаларнинг юқори биологик мослигига эга бўлган рацион турли-туман бўлиб, бу рационга кўп миқдорда дуккаклилар ва С витаминига бой маҳсулотлар, бироз миқдорда гўшт, балиқ ва парранда киради. Озуқа моддаларининг паст биологик мавжудлигига эга бўлган рациони эса асосан донли, дуккакли ва илдизмевали маҳсулотлардан иборат бўлиб, унда гўшт, балиқ ёки С витаминига бой маҳсулотлар ниҳоятда кам бўлади.

Турли-туманлик, таъм ва хушбуй ҳид

Ўсаётган болаларнинг энергия ва озуқа моддаларига эҳтиёжини қондириш учун, юқори озуқавийлик қувватига эга кўп турдаги маҳсулотлар турини бериш керак. Бундан ташқари, болаларга овқатлар турли-туман қилиб берилса, иштаҳаси яхшиланиши мумкин. Овқат тузилиши ҳар сафар ўзгарса-да, бола организми қабул қилаётган энергия миқдорини кейинги овқатланишларда муовони-фикаштирилади, яъни бир кунда истеъмол қилинадиган энергиянинг жами қиймати деярли ўзгармайди. Шунга қарамай, энергия истеъмоли ҳажми баъзи кунларда бироз ўзгариши мумкин. Болаларга турли-туман маҳсулотлар таклиф этилганда, ўзлари кўпроқ ҳуш кўрадиган маҳсулотлардан тайёрланган овқатни танлайдилар ва натижада яхлит алиментар рацион шаклланади.

Боланинг ўтиш даври овқатини тановул қилишига таъм, ҳид, ташки кўриниши ва тузилиши каби органолептик хусусиятлар таъсир қилиши мумкин. Тилнинг таъм билиш сўргичлари бирламчи бўлган тўрт хил таъм сифатларини ажратади: ширин, аччик, шўр ва нордон. Таъм билиш болани заарли нарсаларни ейишдан ҳимоялайди ва унинг овқатланиш миқдорини тартибга солишга ёрдам бериши мумкин. Гарчи болаларнинг ширин ёки шўр таомни яхши кўришни ўрганишлари шарт бўлмаса-да, тасдигини топган маълумотларга кўра, болаларнинг аксарияти томонидан озуқа маҳсулотларини танлашига маҳсулотни ўрганиш ва амалиётидаги тажрибаси катта таъсир кўрсатади. Одамларда туғилганданоқ бирон таъмни афзал бўлиши фақат ширин таъмга оидdir, ҳатто чақалоқлар ҳам ширинликни яхши кўради. Болаларда ёқиб қолган у ёки бу таъми таъсири такрорланишини шакллантириш муаммога олиб келиши мумкин. Ширин таъмли таомдан, бошқа барча таомларни рад этиш, бола истеъмол қилаётган овқат ва озуқа моддалари турли-туманлигининг чекланишига олиб келиши мумкин.

Болалар бир хил рациондан кўра турли-туман бўлган рационда кўпроқ овқат истеъмол қиласди. Кўшимча овқат бериш вақтида болаларга янги маҳсулотларни татиб кўриш имконини бир неча маротаба берилиши керак, бу овқатни ижобий қабул қилишнинг соғлом тизими шаклланиши учун муҳим. Турли таомни камида 8-10 марта татиб кўриш керак, боланинг у ёки бу таомни ижобий қабул қилиш истеъмол қилиш даражаси уни 12-15 марта қабул қилгандан кейин ортиши ҳақида фаразлар мавжуд. Шундай қилиб, ота-оналарга боланинг таом ейишни рад этиши нормал ҳолат эканлигини тушунтириб, уларни тинчлантириш керак. Маҳсулотларни болага бир неча маротаба таклиф қилиш керак, чунки бола аввалига рад қилаётган маҳсулотларни кейинчалик истеъмол қила бошлади. Агар биринчи марта рад этилиши доимий деб қабул қилинса, бундай маҳсулот болага бошқа берилмаслиги мумкин, бу билан боланинг янги таомлар истеъмол қилиши ва янги таъмларни билиши имконияти йўқقا чиқиши мумкин.

Кўшимча овқатни бера бошлаш жараёни боланинг янги таомдан лаззатланишга ўргана олиш-олмаслигига боғлик. Кўкрак сути билан эмизиб боқилаётган болалар, сунъий сут аралашмалиари билан парваришлишнаётган болаларга қарагандা қаттиқ овқатни тезроқ ижобий қабул қилишлари мумкин, чунки улар она сути билан бериладиган турли таъм ва ҳид тусларига ўргангандан бўлади.

3.5 Кўшимча овқат беришнинг асосий тамойиллари

6 ойликдан кейин боланинг озуқавий эҳтиёжларини истисносиз кўкрак сути билан қоплаш қийин бўлиб боради. Бундан ташқари, болаларнинг аксарияти тахминан олти ойдан бошлаб бошқа маҳсулотларни қабул қилишга тайёр бўлади.

Ёмон санитар-гигиеник шароитларда олти ойдан кейинги даврда кўшимча овқатни бера бошлаш болаларнинг овқатдан келиб чиқадиган касалликларга чалинишини камайтириши мумкин. Лекин бу ёшда болалар атроф-мухитни фаол ўргана бошлагани учун, уларга кўшимча овқат берилмаса ҳам, ер ва бошқа предметлардан микроб юқиши хавфи ортади. Шундай қилиб, 6 ой кўшимча овқат бера бошлашни тавсия қилинадиган энг мақбул ёшдир.

Кўшимча овқатни бера бошлаш вақтида кам озиқланиш хавфи ортиши кузатилади. Бу кўпинча кўшимча овқатнинг озуқавий

сифати тўғри келмаслиги, унинг жуда эрта ёки жуда кеч, кам миқдорда ёки узоқ муддат оралиғида берилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Кўкрак билан эмизишни эрта тўхтатиш ёки камдан-кам эмизиш ҳам б ойдан ўтган болаларнинг тўйиб овқатланмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

Эмизикли болаларга қўшимча овқат бера бошлаш бўйича 4-жадвалда келтирилган бошқарувчи тамойиллар қўкрак сути билан эмизиб боқиши бўйича маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда тавсиялар ишлаб чиқиши стандартларини белгилаб беради. Уларда овқатлантиришнинг энг қулай йўллари, миқдори, кетма-кетлиги, оралиғи ҳамда маҳсулотлардаги энергетик зичлик ва озуқа моддалари миқдори борасида тавсиялар берилади. Бошқарувчи тамойиллар кўйида батафсил муҳокама қилинади.

• 1-ТАМОЙИЛ. Туғилгандан б-ойликкача истисносиз қўкрак сути билан эмизиб боқинг, б ойдан (180 кун) бошлаб эмизишни давом эттирган ҳолда қўшимча овқат бериб боринг.

6 ой мобайнида истисносиз қўкрак сути билан эмизиб боқиши бола ва онага қатор афзалликлар беради. Уларнинг энг асосийси нафақат ривожланаётган, балки ривожланган мамлакатларда ҳам учрайдиган ошқозон-ичак инфекцияларига қарши ҳимоя омилидир. БССТнинг болалар ўсишини баҳолаш меъёрлари бўйича, истисносиз қўкрак сути билан парваришланадиган болалар бошқа болаларга қараганда ҳаётининг дастлабки 6 ойи мобайнида тезроқ ўсади.

Эмизикли болаларга қўшимча овқат бера бошлаш қоидалари

1. Туғилгандан б-ойликкача истисносиз қўкрак сути билан эмизиб боқинг, б ойдан (180 кун) бошлаб эмизишни давом эттирган ҳолда қўшимча озуқани бериб боринг.

2. Тез-тез эмизиб туришни 2 ёш ва ундан ортиқ вақтгача давом эттиринг.

3. Психологик ёрдам тамойилларини қўллаган ҳолда боланинг жавоб беришига қараб овқатлантиринг.

4. Гигиенага амал қилинг ва маҳсулотларни хавфсиз тайёрлашга эътибор қаратинг.

5. Болага олти ойдан бошлаб тез-тез эмизишни давом эттирган ҳолда кам камдан, оз миқдорда таом бера бошланг ва бола улгайиб бориши билан озуқа миқдорини кўпайтириб боринг.

6. Бола улғайиб бориши билан унинг талаб ва имкониятига қараб овқат консистенцияси ва турли-туманлигини ошириб боринг.

7. Бола улғайиб бориши билан қўшимча овқат миқдорини кўпайтириб боринг.

8. Бола эҳтиёжларини тўла қоплаш учун озуқа моддаларига бой турли-туман озиқ-овқат маҳсулотлари билан парваришиланг.

9. Зарурат туғилганда витаминлари кучайтирилган қўшимча озуқа ёки чақалоқлар учун витамин-минерал қўшимчалардан фойдаланинг.

10. 6 ойдан кейинги даврда бола касал бўлганда суюқлик миқдорини оширинг ва тез-тез эмизинг ҳамда боланинг ўзи яхши кўрадиган юмшоқ маҳсулотларини ейишини рағбатлантиринг. Касаллиқдан сўнг одатдагидан кўпроқ ейишини рағбатлантиринг ва озуқа истемолини боланинг ёшига оид миқдорига мослаштиринг.

Одатга кўра, бола 6 ойга келиб туғилганда вазнидан икки баравар оғир бўлади ва анча фаол бўлиб қолади. Энергия ва озуқа эҳтиёжларини қоплаш учун истисносиз кўкрак сути билан парваришилашнинг ўзи етарли бўлмай, қўшимча овқат бера бошлиш керак бўлади.

Тахминан 6 ойлик даврида чақалоқ бошқа маҳсулотларни ҳам ўзлаштиришга тайёр бўлади. Ҳазм қилиш тизими сутдан ташқаридағи крахмал, оқсил ва ёғларни ҳазм қилиш учун етарли даражада ривожланган бўлади. Жуда кичкина болалар маҳсулотларни тили билан чиқариб ташлаши мумкин, лекин 6 ва 9 ой оралиғида чақалоқлар куюқ, бўткасимон таомни оғзида нисбатан осон ушлаб туради.

• 2-ТАМОЙИЛ. Бола талабига қараб икки ёшгача ва ундан кейин ҳам тез-тез эмизишни давом эттиринг.

Кўкрак сути билан эмизиш қўшимча овқат бериши билан бирга 2 ёшгача ва ундан ортиқ вақт давом этиши керак, шу билан бирга болага истаганча вақт оралиғида эмиш имкони берилиши керак. Кўкрак сути 6-12 ой оралиғида боланинг энергияга бўлган эҳтиёжининг ярмидан кўпини, 12-24 ой оралиғида эса энергия ва бошқа юкори сифатли озуқа моддаларига эҳтиёжнинг учдан бирини бериши мумкин. Кўкрак сути қўшимча овқат таркибиға нисбатан кўпроқ химоя омиллари ва юкори сифатли озуқа моддалари билан таъминлашда давом этади. Бола касал бўлган вақтда кўкрак сути энергия ва озуқа моддаларининг энг асосий манбаи бўлади, шу билан бирга

түйиб овқатланмайдыган болалар орасыда ўлим ҳолатини камайтиради. Бундан ташқари, 1-бобда айттылганидек, күкрак сути ўткыр ва сурункали касалликлар хавфини камайтиради. Күшимча овқат берила бошлаши билан боланинг күкрак сутига интилиши пасаяди ва шунинг учун унинг эмишини фаол рағбатлантириб бориш керак.

• **3-ТАМОЙИЛ.** Ижтимоий-психологик ёрдам тамойилларини күлллаган ҳолда боланинг муносабатига қараб овқатлантиришни күллант.

Күшимча овқатнинг мақбул бўлиши нафақат нима билан овқатлантиришга, балки қандай, қачон, қаерда ва ким томонидан овқатлантирилишига ҳам боғлиқ.

Боланинг муносабатига қараб овқатлантириш – бу:

■ Чашлоқни ўзингиз овқатлантиринг ва каттароқ ёшдаги болаларнинг овқатланишига ёрдам беринг.

■ Шошилмасдан, сабр билан овқатлантиринг, боланинг овқат ейшини рағбатлантиринг, лекин мажбурламанг.

■ Агар бола кўп маҳсулотларни ейишдан бош тортаётган бўлса, турли комбинация, таъм, тузилиш ва рағбатлантириш усулларини кўллант.

■ Агар бола овқатга қизиқишини тез йўқотадиган бўлса, чалғитувчи омилларни камайтиринг.

■ Шуни ёдда тутингки, овқатлантириш вақти – ўргатиш ва меҳр-муҳаббат пайтидир, овқатланиш вақтида кўз кўзга тушган ҳолда бола билан гаплашинг.

Кўпгина тадқиқотларининг натижаси кўрсатиши бўйича хулқ-атворни ўрганишда, батъзи халқларда овқатлантиришнинг тасодифий усули устун келар экан. Овқатланишда болалар ўз ҳолига ташлаб кўйилади, таомга рағбатлантириш кам учрайди. Бундай шароитда овқатлантиришнинг фаол услуги рационни яхшилашга ёрдам беради. «Муносабатга қараб овқатлантириш» атамаси ижтимоий-психологик ёрдам тамойилларини кўллаган ҳолда парваришлишни ифодалаш учун ишлатилади.

Парваришловчи шахс боланинг етарлича овқатланаёттанини билиши ва назорат қилиб бориши учун боланинг ўз товоқчаси бўлиши керак. Болани овқатлантириш учун таом турига қараб қошиқ ёки тоза қўллардан фойдаланиш мумкин. Идиш боланинг ёшига мос бўлиши керак. Кўпгина давлатларда бола қаттиқ овқат истеъ-

мол қила бошлаганда кичкина қошиқдан фойдаланади. Кейинчалик катта қошиқ ёки санчиқдан фойдаланиш мумкин.

Құшимча овқат бериш учун энг мақбул вақт бола овқатланишга тайёр бүлган вақт, яғни қорни оч ва она үз боласига күпроқ вақт ажрата оладиган вақтдир. Күннинг биринчи ярми афзалроқдир.

Күкрап сути камайишининг олдини олиш учун құшимча овқатни эмизгандан сўнг бериш мумкин.

• 4-ТАМОЙИЛ. Гигиенага риоя қилинг ва маҳсулотларни хавфсиз тайёрланг.

Құшимча овқатнинг микроб билан ифлосланишини кучайтиради айниқса, 6 дан 12 ойгача бүлган болаларда тез-тез учрайдиган ошқозон-ичак касалликларининг асосий сабабчиси ҳисобланади. Құшимча овқатни хавфсиз ҳолда тайёрлаш ва сақлаш микроб тушишини олдини олиши, шу билан бирга диарея хавфини камайтириши мумкин. Суюқлик бериш мақсадида сүргичли бутилкалардан фойдаланиш пиёладан (чашка) фойдаланишга қараганда күпроқ инфекция юқишини келтириб чиқариш эхтимоли кучлироқ, шунинг учун ундан имкон қадар камрок фойдаланилгани маъқул.

Чақалоқ ва кичкина болани овқатлантиришда ишлатиладиган пиёла, товоқча ва қошиқ каби барча буюмлар яхшилаб ювилиши лозим. Кўп давлатларда кўл билан ейиш одат ҳисобланади, баъзан «кўлда ейиладиган таом» деб аталадиган овқатнинг қаттиқ бўлакларини болалар қўлига тутқазиш мумкин. Ундай ҳолда парваришличининг ҳам, боланинг ҳам кўллари овқатланишдан аввал совун билан яхшилаб ювилган бўлиши керак.

Бактериялар иссиқ ҳароратда тез тарқалади, овқат совук жойда сақланса, секин тарқалади. Иссиқ иқлимда юзага келган бактерияларнинг кўпчилиги касаллик хавфини оширади. Овқатни музлатичда сақлашнинг имкони бўлмаса, уни тайёрлангандан кўп ўтмай (2 соатдан ортиқ эмас) бактерия кўпая бошламасидан истеъмол қилиш керак.

Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича асосий тавсиялар:

■ Тозаликка риоя қилинг;

■ Ҳом ва қайнатилган маҳсулотларни алоҳида сақланг;

■ Маҳсулотларга лозим бўлган иссиқликда яхшилаб ишлов беринг;

- Овқатни оптимал ұароратда сақланғ;
- Санитария нормалари бүйіча хавфсиз сув ва ярим тайёр маҳсулотларни ишилатинг.

• 5-ТАМОЙИЛ. 6 ойдан бошлаб, болага кичик миқдорларда овқат бера бошланғ үшін бола улғайиб бориши билан, тез-тез эмизишини давом эттирган ҳолда, овқат миқдорини күпайтириб боринг.

Овқатнинг умумий қыймати одатда осон бўлиши учун энергия кўрсаткичи билан, яъни бола эҳтиёжидаги килокалориялар (ккал) миқдори билан ўлчанади. Лекин бошқа озуқа моддалари ҳам мухим ҳисобланиб, улар асосий озуқа маҳсулотларининг ё бир кисми бўлади, ё уларга кўшимишадир.

Тушуниш мумкинки, кўкрак сути олти ойгача боланинг барча эҳтиёжни қоплади, лекин б ойдан кейин кўшимишча овқат ҳисобига қопланиши керак бўлган энергия етишмаслиги пайдо бўлади. Кўкрак сутига кўшимишча равишда зарур бўлган энергия 6-8 ойлик болаларда кунига 200 ккал, 9-11 ойлик болаларда кунига 300 ккал ва 12-23 ойлик болаларда эса кунига 550 ккал ни ташкил этади. Танқисликни қоплаш учун зарур бўлган овқат миқдори бола катта бўлган сари ва кўкрак сутини камроқ истеъмол қилиб борган сари кўпайиб бораверади.

4-жадвалда турли ёш гурухларида талаб қилинадиган овқат миқдори, турли ёшда эмизикли ва эрта ўшдаги болаларга зарур бўлган килокалориялар ўртача миқдори ҳамда бир кунда керакли бўлган энергия ҳажми билан таъминлайдиган овқатнинг тахминий ҳажми келтирилган. Бола улғайган ва ривожланган сари овқат миқдори ҳам ортиб боради. Жадвалда ҳар бир ёш гурухининг ўртача диапазони келтирилган.

Зарур бўлган овқат миқдори унинг энергетик зичлигига боғлиқ. Бу овқатда 1 мл ёки граммда мавжуд килокалориялар сонини билдиради. 100 мл кўкрак сутида тахминан 700 ккал ёки 1 мл сутда 0,7 ккал бор. Бу қыймат кўшимишча овқатда ўзгарувчан бўлади ва одатда бир граммда 0,6 дан 1,0 ккал гача бўлади. Суюқ ва аралаштирилган маҳсулотлар бир граммда тахминан 0,3 ккал дан ошмайди. Кўшимишча овқат 1 граммда 1,0 ккал бўлиши учун анча куюқ ва таркибида энергияга бой ҳисобланган ёғ ёки мой бўлиши керак.

Кўшимишча овқат кўкрак сутига қараганда кўпроқ энергетик зичликка, яъни камида 1 граммда 0,8 ккал бўлиши керак. 4-жадвалда

тавсия қилинган таом миқдори маҳсулотнинг 1 граммида 0,8-1,0 ккал бўлишини назарда тутади. Агар қўшимча овқат кўпроқ калорияли бўлса, энергия танқислигини қоплаш учун уни камроқ миқдорда истеъмол қилиш керак бўлади. Агар қўшимча овқат анча суюлтирилган бўлса, эҳтиёжни қоплаш учун кўпроқ ҳажмда берилиши талаб қилинади.

Қўшимча овқат берилаётганда бола кўкрак сутига камроқ интилади ва у истеъмол қилаётган сут миқдори камайиб боради, шу йўл билан овқат кўкрак сутини сиқиб чиқаради. Агар қўшимча овқат кўкрак сутига нисбатан кўпроқ суюлтирилган бўлса, бола қабул қилаётган калория миқдори ҳам истисносиз кўкрак сути эмганга қараганда камаяди ва бу тўйиб овқатланмасликнинг муҳим сабабига айланиши мумкин.

Боланинг иштаҳаси одатда берилиши керак бўлган овқат миқдорини аниқлашда ўлчов бирлик бўлиб хизмат қиласади. Бироқ қасаллик ва тўйиб овқатланмаслик иштаҳани пасайтиради, натижада бола ўзига керак бўлгандан камроқ овқат ейиши мумкин. Касалликдан ёки тўйиб овқатланмасликдан тикланаётган бола истеъмолига кераклигини таъминлаш учун қўшимча ёрдам талаб қилиниши мумкин. Агар бола тузалиши билан унинг иштаҳаси яхшиланса, берилаётган қўшимча овқат миқдорини кўпайтириш лозим бўлади.

Талабига кўра эмизиладиган 6-23 ой ёшдаги болаларга қўшимча овқат бериш бўйича тавсиялар

Ёш	Кўкрак сутига қўшимча равишда энергияга бўлган эктиёж	Консистенцияси	Нечта марта	Ҳар овқатланишдаги таом ҳажми *
6-8 ой	Кунига 200 ккал	Куюқ гуручли бўтқа ёки қиргичдан яхшилаб ўtkазилган овқатдан (масалан, сабзавотли пире) бошланг. Қиргичдан ўtkазилган овқат беришда давом этинг	Кунига 2-3 марта. Боланинг иштаҳасига қараб, 1-2 марта тамадди қилиш	Ҳар овқатланишда 2-3 ош қошиқдан бошланг, секин-аста 250 граммлик идишнинг ярмига кадар кўпайтириб боринг
9-11 ой	Кунига 300 ккал	Майдা тўғралган ёки қиргичдан ўtkазилган овқат ёки бола кўлида ушлай оладиган овқат	Кунига 3-4 марта. Боланинг иштаҳасига қараб, 1-2 марта тамадди қилиш	250 граммлик идиш/товоқчанинг ярми
12-23 ой	Кунига 550 ккал	Оилавий таом, зарурат бўлганда тўғралган ёки қиргичдан ўtkазилган овқат	Кунига 3-4 марта. Боланинг иштаҳасига қараб, 1-2 марта тамадди қилиш	250 граммлик идиш/товоқчанинг $\frac{3}{4}$ кисмидан тўлалигигача

Ёш диапазони қўйидагида талқин қилиниши керак: 6-8 ойлик бола – олти ой ва ундан катта (> 180 кун), лекин ҳали 9 ойлик эмас (< 270 кун).

Қўшимча маълумот

Жадвалда кўрсатилган овқат микдори маҳсулотнинг энергетик зичлиги 0,8 дан 1,0 ккал/г гача бўлган тақдирда тавсия этилади.

Агар энергетик зичлик таҳминан 0,6 ккал/г бўлса она овқатнинг энергетик зичлигини кўпайтириши (алоҳида озуқа маҳсулотларини қўшиш билан) ёки бир мартаға қабул қилинадиган овқат микдорини ошириши керак. Масалан:

- 6 дан 8 ойгача, секин-аста идишни учдан икки қисмигача кўпайтириб бориш;

- 9 дан 11 ойгача, идишнинг $\frac{3}{4}$ қисми ҳажмида бериш;

- 12 дан 23 ойгача, идишни тўлдириб бериш.

Маҳаллий мавжуд шариотлардан келиб чиққан ҳолда қўшимча овқатнинг энергетик таркибига қараб жадвални яна мослаштириш мумкин.

Она ёки тарбиячи боланинг очлик ва тўйинганлик белгиларини аниқлай олиш муносабатига қараб овқатлантириш тамо́йилларидан келиб чиққан ҳолда болани парваришлалари керак. Бу белгилар ҳар овқатлантирганда берилиши керак бўлган овқат микдорини ва қўшимча тамадди (енгил овқатланиш) заруратини кўрсатади.

* Агар бола эмизилмаётган бўлса, қўшимча бериш керак: кунига 1-2 идиш сут ва қўшимча 1-2 марта овқатлантириш.

• **6-ТАМОЙИЛ.** Бола улғайиб бориши билан унинг талаб ва имкониятига қараб, таом консистенцияси ва турли-туманлигини секин-аста кўпайтириб боринг.

Чақалоқ ёки кичкина бола учун озиқланиш маҳсулотларининг энг мақбул консистенцияси ёш ва нерв-мушак тизими ривожланишига боғлиқ. Олти ойдан бошлаб бола пюре, кирғичдан ўтказилган ёки яримқаттиқ маҳсулотларни истеъмол қила олади. Саккиз ойга келиб бола одатда кўлда ушлаб ейдиган овқатларни истеъмол қила бошлиши мумкин. 12 ойга келиб эса болаларнинг аксарияти оиласининг бошқа аъзолари ҳам истеъмол қиласидиган таомларни ейиши мумкин. Шунга қарамай, улар озуқа моддаларига бой овқатга эҳтиёж сезадилар, лекин ёнғоқ каби аллергия қўзғалиши мумкин бўлган маҳсулотлардан тийилган маъкул.

Қўшимча овқат қошиқ учida турадиган ва оқиб кетмайдиган даражада қуюқ бўлиши керак. Умуман олганда, қуюқроқ ва қат-

тикроқ маҳсулотлар суюқ, сувли ва юмшоқ маҳсулотларга қараганда кўпроқ энергетик қувватга ва кўпроқ озуқа моддалари зичлигига эга бўлади. Бола қуюқ, қаттиқ овқат еганда унга кўпроқ ккал бериш ва озуқа моддаларига бой турли ингредиентларни, шу жумладан, ҳайвон маҳсулотларини қўшиб бериш осон бўлади. «Тўғралган» («бўлакчали») овқат бера бошлигининг ўта муҳим даври ҳақида белги бор: агар у 10 ойлик ёшдан ўтгунча берилмаса, кейинчалик овқатлантириш билан боғлиқ муаммолар келиб чиқиши мумкин. Яримқаттиқ овқат беришда давом этиш вақтни тежаши мумкин, лекин боланинг оптималь ривожланиши учун секин-аста овқат куюқлигини ошириб бориш муҳим.

• 7-ТАМОЙИЛ. Бола улгайиб боргани сари қўшимча овқат бериш сонини кўпайтириб боринг.

Бола катта бўлиб, кўпроқ овқат микдорига эҳтиёжи ҳар куни ортиб боргани сари овқатлантириш сонини кўпайтириб бориш керак.

Чақалоқ ёки кичкина болага керак бўлган овқатланиш сони қўйидагиларга боғлиқ:

■ энергия танқислигини қоплаш учун болага зарур бўлган маҳсулотлар. Болага ҳар куни қанча кўп овқат керак бўлса, талаб қилинадиган энергия кўрсаткичига қараб таъминлаш учун шунча кўп марта овқатланиш керак бўлади.

■ бир ўтиришда бола ейиши мумкин бўлган овқат микдори. Бу боланинг одатда бир килограмм вазнга 30 миллиграммни ташкил этадиган ошқозони ҳажми ва ўлчамига боғлиқ. Саккиз килограммлик бола ошқозони ҳажми 240 мл.га teng бўлади, бу катта чашкага teng деганидир ва боланинг бундан кўп овқат ейишини кутиш нотўғри бўларди.

■ берилаётган овқатнинг энергия зичлиги. Кўшимча овқатнинг энергия зичлиги кўкрак сутиникидан юқори, яъни камида бир граммда 0,8 ккал бўлиши керак. Агар энергия зичлиги паст бўладиган бўлса, унда овқат микдорини кўпайтириш керак (овқатланиш сони ҳам шунга яраша кўпайиши мумкин).

4-жадвалда кўрсатилганидек, кўкрак сути билан эмизилаётган 6-8 ойлик бола кунига 2-3 марта, 9-23 ойлик бола эса кунига 3-4 марта овқатлантирилиши керак. Боланинг иштаҳасига қараб, 1-2 марта қисқа тамадди бериш мумкин. Тамадди дегандা бу ерда овқатланишлар орасида қабул қилинадиган, одатда бола ўзи мус-


такил қўлида ейдиган, тайёрланиши осон ва оддий бўлган таом назарда тутиляпти. Агар у қовурилган бўлса, энергия зичлиги юқори бўлиши мумкин. Икки марталик қўшимча овқатдан уч марталикка, кам миқдордан кўп миқдорга ўтиш боланинг иштаҳаси ва қандай ривожланаётганига қараб, секин-аста ёш гурӯхлари ўртасида амалга оширилади.

Агар бола жуда кам овқат еса, у энергия эҳтиёжини қондириш учун етарли овқат қабул қилолмайди. Агар бола жуда кўп еса, бу уни камроқ эмишга ёки эмизишни умуман тўхтатишга олиб келиши мумкин (сутдан чиқариш). Ҳаётнинг биринчи йилида кўкрак сутининг (қўшимча овқат томонидан) суриб чиқарилиши бола искеъмол қиласётган озуқа моддаларининг сифати ва сони камайишига олиб келиши мумкин.

• 8-ТАМОЙИЛ. Эҳтиёжларни қоплаш учун озуқавий моддаларга бой турли-туман маҳсулотлар билан овқатлантиринг.

Қўшимча овқат боланинг энергия ва озуқа танқислигини қоплаш учун етарли миқдорда энергия, оқсили ва микронутриентлар билан таъминлайди, демак у кўкрак сути билан бирга боланинг барча эҳтиёжларини қондиради.

9-расмда истисносиз кўкрак сути билан эмизилаётган 12-23 ойлик бола учун зарур бўлган энергия, оқсили, темир ва А витамини танқислиги кўрсатилган. Ҳар бир устуннинг қуи (тўқ рангдаги) панелида ўртacha 550 мл кўкрак сути искеъмоли билан таъминлаши мумкин бўлган боланинг озуқа моддалари ва энергияга бўлган кунлик эҳтиёжлари фоизи кўрсатилган. Юқори (оч рангдаги) қисмида эса қўшимча овқат билан тўлдирилиши лозим бўлган танқислик (етишмаслик) кўрсатилган.



9-расм. 12-23 ойлық даврдаги күкрап сути билан эмизиш давом этиб ривожланыётган болаларда озуқа моддалари ва энергия етишмовчилиги.

Әнг катта танқислик бу темир танқислигидир, шунинг учун күшімча овқатда темирнинг бўлиши мақсадга мувофиқидир, имкони бўлса гўшт, уй паррандаси ёки балиқ каби ҳайвон маҳсулотларини истемоли жуда мухим. Дуккаклилар (нўхат, ловия, ясмик) ва С витаминига бой, темир сўрилишига ёрдам берувчи маҳсулотлар муқобил бўлиши мумкин, лекин улар ҳайвон маҳсулотлари ўринини тўлиқ босолмайди.

Яхши күшімча овқат хусусиятлари:

- энергия, оқсил ва микронутриентларга (айниқса, темир, рух, калций, А витамини, С витамини ва фолат кислотасига) бой;
- аччиқ ва шўр эмас;
- бола уни осон истеъмол қиласди;
- бола уни хуш кўради;
- маҳаллий даражада (дўкон ёки бозорда) мавжуд ва нархи қиммат эмас.

Күшімча овқатнинг асосий таркиби одатда шу худудда ишлаб чиқариладиган ва етиштириладиган асосий маҳсулотлардир. Бо-

шоқлилар ва сабзавотлар асосий маҳсулотлар сарасига киради. Турли-туман озуқа моддалари билан таъминлаш мақсадида асосий маҳсулотга ҳар куни бошқа кўплаб маҳсулотларни кўшиб бориш мумкин. Уларга қуидагилар киради:

■ Оқсил, темир ва рухнинг манбаи бўлган ҳайвон маҳсулотлари ёки балиқ. Жигар А витамини ва фолат кислотасига бой маҳсулот. Тухум саригида оқсил ва А витамини кўп, лекин темир йўқ. Бола бу маҳсулотларнинг фақат суюқ (шўрва) ҳолатда эмас, қаттиқ шаклда ҳам тановул қилиши керак.

■ Сут, пишлоқ ва қаттиқ каби сут маҳсулотлари калций, оқсил, энергия ва В гурухи витаминларига бой ҳисобланади.

■ Дуккаклилар – нўхат, ловия, ясмиқ ва соя дуккакларида кўп микдорда оқсил ва бироз темир бор. С витамини манбалари маҳсулотлари хом ҳолатдаги маҳсулотларда (масалан, помидор, цитрус ва бошқа мевалар ҳамда яшил барғли сабзавотларда) бўлиб – ўз вақтида берилса улар темир сўрилишига ёрдам беради.

■ Мевалар ва сабзи, қовоқ каби тўқ сариқ сабзавотлар, исмалоқ каби тўқ яшил барғлилар А витамиnidан олинадиган каротин ҳамда С витаминига бой.

■ Мой ва ёғлар энергия ва болалар ўсиши учун зарур бўлган маълум жуда керакли ёғларнинг манбаи ҳисобланади.

Вегетариан (таркиби ўсимлик маҳсулотлари бўлган) кўшимча овқат 6-23 ойлик боланинг барча эҳтиёжларини қоплаш учун болага етарли микдорда темир ва рухни таъминлаб беролмайди. Бунга кўшимча равишда таркибида етарли микдорда темир ва рух бор ҳайвон маҳсулотларини ҳам истеъмол қилиш лозим бўлади. Бундан ташқари, бойитилган маҳсулотлар ёки кўшимчалари озуқа танқисликни маълум даражада қоплаши мумкин.

Мойлар, шу жумладан ёғлар, маҳсулотларнинг энергетик зичлигини ошириб, уларни янада мазалироқ қилгани учун ҳам муҳим ҳисобланади. Шунингдек, мойлар А витамини ва ёғли муҳитда эрийдиган бошқа витаминларнинг ўзлаштирилишига ёрдам беради. Баъзи мойлар бола организмини тенгсиз ёғли кислоталари билан таъминлайди. Мойлар кўкрак сути ва кўшимча овқат таркибидаги умумий энергиянинг 30-45 фоизини ташкил этиши керак. Мойлар микдори талаб қилинган меъёрий кўрсаткичдан юқори ҳам бўлмаслиги керак, акс ҳолда, таркибида оқсиллар ҳамда темир ва рух

каби бошқа мұхим моддалар бўлган таом етарли даражада истеъмол қилина олмаслиги мумкин.

Шакар энергиянинг қуюқ манбаи ҳисобланади, лекин унда бошқа озуқа моддалари йўқ. У болалар тишларининг шикастлашишига ҳамда ортиқча вазн ва семиришга олиб келиши мумкин. Шакар ва газланган сув каби ширин ичимликларни чеклаган маъкул, чунки у боланинг кўпроқ озуқа моддаларга эга таомга бўлган иштаҳасини тушириши мумкин. Чой ва кофеда темирнинг сўрилишига тўқсинглик қилиши мумкин бўлган бирикма моддалар мавжудлиги учун уларни кичик болаларга бериш тавсия этилмайди.

Оилалар чақалоқ ва эмизикли болалар рационидан маълум маҳсулотларни чеклашлари аллергия реакцияси билан боғлик ҳавотирларни камайтиришига ҳам хизмат қиласди. Шунга қарамай, чекланган пархезнинг аллергияни олдини олиш бўйича самарали эканлигини тасдиқловчи ҳеч қандай клиник тадқиқотлар йўқ. Шундай экан, чақалоқлар олти ойдан бошлаб турли-туман маҳсулотларни, шу жумладан, сигир сути, тухум ва балиқ кабиларни истеъмол қилишлари мумкин.

9-ТАМОЙИЛ. Зарурат туғилганда чақалоқларга витаминалар билан бойитилган қўшимча овқат ёки витамин-минерал қўшимчаларини беринг.

Витаминалари етарли бўлмаган қўшимча овқатда – асосан ўсимлик маҳсулотларида – одатда боланинг эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган мұхим озуқа моддалари (хусусан, темир, рух ва В6 витамини) етарли микдорда бўлмайди. Баъзи ҳолларда бундай овқатга ҳайвон маҳсулотларини қўшиш моддалар танқислигини бартараф этиши мумкин, лекин бу маҳсулотнинг умумий нархини оширади ва даромади кам оилалар учун тўғри келмайди. Бу озуқа моддаларига қараб эҳтиёжни қондиришда келиб чиқаётган қийинчиликлар фақатгина ривожланаётган давлатлар муаммосигина эмас. Агарда темир билан маҳсулотларни бойитиш дастурлари шунчалик кенг ва ҳаммабоп бўлмаганида, саноати ривожланган мамлакатларда чақалоқлар истеъмол қиласидиган темирнинг ўртача микдори талаб қилинган мейёрга яқин келмас эди. Шундай экан, кўп оилалар учун ҳайвон маҳсулотларига эришиш мушкул ёки умуман имкони йўқ бўлган шароитларда, темир билан бойитилган

қўшимча овқат, таркибида озуқа моддалари ёки липидлар асоси-даги бўлган озуқа қўшимчалари билан бойитилган ва витамин-лаштирилган маҳсулотларга талаб ортиб бораверади.

• 10-ТАМОЙИЛ. 6 ойликдан кагта болалар касаллик вақтида суюқлик беришни ва эмизишни кўпайтиринг, болани ўзи хуш кўрган юмшоқ маҳсулотларини ейишга рағбатлантиринг. Касаллиқдан кейин эса кўпроқ одатдагидан кўпроқ овқат ейишга рағбатланти-ринг ва ёш гурухига мос келадиган меъёrlарга яқинлаштиринг.

Касаллик вақтида кўпинча суюқликка эҳтиёж оргади, шунинг учун болага кўпроқ сув бериш ва талабига қараб эмизишда давом этиш ке-рак. Кўпинча боланинг иштаҳаси камайиб, эмишга иштиёқ кучаяди ва бунда кўкрак сути ҳам суюқлик, ҳам озуқа моддаларининг асосий ман-баига айланиши мумкин.

Шунингдек, боланинг кўпроқ қўшимча овқат ейишини рағбат-лантириш керак, бу озуқа моддаларининг қабул қилиниши ва бола-нинг тезроқ соғайишига ёрдам беради. Агар болага ўзи хуш кўрадиган маҳсулотлар ҳамда юмшоқ ва иштаҳаочар таомлар берилса, бола одатда кўпроқ ея бошлайди. Бу вақтда бола еган овқат миқ-дори одатдагидан камроқ бўлиши мумкин, шундан келиб чиқсан ҳолда парвариш қилувчи одам болага тез-тез, лекин оз-оздан миқ-дорда таом бериб туриши керак.

Чақалоқ ёки ёш боланинг соғайиши вақтида иштаҳаси яхши-ланади, бу вақтда парваришловчи одам ҳар овқатланиш пайтида кўпроқ овқат бериши ёки кун давомидаги овқатланиш ва тамадди-лар сонини кўпайтириши керак.

3.6 Озуқа микронутриентлар қўшимчалари бўйича тавсиялар

Микронутриентлар эрта ёшдаги болаларнинг ўсиши, ривожла-ниши ва касалликларнинг олдини олишда муҳим ҳисобланади.

А витамини

Бутжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ) ва ЮНИСЕФ тўйиб овқатланмаслик хавфи юқори бўлган давлатларда 6-59 ой-лик болалар учун А витамини универсал қўшмаларни биринчи ўриндаги қўшимча восита сифатида тавсия этади (5-жадвал).

Изоҳ. Ўзбекистонда ЮНИСЕФ қўллаб-қувватлаши билан 2003 йилдан буён йилнинг ҳар олти ойда б дан 59 ойгача бўлган болалар орасида *A витамини саплементацияси (тавминоти)* ўtkазилади.

А витамини танқислиги профилактикаси учун универсал юқори дозалар тақсимланиши жадвали

6-12 ойлик чақалоқлар	100 000 ХБ ичга, ҳар 4-6 ойда
> 12 ойдан юқори ёшдаги болалар	200 000 ХБ ичга, ҳар 4-6 ойда

Бундай давлатларда юқори дозали А витаминини қызамиқ, диарея, нафас йўли касаллуклари, сувчечак, бошқа оғир инфекциялар билан касалланган болаларга ёки А витамини танқислиги бор болаларга бевосита яқинликда яшаётгандарга ҳам бериш керак.

Темир. Одатга кўра, қўшимча овқат берила бошлаган вақтда темир моддали биологик фаол қўшимчалар эмас, витаминлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари афзалроқ ҳисобланади. Безгак ва бошқа инфекцион касаллуклар кенг тарқалган шароитларда темир препаратини беришда эҳтиёткор бўлиш керак. Безгак учун эндемик бўлган ҳудудларда темир препаратларини универсал қабул қилиш тавсия этилмайди. Агар яшаётган ҳудудингизда таркибида темир бор қўшимчалардан фойдаланилаётган бўлса, уларни темир моддаси етарли бўлган болаларга бериш мумкин эмас, чунки у бундай болаларда оғир салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳудудларда анемия профилактикаси ва уни даволаш учун аввалига темир танқислиги мавжуд болаларни аниқлаш керак, бунда ўз ўринда безгакка қарши ва бошқа антибактериал даволаш мумкин бўлган имкон борлигини ҳам ҳисобга олиш керак.

Йод. 1994 йилда БССТ ва ЮНИСЕФ томонидан барча одамларни етарли микдорда йод билан таъминлашнинг хавфсиз, иқтисодий самарали ва барқарор стратегияси сифатида тузни универсал йодлаш (ТҮЙ) тавсия этилди. Бироқ йод танқислиги юқори бўлган ҳудудларда аҳолининг эътиборга муҳтоҷ қатлами – ҳомиладорлар, эмизикили аёллар ва икки ёшгача бўлган болаларнинг етарли микдорда йод қабул қилишларини таъминлаш мушкул, агар ТҮЙ етарли даражада амалга оширилмаса, у ҳолда таркибида йод бор бўлган қўшимчалар берилиши керак бўлади. БССТ/ЮНИСЕФнинг ҳомиладор ва эмизикили аёллар, кичкина болаларнинг етарли микдорда йод истеъмол қилишларига эришиш бўйича “Кўшма баённомасида” давлатлар то-

ифаларга бўлиниб, йод билан таъминлашни шу асосда амалга ошириш тавсиялари берилган.

Рух. Рух қўшимчаси диареяни даволашда қўшимча терапия сифатида тавсия этилади. Рухни (кунига 20 мг) диарея билан оғриган барча болаларга 10-14 кун давомида бериш тавсия қилинади. Олти ойгача бўлган болаларда рух дозаси кунига 10 мг ни ташкил этиши талаб қилинади.

3.7 Кўшимча овқатлантириш бўйича тавсияларни маҳаллий шароитга мослаштириши

6-жадвалда озиқ-овқат турлари, улар таркибидаги асосий озуқа моддалари ва қўшимча овқатлантиришни тўғри олиб бориш учун уларни болаларга қандай бериш мумкинлиги бўйича тавсиялар берилган. Бошқарувчи тамойилларга жавоб берадиган ҳамда маҳаллий шароитдан келиб чиқсан ҳолда ва мақбул нархдаги озиқлантириш бўйича аниқ тавсияларни ишлаб чиқиши мақсадида тавсияларни маҳаллий шароитга мослаштириш лозим бўлади. Мослаштириш жараёнига парваришловчилар ва оиласларни жалб этиш, шшу билан бирга маданият нуқтаи назаридан мақбул қарорлар қабул қилиш фойдан холи бўлмайди. Одатга кўра, қуйидаги чоралар кўрилиши лозим:

- Овқатлантиришнинг миллий ва маҳаллий нормаларини кўриб чиқиши.
- Маҳаллий даражада мавжуд бўлган маҳсулотлар рўйхатини ишлаб чиқиши.
- Жадвалга кўра маҳаллий маҳсулотлар озуқа моддалари бўйича таркибини аниқлаш.
- Боланинг турли озуқа моддаларига бўлган кундалик эҳтиёжини таъминлай оладиган маҳсулотлар микдорини ҳисоблаб чиқиш, бунинг учун чизикли дастурлаш усусларидан фойдаланиш мумкин.
- Тарбияловчилар ва оиласлар ўз болалари учун мақбул деб берадиган маҳсулотларни ва уларнинг микдорини баҳолаш ҳамда овқатлантириш усуслари ва танловларини аниқлаш.
- Оналар ва бошқа шахсларга овқатлантиришнинг янги, яхшиланган усусларини танлаш ва амалда қўллаш имконини бериш мақсадида такомиллаштирилган усуслар синовларини ташкил этиш.

Күшімчалардың мәдениеттегі маңыздылығы

Қайси маңыздыларни ва нима учун бериш	Маңыздыларни қандай бериш
Күкрап суті: 23 ойгача энергия ва юқори сифатлы озуқа моддалари билан таъминлайды.	6-11 ойлик чақалоқтар ■ Күкрап суті билан эмизиінде давом этинг:
Ассоциальны маңыздылар: ёрма – крупка, энергия ва бироз миқдорда оқсил ва витаминлар билан таъминлайды.	■ Тегишли порцияда беринг: - Гуруч, гречка, жұхоридан куюқ бүткәларига сут ва сариёғ күшгап ҳолда;
■ Мисоллар: бошоқли ўсимликтер (гуруч, гречка, сули, жұхори), Илдизмекілар (картошка, сабзи).	- Картошка, жұхори, гречка ёки гуручдан тайёрланған маңыздыларнинг майдаланған қоришималари: балиқ, дүккәнлілар билан аралаштырынг, яшил сабзазаттар күшпинг.
Хайвон маңыздылары: юқори сифатлы оқсил, темір, рух ва витаминлар билан таъминлайды	■ Озуқавий күввати юқори тамадди беріб туринг: тухум, банан, олма, пишлоқ, сут, творог, қатық, печене ёки крекерлар.
Сут маңыздылары: оқсил, энергия, аксарият витаминлар (айниқса, А витамины ва фолат кислотаси), калций билан таъминлайды.	12-23 ойлик болалар
■ Мисоллар: сут, пишлоқ, қатық ва творог.	■ Күкрап суті билан эмизиінде давом этинг
Яшил барғаллар ва тұқ сарық рангы сабзазаттар: А, С, витаминлари фолий кислотаси билан таъминлайды	■ Тегишли порцияда беринг: - Маңыздыларнинг люреси ёки майда тұргалғанларини балиқ ёки ловия билан аралаштырынг, яшил сабзазаттар күшпинг.
■ Мисоллар: исмалоқ, лавлаги, сабзи, қовок.	- Жұхори, гуруч, гречка, сули, прессонинг куюқ бүткәсига сут ёки сариёғ күшпинг.
Донни ва дүккәнли маңыздылар: оқсил (ұрта сифатлы), энергия, темір (үнчалик яхши сүрілмайды) билан таъминлайды.	■ Озуқавий күвватта зерттеуде беріб туринг: тухум, банан, олма ва башқа мевалар, қатық, пишлоқ, сут, печене ёки крекерлар, ёғ суртилған нон.
■ Мисоллар: ясмиң, нұхат, ловия.	
Мойлар ва ёлар: энергия ва жуда мұхит ёғ кислоталари билан таъминлайды.	
■ Мисоллар: мойлар (ўсимлик), маргарин, сариёғ.	

ЭСЛАТМА:

Темірга бой бүлгап маңыздылар:

■ Жигар, хайвон гүшти, құш гүшти (айниқса, қорамтири гүшт), темір билан бойитилған маңыздылар.

А витаминнан бой маңыздылар:

■ Жигар, тухум сарығи, тұқ сарық рангдаги мева ва сабзазаттар, тұқ яшил сабзазаттар.

Рухга бой бўлган маҳсулотлар:

■ Жигар, ҳайвон гўшти, қуш ва балиқ гўшти, тухум сариғи.

Калцийга бой бўлган маҳсулотлар:

■ Сут ва сут маҳсулотлари, суякли майда балиқ.

С витаминига бой маҳсулотлар:

■ Хўл мева, помидор, ширин булғори (яшил, қизил, сариқ), яшил барглар ва сабзавотлар.

Қайси гурухлар яхши натижага бераётгани ҳақидаги тескари алоқани маҳаллий шароитлардан ўрганиб олингани маъқул.

Витамин-минералли қўшимчалар бу тавсияларга киритилиши керакми ёки йўқми, бу маҳаллий даражада мавжуд маҳсулотлардаги зарур микронутриентлар таркиби ва болаларнинг мувофиқ маҳсулотларни етарли миқдорда ея олишларига боғлиқ.

Қўшимча овқат беришда амалий тавсиялар

Куйида овқатланиши рационининг кўкрак сутидан оила дастурхони таомларига ўтишининг асосий босқичлари қисқа шаклда берилган. Бу босқичлар узлуксиз жараён бўлиб, бир босқичдан иккинчисига ўтиш нисбатан тез ва силлиқ (бир текис) ўтади. Ёш гурхига мос равишда ривожланаётган болаларнинг қўшимча овқатлантиришга ўтишга тайёрлиги ўргасидаги фарқларни кўра олиш, демак қўшимча овқат сифатида турли маҳсулотлар бериш жадаллиги индивидуал асосда олиб борилиши кераклигини тан олиш ҳам жуда муҳим. Куйида келтирилган тавсиялар эмизикли болалар етарли миқдорда озуқа моддаларини олиши, озуқа моддаларининг биологик мослиги ва зичлиги имкон қадар юқори бўлишини ҳамда тегишли хулқ-атвор кўникмаларининг рағбатлантирилиши ва боланинг тўғри ривожланишига ёрдам беришга қаратилиган.

Биринчи босқич

Кўникмаларнинг ривожланиши

Бу бошлангич босқичдан мақсад эмизикли болани қошиқда ейишига ўргатищдан иборат. Аввалига овқатни оз миқдордан (таксиминан бир ёки икки ош қошиқ ҳажмидаги) ва тоза чой қошиғи учida бериш керак. Эҳтимол, бола лаблари билан қошиқдан овқатни олиш ва ютишга тайёргарлиги бўлиши ва овқатни оғиз бўшлигининг орқа қисмига ўтказишни ўрганиши учун маълум вақт керак

бўлар. Овқатнинг бир қисми ияқдан оқиши ёки оғиздан тушиб кетиши мумкин. Бунга бошданоқ тайёр бўлиш керак, шуни билингки, бу болага овқат ёқмаяпти, дегани эмас.

Суюқликлар

Бола истисносиз кўкрак сути билан эмизиб боқилган даврда гидек истагига қараб тез-тез давом этган ҳолда эмизиш керак ва кўкрак сути суюқлик, озуқа моддалари ва энергиянинг асосий манбай бўлиб қолиши керак. Бу даврда бошқа ҳеч қандай суюқликлар керак эмас.

Ўтиш даври овқати

Ўтиш даври бошида болага бир турдаги маҳсулотдан иборат, эзилган ва юмшоқ консистенцияли, шакар, туз ёки ўткир зирауорлар қўшилмаган овқатлар бериш керак. Ижобий мисоллар қаторига буғдойдан ташқари бошоқли ғалла ўсимликларидан тайёрланган уйда қайнатилган ва эзилган гуруч, картошка пюреси, анъанавий бошоқли маҳсулотлардан тайёрланган куюқ бўтқа (сули бўтқаси, сабзавот ёки мевадан тайёрланган пюрелар) кабиларни киритиш мумкин. Пюрени янада юмшоқроқ қилиш учун унга кўкрак сути (ёки сунъий сут қорищмаси) қўшиш мумкин.

Овқатланишининг оралиги

Овқат истеъмол қилиш ва янги таъм ҳисларидан роҳатланиш кўникмаларига кунига бир-икки марта қўшимча овқат тановул қилиш ёрдамида эришиш мумкин. Кўкрак сутининг қўшимча овқат томонидан суреб чиқарилишини олдини олиш мақсадида қўшимча озуқани эмизишдан кейин берган маъкул.

Иккинчи босқич

Кўникмаларнинг ривожланиши

Бола қошиқдан овқатлантирилишга кўникканидан сўнг рацион турли-туманлигини яхшилаш ва ҳаракат кўникмаларининг ривожланиши учун янги таъм ва консистенциядаги овқатлар бериш мумкин (8-жадвал). Эмизикли болаларнинг янада қуюқроқ пюрелар истеъмол қилишга тайёрлигини кўрсатувчи омилларга болаларнинг таянчсиз ўтира олиши ва нарсаларни бир қўлидан иккинчисига ўтказа олишини киритиш мумкин.

Суюқликлар

Бола истисносиз кўкрак сути билан эмизиб боқилган даврда гидек истагига қараб тез-тез давом этган ҳолда эмизиш керак ва

кўқрак сути суюқлик, озуқа моддалари ва энергиянинг асосий манбай бўлиб қолиши керак. Бу даврда бола истисносиз кўқрак сути билан эмизилган даврига нисбатан камроқ ҳам эмиши мумкин.

Ўтиши даври овқати

Яхши қайнатилган ва эзилган гўшт (айниқса,, жигар), дук-каклилар, сабзавотлар, мевалар ва турли бошоқли маҳсулотларни бера бошлиш мумкин. Болаларнинг янги маҳсулотларни ижобий қабул қилишини рағбатлантириш учун истемол қилаётган таниш овқатига янги таъмни қўшиш, масалан эзилган сабзавотга гўшт қўшиб бериш мумкин. Худди шундай тарзда, қуюкроқ овқат бера бошлиш вақтида бола яхши кўрган таомни янги, тузилиши жиҳатидан дағалроқ нарсалар билан арапаштириб бериш мумкин (масалан, сабзининг кичик, лекин сезиларли даражада катта бўлаклари). Шакар ўрнига хушбўй, ўткир таъмли овқат ейишни рағбатлантирган малькул, десертда эса шакар кам бўлиши тавсия этилади.

Овқатланишининг оралиги

Кўшимча овқат бера бошлагандан кейин бир неча ҳафта ўтиши билан эмизикли болага турли-туман маҳсулотларни унча катта бўлмаган микдорда кунига икки-уч марта бера бошлиш керак.

Учинчи босқич

Кўникмаларнинг ривожланиши

Болалар ривожланишда давом этган сари уларнинг чайнашга ва кичик таом ютумларини ейишга ўрганишларига ёрдам бериш учун янада қуюқ консистенциядаги овқатларни бера бошлиш мумкин. Аниқ ҳаракат кўникмаларнинг ривожланиши ва тишларнинг пайдо бўлиши билан эмизикли болалар таомнинг кичик бўлакларини олиб оғзига солиш ва чайнашни ўргана бошлайди, бу вақтда болаларга қўл билан ейиш мумкин бўлган егуликлар бериш билан бундай кўникмалар ривожланишини рағбатлантириб бориш лозим.

Суюқликлар

Кўқрак сути орқали энергиянинг доимий бериб турилиши учун бола истагига қараб эмизишда давом этавериш керак. Бироқ бола улғайган сари унинг озуқа эҳтиёжларини қоплашда ўтиш даври овқати орқали бериладиган энергия ва озуқа моддаларининг аҳамияти ортиб боради. Таомни тайёрлашда оз микдорда сигир сути ва бошқа сут маҳсулотларини қўшиш мумкин, 9 ойдан кейин эса кўқрак сути билан ортиқ эмизилмаётган болаларга суюлтирилма-

ган (модификация қилинмаган) сигир сути бериш мумкин. Кўкрак сутидан бошқа суюқликларни идишда (пиёла, косача) қошиқдан бериш тавсия қилинади.

Ўтиш даври овқати

Сабзавотларни эзилганча қайнатиш, гўштни эса гўштқиймалагичдан ўтказиб, бўлакчалар шаклида қоришириш керак. Овқат турли-туман бўлиши тавсия этилиб, кун давомида истеъмол қилинадиган маҳсулотар таркиби мева ва сабзавотлар, дуккаклилар ва оз миқдорда балиқ, қатик, гўшт, жигар, тухум ёки пишлопларнинг бўлиши мақсадга мувофиқдир. Сальмонелла билан заҳарланиш хавфини олиш мақсадида тухумни тегишли тарзда қайнатиш жуда муҳим; таркибида хом тухум бор таомларни бермаслик керак (12-бобга қаранг). Ҳар овқатланганда бармокда ейиш мумкин бўлган овқат, масалан, қизартирилган нон, сабзи ёки мева бериш мақсадга мувофиқ. Нонга ўртамиёна миқдорда ёғ суриб бериш мумкин, пишириқ ва пирожное каби шакар қўшилган маҳсулотларни ҳадеб беравермаган маъкул.

Овқатланиш оралиги

Ҳар куни икки-уч марта овқатлантириш, уларнинг оралиғида эса қатик, хом ёки пиширилган олма, ёғ суртилган нон каби тамадди маҳсулотларини бериш керак. Бу босқичга келиб кўкрак сути ёки сунъий қоришма сут билан эмизилмаётган болаларнинг кунига камида беш марта овқатланиши тақозо этилади.

Тўртинчи босқич

Кўникмаларнинг ривожланиши

Кўшимча овқат беришнинг сўнгги ойларида болани овқатлантириш уларнинг мустақил овқатланишлари билан аралаштириб борилиши керак. Аммо эмизикли ва эрта ёшдаги болалар овқатланиш бўйича ўз кўникмаларини энди ҳосил қилаётган даврда улар ўз эҳтиёжларини қондира оладиган даражада мустақил овқатлана олмайдилар, шунинг учун болани парваришаётган шахслар уларнинг овқатланишида аввалгидай муҳим роль йўнайди (9-боб).

Суюқликлар

Кўкрак сути овқатланиш рационининг муҳим қисми бўлиб қолиши ва имкон қадар ҳаётининг иккинчи йили (ва ундан ортиқ) мобайнида истеъмолдаги асосий суюқлик бўлиб қолиши керак.

Тұққиз ойдан бошлаб секин-аста сигир сути ва ундан тайёрланган сут маҳсулотлари истеъмолини ошириб бориш мүмкін.

Үтіши даври овқаты

Бола катталар овқатланиш рационига ўтиб боргани сари майда кесилған ёки әзилған маҳсулотлар, қиймалагиңдан ўтказилған гүшт беріб бориш керак. Ҳар овқатланишда болани мустақил ейишига ўргатыб бориш учун құлда ейиш мүмкін бўлган мева, сабзавот, картошка, тост, пишлөқ ва юмшоқ гүштнинг кичик тўғрамларини бориш керак. Фақат ёғли маҳсулотлардан тайёрланган таомлардан чекланган маъкул.

Овқатланиш оралиги

Эмизикли болалар кунига уч марта овқатланиши, икки марта енгил тамадди қилишлари керак.

Бир ёшга келиб болалар одатда дастурхондаги таомлардан ея бошлайды ва алохіда тайёрланган овқатлар талаб қилинмайды. Боланинг овқатига туз қўшмаслик тавсия этилади ва туз истеъмолини камайтириш оиланинг бошқа аъзолари учун ҳам фойдалидир. Болалар секин овқатланади ва уларга қўшимча вақт ҳамда эътибор ажратилиши кераклигини кўзда тутиш лозим. Эмизикли ва эрта ёшдаги болалар ейишига ўрганаётган даврда уларни рағбатлантириш, овқатлантираётган шахсларга эса сабрли бўлиш талаб этилади. Бола оила дастурхонидан ўзи мустақил овқатланишига ташлаб қўйилмай, унга ёрдам берилса ва етарлича рағбатлантирилса, истеъмол қилинаётган овқат миқдори бирмунчага кўпайиши мүмкін. Овқатланиш вақтида доим эмизикли ва эрта ёшдаги болалар овқатланишини назорат қилиб бориш керак.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. ОИЛА ТИББИЁТИДА ҲАМШИРАЛИК ИШИ ФАНИ.....	4
1.1.Оила тиббиётининг ривожланиш тарихи	4
1.2.Оила тиббиётининг асосий тамойиллари	8
1.3. Олмаота декларацияси.....	18
1.4. Ўзбекистонда бирламчи тиббий ёрдамни ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг умумий тамойиллари.....	18
II БОБ. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА САНИТАР ОҚАРТИРУВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ОЛИБ БОРИШДА ҲАМШИРАЛИК ЁНДАШУВИ.....	77
2.1. Санитар оқартируви тушунчаси	78
2.2. Санитар оқартув мақсадлари	80
2.3. Санитар оқатувининг кўринишлари ва унинг соғлиқقا таъсири	82
2.4. Санитар оқартувининг етти ўлчови	82
2.5. Санитар оқартирувига бўлган ёндашув.	83
2.6. Санитар оқартувининг этик воситалари ва аниқ тадқиқот..	86
III БОБ. ЎСМИРЛАРГА ТИББИЙ – ИЖТИМОИЙ ВА РУХИЙ ЁНДАШУВДА ОИЛА ҲАМШИРАСИННИНГ ВАЗИФАЛАРИ.....	88
3.1. Ўсмирлик гурухлари.....	88

3.2. Ўсмирларнинг озиқланиши.....	88
3.3. Уй шароитида bemор ўсмир болаларни парвариш қилиш	94
IV БОБ. КЕКСА ВА ҚАРИ ЁШДАГИ БЕМОРЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	98
4.1. Геронтология ва гериатрия фани ҳақида тушунча.....	98
4.2. Инсон ҳаётида қариш жараёнининг кечиши	104
4.3. Геронтологик bemорларни клиник текширишни ўзига хос хусусиятлари	105
4.4. Кекса ва қари ёшдаги bemорлар реабилитацияси	115
4.5. Соғлом кекса ва қари инсонларнинг овқатланиш тамойиллари	116
V БОБ. НОГИРОНЛИКДА ҲАМШИРАЛИК ПАРВАРИШ.....	122
5.1. Ногиронлик даражалари.....	122
5.2. Ногиронлиқда юз бериши мумкин бўлган асоратлар.....	124
5.3. Ногиронлиқда гигиена.....	131
VI БОБ. СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ, ХАВФ ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ	134
6.1. Гиёхвандлик.....	135
6.2. Токсикомания.....	149
6.3. Носнинг заарли таъсирлари	155
6.4. Тамаки чекиши	158
6.5. Алкоголизм	166
VII БОБ. ОИЛАТИБИЁТИ ҲАМШИРАСИННИНГ ОИЛАДА АЁЛЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТАРТИБИ	174
7.1. Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш	174

7.2. Контрацепцияни тарғиб этишда ҳамширалар роли.....	180
7.3. Аёлларда камқонлик ва рационал овқатланиш	183

VIII БОБ. УЙДА ТИББИЙ ХИЗМАТ КҮРСАТИШ ВА ПАРВАРИШЛАШНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ.....203

8.1. Оила тиббиёти ҳамширасининг уй шароитида беморларни парваришлиш қоидалари бўйича йўриқлар бериш принципи....	203
8.2. Оилани оқилона режалаш тамойиллари	208

IX БОБ. БИРЛАМЧИ ТИББИЁТ ТИЗИМИДА ПАТРОНАЖ ХИЗМАТИ.....227

9.1. Ўзбекистон Республикасида патронаж хизмати тарихи.....	228
9.2. Янги түгилган чақалоқ ва 3 ёшгача бўлган даврда болалар патронажи.....	229
9.3. Амалий ишни ўрнатилган стандартларга мувофиқ олиб бориш	233
9.4. Вакцинопрофилактика ўтказишида оила ҳамширасининг роли	235
9.5. Уй шароитида гўдакларни парвариш қилишда кўкрак суги билан боқишининг аҳамияти, гўдаклар, болаларни овқатлантиришда қўшимча овқатларни киритиш ҳақида ҳамширалар томонидан оналар учун маслаҳатлар олиб бориш тактикаси	250

**Э.А.Шамансурова, А.А.Тиллабаева,
Л.Б.Сайдова, Г.Г.Махкамова,
М.А.Хўжамбердиев**

ОИЛА ТИББИЁТИДА ҲАМШИРАЛИК ИШИ

Мухаррир *Aхтам Рўзимуротов*
Бадий мухаррир ва
техник мухаррир *Дилмурад Жалилов*
Саҳифаловчи *Мадина Абдуллаева*
Мусаххих *Нигора Фаниева*

Нашиёт лицензияси АИ № 315. 24.11.2017.
2020-йил 24-сентябрда босишга рухсат этилди.
Бичими 60x84 1/16. Times New Roman гарнитураси.
Офсет босма. 18,75 шартли босма табоқ. 17,45 нашр табоги.
Адади 100 нұсха. 304 рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида

YOSHLAR NASHRIYOT UYL.
Шайхонтохур тумани, Навоий күчаси, 11-үй.

«Yoshlar matbuotি» МЧЖда чоп этилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол күчеси, 60.

96306

53.3.43
034

ISBN 978-9943-6679-7-6

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-6679-7-6.

9 789943 667976